

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM VAZIRLIGI
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
NAMED AFTER ALISHER NAVOI**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

**“JAHON ILM-FANI TARAQQIYOTIDA
TARJIMASHUNOSLIKNING AHAMIYATI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy konferensiya materiallari
6-noyabr 2021-yil**

**Articles of international scientific conference on
“THE IMPORTANCE OF TRANSLATION STUDIES
IN THE PROGRESS OF WORLD SCIENCE”
November 6, 2021**

**Материалы международной научной конференции
«ЗНАЧЕНИЕ ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЯ В РАЗВИТИИ
МИРОВОЙ НАУКИ»
6 ноября 2021 г.**

Toshkent – 2021

“Jahon ilm-fani taraqqiyotida tarjimashunoslikning ahamiyati” xalqaro ilmiy konferensiya materiallari, Toshkent, 2021. -180 bet.

Mazkur konferensiya materiallariga filologiyaning bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan tarjimashunoslik masalalariga oid ilmiy maqola va tezislar kiritilgan. To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarda tarjimashunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, tarjima tarixi, tarjimashunoslik taraqqiyoti tamoyillari, o‘zbek tarjimachiligi jahon tarjimashunosligi kontekstida, badiiy matnni talqin va tarjima qilish muammolari, O‘zbekistonda turizmni rivojlantirishda madaniyatlararo muloqot va badiiy tarjimaning ahamiyati, tarjima nazariyasi va amaliyoti fanining o‘qitish istiqbollari kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Xorijlik mutaxassislar, xalqaro doiradagi olimlar, shuningdek, filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, tarjimashunoslar va adabiyotshunos bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to‘plamdan joy olgan.

To‘plam tarjimashunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo‘ljallangan, shuningdek, “Tarjima nazariyasi va amaliyoti” fanini o‘qitishda oliy o‘quv yurti talabalari uchun ham qo‘shimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

Tahrir hay’ati

Shuhrat Sirojiddinov	f.f.d., professor, ToshDO‘TAU rektori
Anvar Sayfullayev	f.f.f.d., dotsent (ToshDO‘TAU)
Abdumajid Mamadaliyev	f.f.n., dotsent (ToshDO‘TAU)
Qosimboy Ma’murov	f.f.n., professor (ToshDO‘TAU)
Bahodir Xoliqov	f.f.f.d., dotsent (ToshDO‘TAU), (<i>mas’ul muharrir</i>)
Ziyoda Teshaboyeva	f.f.d., dotsent v.b. (ToshDO‘TAU)
Odiljon Safarov	f.f.n., dotsent (ToshDO‘TAU)
Mahmadiyor Asadov	ToshDO‘TAU tayanch doktoranti, (<i>mas’ul kotib</i>)

Taqrizchilar:

Bahodir Karimov	–	filologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan yoshlar murabbiyi
Jamoliddin Yoqubov	–	filologiya fanlari doktori, professor, O‘zbekiston davlat jahon tillari universiteti

To‘plamdan o‘rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas’uldirlar.

Ushbu to‘plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2021-yil 2-noyabrdagi 8-sonli yig‘ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

I. TARJIMA TARIXI. TARJIMASHUNOSLIKNING TARAQQIYOT TAMOIYILLARI

O'ZBEK HIKOYALARINING ARAB TILIGA TARJIMALARI XUSUSIDA

Mahmuda Saydumarova,
Amir Sulton Universiteti
(Saudiya Arabistoni, ar-Riyod),
msaydumarova@psu.edu.sa
m.saydumarova@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada o'zbek adabiyotidan tanlab olinib, arab tiliga tarjima qilingan va arab mamlakatlarida nashr etilgan o'zbek hikoyalarining arab o'quvchilari va adabiyotshunoslari tomonidan qanday qabul qilingani hamda arab matbuotida ushbu hikoyalar va tarjimalar haqida bildirilgan fikrlar keltiriladi.

Kalit so'zlar: o'zbek adabiyoti, o'zbek hikoyalari, tarjimashunoslik, tarjima.

Аннотация. В статье рассматриваются переводы избранных современных узбекских рассказов на арабский и их публикации в арабских странах, восприятие этих литературных произведений арабскими читателями и литературоведами, и их мнения об этих рассказах и переводах, опубликованных в арабской прессе.

Ключевые слова: узбекская литература, узбекские рассказы, переводоведение, перевод.

Abstract. The article examines the translations of selected modern Uzbek stories into Arabic and their publications in Arab countries, the perception of these literary works by Arab readers, as well as the opinions of Arab literary scholars about these stories and translations.

Keywords: Uzbek literature, Uzbek short stories, translation studies, translation.

Vatanimiz mustaqillikka erishgandan buyon u dunyo sari yuz tutib, turli sohalarda tanilib kelmoqda. Mamlakatimizni dunyodagi barcha davlatlar e'tirof etdi, ularning ko'pchiligi bilan siyosiy-iqtisodiy va madaniy aloqalar o'rnatildi. Xalqlar o'rtasida aloqalar rivojlanar ekan, ular bir-birlarining madaniyatlari bilan tanishadilar. Adabiy asarlar ham xalqlarni bir-birlariga tanishtirishda xizmat qiladi.

O'zbek adabiyoti namunalarining xorijiy tillarga qilingan tarjimalari sirasida amerikalik tarjimon Mark Eduard Riss tomonidan amalga oshirilgan "O'tgan kunlar" ("Bygone days", 2019), Indiana universitetida magistratura bosqichida ta'lim olayotgan chog'imda tarjima qilib, nashr etganim "Tanlangan o'zbek hikoyalari" ("A Collection of Uzbek Short Stories", 2012) kabi kitoblar ingliz zabon o'quvchilar orasida tanishdir. Yaqinda arab dunyosida Asror Allayorovning o'zbekchadan inglizchaga qilgan tarjimasi ("A Journey to the Heart") livanlik tarjimon Tag'rid Fayyoz arab tiliga "Rihla ila-l-qalb" ("Qalbga safar") nomi bilan tarjima qilib Qohirada (2021) nashr etdi. O'zbek adabiyotidan sovet davrida vositachi til, asosan rus tili orqali sharq tillari, jumladan arab tiliga bir qator badiiy asarlar tarjima qilingan. Mustaqillik davrida esa o'zbek adabiyoti namunalarini aslyatdan arab tiliga tarjima qilish amalga oshirila boshlandi.

Arabiston yarim orolida joylashgan, jug'rofiy jihatdan kichik, biroq siyosiy, iqtisodiy, madaniy va ma'rifiy jihatdan nafaqat Arab dunyosida, balki butun olamda o'ziga xos ahamiyatga va o'ringa ega bo'lgan Kuvayt davlati arab xalqlarini dunyo madaniyati, san'ati va adabiyoti bilan tanishtirish borasida bir necha yillardan buyon katta ishlarni amalga oshirib kelmoqda.

1969 yili Kuvayt davlatida "Jahon teatri" nomi bilan tashkil etilgan va dunyo xalqlari san'ati, madaniyati va adabiyotidan tarjima qilingan badiiy asarlar turkumi, keyinchalik "Jahon badiiy ijodiyoti" nomi bilan nashr qilinib kelmoqda. Bu turkumda dunyoning turli xalqlari adabiyoti namunalari har ikki oyda bir kitob sifatida chop etiladi. Ana shu davr ichida ushbu nashr orqali Arab olami xalqiga butun dunyo adabiyoti namunalari tarjima orqali taqdim etilmoqda. Bular

orasida sanash uchun emas, balki misol tariqasida Braziliya (“Braziliya hikoyalari”), Hindiston (Amrita Puritamning “Havoning ikki yuzi” asari), Yaponiya (“Yoz chechagi” - yapon yozuvchilari hikoyalari), Turkiya (“Hozirgi zamon turk hikoyalari”), Rossiya (Ivan Buninning “Mityaning muhabbati” romani), Eron (“Etti ayol, yetti qissa” - eron yozuvchi ayollarining hikoyalari), Vengriya (“Vengr halqi she’riyatidan”) va Amerika hindulari (“Vladimir Hilbachning “Amerika hindulari hikoyalari va afsonalari” kitobi) va boshqa ko‘plab xalqlar adabiyoti namunalarining arab tiliga qilingan tarjimalarini aytib o‘tish joiz.

2009 yil dekabr oyida Kuvayt Davlati Madaniyat, san’at va adabiyot Milliy Kengashi tomonidan “Tanlangan o‘zbek hikoyalari” nashr qilinishi ham o‘zbek-arab madaniy aloqalarini mustahkamlashga, xalqlarimizni bir-birimizning adabiyotimiz bilan tanishtirish va adabiyotimiz orqali bir birimizning madaniyatimiz, tariximiz, turmush tarzimiz va urf-odatlarimiz bilan tanishtirish hamda madaniy aloqalarimizni mustahkamlash yo‘lidagi jiddiy bir qadam deb qarash mumkin.

Kuvaytda nashr etilgan ushbu “Tanlangan o‘zbek hikoyalari” [“Muxtarat..., 2009”] to‘plamining tuzuvchisi, tarjimoni va undagi so‘zboshi hamda izohlar muallifi arabshunos tarjimon Murtazo Saydumarov bu to‘plamga XX asr o‘zbek adabiyotining hikoya janriga mansub bo‘lgan eng yaxshi asarlarni tanlab olgan. U kirish so‘zida o‘zbek adabiyotida hikoya janrining shakllanishi, uning kamolot yo‘li haqida so‘z yuritib, arab o‘quvchilarini o‘zbek adabiyotida hikoya janrining shakllanishi, bu adabiy asarlarning mavzulari va ularda ko‘tarilgan muammolar va o‘zbek hikoya janrining yo‘nalishlari va taraqqiyot yo‘li bilan tanishtiradi. Ba’zi hikoyalar, ularning qahramonlari, mavzularning jamiyat hayotini aks ettirishi haqida so‘z yuritadi.

Bu to‘plamga Abdulla Qodiriy, Abdulhamid Sulaymon o‘g‘li Cho‘lpon, G‘afur G‘ulom, Abdulla Qahhor, Said Ahmad, Tohir Malik, O‘tkir Hoshimov, Ulug‘bek Hamdam kabi adabiyotimizning buyuk namoyandalarining tanlangan hikoyalari kiritilgan. Adabiyotimizning hikoya janri namunalari bo‘lmish bu asarlar jamiyatimiz hayotining turli qirralarini ochib beradi. Abdulla Qodiriyning “Jinlar bazmi”, Cho‘lponning “Qor qo‘ynida lola”, G‘afur G‘ulomning “Mening o‘g‘rigina bolam” asarlari o‘zbek adabiyotida hikoya janrining shakllanishida o‘ziga xos muhim o‘rin tutgan asarlar bo‘lsa, Said Ahmadning “Kelinlar qo‘zg‘oloni” hikoyasi har bir o‘zbek o‘quvchi uchun tanishdir. Nargiza G‘ulomovaning “Shaharlik kelinchak” hikoyasi esa o‘zbek jamiyatida, uning ijtimoiy hayotidagi qaynona-kelin munosabatlarining o‘zbek oilasiga xos xususiyatlari bilan tanishtiradi. Abdulla Qahhorning “Adabiyot muallimi” va Farhod Musajonovning “Nozik masala” hikoyalari jamiyatimiz tarixida onda-sonda ro‘y bergan ba’zi salbiy jihatlarni fosh etuvchi satirik va komik asarlardir. O‘lmas Umarbekovning “Qiyomat qarz”, Tohir Malikning “Ajab dunyo” hikoyalari halollik va poklikni, omonatga xiyonat qilmaslik va va’daga vafo qilishlikni tarannum etuvchi, yaxshilik va yomonlik o‘rtasidagi kurashni aks ettiruvchi teran asarlardir. Nosir Fozilovning “Ko‘kyol”, Omon Muxtorning “Oppoq qor” hikoyalari qishloq hayoti va o‘zbek xalqining psixologik portretini ifodalovchi asarlardandir.

To‘plamda Oydin Hojiyevaning “Ramazon”, Normurod Norqobulovning “Kamalak” va Tog‘ay Murodning “Bobosi va nevarasi” hikoyalari bolalar adabiyoti namunalaridan, to‘g‘rirog‘i, bolalarning psixologik portretini yaratuvchi asarlardan desak bo‘ladi.

Xayriddin Sultonovning “Nuqta” nomli tarixiy hikoyasi buyuk bobokalonimiz Zahiriddin Muhammad Boburning hayotiga oid bo‘lib, uning o‘y-fikrlari va qayg‘u-g‘amlarini ifodalovchi teran tarixiy mavzudagi asarlardandir.

Va nihoyat, Ulug‘bek Hamdamning “Lola” hikoyasi falsafiy-psixologik mavzudagi zamonaviy yo‘nalishda yozilgan yangi adabiyotimiz namunasi hisoblanadi.

Kitobda har bir yozuvchining hayoti va ijodiga oid qisqacha ma’lumot berilgan. Shuningdek, tarjimon zarur joylarda o‘quvchiga tushunarli bo‘lishi uchun ba’zi so‘zlarni izohlab o‘tgan.

O‘zbek adabiyotidan arab tiliga qilingan tarjimalar Arabiston yarim orolidagi eng katta mamlakat Saudiya Arabistonidagi ijtimoiy, siyosiy, madaniy va adabiy jurnallarda ham nashr etildi. Jidda adabiyot klubining “Navafiz” (“Derazalar”) jurnalida, Podsho Faysal nomidagi islomiy tadqiqotlar va ilmiy izlanishlar markazining “al-Faysal as-saqafiyya” va “al-Faysal al-adabiyya” jurnallarida ham o‘zbek adabiyotiga oid adabiy tanqidiy maqolalar, she’rlar va hikoyalar

arab tilida nashr etildi. 2017 yili Riyozdagi Axborot va arab-rus tadqiqotlari markazi “Fannu-l-qissa fi-l-adab al-uzbekiy al-hadis. Dirasa naqdiyya va qisas muxtara” (“Hozirgi zamon o‘zbek adabiyotida hikoya janri. Adabiy tanqidiy taqiqot va tanlangan hikoyalar”) kitobini nashr etdi.

Biz ushbu satrlarda tarjima orqali o‘zbek adabiyotimiz Arab dunyosida arab o‘quvchilari tomonidan qanday qabul qilinganligi haqida va ular bildirgan ba’zi fikr-mulohazalar haqida to‘xtalmoqchimiz. Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, Kuvayt davlatida nashr etiladigan “Jahon badiiy ijodi” turkumidagi kitoblar Arab dunyosining barcha davlatlarida keng tarqatiladi. Shuning uchun ham biz bu yerda internet sahifalarida e’lon etilgan turli arab davlatlari vakillarining qalamiga mansub bo‘lgan ba’zi taqrizlarning qisqacha mazmunini ham keltiramiz.

Misrlik yozuvchi Bilol Ramazon “al-Yavm as-Sabe” ro‘znomasida “Jahon badiiy ijodiyoti” turkumi o‘zbek hikoyalarini taqdim etadi” nomli maqolasida Kuvaytda chop etilgan “Tanlangan o‘zbek hikoyalari” haqida o‘quvchilarga xabar berib, tarjimon tomonidan yozilgan so‘zboshidan ba’zi ko‘chirmalarni keltiradi va “arab o‘quvchilarini bu kitobni o‘qib chiqishga da’vat etaman” deydi [Ramazon. 2010:4].

Suriyalik adiba Rim Badriddin Bazzal “Arab adiblari forumi”ga qarashli “Adabiyot ravoqlaridagi uchrashuvlar” ruknida shunday yozadi:

“Biz uchun nafaqat jug‘rofiy uzoqligi sababli, balki bu o‘zining go‘zalligi, soddaligi va mukammalligi bilan o‘quvchini asir etuvchi bu insoniy adabiyot asarlaridan qilingan tarjimalarning kamligi yoki deyarli yo‘qligi sababli biz uchun notanish bo‘lib qolayotgan ushbu adabiyot namoyandalarining asarlaridan tanlab olingan namunalar bizni yangi muhitga olib kirmoqda. Bu to‘plam sobiq sovet hukmi ostida bo‘lishiga qaramay o‘z madaniyati, milliy tili va islom dini saqlab qola olgan xalq haqida hikoya qiladi. Bu insoniy sahnalarni ifoda etgan asarlar to‘plami arab tiliga yuksak mahorat bilan tarjima qilingan. O‘quvchilarga bu to‘plamni maroq bilan o‘qishlarini va undar foyda olishlarini tilayman” [Bazzal. 2010].

“Ar-Ray” gazetasi o‘quvchilarga ushbu to‘plamni taqdim qilar ekan, O‘zbekiston haqida, uning tarixi, mustaqillikka erishishi, uning islom madaniyati va sivilizatsiyasiga qo‘shgan hissasi, uning eng muhim shaharlarini tanishtirish bilan bir qatorda o‘zbek adabiyotining jahon adbiyotidagi o‘rni, uning rus adabiyoti bilan aloqasi, undan ta’sirlanganli, rus madaniyati va tilining O‘rta Osiyo xalqlari, jumladan, o‘zbek madaniyati va o‘zbek tiliga ta’siri haqida qisqacha to‘xtalib, o‘zbek adabiyoti o‘zligini saqlab qolganligini ta’kidlab o‘tadi.

“Maharaati” (“Mahoratlarim”) forumi ushbu kitob bilan tanishtirar ekan, u o‘zbek adabiyoti va o‘zbek hikoya janri haqida qisqacha ma’lumot keltirib, to‘plamning “Muxtarat min al-qisas al-qasira al-uzbekiya” - “Tanlangan o‘zbek hikoyalari” deb nomlanishini, qayerda va qachon nashr etilganlini va hajmi bilan bir qatorda to‘plamga asarlari kiritilgan mualliflarning ism-shariflarini to‘liq keltiradi.

Suriyaning “al-Baas” gazetasida e’lon qilingan “Bu yil men o‘qigan va menga yoqqan eng go‘zal kitob” turkumida adib va dramaturgiya tanqidchisi Muhammad Bariy al-Avaniy quyidagilarni yozadi:

“O‘quvchilarning e’tiborini umuman roman tortib kelgan bo‘lsa-da, hikoya janri kitobxon uchun o‘zining qisqaligi bilan emas, balki ijodning sifati va uning o‘quvchida qoldiradigan ta’siri bilan qiziqarlidir. Hikoya o‘quvchiga makon va zamonda asar qahramonlari faoliyatining va voqealarning zichligi bilan va ularning bir yerga mujassamlashgani bilan ta’sir qilar ekan, bu undagi dramatism va bayon etishning mujassamligini bildiradi. Bu esa undagi har bir elementni yuzaki va tushunarsiz hamda ehtiyojdan ortiqcha bo‘lmasligini talab etadi. Qo‘limdagi “Tanlangan o‘zbek hikoyalari to‘plami” turli avlod vakillari bo‘lmish o‘zbek hikoyanavislarining turli yo‘nalishlarini ifoda etadi. Lekin ularni mushtarak hayot, bir tarix, bir siyosiy va iqtisodiy tuzum jamlaydi. Ushbu to‘plamni Murtazo Saydumarov tarjima qilgan va unga so‘zboshi yozgan.

Yigirmata hikoyadan iborat bu kitob tanida qoni jo‘shgan qahramonlarning faoliyatini qamrab oluvchi ajoyib va ulug‘vor olamni o‘z ichiga oladi. Bu olam ko‘z o‘ngimizda jilvalanadi. Bundanda go‘zalroq, bundanda ajoyibrog‘i yo‘qdir. Bu esa bizning qalbimizda o‘zining insoniy, ruhiy, ahloqiy, ijtimoiy ta’sirini hayratli darajada osonlik bilan qoldiradi. Bu bizga ko‘pincha o‘ylamay, qayta-qayta aytadigan gapimiz esga soladi, ya’ni ijodkor asarning natijasi, xulosasini,

xotimadagi umumlashtirmalarni o'ylamay ijodiy matn yaratishi mumkin. "Tanlangan o'zbek hikoyalari" qalblarni asir etuvchi darajada oson bayon etishning nodir namunasidir. Biroq u voqealarning, kechinmalarning va orzu-umidlarning haqiqiyligini, balki tarixiy voqe'lik bilan uyg'unlashib ketuvchi badiiy voqe'likning haqiqiyligini bayon eta bilish bilan asir etadi. Bu tanlangan o'zbek hikoyalari turli xitoblar va shiorlar ta'siri ostidagi sun'iy qahramonlar va mafkura bilan to'ldirib tashlangan sovet adabiyoti yaratgan asarlardan mutlaqo farq qiluvchi insoniy ruhiy kechinmalarni bayon etuvchi go'zal adabiy asarlardan iboratdir. Mana bizning ko'z oldimizda yangi O'zbekiston yaqqol namoyon bo'lmoqda" [al-Avaniy, 2010:6].

Birlashgan Arab Amirliklarining "al-Ittihod" gazetasida e'lon qilingan Saad Jum'a o'zining "Mahalliy adabiyotni muhofaza qilish" nomli maqolasida [Jum'a: 2010:4] "Tanlangan o'zbek hikoyalari"ni o'quvchilarga tanishtirar ekan, bu voqea arab amirliklari adabiyotida hikoya janri va adabiyotning qasida, roman kabi boshqa janrlarini dunyoga tanishtirish uchun o'rnak bo'ladi, degan fikrni bildiradi.

Suriyada nashr etiladigan "Baladuna" gazetasida Ro'z Sulaymon to'plam haqida, uning so'zboshisida keltirilgan ma'lumotlar xulosasi bilan bir qatorda hikoyalar haqida, bu hikoyalar mualliflarining uslublari haqida fikr bildiradi [Sulaymon, 2010:5].

Falastinlik adib Mahmud Abdulmalik Iydning "Tanlangan o'zbek hikoyalari" to'plamiga kiritilgan Tohir Malikning "Ajab dunyo" hikoyasini o'qib, undan ta'sirlanib yozgan o'y-mulohazalari urush qiyinchiliklarini, u keltirgan musibatlarni o'zining bosib olingan vatanida jabr tortgan falastin halqining boshidan kechirayotganlari bilan qiyoslaydi. "Men Murtazo Saydumarov tarjima qilgan ushbu hikoyalar to'plamini nashrga qadar diqqat bilan o'qib chiqdim. Undagi barcha hikoyalar menga yoqdi, ularning har biri qiziqarli va maroqli bo'lib tuyuldi. Lekin mana shu hikoyalar ichida "Ajab dunyo" hikoyasi meni juda ta'sirlantirdi. Qayta-qayta o'qishga jalb etdi. Ehtimol, bu hikoyaning menga yoqishida bizning boshimizga tushgan urush, zulm, qamal, zo'ravonlik, qatl va o'lim kabi omillarning qo'li bordir" [Iyd, 2019:329].

Misrlik adabiyotshunos va yozuvchi Munir Utayba "Hikoya muhabbati bilan" nomli kitobida dunyo xalqlari, jumladan, misr, bahrayn, yaman, hitoy va koreys adabiyotida hikoya janrini tahlil qilish asnosida o'zbek adabiyotidagi hikoya janriga ham alohida tadqiqot bag'ishladi. U "Tanlangan o'zbek hikoyalari" o'zbek hikoyalari ikki marta o'qiganini va mazkur kitob "bir necha bor o'qishga munosib" ekanligini ta'kidlaydi. "O'quvchi ushbu kitobni bir marta va bir necha marta o'qish uchun sarflagan vaqtiga aslo afsuslanmaydi. U yangi dunyoni, yangi hayotiylikni, o'zgacha fikrlaydigan va o'zgacha his qiladigan insonlarni kashf etadi. Lekin u ana shu inson bilan chuqur aloqada bo'lib, uning, ya'ni o'quvchining insoniyligini oshiradi" [Utayba, 2016:8].

Biz yuqorida misol qilib keltirilgan va undan boshqa bir qator arab dunyosi gazetalari va jurnallarida "Tanlangan o'zbek hikoyalari"ni o'qib, undan zavq olgan va ta'sirlangan o'quvchilarning ba'zi fikrlarini keltirib o'tishishni maqsadga muvofiq deb topdik.

Adabiyotlar:

1. "Muxtarat min al-qisas al-qasira al-uzbekiya". Ta'lif: Majmu'a mina-l-udaba al-uzbek. Tarjama va taqdim: Murtazo Saydumarov. Murojaa: Ne'matullo Ibrohimov. Kuvayt, 2009, dekabr, №381. ("Tanlangan o'zbek hikoyalari", Mualliflar jamoasi. Tarjimon va so'zboshi muallifi: Murtazo Saydumarov, Taqrizchi: Ne'matullo Ibrohimov).
2. Ramazon, Bilol. "Jahon badiiy ijodiyoti" turkumi o'zbek hikoyalarini nashrini tantanali nishonlaydi". "Al-Yavm as-Sabe" gazetasi. Qohira. 2009 yil. 18 dekabr.
3. Bazzal, Rim Badriddin. "Arab adiblari forumi"ga qarashli "Adabiyot ravoqlaridagi uchrashuvlar" turkumi. 2010 yil 20 fevral
4. Al-Avaniy, Muhammad Bariy. "2009 yili men o'qigan va menga yoqqan eng go'zal kitob". "Al-Baas" gazetasi. 2010 yil 11 fevral. № 13871.
5. Jum'a, Saad. "Mahalliy adabiyotni muhofaza qilish". Birlashgan Arab Amirliklarining "al-Ittihod" gazetasi. 2010 yil 21 fevral.
6. Sulaymon, Ro'z. "O'zbek hikoyalari to'plami". "Baladuna" gazetasi. 2010 yil 1 mart.

7. Iyd, Mahmud Abdulmalik. “O‘zbek Tohir Malikning “Ajab dunyo” hikoyasini o‘qib...” Tohir Malik. “Ajab dunyo” kitobida. Toshkent.”Yangi kitob”, 2019.
8. Utayba, Munir Muhammad Sayyid. O‘zbek hikoyalari. San'at va jamiyat suhbatdoshligi. “Al-Ahrom” gazetasi. 2016 yil 17 avgust.

ÉLABORATION DU DICTIONNAIRE GASTRONOMIQUE FRANÇAIS-OUZBEK

Raïma Shirinova,

*Docteure ès lettres de l'Université
Nationale de l'Ouzbékistan
(Tachkent, Ouzbékistan)*

Ce projet est né d'un premier constat. En Ouzbékistan, les menus des restaurants/café sont généralement en russe ou en ouzbek sans image. Ce fait rend difficile la commande de plats pour un étranger de passage dans notre pays. À notre échelle, nous avons pu observer ce problème puisqu'à plusieurs reprises nous avons accueilli des Français et nous avons systématiquement eu à leur présenter la composition des plats, d'autant plus que certains étaient végétariens ou avaient des allergies et qu'à ce titre ils étaient très soucieux de connaître le contenu de leur assiette. Ce phénomène donne un aperçu de l'écart culturel qui existe entre les Ouzbeks et les Français, et plus largement les Occidentaux, puisque la question du végétarisme n'est pas du tout d'actualité dans notre société où les préoccupations diététiques restent mineures. En outre, l'incompréhension d'un menu ouzbek ne tient pas qu'à la seule barrière du langage puisque nous avons pu constater qu'il était également nécessaire d'expliquer la carte des plats à des étrangers russophones. La forme joue donc un rôle important et proposer un menu en français ou en anglais ne rendrait pas forcément plus accessible son contenu.

Le second élément qui nous a incité à réaliser ce dictionnaire est lié à notre démarche de chercheurs et de traducteurs. En effet, à l'occasion des traductions que nous avons pu entreprendre, de l'ouzbek à une langue étrangère et inversement, nous avons été confrontés à la difficulté de traduire les plats qui y étaient évoqués. J'ai d'ailleurs moi-même consacré une étude à ce sujet et analysé dans une douzaine de traductions de livres ouzbeks les erreurs commises. Les problèmes que rencontrent nos traducteurs sont liés à leur méconnaissance des réalités étrangères et à cela s'ajoute un entêtement à nommer une réalité n'existant pas dans la langue de traduction. Par exemple :

- « Халқимизда “аталадан тиш синибди” деган гап бор. Аслида аталадан тиш синмайди [7 :7] » est traduit ainsi par Tatyana Bordan : « On dit chez nous, chez les Ouzbeks, que même en mangeant **du kissel** on peut se casser une dent. (Met liquide et sucré à base de jus de fruits) [8:64]. »

- « Энахон уни айвонга таклиф қилиб, бир пиёла-ярим пиёла чой ичишга ва меҳмондорчиликдан келган **қатлама** дан насиба олишга чақирса ҳам сира қўнмади. (58-бет) » est traduit : « Enakhan lui proposa de s'asseoir sous l'avant toit pour prendre quelques tasses de thé et une part des **qatlama** rapportée de la soirée... (p.77) »

- « Арслонкул катта **бир лаганда усти қатикли, мурчли манти** олиб кириб, ўртага қўйди. (320-бет) » est traduit : « Arslankoul avait apporté et posé devant des convives **un grand plat de pelmenis** (boulettes de viande dans de la pâte, analogues aux raviolis) accommodés **au lait caillé** et au poivre. (p.326.) »

- « Варақи сомсалар қилсак, оқ унлардан ғалати **мантилар, чучваралар** қилсак, бойларникида бўладиган **димлама қўғурмалар** қилсак... (36-бет) » est traduit : « Si au moins, on pouvait lui faire **des chaussons à la pâte feuilletée**, de délicieux **raviolis à la vapeur ou à la graisse**, d'une farine bien blanche, ou **du ragoût** comme chez les riches. (p.49) »

• «Биз эт кўрмаймиз, - деди кампир, - **мирзо йигит**. Агар **убра** ёки **умоч** десанг, жоним билан қилиб бераман.» est traduit: «Nous ne mangeons jamais de viande, **mirza-djiguite**, répondit la vieille. »

• «Тур, **айрон** олиб чиқ, - тўнғиллаб буюрди Тўғонбек. (54-бет) » est traduit : « Lève-toi ! Apporte-vo*i* **de l'ayran** (mélange de lait caillé et d'eau), commanda sévèrement Tuganbeg. (p.61.) »

Le projet d'un dictionnaire de gastronomie ouzbèke tend donc à répondre aussi bien à nos besoins universitaires qu'à la nécessité de rendre accessible aux étrangers notre culture gastronomique.

Notre département de philologie de français a pris l'initiative d'entreprendre ce projet parce qu'il rentre dans notre champ d'études en matière de traduction. En effet, nos professeurs travaillent autour d'autres problématiques de ce genre dans le cadre de leur thèse de doctorat. Certains analysent le transfert de mots culturels d'autres les erreurs et la qualité des traductions littéraires et cela donne lieu à l'élaboration d'outils visant à faciliter le travail des traducteurs. Parmi ces outils, citons un dictionnaire culturel, un dictionnaire de métaphores, un dictionnaire des traditions ouzbèkes, un autre concernant les instruments musicaux et enfin un dernier répertoriant les proverbes ouzbeks. Ces dictionnaires tendent à résoudre les difficultés de la traduction littéraire liées aux différences culturelles et permettent de rendre plus accessible notre culture aux étrangers.

Pour réaliser ce projet nous avons suivi le protocole suivant :

Tout d'abord, nous avons étudié et analysé des dictionnaires gastronomiques déjà existants. Ensuite, nous avons élaboré une liste des plats traditionnels ouzbeks les plus emblématiques puis nous avons reformulé de manière synthétique les définitions trouvées dans certains outils comme le *Dictionnaire raisonné de la langue ouzbèke*, l'*Encyclopédie des plats ouzbeks* ou le site internet www.menu.com. Pour expliciter les définitions, nous avons choisi d'accompagner chaque plat d'une photographie et nous avons entrepris de traduire en russe, français et anglais l'ensemble de l'ouvrage. Enfin, nous avons fait appel à des spécialistes pour vérifier les traductions.

Le dictionnaire a d'ores et déjà été soumis à validation et a reçu un brevet d'enregistrement officiel du programme pour machines informatiques électroniques de la République d'Ouzbékistan (№ 00944-08.10.2018). Par la suite, nous ambitionnons de réaliser une application qui permettrait d'avoir accès au dictionnaire depuis un ordinateur ou un téléphone portable et ce gratuitement. En effet, même si ce dictionnaire est le fruit d'une réflexion universitaire, nous souhaitons qu'il touche un public plus large et vienne répondre aux besoins des touristes évoqués au début de notre présentation.

À présent, je vais vous présenter les différentes sources auxquels nous avons eu recours pour élaborer le *Dictionnaire gastronomique* :

Les définitions ont été rédigées à l'aide du *Dictionnaire raisonné de la langue ouzbèke*, de l'*Encyclopédie des plats traditionnels ouzbeks*, de menus de restaurants ouzbeks proposant une cuisine traditionnelle ainsi que de sources écrites de l'Association des Cuisiniers ouzbeks (оғзаки манба).

Et nous nous sommes appuyés sur l'analyse des sources suivantes pour élaborer l'ensemble de l'ouvrage :

• Livres

- Ўзбек тилининг изоҳли луғати, Ўқитувчи, Tachkent, 1981.
- *Dictionnaire gastronomique français/ anglais*, Hippocrene Books, New-York, 1997.
- *Le Grand Larousse gastronomique*, Editions Larousse, Paris, 2012.
- К.В. Кимчук, *Англо-русский и русско-английский словарь по гастрономии и напиткам*, Живой язык, Moscou, 2015.

- Ўзбек таомлари. Ўқитувчи наشريёти-матбаа ижодий уйи, Tachkent, 2016.

- Joel Robuchon, *Dictionnaire gastronomique*, Larousse, Coll. Beaux livre, Paris, 2017.

• Sites

- *Русско-английский кулинарный словарь*: <https://forum.say7.info/topic6024.html>.
- *Узбекская кухня*: www.darvaza.uz.

- *Гастрономический словарь путешественника*: www.menu.com.
- *Кулинарный словарь*: <https://www.povarenok.ru/dict/>.

Enfin, avant de vous présenter notre *Dictionnaire gastronomique* en tant qu'objet, je souhaite vous faire part des difficultés que nous avons rencontrées lors de sa réalisation. Par exemple, l'analyse du *Dictionnaire raisonné de la langue ouzbèke* nous a amené à constater que tous les plats traditionnels n'y étaient pas répertoriés. Pour les plats absents de ce dictionnaire, nous avons dû nous rapporter à d'autres sources ou nous appuyer sur la tradition orale. En outre, la traduction des plats a soulevé beaucoup d'interrogations liées aux différences culturelles. En effet, certains ingrédients ou instruments de cuisine sont propres à notre culture et aucune traduction ne peut en rendre compte correctement (ex. : *etmak* pour les herbes aromatiques locales, *suzma* pour les produits à base de lait, *manti qashxon* ou *tandur* pour les outils de cuisson, etc.). Pour parer à cette difficulté, nous avons décidé de présenter à l'aide de périphrases certains éléments en préambule du dictionnaire afin que le lecteur soit familiarisé avec ces éléments spécifiques de notre culture mais aussi pour qu'il ne soit plus nécessaire par la suite d'expliquer ces termes dans la présentation des plats, ce qui aurait alourdi certaines présentations. Dans ces cas-là, le mot ouzbek est conservé dans la traduction. Nous nous sommes également interrogés sur la nécessité de traduire le nom des plats. Constatant que la traduction du nom du plat revenait souvent à donner la définition de celui-ci nous avons décidé de nous abstenir de traduire cet élément. Enfin, le recours à des natifs pour corriger les épreuves du dictionnaire s'est révélé plus que nécessaire car il nous a permis d'éviter certains écueils. Par exemple, ce que nous appelons « *kabob* » nous l'avons traduit par « kebab » or, ce que le mot « kebab » évoque à un natif français n'a rien à voir avec ce qu'est notre « *kabob* ».

1) Présentation de l'ouvrage

a) Avant-propos : Il nous a semblé indispensable de rédiger un avant-propos à notre dictionnaire pour expliquer notre démarche mais aussi rendre compte des spécificités générales de notre gastronomie afin de ne plus avoir besoin d'y revenir dans les définitions. Ainsi, nous avons souhaité expliquer aux lecteurs que la viande est un ingrédient important dans notre cuisine, que nous ne cuisinons pas le porc et que les viandes les plus couramment utilisées sont la viande de bœuf et la viande de mouton. Pour cette raison, nous avons choisi de ne pas mentionner s'il était question de viande de bœuf ou de mouton dans les définitions et de ne spécifier la provenance de la viande qu'à condition qu'elle soit autre que ces deux-là (ex : viande de cheval). Dans le même esprit, nous y expliquons aux lecteurs que les herbes aromatiques (en particulier l'aneth, la coriandre et le persil) sont fréquemment employées dans la cuisine ouzbèke et que pour ne pas surcharger les définitions nous avons choisi de ne pas le rappeler à chaque fois. Enfin, certains modes de cuisson étant propres à notre culture, nous avons décidé de présenter ces derniers aux lecteurs et par la suite de nous contenter par exemple de mentionner « une cuisson au *tandur* » sans plus de développement dans les définitions.

b) Table des matières : Dans un souci de cohérence, nous avons choisi d'organiser notre ouvrage selon le déroulement d'un repas traditionnel ouzbek c'est-à-dire de commencer par le pain, car c'est un élément important de notre gastronomie et qu'il accompagne tout le repas, puis de présenter les plats froids, les *somsas*, les soupes, les seconds plats et enfin les desserts et autres sucreries.

L'ordre des noms des plats dans le dictionnaire est le suivant :

- 1) Pains
 - 2) Plats froids
 - 3) *Somsas*
 - 4) Soupes
 - 5) Seconds plats
 - 6) Desserts : friandises et pâtisseries
- c) Donner un ou deux exemples par catégorie et expliquer ce choix.
- *Patir*
 - *Kazi-karta*

• *Tandir somsa* : en Ouzbékistan, il est impossible de circuler dans la rue sans voir un endroit où il est écrit « *somsa* ». Ce beignet, farci à la viande et cuit au *tandur*, est un met très apprécié et dont il existe de nombreuses variantes (cuisson différente, farce différente, etc.).

• *Moshxo 'rda*

• *Palov* : c'est le plat national par excellence, chaque région revendique son *palov* comme étant le meilleur du pays et selon les régions il est mangé traditionnellement à différents jours (le dimanche à Boukhara, le jeudi à Tachkent, etc.). Dans le pays, on trouve plusieurs termes pour le désigner, certains diront *pilaf* d'autres *palov*, *plov* ou encore *ouu*.

• *Karam do 'lma*

• *Sumalak* : ce dessert à base de germes de blé est un plat très emblématique puisqu'il est cuisiné pour *Navruz*, une de nos fêtes nationales qui a lieu le 21 mars et qui marque le début du printemps ainsi que l'entrée dans la nouvelle année pour les musulmans. Sa préparation dure plusieurs heures et s'accompagne de petits rituels : répartition des tâches entre les hommes et les femmes, cailloux-vœux, etc.

Litterature

1. Ўзбек тилининг изохли луғати, Ўқитувчи, Tachkent, 1981.
2. Dictionnaire gastronomique français/ anglais, Hippocrene Books, New-York, 1997.
3. Le Grand Larousse gastronomique, Editions Larousse, Paris, 2012.
4. К.В. Кимчук, Англо-русский и русско-английский словарь по гастрономии и напиткам, Живой язык, Moscou, 2015.
5. Ўзбек таомлари. Ўқитувчи нашриёти-матбаа ижодий уйи, Tachkent, 2016.
6. Joel Robuchon, Dictionnaire gastronomique, Larousse, Coll. Beaux livre, Paris, 2017.
7. Шукрулло. Жавоҳирот сандиғи. –Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. –Б.7.
8. Lettres soviétique. –М., 1982, №279. –С64.
9. Русско-английский кулинарный словарь: <https://forum.say7.info/topic6024.html>.
10. Узбекская кухня: www.darvaza.uz.
11. Гастрономический словарь путешественника: www.menu.com.
12. Кулинарный словарь: <https://www.povarenok.ru/dict/>.

GEDICHTE ÜBERSETZEN – MACHBAR? WIE ICH NAVOIY GHASALE ÜBERSETZTE

Churram Rachimov

*Prof. Dr. Usbekische Staatliche Weltsprachenuniversität,
Lehrstuhl für theoretische Disziplinen.*

Das Jahr 2021 ist 580. Geburtsjahr von Alisher Navoiy, dem grössten Dichter und Denker des usbekischen Volkes. Dazu hat der Usbekische Schriftstellerverband initiiert, seine Werke in andere Sprachen der Welt zu übersetzen. Ich als Mitglied des Verbands wurde beauftragt, seine Ghasale zu übersetzen. Eigentlich von Übersetzen im direkten Sinne kann hier natürlich keine Rede sein, weil es schwer ist, von eigentlichem Übersetzen zu sprechen, denn Gedichte werden gewöhnlich nicht übersetzt, sondern nachgedichtet.

Alisher Navoiy (mit eigentlichem Namen Nizomiddin Amir Alisher Navoiy). gilt in Zentralasien als der größte turksprachige Dichter, weshalb er auch als "Dichterkönig" geehrt wird. In der Geschichte der Weltliteratur steht sein Name in einer Reihe mit den großen orientalischen Dichtern wie Rumi, Tagor, Emre, Nizami, Ferdausi, Hafiz, Hayyam und Djami. Er war nicht nur ein begnadeter Dichter, sondern auch ein großer Denker und Gelehrte, ein angesehener Staatsmann, Bauherr und Mäzen am Hof der Timuriden in Herat. Bekannt ist Navoiy vor allem durch seine ca 3000 Ghasale und sein Chamsa, welches aus 5 Dostonen (Poemen) besteht. Zuerst schrieb er in der traditionellen persischen Sprache unter dem Namen Foniyy, später verfasste er alle seine Werke unter dem Namen Navoiy in der damaligen chagataiisch genannten Sprache, der

älteren Form des heutigen Usbekisch. Dessen Wortschatz und Struktur verteidigte er in seiner Abhandlung „Muhokamat al-Lughatayn“ (Vergleich zweier Sprachen), wo er seine Muttersprache Chagataiisch mit dem damals in dieser Region dominanten Persischen als Kultur- und Literatursprache verglich und die mannigfaltigen stilistischen Möglichkeiten des Chagataiischen anhand zahlreicher Textstellen nachwies. Deshalb wird er in der usbekischen Kulturgeschichte als Begründer der usbekischen Literatursprache Sprache und schöngestigen Literatur angesehen. Sein literarisches Erbe enthält im Original 30 Gedichtbände, 3000 Ghasale (Gasele), viele wissenschaftliche Abhandlungen, das umfassende Werk „Chamsa“, das aus fünf Dostonen besteht wie „Hayrat ul-abror“, „Farhod und Shirin“, „Layli und Majnun“, „Sabb’ai sayyor“ und „Saddi Iskandari“, in denen er in 50.000 Versen die menschlichen Werte von Stärke und Schwäche, Liebe und Hass, Gerechtigkeit und Glück besungen hat. In Usbekistan wurde 1992 sein Gesamtwerk in 20 Bänden und 2011 in 10 Großbänden mit Ergänzungen herausgegeben. Besonders bekannt und am meisten gelesen sind seine Gedichte in Form von Ghasalen, einer eigenen Gedichtform der orientalischen Poesie. Das Hauptthema der Ghasale liegt in der Darstellung der Mannigfaltigkeit des menschlichen Lebens und Daseins, wobei in der literarischen Auseinandersetzung die im Diesseits unerfüllbare Liebe als eine unvergängliche Spur Gottes erkannt wird.

Navois Ghasale ins Deutsche zu übersetzen, unternahm vor allem der ungarische deutschsprachige Asienforscher Hermann Vambery, der in den Jahren 1863 – 1867 auch im damaligen Turkestan lebte und die einheimischen Sprachen und Literaturen forschte. Er übersetzte einige Navoiys Ghasale ins Deutsche, was in seinen „Cagataiischen Sprachstudien“ 1882 in Leipzig veröffentlicht wurde. Danach übersetzte der ostdeutsche Literat Alfred Kurella, als er einen Abschnitt aus dem Poem „Farhad und Shirin“ von Alisher Navoiy in seine Muttersprache übertrug. Diese waren Übersetzungen aus der Fremdsprache Usbekisch in die Muttersprache der Übersetzer Deutsch.

Den ersten Versuch, Navoiys Ghasale aus der Muttersprache Usbekisch ins Deutsche zu übersetzen, unternahm der verstorbene usbekische Deutschlehrer und Übersetzer Juldash Parda, der 20 Ghasale und einige Sinnsprüche von Navoiy ins Deutsche übersetzte, die dann sowjetdeutsche Literatin Nora Pfeffer nachdichtete. Die Aufgabe, die Ghasale des Begründers der usbekischen Literatursprache, des usbekischen Dichterkönigs Alisher Navoiy **neu und weiter** zu übersetzen, war für den heutigen Übersetzer usbekischer Literatur in andere Sprachen nicht leicht, denn die zu übersetzenden Ghasale wurden vor mehr als 550 Jahren in altertümlicher tschagataiischen (altusbekischen) Sprache im Sinn der damaligen, weit verbreiteten Mystik des Sufismus verfasst. Auf den ersten Blick in diese Ghasale war ich schockiert, weil ich sie in meiner Muttersprache nicht richtig verstehen konnte. Ich geriet in Zweifel, dass ich diese Aufgabe gar nicht bewältigen kann. Deshalb habe ich diese Ghasale sofort an alle andere meiner Kolleginnen und Kollegen weitergeleitet, die sich gewöhnlich mit Übersetzung beschäftigt hatten. Leider haben sie alle ohne Ausnahme von diesem Auftrag abgesagt, unter verschiedenem Vorwand. Ich dachte, dass sie auch sich für diese Aufgabe zu schwach fühlten. Nun hat mich der damalige Vorsitzende des Schriftstellerverbands Muhamad Ali wieder aufgefordert, diese schwierigste Arbeit doch zu übernehmen. Jemand müsste doch das für Navoiy machen. Der bekannteste und berühmteste Dichter der usbekischen Nation war in Europa fast nicht bekannt, weil seine Werke in ihrem gesamten Umfang in andere Westsprachen nicht übersetzt wurden. Dazu hat nicht zuletzt die Tatsache beigetragen, dass dank englischer falscher Übersetzung des Babur-Name das Bild von Navoiy im Westen entstellt wurde, Navoiy sei kein Originaldichter und er habe in seinem Schaffen dem Abdurahman Jami nachgeahmt und aus Nizami sein Chamsa übersetzt. Zu meinem Unglück galt ich in meiner Heimat als „der größte Germanist“ („nemislarning kattasi“) - so äußerten sich in Zeitungen unser Kollege Juldash Parda und der älteste usbekische Germanist Professor Sano Saidov). Also letzten Endes musste ich selbst mit dieser Mission fertigwerden. Um den umfassenden Geist und besonderen Stil des Denkers Navoiy im heutigen Deutsch adäquat wiederzugeben und die Spezifik dieser Lyrikform im heutigen Deutsch möglichst zu erhalten, war ich bestrebt, sowohl die Übersetzungen aus dem Schaffen solcher orientalischen Klassiker der damaligen Zeit wie Hafis, Saadi, Rumi, Hayyam und andere als auch das Schaffen der

ghasalschreibenden deutschen Dichter wie August von Platen, Friedrich Rückert, Theodor Storm, Gottfried Keller, Detlev von Liliencron und anderer zu verfolgen. Andererseits habe ich die prosaischen literaturkritischen Interpretationen der Ghasale von Alisher Navoiy durch die namhaften usbekischen Literaturwissenschaftler wie Aziz Qayumov, Najmiddin Komilov, Ibrohim Haqqulov, Alibek Rustamov, Vahob Rahmonov, Karomatchon Mullachojueva, Nusratilla Jumaxoja, Boqijon To'chlijev, Zuhridin Issomiddinov und deutsche Navoiy-Forscherinnen Barbara Kellner-Heinkele und Sigrid Kleinmichel, berücksichtigt. Von großer Bedeutung war für meine deutschsprachige Nachdichtung die stetige Zusammenarbeit mit der deutschen Märchenforscherin und Dichterin Gabriele Keller, die mir bei der stilistischen Überarbeitung der Ghasale in deutscher Sprache wertvolle Hilfe leistete. Nicht zuletzt soll genannt werden die Mitarbeit meiner Gemahlin - Dichterin Sharifa Salimova, die uns bei der Rezeption der Ghasale Navoiys mit Rat und Tat zur Seite stand. Viele einzelne Wörter und Wendungen von Navoiy müssen im übertragenen Sinn verstanden werden, was teilweise dazu führt, dass bei seinen Interpreten ein und dasselbe Wort verschieden ausgelegt wird. Interessant war die Tatsache, dass ein und dasselbe Ghasal von 50 verschiedenen Intertreten verschieden gedeutet wurde. So zum Beispiel verstand der eine Interpret die usbekische Wendung "Qaro kozum" als jemand, der (die) der Beste oder die Beste für mich, der "Apfel meines Auges" sei". Ein anderer meint, es ginge dabei um "meine Schwarzügige". Selbst unter den Literaturhistorikern gibt es im Moment keine Einheit bei der Rezeption von vielen Begriffen und Wörtern von Alisher Navoiy. Bei meiner Arbeit legte ich Wert darauf, nicht nur eine Interpretation in Form einer Nachdichtung zu schaffen, sondern die metrische Eigenart der Ghasalkunst auch in der Übersetzung beizubehalten, wobei ich versuchte, soweit als möglich mich an eine wortgetreue Wiedergabe des Originals zu halten. Dies mag für den deutschen Leser zunächst ungewohnt erscheinen. Doch diese Vorgehensweise ermöglichte es auch, die Spezifik des Genres, den unverwechselbaren Reiz dieser besonderen orientalischen Dichtungsform und dem tiefen Sinn in der Gedankenwelt Navoiys so weit als möglich Getreu zu bleiben.

Die Textsorte Ghasal kennt keinen Reim im deutschen Sinne und die Metrik liegt in der Wiederholung einzelner Wörter und Wendungen am Ende jeder zweiten Doppelzeile; das ist im Deutschen oft nur schwer wiederzugeben, da beide Sprachen sich in ihren poetischen und linguistischen Systemen voneinander erheblich unterscheiden. Dennoch wurden die orientalischen Ghasale in Nachdichtung durch deutsche Orientalisten im Abendland als poetische Bereicherung empfunden und in mehrere europäischen Sprachen übersetzt. Der einzigartige Zauber in den Versen Navoiys ist bis heute ein lebendiges Zeichen hoher orientalischer Dichtkunst.

Die meisten der im vorliegenden Band ausgewählten Ghasale wurden im Navoiy-Jahr 2021 als eine Ghasal-Sammlung unter dem Titel "Qaro ko'zum" zum ersten Mal 2021 dem Leser in deutscher Sprache dargeboten. Ein zweites Buch mit demselben Titel ["Meine Schwarzügige"] wurde Anfang Januar 2021 in Berlin herausgegeben. Ein drittes Buch mit Navoiys Ghasalen in meiner deutschen Übersetzung wurde im Mai 2021 in Freiburg von der Deutsch-Usbekischen Wissenschaftlichen Gesellschaft unter dem Titel "Alisher Navoiy. Liebeslieder der Nachtigal. Dem grossen Dichter Mittelasiens zu seinem 580.Geburtstag Ghasale – Liebslieder" herausgegeben. Diese Nachdichtungen von mir verstehen sich vor allem als Ehre und Geschenk dem größten Dichter des usbekischen Volkes Alisher Navoiy zu seinem 580.Geburtstag und nicht zuletzt auch als ein Anstoß an usbekische Germanisten und deutsche Turkologen, weitere Ghasale und Werke von Alisher Navoiy zu erforschen und zu übersetzen, um dem Erbe von Alisher Navoiy näher zu kommen und sein Schaffen auch über den europäischen Raum weiter der Weltöffentlichkeit und der Weltliteratur zugänglich zu machen. Ich persönlich bin dabei, zusammen mit einigen deutschen und usbekischen Kollegen das Hauptwerk von Navoiy CHAMSA ins Deutsche zu übertragen. In diesem Anliegen lade ich alle Interessenten zu einer Zusammenarbeit und Mitwirkung.

Liebe Kolleginnen und Kollegen,
ich bin sicher, dass manches nicht adäquat genug gelungen sein kann. Ich tat, was mir der Allmächtige geboten hat. Ich bin aber gerne bereit, Ihre kritischen Bemerkungen, Vor- und

Ratschläge zur Verbesserung dieser Nachdichtungen zu berücksichtigen. Bitte bieten Sie mir Ihre eigenen metrischen Übersetzungsvarianten an, damit ich davon Beispiel nehme. Möge auf diesem Wege eine weitere Zusammenarbeit zwischen usbekischen und deutschen Übersetzern und Navoiy-Forschern entstehen.

БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Профессор **Шухратхон Ияминова**,
Ўзбекистон Миллий университети
(Ўзбекистон, Тошкент)
e-mail: rumrreich@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада бевосита ва билвосита таржима муаммолари ва немис тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган асарларнинг қисқача таҳлили ҳамда бевосита таржиманинг имкониятлари тўғрисида сўз юртилади.

Калит сўзлар: Таржима, бевосита ва билвосита, наср ва назм, бадиий асар, Ғарб адабиёти, адабий алоқалар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются проблемы прямого и косвенного перевода, дается краткий анализ работ, напрямую переведенных с немецкого языка на узбекский, а также речь идет о возможностях прямого перевода.

Ключевые слова: Перевод, непосредственный и посредственный перевод, проза и поэзия, художественное произведение, Западная литература, литературные связи.

Annotation: his article discusses the problems of direct and indirect translation, gives a brief analysis of the works directly translated from German to Uzbek, and talks about the possibilities of direct translation.

Keywords: Translation, direct and mediocre translation, prose and poetry, work of fiction, Western literature, literary connections.

“Таржима – бу бир халқни маънавий бойликларини бошқа бир халққа етказиб беришда энг тўғри йўл” [Борисова, Ияминова, 2005: 28]. Чунки бир тилдан қилинган бирор бир таржима асари орқали халқлар, одамлар бошқа бир халқ тўғрисида мълумот олишади.

Таржима биринчидан, бир тилда содир бўлган асарни иккинчи тилга фақат таржима қилиш орқали етказиб бериш жараёни ҳисобланса, иккинчидан, таржима бу жараёнинг натижаси деб ҳисобланиди, яъни таржима тилида янги яратилаётган асардир. Айрим илмий ва бадиий асарларнинг бир халқ ихтиёридагина қолмасдан, балки жаҳондаги кўпгина мамлакатларга ўтиши, бошқа халқларнинг тилларига тарқалишида таржима асосий воситачилик ролини ўйнайди. Шу билан бирга, илмий ва бадиий ғоялар, образлар, фикрлар янгича қарашларнинг тарқалиши, расм бўлишида ҳам таржима гоҳ бевосита, гоҳ билвосита хизмат қилади.

Таржима орқали халқлар бир-бирлари билан муомула қилганлар, олимлар бир-бирлари билан фикрлашганлар, адиблар эса ўзаро мулоқотда бўлганлар. Ҳамма замонларда – ҳох адабий, ҳох илмий, ҳох сиёсий китоблар таржимаси бўлсин – халқ, у яратган ёки яратаётган маданият, фан, адабиёт ва санъат бундан фақат наф кўрган.

“Таржимада бадиий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим. Алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб сонет, ғазал, поэма, ҳикоя, романгача, агар ҳамоҳанг тминланмаган бўлса, у таржима сохта жаранглайди” [Саломов, 1983: 69].

Маълумки, Ғарб адабиёти, жумладан, инглиз, немис, француз, испан ва бошқа адабиётлар асарлари бевосита ўша тилларнинг ўзларида эмас балки рус тилидан таржима қилинган. Бу адабиётларда ўзбек тилига анча кўп асарлар ўгирилган. Тор лингвистик аспектда қилинадиган ишлар эса кўпроқ грамматик категория ва тушунчаларни қиёслашдан

иборат бўлиб қоладики, бу йўл билан бунёд қилинган тадқиқотларнинг ҳам самараси сезилмайди. Шунинг учун бу тарздаги таржималарнинг тадқиқ этишда қуйидагиларни ҳисобга олишга тўғри келади.

Биринчидан, хорижий адабиётлардан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан хорижий тилларга қилинган таржималар икки томонлама адабий алоқаларни реаллаштирувчи қудратли восита сифатида ана шу алоқаларнинг ажралмас таркибий қисми деб қаралмоғи лозимдир.

Иккинчидан, хорижий, ўзбек адабий алоқаларининг ўзаро маданий айрибошлаш – бадий таржима ва асосида ўрганишда масалани бир томонлама, тор йўналишда олиб текширмасдан, балки бу жабҳада бошқа қардош мамалакатларда ҳам эришилган ютуқларни кузатиш зарур.

Учинчидан, бадий таржима масалаларини, жумладан воситали тил орқали қилинган таржималарни бир ёқлама “соф” адабиётшунослик ёхуд “соф” тилшунослик асосида ўрганиш қутилган натижани бермайди. Адабиётшунослик йўриғида бажариладиган ишлар муқаррар суръатда камида икки тил ҳам лисоний анъана хусусиятларини ҳисобга олган бўлиш керак. Зотан, таржима истилоҳининг замирида “икки тил”, “тилдан тилга ўгириш” тушунчалари ётади.

Тўртинчидан, ҳар қандай таржимани, хусусан, бадий таржималарни тадқиқ қилишнинг энг тўғри, қулай ва самарали назарий замини стилистика, икки тил воситалари, икки адабий-тарихий тажрибани қиёсий услубиёт ва типология асосида тадқиқ этишдир.

Ўзбекистондаги кўпчилик таржимонлар ҳам мустақилликдан кейин бевосита таржимага кўпроқ аҳамият беришмоқда. Масалан, таниқли таржимон Хуррам Рахимовнинг таржималарини бевосита таржима асрлари ташкил этади. Жумладан, немис тилидан ўзбек тилига 1991 йилдан 2008 йилгача бўлган ораликда “Етти Оққуш” олмон халқ эртаклари (Тошкент “Чўлпон” ншриёти, 1991, 302 бет), “Асарларлар қироличаси” Ака-ука Гриммлар эртаклари (Тошкент “Чўлпон” ншриёти, 2001, 136 бет), “Берманг ҳалал орзуларимга” олмонча-ўзбекча шеърини антологиясини (Freiburg, 2008, 164 бет) таржима қилинган.

“Етти Оққуш” олмон халқ эртаклари бевосита олмон тилидан ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу тўпламдаги эртаклрнинг аксарияти ўзбек тилига илк бор асл нусхадан ўгирилган. Ушбу эртақлар том маънодги халқ эртаклари бўлиб, жанр хусусияти ва баён услубига кўра тўқима, бадий эртақлардан фарқ қилиши табиий. Шунини айтиш керакки, Ака-ука Гриммлар машҳур эртақшунос олимлар бўлиб, олмон халқ эртақларини тўплаган ва улар сайқал бериш ишларини маромига етказган. Маълумки, Ака-ука Гриммлар тўпламида жамланган 210 та эртақдан шу пайтгача 30 тача эртақ ўзбеклаштирилиб, бу таржималар русча таржималар матнидан амалга оширилган эди. Айримлари, жумладан, “Бремен музикачилари”, “Ботир тикувчи”, “Бўрон кампир”, “Қуён билан типратикан”, “Етти ботир” каби эртақларнинг уч-тўрт таржима муқобиллари мавжуд [Рахимов, 1991: 298]. Бу тўпламга деярли эски эртақлар киритилмаган. Тўпламдаги 80 га яқин эртақ ака-ука Гриммлар, Л.Бехштайн, Р.Воссидло, Э.Херинг, Э.Майер, У.Ян, Л.Куртце, Р.Байтл тўпламларидан саралаб олинган.

Таржимон Йўлдош Парда ҳам немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишда бевосита таржима усулидан фойдланган. У ҳам ўзбек тилидан немис тилига ва аксинча немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиш билан шуғулланган. 1994 йилдан 1999 йилгача бўлган ораликда 500 га яқин немис латифларини, 200 га яқин юмористик ҳикояларни, Гунтер де Бройнинг “Тристан ва Изольда” (Тошкент “Ўзбекистон”, 1994, 112 бет) асари, Йоханн Шпирининг “Ҳайди” (Тошкент “Ёзувчи”, 1996, 119 бет) роман ва Аннамария Шиммелнинг “Жанон менинг жонимда” (Тошкент “Шарқ”, 1999, 175 бет) асрларини ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирган. Ушбу асарлардан “Тристан ва Изольда” асари асл нусхадан ўзбек тилига бевосита таржима қилинган. Асар буюк севги можароларига бағишланган дoston бўлиб, бизга фақат парчалар ҳолида қисман етиб келган. “Асарнинг 20000 мисрадан кейинги қисми, яъни Тристан оқ билан Изольда билан учрашгандан кейин воқеалар эса бизгача етиб келмаган. Асарни Готфрид фон Штрассбургнинг вафотидан 20 йил кейин

Улрих фон Тюрхайм, орадан 60 йил ўтгач эса Ҳайнрих фон Фрайберглар охиригача давом эттириб, чоп эттиришган” [Парда, 1994: 9].

Йўлдош Парданинг яхши таржималаридан яна бири Йоханн Шпирининг “Ҳайди” романи (Тошкент “Ёзувчи”, 1996, 119 бет) бўлиб, роман яна “Ҳайди ўрганганларини амалда қўллай олади” деб ҳам номланади. Асар бевосита немис тилидан ўзбек тилига юксак маҳорат билан таржима қилинган. Асарда инсонийлик, меҳр-мурувват, инсон кадр-қиммати каби мавзулар кўтарилган. Швейцария тоғларида яшовчи Ҳайди исмли бир етим қизчанинг тақдири, заҳматкашлиги, фидойилиги, ички дунёсининг бойлиги, ширинсўзлиги, ёрдамга мухтож кишиларга чин дилдан, беғараз ёрдам беришга ҳар доим тайёрлиги туфайли улкан бахтга эришгани тўғрисидаги ушбу китоб ўзбек китобхонлари қалбидан чуқур жой олган. Асар аслиятдан бевосита яъни, тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қилинганлиги туфайли асар тили содда, тушунарли ва деярли асл маъно билан бир хилдир. Бу эса ўз навбатида таржимоннинг маҳоратидан далолат беради.

Йўлдош Парда қаламига мансуб яна бир таржима бу – Аннамария Шиммелнинг “Жанон менинг жонимда” асари (Тошкент “Шарқ”, 1999, 175 бет) бўлиб, ушбу китоб ҳам немис тилидан бевосита ўзбек тилига ўгирилиб, ўзбек китобхонлари учун заҳматкаш аммо ижодининг бир қиррасидан баҳраманд бўлиши ва яқиндан танишиш имконияти пайдо бўлди. Асарда асосий мавзу қилиб, “муслима хотин-қизлар муаммолари, ислом динидаги аёлларга бўлган муносабат, ҳамда Исломда хотин-қизларнинг ўрнини тасвирлаш” [Парда, 1999:172] кабилар олинган. Асарда Пайғамбар алайҳисалом ва Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларда аёллар сиймоси, сўфий аёллар, момолар, оналар аёл сиймосида Аллоҳ таоло сифатларининг зоҳир бўлиши ва келинлар ҳақида зикр қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Асардаги ҳар бир фикр ва ифода таржимон томонидан жуда ҳам содда, тушунарли ва аниқ келтирилган. Масалан, “Айтишларича, кекса бир момо (китобнинг “Момолар” бўлими) Пайғамбарлар Алайҳиссаломдан: “Бизга ўхшаган юзларини ажин босган, кўзлари йиринглаган, мункайиб қолган кампирлар ҳам жаннатга қирадиларми?” деб сўраганида, Ул зот жиддий равишда: “Йўқ, сизга ўхшаган момолар жаннатга қўйилмайди, деб жавоб берган, сўнгра бу кампирнинг руҳи тушиб кетганини кўргач, жилмайиб қўшиб қўйган: “Сизга ўхшаб мурриб қолган момоларнинг барчаси аввал 18 га кирган бокира қизларга айлантирилади, сўнгра жаннатга киритилади”, [Парда, 1999:172] - деб жавоб берганлар.

Маълумки, “Фауст” асари буюк шоир Й.В.Гёте ижодида алоҳида ўрин тутди. Бу шоирнинг 60 йиллик машаққатли меҳнати якунидир. Шоир улкан жасорат ва эҳтиёткорлик билан бутун умр бўйи ўзининг ёрқин ўй ва фикрларини, фалсафий мулоҳазаларини мазкур асарга сингдирган. “Шоир асарни 1772 йилда бошлаб вафотидан 1 йил олдин 1831 йилда ёзиб тугаллаган” [Каримов, 2010: 75].

“Фауст” марказига барча мамлакатлар халқлари учун яқин ва тушунарли, умумбашарий масалалар қўйилган. Гёте асарининг қаҳрамони ҳақиқатдан ҳам ҳаётда бўлган инсон. Реформация ва деҳқонлар уруши йилларида Германия қишлоқларида Фауст деган бир киши кезиб юрган экан. Бу зот чиндан ҳам аллома ҳаким бўлганми лўттибоз кишими, буниси номаълум, лекин унинг одамлар тилида дostonга айланганлиги аниқ. Доктор Фауст афсона ва ривоят қаҳрамонларига айланиб кетди. Фауст ҳақида кўплаб кишилар ёзишга уриндилар. Аммо буни фақат Гёте уддасидан чиқди.

“Фауст” асари ўзбек тилига икки таржимон Эркн Воҳидов ва Пошо Али Усмон томонидан юксак маҳорат билан таржима қилинган. Асарни дастлаб Эркин Воҳидов рус тилидан ўзбек тилига билвосита таржима қилган эди. Ниҳоят, асар мустақилликдан кейин 2001 йилда Самарқандлик истеъдодли таржимон Пошо Али Усмон томонидан асар ёзилган олмон тилидан бевосита ўзбек тилига таржима қилинди. Ҳар иккила таржимани ўзига яраша қиммати ва муваффақиятли томонлари мавжуд, масалан ушбу қаторни таржимасига назар ташласак,

“So braucht sie denn, die schönen Kräfte” [Goethe, 1971: 21]

Асл маъно:

Сизга шундай чиройли куч керак.

Пошо Али Усмон таржимаси:

“Мадад бўлгай сизга инсонга хос кудрат” [Пошали Усмон, 2007:10]

Э.Воҳидов таржимаси:

“Ўшал сеҳрингизни кўрсатинг” [Воҳидов, 1972:10].

Эркин Воҳидов бевосита таржимасига бу жумлага мос, тўғри келадиган жумла ишлатилмаганлигини кўриш мумкин ва бу қатор маъносини бера олмаган. “*Ўшал сеҳрингизни кўрсатинг!*” жумласи стилистик жиҳатдан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам бошқача талқин қилиниши керак. Аммо Пошо Али Усмон таржимасида “*чиройли куч*” бирикмаси инсонга хос куч-қудрат, яъни деярли асл маънога яқин қилиб берилган. “*Керак*” сўзини “*мадад бўлгай*” бирикмаси билан чиройли тасвирлаб берган.

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, ҳар бир асар асл ёзилган тилдан тўғридан-тўғри таржима қилинса, таржима чиройли, аниқ ва тушунарли чиқади. Пошо Али Усмон асарни бевосита таржима қилганлиги учун реал таржима. Аммо Э.Воҳидов таржимасида бадийликка катта эътибор берилиб бир оз бўлсада реалликдан узоқлашилган.

Ўзбекистондаги мустақилликдан кейин немис тилидан ўзбек тилига бевосита таржима билан шуғулланаётган яна бир таржимон Мирзаали Акбаров бўлиб, машҳур таржимаси Ҳерман Ҳессенинг “*Чўл бўриси*” (Шарқ нашриёти, Тошкент 2006, 105-бет) романи ҳисобланади. Роман илк бор 1927 йилда босилиб чиққан. “*Чўл бўриси*”да ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ҳал этилмаган маънавий-рухий зиддиятларини енгил йўлидаги саъй-ҳаракатлар қаламга олинган. Асарда жамиятга сингишиб кета олмаётган Бюргер – чўл бўриси фожеаси, қаҳрамон Ҳарри ҳаётида чўл бўрисининг зоҳиран намоён бўлиши инсон ва жамият ўртасидаги зиддият, бегоналашув оқибатлари, ҳамда қаҳрамон ички олами ботинан очиб берилган.

“*Чўл бўриси*”да Ҳерманн Хессе Европани руҳан табора исканчага олаётган уруш хавфи ҳақида сўз юритади, яъни “*Олий шарқ*” васвасига тушган нацислар ёзувчи ҳаётида Ватан сиймосига гўёки қора бўёқ чаплашди.

Қаҳрамон Ҳарри табиатида табора инсонийликдан кўра бўриларга хос ёввойилашиш, тундлашиш кучаяверарди. Бундай ҳолатдан қутилишнинг бирдан – бир йўли қаҳрамон назарида ўз – ўзига қасд қилиш бўлиб, кўринади. Ўз фожесидан рухий депрессия ҳолатига тушган Ҳаррини ўлим ҳар қадамда таъқиб этади. Кейин Ҳерминани учратиб қолади. Ҳарри безган ва азобга айланган ҳаётнинг гўзал томонларини ўргатган Ҳермина яшашдан завқ олишни ўргатади. Ҳерри Ҳерминани ўлдираркан, гўё у ўзининг иккинчи, енгил ҳётдан завқ олиш “мени”ни нобуд қилади, яшашдан мақсад, инсонийлик бурчи унинг табиатида хос бўлган унсурларидан устун туришини тушунади. Асар Мирзаали Акбаров томонидан юксак маҳорат билан бевосита таржима қилинган.

Й.В.Гёте ҳаётлик пайтларидаёқ адабиёт оламида ўзига мукамал хайкал қўйиб улгурган. Ҳаётнинг ҳар бир соҳасига қизиққан Гёте умри давомида ўз хулосаларини, кузатувларини, фикрларини ёзиб берган. Ушбу битиклар тўпланиб, “Гётенинг ўлиmidан сўнг 1833 йил чоп этилган *Maximen und Reblexionen*” китоби вужудга келиб, бу китоб ўз ичига 2000 га яқин афаризмларни машҳур кишиларнинг қимматли фикрларини мужассамлаштиради [Аkbаров, 2008: 5].

2007 йил май ойида Германиянинг шимолий Райн – Вестфалия федерал ерида жойлашган Европа таржимонлари коллегияси таклифига кўра ўзбек китобхонларини олмонзабон адабиётлар вакиллари билан дўстлашаркан таниқли таржимон Мирзаали Акбаров сафарнинг бевосита натижаси сифатида Гётенинг “*Maximen und Reblexionen*” китоби таржимасига илк бор қўл урди. “Ҳикматлар хазинаси” номи билан таржима қилинган том маънода Гёте хикматлари хазинасидан олинган бир дебочадир. Ушбу китоб ҳам мустақилликдан кейин немис тилидан ўзбек тилига бевосита Мирзаали Акбаров томонидан юксак маҳорат билан таржима қилинди.

Ўзбек таржимачилиги сўнгги йилларда жуда кўп ютуқларни қўлга киритмоқда. Бадий таржима бирор бир буюртма асосида бажариладиган иш эмас, балки катта чинакам ижод соҳасидир. Шунинг учун ҳам таржима соҳасида мунозарали масалалар ҳам талайгина.

Фаннинг турли-туман соҳаларига доир кўп асрлар жаҳондаги бошқа халқлар тилидан ўзбек тилига ва аксинча ўзбек тилидан бошқа халқ тилларига таржима қилинган. Бадий таржиманинг бошқа турларига қараганда шеърӣ таржима бироз мушкулроқдир. Чунки насрий асарлар таржимасига ёзувчилардан ташқари профессионал таржимонлар ҳам журъат этадилар аммо шеърӣ таржима бу – шоирлар шоир-таржимонлар ишидир. Шеърӣ асарни таржима қилишдаги муаммоларни бир қанча тадқиқотчилар қаламига олишган. Лекин ҳали шеърӣ таржима баҳсида назарий жиҳатдан қилинадиган ишлар бениҳоя кўп.

Умуман таржимашунослик шеър таржимончилиги ҳақида икки хил фикр мавжуд. “Биринчи фикр шеърни таржима қилса бўлади деган фикр бўлса, иккинчиси эса тамоман зид, яъни шеърни таржима қилиб бўлмайди деган фикр” [Холбекова, 2009:157]. Ҳақиқатдан ҳам таржимон ҳар доим ҳам аслиятни худди ўзидай шеърӣ таржима яратишга қодир эмас. Бунинг учун таржимонга тилни билишдан ташқари ижодий руҳий ҳолат, шеърӣ кайфият, ботиний гўзал ҳис-туйғу, ўта нозик дид, таржима қилинаётган халқнинг урф-одатлари, удумлари, табиати, минталитети, дунёқараши ва албатта, Оллоҳ томонидан берилган истеъдод зарур. Ҳа, ростдан шеърни таржима қилиб бўлмайди, аммо уни қайтадан яратиш мумкин.

Ўзбек таржимашунос олимлари Ғайбулла Саломов ва Нажмиддин Комиловлар шеърӣ таржимага юқори баҳо бериб, жумладан шундай ёзишган эди: “Бадий таржиманинг бошқа турларига қараганда шеърӣ таржима таъбир жоиз бўлса “кўпроқ” санъатдир. Шеърӣ таржима бадий таржиманинг олий нави деса бўлади” [Холбекова, 2009:159].

Шу ўринда машҳур олмон шоири Ҳайнрих Ҳайнининг “Германия қиш эртаги” поэмасининг таниқли таржимон Абдулла Шер томонидан қилинган таржимасини таҳлил қилиб кўрамыз.

Маълумки, “Германия қиш эртаги” достони Ҳ.Ҳайнининг 13 йиллик муҳожирликдан кейин ўз она ватанига қилган саёҳати билан боғлиқ. 1843 йилнинг 21 октябрида Ҳайни Парижни тарк этиб, Брюсель, Амстрадам ва Берлин орқали 29 октябрда Ҳамбургга кириб келди. Ҳамбургда у онаси ва қариндошлари билан дийдор кўришади. 7 декабрда Ҳайни Ҳамбургдан чиқиб Аахен, Кельн, Мюльхайн, Уина, Тевтобург ўрмони, Подербори, Миден, Бюнебург, Ҳановер ва Харбург орқали Парижга йўл олди. Достонда айна мана шу қайтиш маршрутини тасвирлади. Бироқ шоир бу маршрутни Париждан Ҳамбургга бориш йўли тарзида талқин қилади.

Асар чинакам халқчилик услубида ёзилган. Достон ибтидоси қуйидаги сатрлар билан, яъни она Ватанга кириб келиш манзараси билан бошланади:

Die Tage wurden trüber
Der Wind riss von den Bäumen das Laub
Da reist ich nach Deutschland hinüber
Und als ich an die Grenze kam
Da fühlt ich ein stärkeres klopfen
In meiner Burst, ich glaube sogar
Die Augen begunnen zu tropfen

Ўзбекча таржимаси:

Ноябрнинг руҳсиз, тунд чоғи,
Осмон қовоқ уйган бир сана
Совуқ ёмғир остида кирдим
Германия бағрига яна
Чегарани кўрганим замон
Вужудимда ширин, бир ўзга
Титроқ турди, - нечун яширай,
Беихтиёр ёш қалкиди кўзга [Абдулла Шер, 1984:17].

Таҳлил жараёнида шуни кўриш мумкинки Абдулла Шер таржимаси аслиятга жуда ҳам яқин. Шернинг оҳанги қофияланиши ўзбек тилида поэтик жиҳатдан тўлақонли яратиб

берилган аммо ўзбекча таржимани аслият билан лексик жиҳатдан солиштириб кўрсак асл нусхадан бироз узоқлашганлигини кўрамиз.

Таҳлилда асл нусха билан шеърий таржима ўртасида лексик жиҳатдан мос “*die Grenze-чегара*”, “*In meiner Burst-вужудимда*”, “*Die Augen beginnen-ёш қалқиди кўзга*” ҳамда мос бўлмаган эквивалентлар “*Die Tage wurden früher-осмон қовоқ уйган бир сана*”, “*Der Wind riß von den Bäumen das Laub-совуқ ёмғир остида кирдим*”, “*reisen-бағрига яна*”, “*kam-кўргани*” кабиларнинг мавжудлигини кузатиш мумкин. Ҳар қандай таржима ҳам нуқсонлардан ҳоли бўлавермайди бир иккита мисоллардаги сўзлар мазмун жиҳатдан аслиятга мос бўлмасада, таржимон аслиятининг тўлақонли мазмунини ритмини Ҳайнега хос услубни таржимада қайта ярата олишга эришган.

Шу ўринда Ҳайнрих Ҳайненинг “*Morgen stehe ich auf und frage ...*” шеърига эътибор бериб кўрамиз. Шеърни ўзбек тилига Абдулла Шер ва Махмуд Тоштемиров таржима қилган.

Morgen stehe ich auf und frage
Kommt feins Liebchen heut?
Abends sink ich hin und klage
Aus blieb sie auch heut.

Сўзма-сўз таржимаси,
Эрталаб ўрнимдан турдим ва сўрадим
Бугун севганинг келдими?
Кечкурун бошим эгик ҳолда шикоят қилдим.
Ва дедим: севганим бугун ҳам келмади.

Таржимон М.Тоштемиров уни қуйидагича таржима қилишга эришган:
Тонгда туриб бераман савол
Келармикан севгилим бугун?
Оқшом чоғи дейман бемадор
Ёрим яна келмади нечун

Шоир А.Шер таржимасида эса қуйидагича:
Сахар туриб фол кўраман
Келармикан бугун ёрим
Оқшом хориб оҳ ураман
Келмадику бугун ҳам

Иккала таржимага эътибор берсак Махмуд Тоштемировнинг таржимасида аслиятга кўпроқ ёндашилганлиги кўриниб турибди. Абдулла Шерда эса аслиятдаги “*сўрайман*” сўзини умуман бошқа “*фол кўраман*” сўзи орқали ўгирган. Лекин кейинги мисралар жуда ҳам усталик билан таржима қилинган. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, сўзма-сўз таржимадан энг кўп зиён кўрадиган адабий жанр бу шеърдир. Сўзма-сўз аниқ таржимада шеър буткул хароб бўлади, яъни чиройли чиқмайди. Чунки шеър ўзига хос миллийликни талаб қилади, яъни шеърда қандай туйғу ёки хис бўлса таржимада ҳам шундай хис-туйғу бўлиши лозим.

Бундан шундай умумий хулосага келиш мумкинки, шеърий таржимада фақатгина тилни билишнинг ўзи камлик қилади. Балки бадийликни ҳис қилиш, поэтик истеъдодга эга бўлиш биринчи талаб ҳисобланади. Бундан ташқари, асл нусхадаги барча сўзларни сақлашга уриниш ҳам фақатгина ҳарфхўрликка олиб келиши мумкин. Таржимон аввало шеърнинг оҳангини, муаллифнинг мақсад-муддаосини чуқур англаб етиши ва шеърни чинакам меҳр билан ўгириши лозим.

Шеър мазмунини тўла англамай туриб, уни муваффақиятли таржима қилиш мушкул. Бугунги кунда кўплаб таржималарнинг бўш ва сифатсиз чиқишига ҳам шу нарса сабаб бўляпти десак хато бўлмайди.

Адабиётлар

1. Борисова И.Ф., Имяминова Ш.С. Таржима наз. ва амалиёти. - Т., 2005.
2. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Тошкент, Ўқитувчи, 1983.
3. Етти Оққуш. Олмон халқ эртаклари. Х.Раҳимов т. - Т., Чўлпон. 1991.
4. Гюнтер де Бройн. Тристан ва Изольда. - Т., “Ўзбекистон”, 1994.
5. Аннамария Шиммел. Жанон менинг жонимда. - Т. “Шарқ”, 1999.
6. J.W.Goethe. Faust. Erster Teil. Ленинград, 1971.
7. Гёте Й.В. Фауст. Пошо Али Усмон таржимаси. – Т., 2007.
8. Гёте. Фауст. Э.Воҳидов тарж. – Т., Адабиёт ва санъат нашр. 1972
9. Гёте. Ҳикматлар хазинаси. М.Акбаров тарж. – Т., Шарқ нашр. 2008.
10. Холбекова Б. Шеър таржима мезони. Жаҳон адаб. – Т., ноябр 2009.
11. Ҳайне Ҳ. Германия киш эртги. Абдулла Шер таржимаси. - Т., 1984.

СИНХРОН ТАРЖИМА ФАОЛИЯТИДА ТАРЖИМА УЧУН МАТН ТАНЛАШ

*Сайфуллаев Анвар Исламович,
PhD, доцент (ТошДЎТАУ)
(Ўзбекистон, Тошкент)*

Синхрон таржима фаолияти таълими мазмуни кўплаб ўзаро таъсир қилувчи таркибий қисмлардан ташкил топган мураккаб тизимдир.

Синхрон таржима ҳақидаги билимларнинг асосий даражасига эришиш жараёнида матнли материаллар билан ифодаланган таълимнинг лингвистик компоненти муҳим роль ўйнайди. Таркибнинг лингвистик қисми маълум бир лингвистик, нутқ ва ижтимоий-маданий материални танлашни ўз ичига олади [1, р. 18]. Талабалар бутун ўқиш даврида шаклланган тил, нутқ ва ижтимоий-маданий маълумотларнинг етарли даражасига эга, шу сабабли синхрон таржимани ўқитиш учун ўзлаштирилмаган матнлардан фойдаланиш оқилона йўлдир. Матнли материални жалб қилиш талабаларнинг чет тилларини эгаллаш бўйича нутқ қобилиятларини яхшилашга имкон беради, шунингдек, синхрон таржимани ўқитишни ташкил этишга ёрдам беради.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, “матн” тушунчасининг таърифига тўхталамиз. Матн “нутқ ҳаракатининг ҳақиқати ... муайян қонунларга бўйсунган ҳолда” тушунилади [3, с. 3].

Матн – “тапириш ёки ёзиш натижаси; одам нутқ фаолияти жараёнида фойдаланадиган асосий коммуникатив бирлик” [4, с.226]. Чет тилларни ўқитиш методикасида матн ўқитишнинг асосий ўқув-услубий бирлиги ҳисобланади [6, с.304]. Шунини таъкидлаш кераки, матн ўқув бирлиги сифатида ўқувчиларнинг билим олиш мотивациясини оширадиган омил бўлиб, бу матнларни танлаш мезонларида ҳисобга олиниши керак.

Биз мультимедиа воситалари ёрдамида видеоларни синхрон таржимани ўқитиш учун матн сифатида ишлатамиз. Талабалар орасида, айниқса тил университетларида таржимани ўқитишда, тил ва нутқ кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун мультимедиа воситалари ёрдамида видеоларни танлаш муаммоси ҳал қилинмаган. Материаллар қанчалик мураккаб бўлишлиги, қайси мезонлардан бири муҳимроқ эканлигини, яъни материалларнинг ҳақиқийлиги ёки мавжудлигини англаш керак, чунки талабалар ўзлари учун мутлақо янги бўлган таржима қобилиятлари ва кўникмаларини эгаллайдилар.

Танлов мезонлари муаммоси кўплаб олимларни қизиқтирган. Мазкур ишда қуйидагилар таъкидланади:

1. Талабаларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга оладиган мезонлар:
- ёшга боғлиқ қизиқишлар ва машғулотлар босқичига мувофиқлиги;
- талабаларнинг билимидан юқори бўлган ижтимоий-маданий маълумотларнинг мавжудлиги;

- телевизион ва видео материалларнинг тарбиявий аҳамияти;
- нутқ сўзлаш зарурлигини келтириб чиқариши мумкин бўлган материалнинг полемик таркиби, бўлаётган воқеаларга ўз фикрини бериш;

2. Ўқиш даражаси ва босқичига мос мезон:
- чет тилини ўқитишнинг тегишли йўналиши бўйича дастур мавзуси билан ўзаро боғлиқлик;

- таржима қилиш кўникмаларини шакллантириш учун етарли бўлиши;
- потенциал нутқ минимумини кенгайтириш имконияти.

3. Мультимедиа таълим салоҳияти билан боғлиқ мезон ва видео материаллар. Бунга қуйидагилар киради:

- ўқув жараёнидаги матннинг функциясини аниқлаш (тил ва нутқ материаллини тақдим этиш ёки фаоллаштириш, назорат функцияси);

- таклиф қилинган матнлар асосида ўқитишни таклиф қиладиган тури билан ўзаро боғлиқлик;

- тавсия этилган материал ҳажми (индивидуал эпизодлар ёки ҳикоя курслари тақдими);

- ижтимоий-маданий маълумотларнинг мавжудлиги.

- одатий таржима муаммоларини ўз ичига олган материалнинг барқарорлиги (мавзу бўйича ҳисоботлар), таржима учун қизиқарли материаллар [5, с.349].

- намунали матнлар, ёки умумий услубий концепция мазмуни ва шаклига максимал даражада мос келиши [3, с. 135].

Синхрон таржима асосларини ўргатиш учун мультимедиа воситалари ёрдамида видеоларни танлашда қуйидаги мезонларга асосланади:

1. Матнларнинг ҳақиқийлиги. Биз ушбу мезонни жуда муҳим деб биламиз. Талабалар томонидан чет тилини тинглаш, шунингдек, сиёсат ва иқтисодий билимларни эгаллаш кўникмаларини ошириш учун мураккаблиги ошган мослаштирилмаган материаллардан фойдаланиш зарур.

2. Талабалар билимидан юқори бўлган ижтимоий-маданий маълумотларнинг мавжудлиги. Ушбу мезон аввалгиси билан боғлиқ. Матнлар ҳақиқатни ўз ичига олади, аниқ сўз бойлиги, уни таниб олиш ва тушуниш таржимон учун юқори малакага эришиш учун талаб қилинади.

3. Материалнинг барқарорлиги (мавзу бўйича ҳисоботлар) ва унинг полемикаси. Матнларни танлашда ушбу мезонни ҳисобга олиш керак, чунки ўқитиш учун лингвистик материал талабаларнинг янги турдаги матнни ўзлаштиришда мотивациясини оширишга ёрдам бериши керак. Қизиқарли матнлар уларни ўйлашга ва хулосалар чиқаришга, замонавий дунёнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш ва таҳлил қилишга ундайди.

4. Тавсия этилган материал ҳажми (индивидуал эпизодлар тақдими). Ушбу мезон муҳим ҳисобланиб, бу синхрон таржиманинг энг қийин тури ҳисобланади, сабаби руҳий ва жисмоний стресс шароитида таржима қилиш зарур. Бир вақтнинг ўзида мутахассислар тахминан 20 дақиқа ишлайди, кейин ҳамкасблар уларни алмаштиради. Таълим таржимаси доирасида тақдим этилган матнлар 6-8 дақиқа давомида янграйди, бу синхрон таржимани асосий даражада ўқитиш учун етарли деб ҳисобланади. Тренинг учун танланган матнлар қуйидаги масалаларга бағишланган:

1. Human Rights. Work of the Strasbourg Court.

2. Escape of a dangerous convict.

3. Elections in the USA.

4. Trump's Leave

Синхрон таржимани асосий даражада ўзлаштириш учун ўқитишда типик лингвистик хусусиятларни аниқлаш ва ҳисобга олиш керак, репортажларнинг телевизион жанри учун хосдир. Ушбу хусусиятлар лексик ва грамматикага бўлинади.

Телевизион жанрдаги матнларнинг лексик хусусиятлари қуйидагиларнинг мавжудлиги билан тавсифланади:

- сиёсий терминология (recount, electorate, ballot, electoral college; қайта ҳисоблаш, сайловчилар, сайлов бюллетенлари, сайлов коллежи), терминли иборалар (voting irregularities, voting list, voting age, absentee voting, voting machine, vote rigging, vote tally, polling station, absentee ballot; овоз беришдаги қонунбузарликлар, овоз бериш рўйхати, овоз бериш ёши, сиртдан овоз бериш, овоз бериш машинаси, овозларни қалбакилаштириш, овозларни санаш, сайлов участкаси, келмаган сайлов бюллетени);

- атрибутив гуруҳлар (constant election update, vice president campaign manager, traditionally democratic districts; сайловларни доимий равишда янгилаб туриш, витсе-президент сайлов кампанияси менежери, анъанавий демократик округлар);

- бюллетен сўзи билан келувчи атрибутив бирикмалар (crucial absentee ballots; муҳим сайлов варақалари), сайлов (closest presidential election; энг яқин президентлик сайловлари);

- ноаниқ атамалар (attorney General, state attorney, state secretary; Бош прокурор, давлат адвокати, давлат котиби); аниқ луғат (25 electoral votes in Florida, State Secretary Katherine Harris, State Attorney Bob Butterworth; Флорида штатида 25 сайловчилар овози, давлат котиби Кетрин Харрис, штат адвокати Боб Буттеруорт);

- эллиптик конструкциялар (social security was cut...; social security expenses...; ижтимоий таъминот қисқартирилди ...; ижтимоий таъминот харажатлари ...);

- маълумот киритувчи оборотлар (our correspondents report from..., recapping the latest...; бизнинг мухбирларимиз ... дан хабар беришади, энг сўнгги маълумотларга мурожаат қилишади);

- метафора (king-maker state, winner-takes-all system; қиролни яратувчи давлат, ғолибликни қўлга киритган тизим), персонификациялар (A recount could well decide... dispute; the state was too close to call; inflation and unemployment fell; қайта санаш яхши қарор қабул қилиши мумкин ... низо; штат қўнғироқ қилишга жуда яқин эди; инфляция ва ишсизлик тушиб кетди), метанимия (attention is focused on Florida ballot sheet..., neck and neck race; диққат Флорида штатидаги сайлов бюллетенига қаратилди ..., бўйин пойгаси);

- фразеологик бирлик (slump into despair, take a toll, take a beating, remain above the fray, to cast into doubt; умидсизликка тушиб қолиш, пул тўлаш, калтаклаш, курашдан устун туриш, шубҳа остига қўйиш);

- бир нечта семантик ахборот маълумотларини ўз ичига олган комбинатциялар (close result - яқин натижа - номзодлар овозидаги минимал фарқ; closest presidential election - энг яқин президентлик сайлови - номзодлар ўртасида энг кам овоз ажратиш билан ўтказилган президент сайловлари; split vote - бўлинган овоз - икки номзод ўртасида тенг равишда ажратилган овозлар; crucial state - ҳал қилувчи давлат - овозларни санашда ҳал қилувчи рол ўйнаган давлат; king-maker state - қирол яратувчи давлат - овозлар сони овоз бериш натижасини ҳал қилган давлат; neck and neck race - бўйин пойгаси - президентлик учун энг кам фарқ билан пойга номзодлар орасидаги овозлар сони, умуммиллий овоз бериш - умумий ҳисобланган овозлар).

Телевизион матнларнинг грамматик (морфологик-синтактик) хусусиятларига қуйидагилар киради.

- эътиборни хабар мавзусига қаратадиган пассив конструкциялар (the decision... has been postponed; the night has been gone..., the whole result was cast into doubt; his election slogan was well received; қарор ... қолдирилди; тун ўтди ..., натижанинг барчаси шубҳа остига қўйилди; унинг сайлов шиори яхши қабул қилинди);

- феълнинг шахсиз шакллари билан ясалган қурилмалар: қатнашган иборалар (the candidates tried to remain above the fray at the same time sending prominent members of the campaign to monitor the recounting; номзодлар бир вақтнинг ўзида сайлов кампаниясининг

таниқли аъзоларини қайта ҳисоблашни кузатиб бориш учун курашдан устун туришга ҳаракат қилдилар); инфинитив гуруҳлар (at one point Bush is ahead but does not have enough of a lead to make his victory conclusive; бир нуқтада Буш олдинда, аммо етарлича етакчига эга эмас унинг ғалабасини якуний ҳолга келтиринг);

-“do” кучайтирувчи функциядаги (... Americans did have constant election update..., ... did the US president give the go ahead for military intervention...; ... америкаликлар сайловларни доимий равишда янгилаб туришган ..., ... АҚШ президенти ҳарбий аралашувга имкон берганми ...);

- конвертация (to give the go ahead, to machine-count votes; олдинга бориш, овозларни машинада ҳисоблаш учун);

- инверсия (waiting with them were millions of America's TV viewers; улар билан Американинг миллионлаб телевизион томошабинлари кутишган.);

- сабаб-оқибат бирлашмалари ва шу сабабли мантиқий боғловчилар;

- мураккаб жумлаларда эргаш гаплар шаклида қисқа мустақил хабарлар.

Шундай қилиб, синхрон таржимага ўргатишда маълум мезонларга мувофиқ матн материални танлаш керак. Матн материалнинг талабаларнинг турли хил компетентцияларини билиш даражасига мувофиқлиги таржима қилишга имкон беради. Синхрон таржима бўйича билимларнинг асосий даражасига эришиш учун умуман таржима матни сифати муаммосини ва таржима матни сифатини баҳолаш муаммосини, шунингдек талабалар томонидан хато ва камчиликларнинг типологиясини кўриб чиқиш керак.

Адабиётлар:

1. Gile D. Methodological Aspects of Research. In: Eds. S. Lambert, B. Moser-Mercer B. "Bridging the Gap: Empirical Research in Simultaneous Interpretation". Amsterdam/Philadelphia, John Benjamins, 1994, p. 39-55.
2. Виссон Л. Синхронный перевод с русского на английский. М.: Валент, 2000. -272 с.
3. Гальперин И. Р. Текст как объект лингвистического исследования. М.: «Наука», 1981. - 139 с.
4. Клеменцова Н. Н. Смысловая структура текста и его понимание. // Текст в речевой деятельности. М.: АН, 1988. С. 35-37.
5. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение. М.,2001. - 424с.
6. Осинский В. Г. Телевизионная публицистика. Опыт жанровых характеристик. С-Пб., 1992.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ТАРЖИМАНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамадалиев Абдумажит Мамасолиевич,

PhD, доцент, Алишер Навоий номидаги

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

mamadaliyevabdumajid@navoiy-uni.uz

(Ўзбекистон, Тошкент)

Аннотация: Мақолада таржимон фаолиятининг изодий табиати туфайли таржимани назарий тавсифлашнинг иложи йўқлиги ҳақидаги тезис инкор этилади. Таржимашунослик тарихида пайдо бўлган таржима стратегиялари ҳамда ҳозирда компьютер таржимасидан фойдаланишнинг назарий асослари ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: глобаллашув, таржимашунослик, кўптиллилик, сўзма-сўз таржима, эркин таржима, компьютер таржимаси.

Resume: The article refutes the thesis about the impossibility of a theoretical description of translation due to the creative nature of the translator's activity. It also elaborates on translation strategies in the past and the theoretical basis of using machine translation in modern life.

Key words: *globalization, translation studies, multilingualism, word-for-word translation, free translation, machine translation.*

Аннотация: *В данной статье опровергается тезис о невозможности теоретического описания перевода в силу творческого характера деятельности переводчика. Также речь идет об исторических стратегиях в переводе и теоретических основах использования машинного перевода.*

Ключевые слова: *глобализация, переводоведение, многоязычие, дословный перевод, вольный перевод, машинный перевод.*

Ҳар томонлама етук, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш масаласи таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳаётнинг барча жабҳалари учун замонавий малакали мутахассислар зарур. Улар чуқур билим, касбий маҳорат билан бирга компьютер саводхонлиги ва албатта чет тиллардан бирини ўзлаштириши талаб этилади. Бундан мақсад, меҳнат фаолиятида хорижий манбаларда мавжуд ўқув-методик, илмий ҳамда ўз касбига оид материалларни ўқиб тушуниш ва амалиётга тадбиқ қилишдир.

XIX аср ўрталарида чет тилларни ўқитишда асосий эътибор грамматик ҳодисаларни системали ўрганишга йўналтирилган. Бунга сабаб, ўша даврда грамматик таржима методи тарафдорлари Гегельнинг фалсафий қарашлари таъсири остида бўлиб, улар грамматика мантикий фикрлашни ўстиришда ёрдам беради ва чет тил ўқитишда грамматикани ўрганиш бирламчи бўлиши керак, деган фикрда бўлганлар.

Таржима миллатлар ва халқлар ўртасидаги муҳим алоқа воситаси ролини бажаради. Глобаллашув жараёни кечаётган шу кунда таржиманинг нафақат амалий, балки назарий аҳамияти ҳам янада ортиб бормоқда. Ҳар қандай таржиманинг асосий вазифаси асл тилда сўзловчи ёки ёзувчи томонидан билдирилган коммуникатив мақсадни ўзга таржима тилида тўла ва аниқ ифода этишдан иборат.

Таржима ҳақида илк назарий фикрлар дастлаб қадимги Римда юзага келган. Юнон ва латин тилларини мукамал билган Аристотель, Цицерон ва Гораций таржима жараёнида сўз кетидан қувиш ярамайди, уларнинг маъно ифодаларини аввал тарозида ўлчаб, кейин таржима қилиш маъқул, деган фикрни билдирганлар. Кейинчалик Италияда Бартоломео ва Манетти, Францияда дю Белле ва Малерб, Англияда Бэкон ва Драйден, Германияда Гёте ва Гумбольдт, Россияда Ломоносов ва Сумароков таржима хусусида ўз назарий тушунчаларини билдириб ўтганлар.

Жамиятда кўптиллилик юзага келиши билан турли тилларда сўзлашувчи жамоалар ўртасида мулоқотни таъминлашга ёрдам берувчи икки (биллингв), уч (полилингв) ва ундан ортиқ (полиглот) тилларни эгаллаган мутахассислар тайёрланадиган бўлди.

Одамларнинг тиллараро мулоқотини таъминлайдиган муҳим ижтимоий мавқега эга бўлган "профессионал таржимонлар" кастаси шаклланди. Ёзув расмий, диний, ишбилармонлик матнларини таржима қилишга олиб келди, адабиётлар ва маданиятларни ўзаро бойитиш имкониятини яратди. XX аср ўрталарида, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, турли халқаро маълумотлар алмашинуви ҳажми ва қўлами ошиши натижасида таржимада ўзига хос юксалиш юз берди, Таржима фаолияти мисли қўрилмаган даражада муҳим аҳамият касб этди. Таржиманинг мавжуд турларига янгилари қўшилди: синхрон, "машина таржимаси", дубляж. Таржима қилинган китоблар, журналлар, мақолалар қаторига турли муассаса ва корхоналар фаолияти ҳақидаги жуда кўп таржима материаллари қўшилди. Таржима билан нафақат профессионал таржимонлар, балки ҳаваскор таржимонлар ҳам шуғуллана бошлашди. Профессионал таржимонларнинг катта армиясини тайёрлаш зарурати туғилди, университетларда, чет тиллар институтларида таржима факультетлари очилди. Глобаллашув хорижий тилларни билишни "севимли машғулотдан" миллионлаб одамларнинг эҳтиёжига айлантирди. Икки ёки ундан ортиқ чет тилларни билиш нормага

айланиб, бундай одамлар сони йилдан-йилга кўпайиб, ижтимоий рағбатлантирилмоқда. Таржима фаолияти амалиёти янги сифат даражасига кўтарилди.

Таржима кўлами ва ҳажмининг ўсиши ҳамда профессионал тажриба тўпланиши таржимашунослик соҳасида назарий тадқиқотларнинг кучайишига олиб келди. Илмий нуқтаи назардан таржимашуносликда эришилган ютуқларни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

Биринчидан, таржимон фаолиятининг ижодий табиати туфайли таржимани назарий тавсифлашнинг иложи йўқлиги ҳақидаги тезис инкор этилади. Таржимон (хусусан, бадиий адабиёт) таржима қилинган матннинг ҳаммуаллифи эканлиги, унинг чет тилни билиш даражаси иккинчи даражали, масалан, мусиқа ёзиш пайтида мусиқий нотани билиши каби баҳоланади. Таржима - бу ижодий фаолият бўлиб, чет тилни билиш доирасидан анчагина ташқарига чиқади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, таржима борасида ижодкор бўлишни ҳеч ким бекор қилмаган, лекин у назарий жиҳатдан англашиладиган муҳим ҳолатлар билан чегараланган. Ёмон бадиий таржиманинг хавфли томони шундаки, бунда асардаги бадиий образларнинг бузилиши, аслиятдаги адабийликка путур етказилиши кузатилади. Бадиийдан бошқа, масалан, техник, тижорат ва дипломатик таржималардаги қийинчиликлар эса таржимадаги қўпол хатолар ва маълумотларнинг ноаниқлиги билан боғлиқ. Бу эса сиёсий зиддиятларнинг кучайишига, маънавий ва моддий зарар ва йўқотишларга олиб келиши мумкин. Замонавий таржимашунослик таржиманинг бадиий ва бошқа турларини ўзига хос назарий асосга эга бўлган мустақил таржима турлари деб ҳисоблайди.

Шуни таъкидлаш керакки, кенг маънода "таржима назарияси" ва «таржимашунослик» тушунчалари бир -бирига мос келган ҳолда "таржима амалиёти" тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Бундай вазиятда, таржимашунослик ёки таржима назарияси - таржима амалиётига нисбатан бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатадиган ҳар қандай тушунчалар, назарий позициялар ва эмпирик кузатувлардир. Баъзида «таржимашунослик» тушунчасига қуйидагиларни киритишади: таржимашуносликнинг назарий даражаси ("таржима назарияси" тушунчасининг тор талқини) ва праксеалогик (амалий) даража.

Иккинчидан, таржимада тарихан шаклланган стратегияларнинг назарий характеристикаси берилади: "сўзма -сўз", "эркин" ва "безаклаб" (бундай таржима усули XVIII асрда Француз таржимонлари орасида кенг тарқалган) таржима қилиш. Биринчи ("сўзма -сўз") стратегия диний матнларни, хусусан, Инжилни таржима қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Таржимонлар учун бу асл матнлар "Худонинг сўзи", ҳар бир сўз, сўз тартиби, тиниш белгилари муқаддас ҳисобланиб, таржимада сўзма-сўз такрорланиши шарт эди. Бу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлаганлардан бирига кўра: "Кимки Муқаддас Битикни сўзма-сўз таржима қилса, у ёлғон сўзлаган бўлади ва кимки нотўғри таржима қилса, у куфр келтирган бўлади". Натижада таржима тили меъёрларининг бузилиши ва бошқа семантик ноаниқликлар диний матн сирли ва ҳамма ҳам уни тушунавермаслиги керак, деб чин дилдан ишонган таржимон ва ўқувчиларни безовта қилмади.

Иккинчи («эркин») стратегия, оғишларнинг мавжудлигини назарда тутиб, матн мазмунини таржима қилишга қатъий эмас тахминий муносабатда бўлишга имкон берди. Бу таржима стратегияларининг қарама-қаршилигига Цицерон ҳам ўз асарларида эътибор қаратган бўлиб, бу бизнинг давримизда ҳам, айниқса бадиий таржимада сақланиб қолган. Сўзма-сўз таржима тарафдорлари фақат шундай таржимагина асл матнга мос эканлигига ва таржиманинг вазифаси аслиятни имкон қадар аниқ кўчиришдан иборатлигига амин эдилар. Уларнинг муҳолифлари эса бунга акс нуқтаи назарни билдиришарди: сўзма-сўз таржима асл нусханинг бадиий аҳамиятини етказа олмайди, таржима қилинган тилда тўлиқ мазмунга эга матн яратишга қодир эмас, деган фикрда эди улар. Марк Твен айтганидек "Дунёда ҳеч нарса сўзма-сўз таржима қилинган асардек зерикарли бўлмаса керак". Таржимон таржимага эркин ёндашишга, унинг мазмунига муаллифнинг асл руҳи сингдирилган ўзгартиришлар қилиш ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган у. Дарҳақиқат, таржимон гўё муаллифга айланган-у унинг қаламини муаллифнинг «руҳи» бошқаради.

Таржимани «безаш» стратегияси 18 асрда Францияда пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Француз таржимонлари ўзларини бадий таржима борасида ягона ва бетакрор дидга эга деб билишган ва ўзларини ўқувчига таржима ёқиши учун бошқа халқларнинг «ваҳшиёна» деб тан олинган бадий асарларининг асл нусхасини тузатиш ҳуқуқига эга, деб билишган. Таржимон «ваҳшиёна» деб ҳисобланган В. Шекспир, М. Сервантес ва бошқа буюк ёзувчи ва шоирларнинг асарларига паст назар билан қараган. Таржима қилинган матнни безаш жараёнида таржимонлар ўзлари ортиқча ва тушунарсиз, деб ҳисоблаганларини олиб ташлаб, ўз фикрларини қўшишган. Натижада, Аргентиналик машҳур шоир ва публицист Хорхе Луис Борхес таъкидлаганидек: "Асл матн таржимага нисбатан нотўғри эди". Бундай хатти-ҳаракатлар таржимоннинг паст малакаси, унинг асл матнга нисбатан ҳурматсизлиги, шунингдек, харидор ва ўқувчининг таржима сифатига бефарқлиги натижасидир.

Глобаллашув шароитида таржима назарияси замонавий компьютер технологиялари ютуқлари билан тўлдирилди. Таржимашунослик ушбу илмий вазифани ҳал қилишда фаол иштирок этди ва компьютер таржимаси сифатини яхшилашда маълум ютуқларга эришилди. Компьютер таржимаси дастурларининг қатор турлари яратилди, турли тиллардаги сўзлар ва грамматик ҳодисалар ўртасидаги мосликлар аниқланди. Таржимон хизматиға муҳтож бўлган инсонга унинг уйидаги компютери беминнат ёрдам берадиган бўлди.

Компьютер таржимаси дастурлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. электрон луғатлар, улар билан ишлаш оддий луғат билан ишлашдан деярли фарқ қилмайди (сўз ёки фразеологик бирликни компютерда тез топиш имконини беради);
2. гап бўлақларининг морфологик, синтактик ва семантик муносабатларини фарқлай оладиган компьютер таржимаси дастурлари.

Компьютер таржимаси муаммолари машина хотирасининг камлиги билан боғлиқ эмас, балки одамга ўхшаб, таржимага оид кўплаб қийинчиликларини енгишга имкон берадиган дастурий таъминотни яратишнинг қийинлиги билан боғлиқ.

Бадий таржимада компьютер таржимаси самарасиз ҳисобланади. Компьютер таржимасидан, таржимонлар ишини камайитириш мақсадида, стандарт шаклдаги лексик ва грамматик жиҳатдан чекланган материаллар, масалан, иш қоғозлари, йўриқномалар, электрон почта хатлари мазмунини тушуниб олиш учун қулай бўлиши мумкин. Компьютер дастури воситасида амалга оширилган ҳар қандай таржимани таҳрирлаш талаб этилади.

PROBLEM OF LANGUAGE AND MIND IN SCIENTIFIC AND TECHNICAL TRANSLATION

*Kosimboy Mamurov,
professor of TSUULL,
Nargiza Tilakova, TSUULL*

Abstract: *In the modern world translation has been both a skill and an art, of considerable practical and esthetic value down the ages. For translation provides access for millions of people to the scientific and technical knowledge, the great thoughts, the artistic and scientific achievements, as well as the social needs and values of the speakers of different languages spoken in each country. When we speak about translation, first of all, we must make clear the need for translation.*

Key words: *modern world translation, scientific and technical knowledge, artistic and scientific achievements, fiction translators, simultaneous interpreters, special translators, Adversary system, Jury Trial, prohibition.*

Introduction

After gaining independence translation both as a theoretical and practical science became very important for the development of our country as an independent state in the world international community of states and nations. In order to be a full and equal member of the world

community we have to educate ourselves to diverse modern sciences in the field of economy, culture, politics, architecture, agriculture, banking and financing, social, judicial, legal and legislative spheres of the society. Article 42 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan maintains: “Everyone shall be guaranteed the freedom of research and engineering work, the right to enjoy cultural benefits.

The state shall promote the cultural, scientific and technical development of the society” [1].

First, we must also be in the course of accomplishments and achievements of modern know-how technologies, computer and electronic sciences and etc. All this can be mastered and realized well if we have developed a system of translation activity in all and each sphere of social processes. For this purpose, our president has been paying a very serious attention to translation, and’s why gave instructions to open translation departments in the structure of universities in the capital city of Tashkent and at universities in regional central cities. In the first years of independence on competition basis professors and teachers of foreign languages were hired as translators. So, those teachers who displayed best and good translation skills were hired as translators by embassies, international organizations and foreign ventures, by such government branches as executive, legislative and judicial and ministries the Ministry of Foreign Affairs, Ministry of Education, Ministry of Health, Ministry of Agriculture, Ministry of Light and Hard Industry, Ministry of Sports and Culture and etc. The first graduates from translation departments were already sent abroad to translation training courses at Universities in developed countries of Europe, America, Japan, South Korea and started their professional translation activities as fiction translators (written and oral), simultaneous interpreters (usually oral), special translators of scientific – technical texts.

Discussion

This article is devoted to the translation issues of scientific technical texts. What is a scientific-technical text? It is a text of a scientific article or a work, a monograph dealing with specific scientific technical issues, problems expressed with special technical terms, notions and technical language lighting upon discovering a certain matter, body of physical alive or non-live matters or things of real or unreal existence. For example, the monograph of the Professor of Wayne State University Law School, William Burnham’s “Introduction to the law and legal system of the United States” which provides a detailed summary of the principle features of the law and the operation of the legal system in the United States. The book’s content includes history and government structure, Legislative Power, Executive Power, Judicial Power, Common Law, Statutory law, the Adversary system, Jury Trial, the Judicial System, Separation of Powers, Principle of Checks and Balance, Civil Law, Civil Procedure, Criminal Law, Criminal Procedure, Contracts and Commercial Law, Property Law, Family Law, Business Law, Tax Law [5]. If a translator wants to translate it into his own language (Uzbek or Russian, etc) it is not enough to know legal terms, their definitions, but also he must be well aware of the American laws and legal system because it differs very much from legal systems of CIS countries including Uzbekistan. It is impossible to understand the legal system of the United States without understanding its structure of government. For example, according to the government structure established by the Constitution of 1789 there are two important characteristics which directly affect the legal system are “separation of powers” and “federalism”. “Separation of powers” principles assure that none of the three branches of federal government - Legislative, Executive, or Judicial – oversteps the bounds of its proper constitutional role. For example, “adversary” is defined as opponent or litigant in a legal controversy or litigation (10-16). “Jury” - a group of people summoned and sworn to decide on the facts in issue at a trial” [5]. Since this jury trial does not exist in the judicial system of Uzbekistan and it is difficult for a translator to understand the jury trial and translate. So, the translator must study specially the institution of the jury trial. Only then the translator will be able to translate the proceedings of the jury trial into Uzbek or into Russian. So, the Uzbek translator must not only know the definitions the constitutional terms, but he must also develop and form thinking ability and mentality based on the language of democratic principles and laws. Otherwise,

he is destined to make very serious mistakes in his translation. For, example, in the language of the US Constitution the words of prohibition are abundant.

The first amendment to the U.S. Constitution, introduced in 1791, states that "Congress shall not enact any law restricting or prohibiting freedom of religion, or freedom of speech, freedom of the press, or the right of the people to peacefully protest and appeal to the government. "(“Congress shall make no law respecting an establishment of religion, or prohibiting the free exercise thereof; or abridging the freedom of speech, or of the press; or the right of the people peaceably to assemble, and to petition the Government for a redress of grievances”) [2]. There are 100 more examples of sentences written in the spirit of prohibition.

In addition, the term "prohibition" is often used in the US Constitution, which has a substantive semantic meaning of "impossible." For example, the first sentence of Article 4 of the US Constitution states that "the right of the people to personal inviolability, protection of residence, documents and property from unjustified search and siege shall not be violated. "Amendment 5: “No person shall be held to answer for the capital, or otherwise infamous crime, unless of a presentment or indictment of a Grand Jury...””. Similarly, the word "prohibition" in the Amendment 8, 9, in the last sentence of the Amendment 12, in the sentence 1 of the Amendments 13, in sections 1 and 3 of the Amendment 14, in the paragraph one of the Amendment 15, the word "prohibited" is used at the end of Section 18, Section 1, Amendment 21, Section 3, Section 22, Section 22, and in the first sentence of Amendment 19, "impossible", Section 1 of Amendment 22 the modal word “impossible” is used, in Section 1 of Amendment 24 there is also modal word “impossible”, Section 1 of Article 26, modal word “impossible” is expressed by the modal predication with the meaning prohibition. . These examples show that the violation of citizens' rights is "impossible", i.e the prohibition of violation of rights is expressed with a strong modal phrase or the word "prohibition" [2]

In the language of the Constitution, we read again and again that the violation of the law is strictly "forbidden", "prohibited", "impossible". If someone does not follow it, he will be punished, and punishment will be inevitable”.

The translator must be aware and understand why the law is written in such a language and translate it accordingly. This is because the founders and leaders of the American state had lived among the people in a democratic environment (1610-1750) dominated by civil society for 150 years. They were brought up with the mentality and views of this environment. That’s why they preferred to write and express their constitution in this language. By writing in such a language, they showed that they provided priority to the rights and interests of the people in their constitutions and that they guaranteed that they are truly protected and guarded from the abuse of the state and its executive, legislative and judicial branches, as well as law enforcement agencies which is clearly expressed in the language of law. This is the philosophical basis of the US Constitution. And it has been in effect since 1789 to the present day. During this period, only 26 additional amendments as articles were added to it. The translator must also feel the spirit of the Constitution which is expressed in the language of the Constitution or the legislative act. For example, Article 46 of the Constitution of Uzbekistan expresses: “Women and men shall have equal rights” (“Ayol va erkaklar teng huquqqa ega”) [1]. The same idea is expressed differently in the US Constitution: “The right of citizens of the United States to vote shall not be denied or abridged by the United State or by any State on account of sex“ (Amendment 19), or in Amendment 26 .we read: ”The right of citizens of the United States, who are eighteen years of age or older, to vote shall not be denied or abridged by the United State or by any State on account of age“ (Amendment 26) [2]. This right to equality is put differently in the Constitution of Uzbekistan: “All citizens of the Republic of Uzbekistan shall have equal rights and freedoms, and shall be equal before law without discrimination by sex, race, nationality, language, religion, social origin, convictions, individual and social status” (**Article 18**) [1]

So, in order to translate correctly the translator must know and distinguish the way of thinking and mentality of citizens of these two countries, Uzbekistan and US. According to the language of the Constitution of Uzbekistan the right is provided by the state. But according to the

US Constitution it is prohibited for the United states or for any state to deny or abridge the citizen's right to vote on account of age and sex. This fundamental difference in thinking and language must be understood well and differentiated strictly by the translator. Only in this case, he will be able to translate it better in giving the original idea.

Conclusion:

So, in order to translate correctly the translator must know and distinguish the way of thinking and mentality of citizens of these two countries, Uzbekistan and US. According to the language of the Constitution of Uzbekistan the right is provided by the state. But according to the US Constitution it is prohibited for the United states or for any state to deny or abridge the citizen's right to vote on account of age and sex. This fundamental difference in thinking and language must be understood well and differentiated strictly by the translator. Only in this case, he will be able to translate it better in giving the original idea.

1. Peculiarities of sentence structure in the texts of legislative acts to be considered by a translator:

The sentence structure of legislative acts usually consists of two member sentences, simple, compound and complex sentences, which correspond to the purpose of the sentence. Unlike the literary text (fiction), the texts of legal documents do not use interrogative, exclamatory sentences or commands.

Parts (components) of two-member simple sentences of legislation are included in the sentence on the basis of syntactic connections and demonstrate their functions as syntactic properties as members of a sentence. The sentence members are connected with each other mainly on the basis of predicative, subordinate, and coordinative connections (connections, relationships).

The categories of modality, tense and person make the predication of the sentence which is its main and important grammatical category. A notable difference in the legal text is that the position (position) of the predicate in relation to the subject of the sentence is always in the postposition. In this way, the text of a legal document differs from the literary text in that when it comes before the subject in the literary text it is called an inversion which is characterized by colorful stylistic variety. The legal text is not characterized by such inversion and diversity.

The predicate of legislative acts is usually expressed by independent parts of speech, mainly by a verb in the form of the indefinite tense of the verb, the present tense, the third person singular or plural form (for example, in the example of the original English language) (Vf - finite verb) in the active or passive voice and shall modal verb, with the compound form of the modal phrase (shall+Vi), with the active form of the infinitive and may modal verb (May Vi), with the passive form of the infinitive and shall modal verb (Shall be Ven), with infinitive and may modal verb combination (May be + Ven), infinitive and should modal verb active and passive relative forms (should Vi, should be Ven), infinitive and could modal verb active or passive relative form combination (Could Vi, could be Ven), infinitive and need modal verb combination (Need Vi), to be connecting verb and noun combination (is / are + N), to be connecting verb and adjective combination (is / are + Adj) with, shall be modal verbs and adjectives (shall be + Adj).

If modal verbs shall or may is used in the texts of international law, they are translated into Russian with modal verbs *doljen*, *dopuskaetsya*, *mojno*, and into Uzbek with modal verbs of necessity, conditional, necessity, impossibility, prohibition if modal verbs are in the negative form (shall not or may not), it is recommended to translate them into Russian with imperative words and phrases that *zapreshaetsya*, *ne dopuskaetsya*, and in Uzbek it is forbidden, forbidden, not allowed.

The above models of language materials show that in the texts of international law in English the participle is mainly expressed by the modal verb shall or may and infinitive, in Russian by the simple person forms of the participle verbs, and in Uzbek in most cases the modal meaning of the modal verb shall in some cases This is reflected in the fact that in Russian and Uzbek there is a slight loss in the unity of form and content in the expression of the cut.

In addition to translating the adjective “is / are entitled”, which has been used in international law, as a right, translating it into Uzbek with the word “right”, which has the same quality, serves to ensure the adequacy of the translation to the original text;

Elements of two-member sentences are included in the sentence by subordinative connection with the part that is the main part of the sentence, and on the basis of this connection it acquires the sign of subordination. The slave component can be connected to the cut directly from the ball or through the base element. In this case, a sequence occurs in the subordinate link chain. The subordinate component noun is represented by impersonal forms of the verb (infinitive, gerund, patisipl), as well as by prepositions. The position of the components introduced by the subordinate syntactic link with respect to the base element is a preposition in Uzbek, while in English and Russian it is mainly postposition. This is another indicator (factor) that shows the originality of the text of a legal document in relation to the literary text.

In the structure of the sentences in the text of the studied legal documents on the basis of coordinative syntactic connection subordinate parts, coordinative members, coordinative predicates are formed. In all three languages, the coordinative syntactic connection between the parts of sentences and clauses in legal documents is mainly expressed by such coordinative conjunctions as: and, as well as, nor (English), i, takje, (in Russian), and, and, with (va, bilan - Uzbek in language), contradictory conjunctions, neither .. nor (in English; “no” in Russian; in the original language “but”, “but”, separating conjunctions: in English “or”, “either... or”; In Russian "ili", "libo", in Uzbek "yo", "or", "or" are used. These conjunctions are specific to the legal text.

We hope that the features of the above-mentioned linguistic style of legislation will help translators to better understand the law and use them effectively in the translation of legislative acts.

Literature:

1. The Constitution of the Republic of Uzbekistan, Tashkent “Adolat”., 2014 (In English).
2. US Constitution. In Uzbek. Editor-in-Chief: A.Kh. Saidov, translator: H.M. Tursunov. IHMM , T.2013y, 72 pages.
3. Sattarov T.K. English for law students. Part I, fifth edition. .T., 2010 – 368 p.
4. Sattarov T.K. English for law students. Part I, fifth edition. .T., 2010 – 368 p.
5. William Burnham. “Introduction to the law and legal system of the United States”. ST.PAUL, MINN., WEST GROUP, 1999. –P.626.
6. Law Dictionary. Fifth Edition. By Steven H.Gifis. BARRON’S. 2003.

СИНХРОН ТАРЖИМА МУАММОЛАРИГА ДОИР

Ҳамидов Хайрулла Худойёровиш,

Тошкент давлат шарқшунослик университети доценти, PhD.

(Ўзбекистон, Тошкент)

E-mail: hamidovx@gmail.com

Жумабоев Ойбек Шералиевич,

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистранти

(Ўзбекистон, Тошкент)

oybekjumaboyevtdshu@gmail.com

Аннотация. Озгаки таржиманинг энг мураккаб тури саналган синхрон таржима мутахассис-таржимондан нафақат ўзи таржима қилаётган тилларни чуқур билишини, балки ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаси бўйича салкам мутахассис даражасида маълумотга эга бўлиши, шунингдек, фан ва техника оламининг замонавий тушунчалари, соҳалардаги замонавий тенденциялар ҳақида фундаментал билимларга ҳам эга бўлишини талаб қилади. Ушбу мақолада ана шу хусусда сўз боради.

Калит сўзлар: *оғзаки таржима, синхрон таржима, синхронист-мутахассис, Имо-ишоралар «тили», тил кўникмалари.*

Аннотация. *Синхронный перевод, являющийся наиболее сложным видом устного перевода, требует от переводчика-специалиста не только глубоких знаний языков, с которых он переводит, но и знаний всех сфер общественной жизни, а также мира науки и техники. Духовные концепции также требуют фундаментального знания современных тенденций в этой области. В данной статье рассматривается эта проблема.*

Ключевые слова: *устный перевод, синхронный перевод, синхронист-специалист, «язык» жестов, языковые навыки.*

Abstract. *Simultaneous translation, which is the most difficult type of interpretation, requires from a specialist translator not only deep knowledge of the languages from which he translates, but also knowledge of all spheres of social life, as well as the world of science and technology. Spiritual concepts also require a fundamental knowledge of current trends in the field. This article addresses this issue.*

Key words: *interpretation, simultaneous translation, specialist simultaneous interpretation, sign language, language skills.*

Ҳозирги жадал суръатда тараккий этиб бораётган дунёда барча соҳалар қатори таржимашуносликнинг муҳим таркибий қисми саналган синхрон таржима ҳам ривожланиш босқичига қадам қўйди. Бу ҳол синхрон таржимага бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги билан белгиланади.

Маълумки, синхрон таржима сўнгги пайтларгача таржима назарияси ва амалиётининг диққат марказидан сал четроқда бўлиб келди. Ҳатто бундан 40-50 йил илгари таржимашунос олимлар томонидан синхрон таржиманинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақида турли мулоҳазалар билдирилиб, таржиманинг бундай тури танқид остига олинганлиги ҳам маълум. Аммо ҳозирги глобаллашган дунёда халқаро анжуманлар, симпозиум ва семинарларнинг турлари кўпайиб, иштирокчиларнинг ўзаро мулоқот қилишлари учун профессионал синхрон таржима, жумладан, шарқ тилларидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан шарқ тилларига синхрон таржимага эҳтиёж рўй-рост сезилмоқда. Бу ҳолат XXI асрда таржиманинг ушбу турига нисбатан муносабат тубдан ўзгарганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларга қадар синхрон таржимонлар филология йўналишларини битирган мухассислар орасидан етишиб чиққан бўлса, мустақиллик йилларида республикамиз олий ўқув юртларида “Таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналиши ва “Синхрон таржима” магистратура мутахассислигининг очилганлиги яқин келажакда алоҳида таёргарлик кўрган, етарли касб кўникмаларига эга бўлган мутахассислар етишиб чиқишини кафолатлай олади, деб ўйлаймиз.

Бугунга келиб, синхрон таржима соҳасига эътибор кучайди, бироқ, уни ривожлантириш учун ўқув-услубий таъминот етарлими?! Бу саволга жавоб бериш учун мутахассис етиштирувчи олий таълим муассасаларидаги ўқув-услубий асоснинг қай даражада шаклланганлигига эътибор қаратмоқ керак. Чунки ўзбек таржимашунослигида (бизга маълум бўлган манбаларга кўра шундай хулосага келдик) синхрон таржима масалалари яхши ишланмаган. Сўнгги 40 йилда республикамизда таржима назарияси ва амалиёти доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар, яратилган ўқув қўлланмалари ва рисоалар бадий таржима масалаларини ёритишга кўпроқ аҳамият берилган. Синхрон таржима эса илмий-техникавий, публицистик матнлар таржимаси, машина таржимаси каби тадқиқотчилар эътиборидан четда қолаётти. Синхрон таржима тадқиқотлари ҳақида сўз борганда, фақат таниқли ўзбек таржимашуноси Ғ.Саломовнинг “Таржима назариясига кириш” [Саломов, 1978:31] номли ўқув қўлланмасида “Имо-ишоралар «тили»ни, айниқса, синхрон таржима ва кинофильмлар ўғирмаси билан шуғулланувчи таржимон-мутахассислар аниқ фарқламоқлари даркор”лиги, И. Ғофуровнинг “Таржимонлик мутахассислигига кириш” номли китобида синхрон таржиманинг муҳим соҳа эканлиги,

унинг таржимондан жуда катта билим, заковат ва фикрни тез илғаб, уни равшан ифодаладиган сўз топиш, бунда нозик жумлаларнинг маъносини бир зумда, дарҳол бошқа тилда қайтариш талаб этилиши, синхрон таржиманинг масъулияти алоҳида таъкидланиб, унга қисқача таъриф келтирилиб ўтилганлиги [Ғофуров, 2008:21] ёки баъзи илмий мақолаларнинг синхрон таржима мавзусига бағишлаб ёзилганлигини айтиб ўтиш мумкин [Ҳамидов, 2013:225], ҳолос.

Мавжуд вазият олий таълим муассасаларида синхрон таржима билан боғлиқ дарсларни Россияда XX асрнинг 70-80- йилларидан кейин А.Д.Швейцер [Швейцер, 1973], Г.В.Чернов [Чернов, 1980;1987], В.М.Илюхин [Илюхин, 2001] ва бошқа тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари, яратилган ўқув қўлланмалари ҳамда интернет саҳифаларида берилаётган маълумотлардан фойдаланиб ўтилишини тақозо этмоқда.

Демак, юзага келган ҳолат ва ўқув-услубий таъминот базасига бўлган эҳтиёж бугунги кунда синхрон таржима соҳаси учун улкан ишлар амалга оширилиши, янги авлод дарсликлари, ўқув, ўқув-услубий адабиётлар яратиш, илмий-тадқиқотлар олиб бориш билан бир вақтда, синхрон таржимонлар етиштириладиган олий таълим муассасаларида махсус синхрон таржима хоналарини очиш, уларни зарур ускуналар, махсус таржима кабиналари билан жиҳозлаш зарурлигини кўрсатади. Чунки талабаларга синхрон таржима сирларини анъанавий таълим йўли билан қанчалик тушунтирманг, уларнинг махсус синхрон таржима жиҳозларисиз етарли малакага эга бўлиб чиқишлари мушкуллиги ҳеч кимга сир эмас.

Бундан ташқари, бўлажак таржимонлар орасидан синхрон таржимага лаёқатлиларини ажратиш, улар учун алоҳида факультатив дарс соатлари ажратилиши, уларнинг малакавий амалиёт ўташ учун таржиманинг ушбу тури кўпроқ қўлланиладиган муассасаларга йўллаш, ҳатто уларнинг хорижга стажировкаларга боришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш, корпоратив ҳамкорликлар доирасини янада кенгайтирган ҳолда қўшма корхоналарга жалб этиш ишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, бугунги кунда биргина Тошкент давлат шарқшунослик университетидан таржимашунослик йўналиш ва мутахассисликларини битириб чиқаётган ёшлардан бир қисми синхрончи таржимон бўлади. Қолаверса, мазкур йўналишда таҳсил олаётган талабалар курсларига кўра биттадан шарқ тили ва Ғарбий Европа тилларидан бирини мукамал ўрганадилар. Булар: Узоқ Шарқ тилларидан хитой, корейс, япон, ҳинд ва урду тили ҳамда Яқин Шарқ тилларидан араб, турк, форс ва дарий тилларидир. Бакалаврият ва магистратура мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар тилларга кўра гуруҳларга ажратилган. Шундан келиб чиқиб, ўқув дастурлари, таълим тизими талаблари айти бўлса-да, тилларнинг қайси тил оиласига мансублиги, мураккабликлари ва бошқа ўзгачаликлар ҳисобга олинган ҳолда ёндашувлар ишлаб чиқилиши лозим. Гап шундаки, ўзаро яқин тиллар ҳисобланган ўзбек ва турк тиллари орасида таржима сирларини ўрганаётган талабалар билан ўзбек ва хитой, ёки бўлмаса, корейс, дарий тиллари орасида амалга ошириладиган таржима сирларини ўрганаётган талабаларга таҳсил беришда бир хил услубларни қўллаш тўғри бўлмайди. Албатта, таржиманинг умумий назарий масалалари устида ишлаш бундан мустасно.

Яна шу нарсани эътибордан четда қолдирмаслик керакки, 1-курсга қабул қилинган талабанинг 4 йил ичида ҳам бир хорижий шарқ тилини ўша тил эгаси даражасида ўрганиши, ҳам синхронист таржимон бўлиб етишиши қийин масала. Ғарбий Европа тиллари бўйича синхронист таржимонлар етиштиришда аҳвол анча фарқли. Чунки улар, масалан, инглиз ёки немис тилини мактабдан бошлаб ўрганиб келишади. Университет таълими даврида илгари ўрганган тилларини янада мустаҳкамлашади. Шарқшуносларда аҳвол шу жиҳатдан ҳам фарқли. Улар 4 йил мобайнида ҳам шарқ тилини илк босқичдан бошлаб мукамал даражага етгунга қадар ўрганишлари, ҳам синхрончи таржимон даражасида тил кўникмаларини эгаллашлари керак бўлади. Демак, талабалар орасидан синхронистлар

гуруҳини ташкил этиш чоғида асосий эътиборни лицейларда шарқ тилини ўрганиб келган талабаларни танлаб олишга қаратиш лозим бўлади.

Бундан ташқари, шарқшунос синхрончи таржимонлар етиштириш ишининг ўзига хослиги ҳақида гап борганда, айти тил оиласига кирувчи тиллар орасида таржимани амалга ошириш бир-биридан буткул узоқ бўлган тиллар орасида таржима қилишдан кўра ўн барабар мушкул эканлигини ҳам диққатдан четда қолдирмаслик зарур. Масалан, биргина синтактик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, баъзи тилларда феъл туркумига тегишли сўз (кесим) гапнинг охирида, баъзисида - гапнинг бошида, айримларида эса кесим эгадан кейин келади. Агар туркий тиллар мисол олинадиган бўлса, уларнинг барчасида феъл гапнинг охирида келиши яхши маълум. Албатта, бу мавзу алоҳида тадқиқот олиб боришни талаб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ОТМлардаги “Таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган “Синхрон таржима асослари”, “Синхрон таржима масалалари” фанлари учун ажратилган соатлар ҳажмини имкон қадар ошириш ва бунда маъруза ҳамда мустақил таълимга ажратилган соатлар миқдорини камайтириб, амалий ва семинар машғулоти соатини кўпайтириш (чунки синхрон таржимонлар учун амалиёт муҳимроқ), синхрон таржимадан янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари яратиш, бундай таъминот йўлга қўйилгунга қадар рус, инглиз ва бошқа тилларда нашр этилган энг сара ўқув ва илмий адабиётларни ўзбекчага таржима қилиб нашр этилиши учун зарур маблағларни ажратиш, таржимашуносликда синхрон таржима масалалари, асосий принципларини пухта ишлаб чиқилишига эътибор бериш, олиб борилган илмий тадқиқотларда синхрон таржима масалаларини ёритишга кўпроқ аҳамият бериш, кафедрада таржима назарияси ва амалий таржима дарслари ўтаётган профессор-ўқитувчиларни синхрон таржима масалаларига бағишланган илмий мақолалар ёзишга ташвиқ этиш, синхрон таржимонлар етиштириладиган олий таълим муассасаларида махсус синхрон таржима хоналарини очиш, уларни зарур ускуналар, махсус таржима кабиналари билан жиҳозлаш учун давлат грант маблағларини кўпроқ жалб этиш, талабалар орасидан синхрон таржимага лаёқатлиларини ажратиб, улар учун алоҳида факультатив дарс соатлари ажратиш, малакавий амалиёт ўташ учун синхрон таржима қўлланиладиган муассасаларга йўллаш, корпоратив ҳамкорлик доирасида қўшма ва хорижий корхоналар билан шартномалар тузиш, юксак қобилиятли талабаларни хорижга стажировкаларга юбориш, синхронистлар гуруҳига лицейларда шарқ тилини мукамал ўрганиб, кейин институтга қабул қилинган талабаларни жалб этиш вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади.

Юқорида санаб ўтилган шарт-шароитлар яратилган тақдирда, синхрон таржима ривожланиш босқичига қадам қўйган, унга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бораётган бир даврда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ижобий самара беради, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар

1. Саломов Ғ., Таржима назариясига кириш, ўқ.қўлланма, Тошкент, “Ўқитувчи”, 1978
2. Ғофуров И., Таржимонлик мутахассислигига кириш, Т. “Меҳри дарё” нашр-ти, 2008, 118 бет.
3. Швейцер А. Д., Перевод и лингвистика. Уч. для институтов и факультетов ин.яз. -М., Воениздат, 1973
4. Чернов Г.В. Лингвистические основы синхронного перевода / док. дисс. -М., МГЛУ, 1980;
5. Чернов Г.В. Основы синхронного перевода. Учебник для институтов и факультетов ин.яз. -М., Высш.шк., 1987;
6. Чернов Г.В. Теория и практика синхронного перевода.-М.: Междунар. Отн-я, 1978
7. Илюхин В. М., Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинаций перевода), канд.дисс., М., 2001
8. Ҳамидов Х., Синхрон таржима масалаларига доир, мақола, Ўзбек шарқшунослиги: Бугуни ва эртаси. Илмий мақолалар тўплами, 4, Тошкент, 2013, 224-231-б.

ТУРКЧАДАН КИНОФИЛЬМЛАР ТАРЖИМАСИДА ТИЛАК, ДУО ВА ҚАРҒИШЛАРНИНГ БЕРИЛИШИ

Ҳамидов Хайрулла Худоеврович,

Тошкент давлат шарқишунослик университети доценти, PhD.

E-mail: hamidovx@gmail.com

Эшназарова Нилуфар Хасановна,

Тошкент давлат шарқишунослик университети магистранти,

(Ўзбекистон, Тошкент)

E-mail: nilufareshnazarovatdshu@gmail.com

Аннотация. Ҳар миллатнинг ўз миллий қадриятлари, ана шу қадриятлар ичида оғзаки нутқда кенг қўлланиб келадиган ва ёзма адабиётда акс этган тилак, дуо ва қарғишлари бор. Ушбу мақолада асосан сўз бирикма ва гап шаклидаги бундай нутқ воситаларининг кинофильмлар таржимасида берилиши масалалари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: кинофильм таржимаси, дубляж, тилак, дуо, қарғиш, реалаялар.

Аннотация. У каждого народа есть свои национальные ценности, среди которых есть пожелания, молитвы и проклятия, которые широко используются в устной речи и отражаются в письменной литературе. В данной статье в основном обсуждаются вопросы передачи таких средств речи в виде фраз и предложений при переводе кинофильмов.

Ключевые слова: перевод кинофильмов, дубляж, пожелание, молитва, проклятие.

Abstract. Each nation has its own national values, among which there are wishes, prayers and curses, which are widely used in oral speech and are reflected in written literature. This article mainly discusses the issues of transmitting such speech means in the form of phrases and sentences when translating films.

Key words: film translation, dubbing, wish, prayer, curse.

Кинофильмлар инсонлар учун нотаниш миллатлар ҳаёт тарзи, миллий урф-одатлари ва қадриятлари, маънавий дунёси, ҳаётий тажрибалари, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик даражаси, мамлакатнинг сиёсий тузуми ҳақида кенг тасаввур уйғотувчи, умумлаштириб айтганда, халқнинг бутун ўзига хосликларини экран орқали жонли акс эттирувчи ойна ҳисобланади. Кинофильмларда ана шундай ўзига хосликлар қаторида халқ оғзаки нутқида кўплаб учрайдиган тилак, дуо ва қарғишлар муҳим ўрин тутади. Бундай бириклар миллийликни белгиловчи муҳим омиллардан саналади. Кинофильмлар таржимасида тилак, дуо ва қарғишларнинг ўтириб берилиши таржимашуносликнинг ҳам мураккаб масалаларидан ҳисобланади. Бу борада фанда, аниқроғи тилшунослик, адабиётшуносликда амалга оширилган тадқиқотлар бизга яхши маълум ва уларнинг кинофильмлар таржимасига ҳам тегишли жиҳатлари йўқ эмас.

Туркча тилак, дуо ва қарғишларнинг ўзбекча асарларда, фильм дубляжида берилиши масаласи ўзбек таржимашунослигида алоҳида мавзу сифатида олиниб, бугунга қадар кўриб чиқилмаган. Уларнинг шаклланиши, семантик, формал-синтактик таҳлили ва таржимада берилиши масалалари мақола учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мақоланинг назарий қисмини тайёрлашда П.Н.Боратав [Boratav, 1982], Мариниэр [Marinier, 1991], Абдурахмон Гўзал [Güzel, 1982] сингари турк олимларининг илмий тадқиқот ишларидан фойдаланилди.

Инсоннинг ўзи ёки атрофдагиларга билдирадиган эзгу нияти, илиқ сўзлари мажмуига тилак дейилади. Сўз бирикмалари ёки гап шаклида бўлган “тилак” атама сифатида “дуо”га синонимдир. Шу боисдан уларни бир-биридан алоҳида ажратган ҳолда кўриб чиқиш ҳар доим ҳам тўғри бўлавермайди. Арабчадан ўзлашган ‘дуо’ (олқиш) сўзининг луғавий маъноси Яратганга ҳамду сано, хитоб, жамиятнинг моддий фаровонлиги ва инсонларнинг маънавий саодатини тилаб қилинган илтижодир. Турк тилидаги “dua”, “hayır dua”

сўзларининг синоними “niyaz, yalvarış, yakarış” дир. Масалан: “*Allah dirlik düzenlik versin*” (“Оллоҳ тинчлик ҳотиржамлик берсин”); “*Allah sağ gözü/eli sol göze/ele mühtaç etmesin*” (“Оллоҳ ўнг кўз/қўлни чап кўз/қўлга муҳтож этмасин”) каби.

Тилак ва дуо тушунчалари орасидаги нисбий фарқ шундаки, тилакда, кўпинча, инсон(лар)га яхшилик бевосита тиланади, дуода эса инсон(лар)га яхшилик, марҳамат Яратгандан сўралади.

Ҳар бир кинофильмда у қайси миллатга мансуб бўлмасин, ўша миллат ҳақидага жамики миллий қадриятлар намоён бўлганини кўрамиз. Биргина фильмда юзлаб тилак, дуо ва қарғиш ифодаланган бўлиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир халқнинг урф-одат ва анъаналари, яшаш тарзи, туриш-турмуши, тафаккури ва маданияти унинг тилида ўз аксини топади. Қадриятлар ичида эса халқ оғзаки нутқида кенг қўлланиб келинаётган ва ёзма адабиётда акс этган тилак, дуолари бор. Бирикма ва гап шаклидаги бундай нутқ воситаларининг таржимада берилиши масалалари кўриб чиқилган мазкур мақолада туркчадан ўзбекчага ўтирилган кинофильмлардан материал сифатида фойдаланилди.

“Benim adım Melek” ya’ni “Мелек ҳикояси” сериалининг 01:04:48 дақиқасида шундай жумла келади: (*Nefise*) *Gözün aydın. Özün şenlikli olsun kızım. Bunca yıl bekledin, kucığına almak da nasip olsun, inşallah.*” Ушбу жумлани таржимон “Табриклаймаан! Жоним болам! Шунча йил кутгандинг, қучоғингга олиш ҳам насиб қилсин, омин!” деб беради. Агар туркча жумладаги *Inşallah* сўзи “Худо хоҳласа” ёки “Иншааллоҳ” деб ўтирилганда мсақсадга мувофиқ бўларди. Парчанинг биринчи қисмида ажратиб кўрсатилган жумлани нисбий маънода тилак деб атайдиган бўлсак, иккинчи қисмида ажратиб кўрсатилган жумла дуо сифатида қабул қилиниши мумкин.

Туркча тилак, дуо ва қарғишларнинг ўзбекча таржимада берилиши билан боғлиқ муаммоларнинг ўрганилиши турк халқининг фалсафаси, миллий ўзига хослиги, психологияси, менталитетини чуқур билиш ҳамда икки халқ бадий тафаккуридаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни аниқлаш орқали бадий таржимада дуч келинаётган нуқсон ва камчиликларни аниқлаб, уларга барҳам беришга кўмак беради. Тадқиқот мавзусининг ўзгачалиги яна шундаки, ўзбек ва турк тилларида тилак, дуо ва қарғишлар бир-бирига ўхшаш кўринса-да, синчиклаб кузатилганда, орада фарқлиликлар мавжудлиги яққол сезилади.

Тилак ва дуо кўп ҳолларда бир-бири билан уйғунлашиб кетганлигига қарамай, уларни бир-биридан ажратиб турадиган айрим жиҳатлар бор. Масалан, туркларда фарзанд дунёга келганда, чақалоқнинг ота-онасига “*Allah anahı babalı büyütsün*” (сўзма-сўз: “*Онали-отали катта бўлсин*”, яъни “Умри билан берган бўлсин”), ёки “*Her şey gönlünüzce olsun!*” (“Ўйлаган ниятингизга етинг”) каби тилак билдирилганда “*Teşekkür ederiz*” дея жавоб берилади. Киши вафот этганда унинг яқинларига “*Başınız sağ olsun! Allah rahmet eylesin! Allah sabır versin!*” (сўзма-сўз: “Бошингиз омон бўлсин! Оллоҳ раҳмат қилсин! Оллоҳ сабр берсин!) дея ҳамдардлик билдирилганда, “*Dostlar sağ olsun*” (“Дўстлар омон бўлишсин”) деб жавоб қайтарилади. Жанозага келганларга “*Hakkınızı helâl edin, ağalar!*” (таржимаси: *Рози бўлингиз, оғалар!*) дейилганда “*Helâl olsun!*” (таржимаси: *Розимиз!*) деб жавоб берилади. Дуо ўқилганда эса жавоб талаб қилинмайди. Бундай мисолларни туркча кинофильмларда жуда кўп учратамиз. Яна ўша сериалдан мисол (01:52:27,191 --> 01:52:31 дақиқалар): *Hadi bereketli olsun, hadi ben gidiyorum. Hadi rast gelsin, Allah’a emanet olun.* Таржимаси: “*Майли, баракасини берсин. Мен борақолай, чарчаманглар*”. Бу ерда таржимон эркин иш тутган, чунки ўзбекларда ҳам хайрлашилаётганда турклар каби “Аллоҳга омонатсиз” ёки “Аллоҳнинг паноҳида бўлинг” тарзида тилаклар билдирилади ва бу ўзбек халқига бегона ифодалар эмас. Тўғри, нутқимизда “Чарчаманглар” дея хайрлашиш ҳолатлари ҳам учрайди. Аммо қахрамон нутқида *Allah’a emanet olun!* (“Аллоҳга омонат бўлинг”) деб ғоят тушунарли сўз айтиб турилибди-да.

Сериалда (01:34:27- 01:34:28) персонажи Вилдан бир ўринда: “*Allah’a emanet ol, annet*” дейди. Ушбу жумла таржимада “*Сени Худога топширдим, болам*” тарзида

ўғирилган. Ёки бош қаҳрамон Мелекнинг “*Allah'im sen koru!*” (01:18:30) жумласи “Худойим, ўзинг асра!” тарзида, ёки Қадриянинг “*Allah razı olsun, baba*” гапи “Аллоҳ рози бўлсин, ота” тарзида сўзма-сўз таржима ўгириб қўйилганига қарамай, ишончли чиққан.

Энди куйидаги диалогни кўриб чиқамиз:

Hafiz: Vay vay vay. Bayramınız mübarek ola!

Seyit Ali: Sağ olasın Hafiz. Allah seneyi devresine kazasız, belasız buluşmayı nasip etsin, İnşallah.

Hafiz: Âmin Ağız tadiyla inşallah Seyit Ali. Ağız tadiyla. Ee Cumali...bir bayrama daha kavuştuk, değil mi?

Seyit Ali: Şükür.

Hafiz: Şükür ya. Allah kabul etsin. Âdetinizi yerine getirmişsiniz, maşallah.

Jumali: Allah ağzımızın tadını bozmasın, inşallah.”

Кинофилмдаги ушбу диалог куйидагича таржима қилинган:

Ҳафиз: Салом, қўшнилар! Ҳаммага байрам қутлуғ бўлсин!

Сейит: Соғ бўл, Ҳафиз! Аллоҳим, келаси йилги шу кунларга қаторимиздан хатосиз етказсин!

Ҳафиз: Омийн! Айтганинг келсин, Сейит Али! Худо хоҳласа! Хўйиш, Жумали! Яна бир байрамга етказди ўзи, тўғрими?

Жумали: Аллоҳга шукр!

Ҳафиз: Ҳаа, шукр! Оллоҳ даргоҳида қабул қилсин! Одатингизни давом эттиряпсизлар экан!

Парча таржимасида бир нечта хатоликларга йўл қўйилганини кўриш мумкин. Масалан, илк туркча жумла сўзловчи қўшни эканлигини инобатга олиб, жумлани “Салом қўшнилар. Ҳаммага байрам қутлуғ бўлсин!” тарзида ўгирган. Аммо аслиятдаги матнни инобатга олган ҳолда “Э-ҳе, ҳамма шу ерда, жамоат жам экан-ку!” тарзида ўғирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ёки “Раҳмат, Ҳафиз! Худо келгуси йил шу байрамларга ҳам қаторимиздан хато қилмасдан етказсин!” тарзида ўғирилганда жумла янада соф ўзбекча чиққан бўлар эди.

Турк тилида “тилак” ва “дуо” сўзларининг синоними “олқиш”дир. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот-ит турк” асарида ҳам сўз юритилган [Güzel, 1982:3]. Унга кўра, олқиш “бир инсоннинг яхшиликларини тилга олиб кўкка кўтариш, мақташ демакдир. Бундан санаб ўтилган атамаларнинг туркий тилларда қадимдан қўлланиб келинганлиги маълум бўлади. Турк олими П.Н.Боратав “олқиш” ва “тилак”нинг “дуо”дан фарқли ўларок, бир инсонга эзгу ниятлар билдириш, яхшиликларини эслатиб ўтиш эканлиги, дуода ёлғиз Аллоҳга илтижо, инсоннинг ўзи учун билдирадиган истаклар эканлигини айтиб ўтган [Boratav, 1982:129].

Хулоса. Туркчадан ўғирилган кинофильмлар таржимаси таҳлил этилар экан персонажлар нутқида тилак, дуо ва қарғиш сўзларнинг ниҳоятда кўп қўлланилганининг гувоҳи бўламиз. Шундан келиб чиқиб, таржималарда бундай бирликларни бериш билан боғлиқ муаммоларни мўъжаз илмий мақола доирасида кўриб чиқиш имконсизлиги, тили, маданияти, тарихи, дини бир-бирига яқин бўлган икки халқ тилида кенг қўлланиб келаётган бундай сўзларнинг семантикаси, грамматик шаклланиш қонуниятлари, синтактик тузилиши билан боғлиқ маълумотларни ўрганиш тилшунослик билан бир қаторда таржимашунослик фанининг ҳам муҳим масаласи саналиши ва унинг алоҳида тадқиқот мавзусини ташкил этишини таъкидлаш керак бўлади.

Адабиётлар:

1. Boratav P.N. “100 Soruda Türk Halk Edebiyatı”, Gerçek Yayınevi, İstanbul, 1982.
2. Marinier, “Dua Üzerine Düşünceler” (Psikofizyolojik Sebepler, Sonuçları), İzmir, 1991.
3. Abdurahman Güzel, “Dede Korkut Hikayeleri Bağlamında Dua”, İstanbul, 1982.

ЎРТА АСР ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДА АРАБ ТИЛДАН ЛОТИНЧАГА ЎГИРИЛГАН АНТИК ДАВР ОЛИМЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Маҳмудов Отабек Валижонович

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Фаргона давлат университети

Email: bekmakhmudov@mail.ru

Аннотация. Мақолада антик давр олимлари асарларини Ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига таржима қилиниши жараёни фан соҳаларига ажратилган ҳолда хронологик тартибда таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Ўрта асрлар, таржима марказлари, антик давр олимлари, асарлар, таржима, лотин, юнон, араб тили, илмий мерос.

Аннотация. В статье проанализирован процесс перевода трудов ученых античности на латынь в средневековых европейских переводческих центрах в хронологическом порядке с разбивкой по отраслям науки.

Ключевые слова: Средние века, центры переводов, ученые древности, труды, перевод, латинский, греческий, арабский язык, научное наследие.

Annotation. The article analyzes the process of translating the works of scientists of antiquity into Latin in medieval European translation centers in chronological order, broken down by branches of science.

Keywords: Middle Ages, translation centers, scholars of antiquity, works, translation, Latin, Greek, Arabic, scientific heritage.

XII–XIII асрларда Европа таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар рўйхатига назар ташланса, дастлабки вақтда асосан астрология, астрономия, математика ва тиббиёт каби фан соҳаларига доир асарларни таржима қилишга катта эътибор қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Кейинчалик, жумладан XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, фалсафага тааллуқли бўлган асарларни лотин тилига ўгириш кенг тус олди. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бу асарлар қаторига бадий адабиёт намуналари ҳам қўшилди. Бу улкан илмий мерос асосини қадимги юнон-рим олимлари асарларининг арабча таржималари ҳамда мусулмон Шарқининг буюк алломалари китоблари ташкил этган.

Айтиш керакки, антик давр олимлари асарларининг Ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига ўгирилган арабча нусхалари Қуртоба халифалари Абдураҳмон III (912–962) ва ал-Ҳакам II 962–976), шунингдек, Толедо амири ал-Маъмун (1043–1075) саройида ижод қилган олимлар томонидан яратилган эди.

Шу ўринда, қадимги давр олимларининг турли соҳаларга оид асарларини араб тилига таржима қилишда IX–XI асрларда Бағдодда фаолият юритган «Байт ал-ҳикма»ни бекиёс ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Ўрта асрларда мусулмон давлатлари ўртасида сиёсий, иқтисодий, тижорат соҳасидаги алоқалар, шунингдек, илмий ва маданий алмашинувлар йўлга қўйилганлигини инобатга олиб, Бағдодда яратилган араб тилидаги улкан мерос намуналари ал-Андалус ҳудудидаги давлатларга етиб борганини тахмин қилиш ҳам мумкин.

Қизиқ жиҳати, XII–XIII асрларда ижод қилган Европа таржимонлари юнон-рим олимларининг асарларини айнан арабча таржималари ҳамда мусулмон муаллифларининг бу асарларни такомиллаштиришга қаратилган рисоалари, яъни шарҳлари асосида лотин тилига ўгирилган. Айни ҳолат, ўрта асрда яшаган европаликлар ўзларининг қадимги илмий тарихи билан айнан Шарқ олимлари меҳнати орқали танишишга муяссар бўлганликларидан далолат беради. Бироқ, айни даврда лотин тилига таржима қилинган ишларнинг катта қисмини, албатта Шарқ олимларининг турли соҳаларга доир асарлари ташкил этган.

Мазкур мақолада антик давр олимларининг Ўрта аср Европа таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарларини, фан соҳаларига ажратган ҳолда, хронологик тартибда

тақдим этамизки, бундай ёндашув ҳозирга қадар яратилган ишларда кузатилмаган ва қўлланилмаган эди. Бу асарлар «Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида жамланди.

Келтирилувчи асарларни аксари йўқолиб кетган бўлиб, манба ва илмий адабиётларда уларнинг фақатгина номлари ёки улар ҳақидаги қисқа парчалар сақланган, холос. Таъкидлаш лозимки, ушбу рўйхатга киритилган асарлар ўрта аср Ғарб фанлари ривожига катта таъсир кўрсатган.

Қайта таъкидлаш зарурки, юнон тилидаги асарларнинг номлари эса аслича ёзилган бўлиб, ҳар бир сарлавҳадан сўнг уларнинг «эразм тизими»^{*} асосида ёзилган транскрипцияси ҳамда ўзбек тилидаги таржимаси келтирилади. Асарнинг асл номи унинг латинча таржимаси сарлавҳаси билан айнан бир хил бўлган ҳолатларда латинча сарлавҳанинг ўзбек тилидаги таржимаси келтирилмаган.

Астрономия, математика ва физикага оид асарлар

«Περὶ οὐρανοῦ» [Περὶ урану́] («Само китоби») – Аристотелнинг (лот. Aristoteles., мил. авв. 384–322) тўрт жилдан иборат асари. Китоб турли йилларда, жумладан 1165 йилда Кремоналик Жерард, 1180 йилда Доминго Гундисальви, 1230 йилда эса Майкл Скот томонидан латин тилига ўтирилган. Барча таржималар «De caelo et mundo» («Само ва олам китоби») номини олган.

«Φυσικὴ ἀκρόασις» [Фюсикé] («Физика») – Аристотелнинг шу фанга доир фундаментал тадқиқот иши. 8 та китобдан иборат асарда биринчилардан бўлиб, физика табиатни ўрганувчи эмас, балки ҳаракатлар тўғрисидаги фан эканлиги исботланган. Кремоналик Жерард уни 1175 йилда арабчадан латинга («Physica») ўтирган. 1230 йилда асар «Libre Phisicorum» («Физика китоби») номи билан Майкл Скот томонидан қайта таржима қилинган.

«Στοιχεῖα» [Стойхэ́йа] («Негизлар») – Евклид (лот. Euclidius (тахм. мил. авв. 325–265)нинг ўн уч китобдан иборат асари. Мазкур асар соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда муаллиф давридаги риёзиёт маълум бир илмий тизимга солинган. Асарнинг арабча нусхаси илк бор 1120 йилда Батлик Аделард томонидан латин тилига ўтирилади. 1140 йилда эса асарни Далматлик Ҳерман латинчага таржима қилган. Шунингдек, Кремоналик Жерард ҳам мазкур асарни араб тилидан латин тилига кўчирган. Бироқ, бу таржима нечанчи йилда амалга оширилгани маълум эмас. Барча таржималар «Elementorum» деб номланган бўлиб, уларда Жерард иши 1482 йилда Венецияда Эрхард Ратдольт (1447–1528) томонидан илк бор нашр қилинган.

«Κύκλου μέτρησις» [Кю́клю мэ́трэсис] («Айлана ўлчаш китоби») – қадимги юнон математик олими Архимед (лот. Archimedes Syracusanus (мил. авв. 287–212) нинг асари. Унинг арабча нусхаси 1160–1187 йиллар оралиғида Кремоналик Жерард томонидан латин тилига ўтирилган. Бироқ, бу таржиманинг айрим қисмларигина бугунги кунга қадар етиб келган холос.

«Σφαῖρική» [Сфайрикé] («Сферика») – юнон математиги Феодосий (лот. Feodoseus (мил. авв. II аср) нинг ҳозирги кунга қадар етиб келган, уч китобдан иборат асари. Асарнинг арабча нусхаси 1134–1145 йилларда Тиволалик Платон ва Авраам бар-Ҳия томонидан ҳамкорликда латин тилига ўтирилган. Таржима тўлиқ ҳолатда сақланмаган.

«Μεγάλη Μαθηματικὴ Σύνταξις» [«Мэга́ле матхэ́матикé сýнтаксис»] («Ҳисобга оид буюк китоб») – Клавдий Птолемей (лот. Claudius Ptolemaeus (90–161) нинг астрономияга оид энг йирик асари. Ўрта аср Шарқ фан оламида «ал-Мажистий» («ал-Магест») номи билан машҳур бўлган нодир китоб. Мазкур асар Мусулмон Шарқи олимлари орасида фалакиётшунослик ва ҳисоб илмига оид классик асар сифатида соҳадаги энг асосий манба ҳисобланган. Асарни Кремоналик Жерард 1167 йилда араб тилидан латин тилига ўтирган.

^{*} «Эразм тизими» ёки «этацизм» – қадимги юнон тилидаги сўзларни ўрта аср ғарб тилларида хатосиз ёзиш мақсадида XVI асрнинг биринчи ярмида Роттердамлик Эразм (1466–1536) томонидан ишлаб чиқилган тизим. У бугунги кунда фонетик жиҳатдан қадимги юнон тилидаги сўзларни энг тўғри транскрипция қилувчи тизим сифатида қабул қилинган.

«Ἀπλῶσις ἐπιφανείας σφαίρας» [«Ἀπλῆσις ἐπιφανέϊας σφαίρας»] («Сферанинг содда моҳияти») – Клавдий Птолемейнинг юлдузлар жойлашуви ҳамда осмон сферасини тасвирловчи жадвал ва харитадан иборат асари. 1143 йилда Далматлик Ҳерман, 1144 йилда эса Брюггелик Рудольф томонидан латин тилига «Planisphaerium» («Планисфериум»*) деб таржима қилинган. Бу асарнинг таржимаси 1507 йилда Римда, 1536 йилда эса Базелда нашр этилган.

«Τετράβιβλος» [Τετράβιβλος] («Тўрт китоб») – астрология ва астрономияга оид Клавдий Птолемейнинг йирик асарларидан бири. 1138 йилда Тиволалик Платон ва Авраам бар-Ҳия ҳамкорлигида арабчадан латин тилига ўгирилади. Таржима «Quadrupartitum» деб номланган. Асар 1271–1275 йилларда Яҳуд ибн Моше Коэн томонидан аввал араб тилидан кастил тилига («Tetrabiblon»), сўнгра латин тилига («Quatripartito») таржима қилинган. Шунингдек, мазкур асарнинг «Quatripartito» номли латинча таржимаси 1175 йилда Эдигио де Парма тарафидан ҳам яратилади. Мазкур асарнинг Тиволалик Платон яратган латинча таржимаси 1533 йилда «Cl. Ptolomaei Pheludiensis Alexandrini Quadrupartitum» сарлавҳаси билан Иоганн Опорин (1507–1568) томонидан Базелда нашр қилинган. Ушбу нашрнинг бир нусхаси бугунги кунда Германиядаги Варгбург университети кутубхонасининг «Astrologica Latina» бўлимида FАН 750 рақами билан сақланмоқда.

Тиббиётга оид асарлар

«Ο αἶρας, νερό και το έδαφος» [Ο αἶρας, νερό και το έδαφος] («Ҳаво, сув ва ер») – Гиппократ (лот. Hippocrates (мил. авв. 460 – тахм. 370) асарларидан бири. Асарнинг латинча «De aere, aqua et terra» таржимаси Толедолик Маркка тегишли.

«Ἀπό τη γνώση του παλμού» [Ἀπό τῆ γνώσε τῶ παλμῷ] («Томир уруши ҳақида билимлар») – Гален (лот. Claudius Galenus (тахм. 130–200) нинг энг йирик асари. Уни Толедолик Марк «De Dignoscendis Pulsibus» номи билан латин тилига ўгирган.

«Σχετικά με τα αίτια του παλμού» [Σχετικά με τὰ αἴτια τῶ παλμῷ] («Томир урушига эҳтиёж») – Гален асари. Унинг «De Causis Pulsus» деб номланган латинча матни Толедолик Марк қаламига мансуб.

«Σύνθεσις φαρμάκων» [Σύνθεσις φαρμάκων] («Дориларнинг таркиби») – Галеннинг фармацевтикага оид рисолаи. Асарнинг латин тилидаги «Compositionem pharmaceuticam» таржимаси Толедолик Марк томонидан яратилган.

«Μυϊκή κίνηση» [Μυϊκή κίνηση] («Мушак ҳаракати») – бу асар ҳам Гален қаламига мансуб. Унинг «De motus musculorum» деб номланган латинча таржимаси муаллифи ҳам Толедолик Марк ҳисобланади.

Биология, метеорология ва кимёга оид асарлар

«Περὶ τὰ ζῶα ἱστορίαι» [Περὶ τὰ ζῶα ἱστορίαι] («Ҳайвонлар тарихи») – Аристотел қаламига мансуб ушбу асар Майкл Скот томонидан «Historia animalium» сарлавҳаси остида латинчага таржима қилинган.

«Περὶ ζῶων γενέσεως» [Περὶ ζῶων γενέσεως] («Ҳайвонларнинг пайдо бўлиши») – бу асар ҳам Аристотелга тегишли. Унинг латинча нусхаси «De generatione animalium» деб номланади, таржима муаллифи Майкл Скот.

«Περὶ ζῶων μορίων» [Περὶ ζῶων μορίων] («Ҳайвон органлари») – Аристотел асари. Асарнинг араб тилидаги нусхаси Майкл Скот томонидан «De partibus animalium» номи билан латин тилига ўгирилган. Юқоридаги уч таржима 1217–1220 йиллар оралиғида яратилган.

«Τα μετεωρολογικά» [Τα μετεωρολογικά] («Метеорология») – Аристотелнинг шу фанга бағишланган рисолаи. Уни Кремоналик Жерард латин тилига ўгирган. Асарга ёзилган араб тилидаги шарҳларни Сарешеллик Альфред таржима қилган.

«Περὶ φύτων» [Περὶ φύτων] («Ўсимликлар тўғрисида») – Дамашқлик Николас (лот. Nicolaus Damascus (мил. авв. 64 – мил. 4) асари, Сарешеллик Альфред томонидан таржима қилинган. Асар қандайдир ноаниқлик сабаб, дастлабки вақтда Аристотелга тегишли деб

*«Планисфериум» – Планисфера сўзидан келиб чиққан. Планисфера – осмон жисмларини тасвирлашга мўлжалланган кўчма харита.

келинган. Бироқ кейинчалик, у Дамашқлик Николас томонидан ёзилганлиги ўз тасдиғини топди. Лотинча «De plantae» деб номланган мазкур рисоланинг арабча матни 1923 йилда Истанбулда нашр этилган. Ҳозирда, унинг сурёний тилидаги қўлёзмаси Кембрижда сақланади.

«Μυστικά της φύσης» [Μυστικά тэс φύсэс] («Табиат сирлари») – Тианалик Аполлон (лот. Apollonius (мил. авв. 1 – мил. 98) қаламига мансуб асар. Уни Санталалик Гюго «Liber de secretis naturae» («Табиат сирлари тўғрисида китоб») номи билан лотинчага таржима қилган.

Фалсафа, адабиёт ва тарихга оид асарлар

«Περὶ γενέσεως καὶ φθορᾶς» [Περὶ гэнэсэос кай фтхорас] («Мавжудлик ва фасод китоби») – фалсафага доир йирик асарлардан бири. Кремоналик Жерард томонидан «De Generatione et Corruptione» сарлавҳаси остида лотин тилига ўтирилган.

«Μετὰ τὰ φυσικά» [Μετά τὰ φύσιká] («Метафизика») – асарнинг айрим қисмларини Доминго Гундисальви таржима қилган. Асар кейинчалик Майкл Скот томонидан «Metaphysica» номи билан тўлиқ ҳолатда лотин тилига ўтирилган.

«Ἀναλυτικά ὑστερα» [Αναλυτικά истэра] («Иккинчи аналитика») – Кремоналик Жерард томонидан «Analytica posteriora» номи билан лотин тилига ўтирилган.

«Περὶ ψυχῆς» [Περὶ псυχэс] («Рух тўғрисида») – асарни 1230 йилда Майкл Скот лотин тилига таржима («De amina») қилган.

«Ῥητορικὴ τέχνη» [Ῥητορικό τέχнэ] («Нотиклик санъати») – Олмониялик Ҳерман «Ars rhetorica» номи билан лотин тилига ўтирган.

«Ἠθικά Νικομάχεια» [Ἐθικά никомάχэя] («Никоммах этикаси») – «Ethica Nicomachea» сарлавҳаси остида Майкл Скот лотин тилига таржима қилади. Асарни Олмониялик Ҳерман 1240 йилда қайта лотин тилига ўтирган.

«Ἠθικά μεγála» [Ἐθικά мэгáля] («Катта этика») – 1243–1244 йилларда Олмониялик Ҳерман томонидан «Magna moralia» сарлавҳаси остида лотин тилига таржима қилинган.

«Περὶ ποιητικῆς» [Περὶ пойэтикэс] («Поэтика») – ушбу асарни 1256 йилда «Ars poetica» сарлавҳаси остида Олмониялик Ҳерман лотин тилига ўтирган.

«Περὶ ἀρετῶν καὶ κακιῶν» [Περὶ арэтón кай какиón] («Саховат ва соҳибкароматлар ҳақида») – Сарешеллик Альфред томонидан «De virtutibus et vitiis libellus» номи билан таржима қилинган. Юқорида номлари зикр этилган асарларнинг барчаси юнон олими Аристотелга тегишли.

«Νόμοι τοῦ κυβερνήτη» [Нóмой ту кюбэрнэтэ] («Подшоҳлар қонуни») – Клавдий Птолемейнинг хронологияга оид асари. Уни 1240 йилда Олмониялик Ҳерман «Canon» («Қонун») номи билан лотин тилига ўтирган.

«Σχετικά με τα συναισθήματα» [Схэтика мэ та сюнайстхэмата] («Туйғулар тўғрисида») – Александр Афродизий (лот. Alexandri Aphrodisiensis (ваф. 215) рисола. Асарни Доминго Гундисальви 1180 йилда араб тилидан лотинчага таржима қилади. Таржимон ўз ишига «De intellectu» («Англаш») деб сарлавҳа қўйган. Мазкур асар ҳудди шу ном билан 1187 йилда Кремоналик Жерард томонидан ҳам лотин тилига ўтирилади.

«Θεολογία τοῦ Ἀριστοτέλη» [Тхэолёгíа ту аристотéле] («Аристотел Илоҳиёти») – юнон файласуфи Плотин (лот. Plotinus (205–270) томонидан Аристотелни шу номдаги асарига ёзилган шарҳ. Уни Сарешеллик Альфред лотин тилига («Aristoteles Theologia») таржима қилган.

Юқорида тавсифланган таржима фаолияти ва унда иштирок этган таржимонлар мероси Ўрта аср Европа таржима марказлари Европа Ренессансининг том маънодаги ибтидоси эканлигини англатади. Айни давр таржимонларининг заҳматли меҳнати сабаб европалик олимлар араб тилидаги нодир илмий мерос намуналари билан танишишга мушарраф бўлдилар, бу ўз навбатида Ғарб фани оламида янги-янги асарлар яратилишига асос бўлди. Айтиш керакки, лотин тилига ўтирилган асарларнинг аксари фақат сўзма-сўз таржима бўлибгина қолмай, балки таржимонларнинг шахсий тажрибалари ва ижодий

муносабатлари ҳисобига бойиб ҳам борган. Бунинг натижасида юзага чиққан янги кашфиётлар эса илму-фаннинг юксалишига олиб келди.

Адабиётлар

1. Alonso M. Notas sobre los traductores toledanos Domingo Gundisalvo y Juan Hispano // Al-Andalus. Revista de las Escuelas de Estudios árabes de Madrid y Granada. 1943. – Vol. 7. – P. 155–188.
2. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Bd. 1–2. – Leiden: C. F. Amelangs Verlag, 1909. – 283 s.
3. Burnett C. A group of Arabic-Latin Translators Working in Northern Spain in the Mid-12th Century // Royal Asiatic Society of Great Britain and Ireland. 1977. – Vol. 1. – P. 62–108.
4. Burnett C. Arabic into Latin in Twelfth Century Spain: The works of Hermann of Carinthia // Mittellateinisches Jahrbuch. 1978. – Vol. 13. – P. 100–134.
5. Burnett C. The Coherence of the Arabic-Latin Translation Program in Toledo in the Twelfth Century // Science in Context. 2001. – Vol. 14. – P. 249–288.
6. Burnett C. The Institutional Context of Arabic – Latin Translations of the Middle Ages: A Reassessment of the School of Toledo // Vocabulary of Teaching and Research between the Middle Ages and Renaissance. / Ed. O. Weijers. – Turnhout: Brepols, 1995. – P. 214–235.
7. Fidora A. La Escuela de Traductores // La Catedral Primada de Toledo, dieciocho siglos de Historia. 2010. – P. 480–483.
8. Gil J. Los colaboradores judios en la Escuela de traductores de Toledo. – Washington: The Catholic University of America, 1974. – 124 p.
9. Haskins C.H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 1957. – 437 p.
10. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrücken: Lambert Academic Publishing. 2017. – 193 p. ISBN: 978-3-330-33405-2.
11. Robinson M. The Heritage of Medieval errors in the Latin Manuscripts of Johannes Hispalensis (John of Seville) // Al-Qantara. 2007. – Vol. 28 (1). – P. 41–71.

XII – XIII АСРЛАРДА ЕВРОПА ТАРЖИМА МАРКАЗЛАРИДАГИ ИШ УСЛУБИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Маҳмудов Отабек Валижонович

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Фарғона давлат университети

E-mail: bekmakhmudov@mail.ru

Аннотация. Мақолада XII–XIII асрларда йўлга қўйилган таржима иши тарихига оид махсус тадқиқот асосида Ўрта аср Европа таржима услубининг методик хусусиятлари очиб берилган.

Калит сўзлар: Ўрта асрлар, таржима марказлари, таржимонлар, асарлар, таржима, латин, кастиль, араб тили.

Аннотация. В статье раскрываются методологические особенности средневекового европейского стиля перевода на основе специального исследования по истории переводческого дела, сложившегося в XII–XIII веках.

Ключевые слова: средневековье, переводческие центры, переводчики, произведения, перевод, латынь, Кастилия, арабский.

Annotation. The article reveals the methodological features of the medieval European style of translation on the basis of a special study on the history of translation that developed in the XII–XIII centuries.

Keywords: *medieval, translation centers, translators, works, translation, Latin, Castile, Arabic.*

Европа таржимашунослиги ривожда XII–XIII асрларда Испаниянинг Толедо, Сарагосса, Сеговия, Наварра, Севилья ва Барселона шаҳарларида йўлга қўйилган таржима фаолияти муҳим ўринга эга. Чунончи, мазкур даврда ижод қилган бир гуруҳ таржимонларнинг самарали фаолияти натижасида турли халқ, миллат, этнокод ва маданиятга тегишли астрономия, математика, фалсафа, табобат, география, кимё, биология, тарих, адабиётга оид 120 дан ортиқ араб тилидаги китоблар латин тилига ўтирилган. Шунинг баробарида, ушбу таржималар бутун Ғарб оламининг интеллектуал мулкига айланиб, минтақада фаннинг турли соҳалари тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

Биз, мазкур таржима марказлари тарихи ва фаолиятини ўзимизнинг аввалги илмий тадқиқотларимизда тадқиқ этиб, бу борадаги натижаларни қатор илмий нашрларда эълон қилдик. Тадқиқот давомида эътибор қаратилган яна бир масала бу – XII–XIII асрлардаги таржима услубиёти бўлиб, айти мавзу ҳозирга қадар махсус тадқиқ этилмаган. Қуйида, «Ўрта аср Европа таржима марказларида Шарқ олимлари илмий меросининг ўрганилиши» мавзусида олиб борилган фан доктори диссертацияси доирасида эришилган мавзуга алоқадор айрим натижалар тақдим этилади.

Қайд этиш лозимки, XII–XIII асрларда Европанинг Пиреней ярим оролида жойлашган таржима марказларида таржима жараёни мураккаб тизимда юритилган бўлиб, вақт ўтиши билан бу тизим ўзгариб, ривожланиб борган.

Дастлабки вақтларда араб тилидаги асарлар биринчи маҳаллий кастил ёки яҳудий тилларига ўтирилиб, сўнгра латин тилига таржима қилинган. Аниқроғи, араб тилини билувчи шахс, асар таржимасини оғзаки равишда латинчани билувчи шеригига маҳаллий кастил ёхуд яҳудий тилида айтиб турган, иккинчи шахс, ўз навбатида эшитганларини латин тилига ёзма таржима этиб борган. Таржималарни бундай услубда яратилишига сабаб, таржимонларнинг айримларини араб тилини, айримларини эса латин тилини билмаслиги сабаб бўлган. Шундан келиб чиқиб, айти давр таржимонлари фаолиятига назар ташланса, уларини кўпинча ҳамкорликда фаолият юритганликларига гувоҳ бўлинади. Тиволалик Платон – Авраам бар-Ҳия, Далматлик Ҳерман – Брюггелик Рудольф, Доминго Гундисальви – Ибн Дауд, Доминго Гундисальви – Испаниялик Хуан, Хуан де Аспа – Яҳуд ибн Моше, Гуиллен Арремон – Яҳуд ибн Моше, Самуэл Леви – Хуан де Месина, Авраам де Толедо – Бернардо ал-Араб ана шундай жуфтликларни ташкил қилишган.

Албатта, таржимани яратишдаги бундай услуб, мураккаблик даражаси турлича бўлган асарларнинг латинча нусхаларини ҳар хил хатоликлар билан яратилишига сабаб ҳам бўлган. Чунки, араб тилидаги асарнинг дастлабки таржимаси оғзаки равишда айтиб турилганлиги боис, уни қайта текшириш ёки унга қўшимча ва ўзгартириш киритишнинг имконияти бўлмаган. Фақат қирол Альфонсо X (1252–1284) ташаббуси билангина, XIII аср иккинчи ярмидан бошлаб асарларнинг биринчи оғзаки таржимаси ҳам ёзма амалга ошириш йўлга қўйилган.

Таржима марказларининг вакиллари орасида араб тилидаги асарни тўғридан-тўғри латин тилига ўтириш имкониятига эга таржимонлар ҳам фаолият юритишган. Мисол учун, Батлик Аделард, Севильялик Хуан, Далматлик Ҳерман, Честерлик Роберт, Кремоналик Жерард, Толедолик Марк ва Олмониялик Ҳерман шулар жумласидандир. Улар асарларни асосан таржиманинг «*verbum pro verbo*» яъни «сўзма-сўз» услубидан фойдаланиб латин тилига ўтиришга ҳаракат қилишган. Бироқ, араб ва латин тилларини синтаксис жиҳатдан фарқланиши ва бу тилларнинг лексикаси ҳам турлича эканлиги таржимонларга катта қийинчилик туғдирган. Шу боис, айрим ҳолларда асарлар «эркин» услубда ҳам таржима қилинади. Бу борада, Севильялик Хуан амалга оширган таржималарнинг бирини кириш қисмида сақланиб қолган қуйидаги маълумот диққатга сазовордир: *«мен мазкур асарнинг латинча таржимасини сўзма-сўз услуби доимий сақлаган ҳолда эмас, балки, баъзи ҳолларда унинг умумий мазмунини, айрим ҳолатларда эса сўзма-сўз таржима қилдим. Буни*

ҳеч қандай ҳайрон қоларлик жойи йўқ, чунки бу борадаги тажрибасизлик сабаб, деярли барча таржимонлар шундай услубда ишлаганлар. Яратилган бошқа таржималарни ўрганиш шуни англатмоқдаки, ҳар ким ҳам сўзма-сўз таржима қила олиш салоҳиятига эга бўлмаган, менга келсак, ҳар қандай вазиятда ҳам мен асарни сўзма-сўз таржима қилишга ҳаракат қилдим, айрим ҳоллардагина унинг умумий мазмунини ўғирдим, бироқ, бу ҳолатда ҳақиқат чегарасидан чиқмадим». Мазкур маълумот XII асрнинг биринчи чорагида асарлар қандай услубда таржима қилинганлиги тўғрисида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради.

Яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, айрим ҳолларда асарларни фақат умумий мазмунини таржима қилинган холос. Мисол учун, Батлик Аделард ва Севильялик Хуан лотин тилига ўгирилаётган айрим асарларда келтирилган география ва Ислом динига оид маълумотлар «лотин ўқувчиларининг онгини бузмаслиги учун» атайин тушириб қолдиришган. Албатта, бу каби «услуб» асарнинг илмий савиясига ўзининг сезиларли салбий таъсирини ўтказган. Чунки, мусулмон Шарқда асарлардаги турли масалалар, у қайси фан соҳасига тегишли бўлишидан қатъий назар, кўпинча диний жумлалар орқали баён қилинган. Бу ўринда, асарлардаги Ислом динига оид маълумотларни уларнинг таржималарига киритилмаганлиги, ўша даврдаги диний низолар (бугунги кунда айни ҳолатни мафкуравий кураш атамаси билан изоҳлаш мумкин) бевосита таржимачилик ишларига ҳам таъсир этганлигини англатади. Аммо, ана шундай нозик бир шароитда ҳам ҳолисликни сақлаб, асарларни лотин тилига илмий жиҳатдан пухта қилиб ўгиришни йўлга қўйган айрим мутасаддиларнинг фаолияти эътирофга лойиқдир. Француз олими ва ёзувчиси Монбуассьелик Пётр Иззатли (1092–1156) ана шундай шахслардан бири бўлиб, уни 1143 йилда Клеарвеухлик Бернард исмли шахсга йўллаган мактубида «Қур'он»ни таржима қилинишига доир қизик бир маълумот келтирилган: *«Ибодат ва пул кучи [таъсирида] уларнинг [мусулмонлар] тарихи, фани ва ҳатто қонунлари [муҷассамлашган] Қур'онни араб тилидан лотинга кўчиртирдим. Таржима тўлиқ, ишончли бўлиши ва ҳеч қандай хатолик бизнинг онгимизни бузмаслиги учун мен христиан таржимонлари қаторига мусулмонни ҳам қўшдим. Булардан христианлар: Кеттонлик Роберт, Далматлик Ҳерман, Толедолик Пётр; мусулмонни Муҳаммад деб аташарди. Бу гуруҳ, бутун кутубхоналарни қидириб, мазкур катта китобни топиб, уни лотин [тилида] ўқувчилари учун ўғиришди. ... Таржима, мен Испанияга борган ва испанлар императори сенъор Альфонсо билан учрашган йили, яъни Исо туғилганининг 1141 йилида яқунланган»*. Ушбу мактуб матнининг таҳлил натижаси шуки, XII аср иккинчи ярмида Испанияда араб тилидаги асарларни тўғри ва ҳолис таржима қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, XII–XIII асрларда Толедода фаолият юритган таржима мактабининг асосчиси Раймондо (1125–1152)ни мактабда яратилган айрим таржималарнинг тўғрилигини текшириш мақсадида, уларнинг матнларини Барселонада фаолият юритувчи Тиволалик Платон ёки Сарагоссада ижод қилган Далматлик Ҳерманга жўнатиб турганлигини ҳам эслатиб ўтиш ўринли бўлади.

Толедо мактабида олиб борилган таржима иш услубини илмий-танқидий жиҳатдан тадқиқ қилган Ч.Бернетт эътиборга лойиқ қуйидаги маълумотни келтиради. Қайд этилишича, XIII асрда яшаб ижод қилган машҳур инглиз файласуфи Рожер Бэкон (1214–1292) ўз асарларида Кремоналик Жерард, Сарешеллик Альфред, Майкл Скот ва Олмониялик Ҳерманни таржима қилинаётган китоблар мансуб бўлган фан соҳаларини яхши билмасликлари учун танқид қилиб, асарларни асосан олганликларини таъкидлаган.

Шунга қарамай, кўпчилик соҳа мутахассислари Жерард, Марк, Ҳерман ҳамда Толедо мактабининг ҳамкорлари ҳисобланмиш Тиволалик Платон ва Далматлик Ҳерманларнинг таржималари ўзининг тўлиқроқ ва камчиликлардан нисбатан ҳоли эканлиги билан ажралиб туришини қайд этишади.

XII–XIII асрларда Европа таржима марказларида лотин тилига ўгирилган асарлар рўйхатига назар ташланса, дастлабки вақтда асосан астрология, астрономия, математика ва тиббиёт каби фан соҳаларига доир асарларни таржима қилишга катта эътибор

қаратилганлигига гувоҳ бўламиз. Кейинчалик, жумладан XII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, фалсафага тааллуқли бўлган асарларни лотин тилига ўгириш кенг тус олди. XIII асрнинг иккинчи ярмидан бу асарлар қаторига бадий адабиёт намуналари ҳам қўшилди.

XII–XIII асрларда Европа таржимашунослигининг яна бир жиҳати шундан иборатки, бу давр ижод қилган таржимонларнинг асосий қисми лотинчага ўгирилаётган асарлардаги Уқлидус – Евлид, Фисағурас – Пифагор, Жолинус – Гален, Батлиминос – Птолемей, Арасту – Аристотел, Афлотун – Платон эканлигини англаб етмаганлар. Бундан ташқари, яратилган таржималарни ўқиган олимлар эса Alkhanresmus (ал-Хоразмий), Alfraganus (ал-Фарғоний), Rhazes (ар-Розий), Alfarabius (ал-Форобий), Avicenna (Ибн Сино) ва бошқа шу каби муаллифларни лотин олимлари деб ўйлаганлар. XV аср охири – XVI аср бошларида исмларни идентификация қилиниши натижасида улар мусулмон Шарқи алломалари эканлигига амин бўлинган.

Мухтасар қилиб айтганда, юқорида тавсифланган таржима жараёни Ўрта аср Европа таржима марказларида асарлар сўзма-сўз, эркин, академик (илмий), воситачи тилдан таржима қилиш каби усуллардан фойдаланиб, лотин тилига ўгирилганлигини англатади. Назарий жиҳатдан эса бу марказларда йўлга қўйилган таржима жараёни «араб→кастил→лотин», «араб→иврит→лотин», «араб→лотин», «кастил→лотин» кўринишида амалга оширилган.

Адабиётлар

1. Alverny M-T d'. Translations and translators // Renaissance and Renewal in the Twelfth Century. – Oxford: Clarendon Press, 1982. – P. 421–462.
2. Carmody F. J. Arabic Astronomical and Astrological Sciences in Latin Translation: A Critical Bibliography. – Berkeley: California University Press, 1956. – 193 p.
3. Lemay R. Dans l'Espagne du XIIe siècle. Les traductions de l'arabe au latin // Annales Economies, Sociétés, Civilisations. 1963. – Vol. 18 (4). – P. 639–665.
4. Robinson M. Johannes Hispalensis and the manuscript tradition the history surrounding the time of John of Seville and the spread of his work. – Exeter: Exeter University, 2000. – 124 p.
5. Robinson M. The History and Myths surrounding Johannes Hispalensis // Bulletin of Hispanic Studies October. 2003. – Vol. 80. (4). – P. 443–470.
6. Thorndike L. Michael Scott. – Whitefish: Kessinger Publishing, 2005. – 98 p.
7. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1972. – 128 p.

АНТИК ТАРЖИМАВИЙ ТАФАККУРНИЎРГАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТИ

*Сафаров Одилжон Мамадиевич,
Филология фанлари номзоди, доцент ТошДЎТАУ
e-mail: osafar@mail.ru*

Аннотация: Мазкур мақолада “Антик таржимавий тафаккурни ўрганиш муаммолари ва уларнинг ечимлари” мавзuidaги тадқиқотнинг долзарблиги масалалари атрофлича ёритилган.

Калит сўзлар: таржима, таржима илми, таржимавий тафаккур, таржима тарихи, антик давр, долзарблик, тадриж, тадқиқот, муаммолар, ечимлар.

Аннотация: В данной статье подробно рассматривается актуальность исследования на тему «Проблемы изучения античного переводческого мышления и их решения».

Ключевые слова: перевод, наука перевода, переводческое мышление, история перевода, античная эпоха, актуальность, эволюция, исследование, проблемы, решения.

Annotation: This article extensively discusses the relevance of the research on "Problems in the study of antique translation thinking and their solutions".

Keywords: translation, translation science, translation thinking, history of translation, ancient era, relevance, evolution, research, problems, solutions.

Ҳар қандай илмий тадқиқотнинг кадр-қиммати, у қай даражада долзарб аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқлиги ҳаммага маълум. Бироқ тадқиқот ишларининг кириш қисмида бу масала тўлиқ очиқ бериладими? – Албатта, йўқ. Чунки кириш қисмига хос меъёрларга амал қилишга тўғри келади.

Бу ҳол муайян ишнинг **долзарблиги**, бошқача қилиб айтадиган бўлсак, **фойдалилиги** ёки тегишли фан соҳасига **қандай ҳисса** бўлиб қўшилиши мумкинлиги ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бера олмайди. Шу боис **“Антик таржимавий тафаккурни ўрганиш муаммолари ва уларнинг ечимлари”** мавзuida тайёрланган диссертациянинг **долзарблиги** ҳақида алоҳида мулоҳаза юритиш лозим топилди.

Бундан **мақсад** – мазкур тадқиқотнинг **жаҳон** таржимашунослигидаги ўзига хос аҳамиятини ва бу аҳамиятнинг моҳиятини очиқ бериш.

Мавзунинг асосий қисмига ўтадиган бўлсак, таъкидлаш лозимки, жаҳон халқлари бисотидаги мўъжизалардан бири **тил** бўлса, бошқаси **ёзув**, яна бири - **таржима**. Уларнинг бари - инсон тафаккури маҳсули. Шу боис тегишли манбаларда тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва менталитет, тил ва адабиёт, тил ва тараққиёт тушунчалари мавжудлиги каби, **тил ва таржима, таржимавий тафаккур** иборалари ҳам учраб туради. Мас., ўзбек олими Ғ. Саломов 1966-йили чоп эттирган таржима илмига оид китобини **“Тил ва таржима”** деб атаган бўлса, рус олим Л. С. Бархударов шу соҳага оид китобини **«Язык и перевод»** (1979) деб аташни лозим топган. Ғ. Саломовнинг “Таржима назариясига кириш” (1978) китобида **“Тиллар ва таржима”** ибораси кўп марта қўлланган ва бу бежиз эмас.. Чунки таржима – тиллар доирасида амалга ошириладиган кенг камровли фаолият.

Демак, тил инсон тафаккури билан боғлиқ бўлгани каби, таржима ҳам инсоний тафаккур билан бевосита боғлиқлигини сира инкор этиб бўлмайди. Шу боис таниқли таржимашунос А. В. Фёдоров ўзининг илк бор 1953-йилда чоп этилган “Введение в теорию перевода” китобининг 2-бобини ҳақли равишда **«Из истории перевода и переводческой мысли»** (Таржима ва таржимавий тафаккур тарихидан) деб атагшни лозим топган.

Изланишлар далолат беришича, жаҳоннинг барча таниқли таржимашунос олимлари антик даврдаги таржимавий тафаккурни (таржимага оид фикрларни) ўрганишда анча хато ва камчиликларга йўл қўйганлар ва айнан шу ҳол таржима илмида кўп зиддиятларни келтириб чиқарган. Мас., француз таржимашуноси Жорж Мунен (Georges Mounin, 1910-1993) буни шундай талкин қилади:

“Бугунги илғор фикрлар қиёси, ҳозирги вазиятни ҳар қандай шарҳдан яхшироқ тавсифлайди ва таржима айни пайтда, фаннинг катта муаммоларига қоришиб кетаётгани туфайли, бир жумбоқ бўлиб қолаётганини намоён қилади” [Mounin, 1967:49].

Чех таржимашуноси И. Левий эса бу ҳақда шундай ёзади:

“Таржима амалиёти ва назариясининг асосий муаммоси – қайта яратишга содиқлик муаммоси. Тарихда энг ёрқин тарзда намоён бўлаётган адаптацияли таржиманинг классик назарияси ва сўзма-сўз таржиманинг романтик назарияси ўртасидаги икки зиддиятли йўриқлар кураши, таржима методлари тараққиётининг барча даврларида давом этиб келяпти ва шу соҳа тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучдир.

Бу зиддият ҳанузгача тугагани йўқ; у кўпинча, таржима тўғри бўлиши кераклиги ҳақидаги талаб дастурий тарзда қабул қилинган бўлса-да, моҳияти аниқ эмаслиги ва таҳлил қилинмагани боис, келиб чиқади, амалиётда ҳам у мудом турли талқинларни келтириб чиқармоқда” [Левый, 1974:119].

Немис таржимашуноси Ханс Вермеер (Hans Vermeer, 1930-2010) эса таржималар тарихига оид 5-жилдли **“Anfänge: von Mesopotamien nach Griechenland. Rom und das frühe Christentum bis Hieronymus”** (Ибтидолар: Месопотамиядан Юнонистонга. Рим ва

Ҳиеронимус давригача илк насронийлик) деб аталган китобининг 1-жилдида, бу ишдан қўзлаган мақсади, таржима тарихидаги **изчилликни** очиб бериш эканлигини, - **“roten Faden ziehen, roten Faden finden, roten Faden aufzeigen”** (қизил ипни тортмоқ, қизил ипни топмоқ, қизил ипни кўрсатиб бермоқ) жумлаларини қўлаш орқали ифодалаган. Мас., у ўша **қизил ипнинг** боши қаерда бўлиши мумкинлигига ишора қилиб, шундай ёзади: “Wo aber beginnt **der rote Faden**, von dem hier oft die Rede sein muß?” [Vermeer, 1992:28]

Кейин эса шундай мулоҳаза билдиради: “Im Übrigen kommt es mir, wie mehrfach gesagt, darauf an, einen **'roten Faden'** einer Translationsgeschichte aufzuzeigen” [Vermeer, 1992:32] – (ҳар ҳолда, кўп марта айтилгандек, таржима тарихининг **'қизил ипи'**ни кўрсатиб бермоқчиман).

Ҳ. Вермеер қайд этган ушбу мулоҳаза эса алоҳида эътиборга лойик: “Die folgenden Splitter (“Skizzen” zu einer Geschichte) bilden, wie angedeutet, keinen Spiegel. Es sind vereinzelte Stücke, viel zu Wenige, um ein Ganzes zu ergeben. Einzelne Gedanken, die erst noch in der Diskussion geprüft werden müssen. Aber selbst wenn sie grundfalsch sind, erfüllen sie einen Part, solange sie wenigstens zur Opposition herausfordern” [Vermeer, 1992:28] – (Бу парчалар - таржима тарихига оид битиклар – айтиб ўтилганидек, қўзғу бўла олмайди. Булар яхлитликни ҳосил қилишга анча камлик қиладиган алоҳида-алоҳида бўлақлар. Дастлаб мунозарада синаб кўрилиши керак бўлган танҳо фикрлар. Ҳатто улар буткул нотўғри бўлсалар-да, ҳеч бўлмаса, баҳсга ундовчи турткидирлар).

Ғ. ас-Салом (1932-2000) бу борадаги мулоҳазасини шундай ифодалайди:

“Тиллар тобора бўлиниб, майдаланиб, тармоқланиб, айрим “муштарақ” тиллар ўлиб (санскрит, лотин ва бошқалар), уларнинг ўрнида ўнлаб янги тиллар пайдо бўлиб борган сайин халқлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, бинобарин, таржимага эҳтиёж ошгандан ошиб боради. Лекин ҳар қандай нарсанинг ҳам ўз кушандаси бўлади. Жумладан, таржиманинг ҳам. Бир тилдан иккинчи тилга илк таржима амалга оширилган дақиқадан, халқларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқот қилишнинг жаҳоншумул воситаси кашф этилган ўша ёруғ кундан бошлаб, худди эгизаклар сингари, ноумидлик, шаккоклик ғояси: таржима қилиб бўлмайди, деган шум ақида ҳам пайдо бўлди. Бу ақидани қандайдир тўпори, ҳамма нарсани кўр-кўрона рад этаверадиган анойилар эмас, балки буюк ақл эгалари, мутафаккирлар, қилни-қирқ ёрадиган доно файласуфлар, адиблар, таржимашунос олимларнинг ўзлари яратдилар” [Ас - Салом, 1997:143].

Антик таржимавий тафаккурга оид масалалар шу пайтгача етарлича ўрганилмай қолганининг асосий сабабларидан бири, унга оид тадқиқотлар ўзига хос мураккабликларга эга эканлигидир. Бу иш шу сатрлар муаллифи учун ҳам осон кечгани йўқ. Аслида дастлаб “Ёзма таржима санъатининг илмий-фалсафий асослари” мавзуси танланганди. Кейинчалик унга аниқликлар киритилиб, **долзарброқ** мавзуга ўзгартирилган.

Шундай қилиб, **янги** мавзу бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- номлари юқорида қайд этилган 4 нафар таниқли таржимашуноснинг (А. Фёдоров, Ж. Мунен, И. Левий ва Ҳ. Вермеер) мавзуга оид ишлари тадқиқ этилиб, уларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланди.

- Антик давр мутафаккирлар ва илму-маърифат аҳли таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар жиддий ўрганиб чиқилиб, алоҳида бобда берилди.

- антик даврдаги тўртта энг муҳим таржима, яъни септуагинтанинг

“Қадимги Аҳд”, Андроникнинг “Одиссея”, Цицероннинг риторикага хос, Ҳиеронимуснинг лотинча Библия таржимаси ҳақида маълумотлар берилди.

- антик таржимавий тафаккурга бевосита ёки билвосита таъсир этган антик фанлар (риторика, софистика, поэтика, ҳерменевтика) моҳияти антик таржимавий тафаккурга боғлиқ тарзда очиб берилди.

- Цицерон (мил. аввалги 106-43), Квинт Ҳорац Флакк (эр. авв. 65-8.)

ва Ҳиеронимус таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар моҳияти аниқликлар киритилди.

- Мавзуга оид муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари илмий

асосли тарзда кўрсатиб берилди.

- Мавзуга оид энг муҳим масалалар Гётенинг “Ғарбу Шарқ девон”и ва унинг ўзбекча таржимаси мисолида очиб берилди.

И. Левий ҳақли равишда қайд этишича, - «На протяжении столетий основные проблемы перевода обсуждались с разных сторон в трудах, частью опирающихся на практику, частью исходящих из нескольких основных формулировок: Иеронима, Тайтлера (А. F. Tytler). Гёте и др.» [Левый, 1974:119].

Булардан лотинча Библия таржимони Ҳиеронимус (мил. 347-419/420) антик давр вакили бўлиб, у таржима ҳақидаги мулоҳазаларини ёшлигида ўзи билан бирга ўқиган дўсти Паммахиусга эпистоляр (мактубий) тарзда ёзган “**De optimo genere interpretandi**” (Таржиманинг энг яхши тури ҳақида) сарлавҳали мақоласида ифодалаган.

Ж. Мунен шу мақола Европада 72 марта чоп этилгани ҳақида маълумот беради [Mounin, 1967:25]. Демак, Европада китоб босиш ихтиро қилинган давргача, у **хаттотлар** томонидан ҳам кўп марта кўчириб ёзилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳиеронимуснинг шу мақоласи биринчидан, асрлар давомида саводли кишиларда **таржимавий тафаккур** шаклланишига катта туртки бўлиб келган бўлса, иккинчидан, эркин таржимага мойил таржимонларни таъна-ю танқидлардан асраб келган. Шу боис Валери Лаурбауд (Valéry Laurbaud) унинг муаллифини “Schutzpatron der Übersetzer” (Таржимонлар халоскори) дея таърифлагани ҳам эътиборга лойиқ.

Аслида ўша мақоласи орқали Ҳиеронимус эркин ижодга мойил таржимонларнинг, балки XX аср таржимашунос олимларининг ҳам ўзига хос “халоскори”га айланган. Чунки уларнинг деярли бари таржимага оид қарашларини айнан Ҳиеронимуснинг мулоҳазаларга таяниб талқин қилганлар.

Ҳиеронимус эса ўзининг бу борадаги қарашларини, Цицерон (мил. авв. 106-43) таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларга асосланган. Шу боис мазкур ишда айнан уларнинг таржимага оид мулоҳазалари моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор берилади. Жумладан, М. Холбеков бу борадаги изланишлар ҳақида маълумот беради: “Ийроним таржимасига Г. Берди, Ф. Блатта, Р. Клёпфер каби олимларнинг танқидий қарашлари эълон қилинган. Уларда Иероним назариясини ва таржима усуллариини ўрганиш ҳолатларини кузатамиз. Иероним изланишларида сўзма-сўз таржимага ва айни пайтда эркин таржимага қарши фикрлар ҳам учраб туради. <...> Немис олими Р. Кёплер ўз ишида бу масалани ойдинлаштиришга уринган эди. Кейинги даврда бу масала билан ҳеч ким шуғулланмади.” [Холбеков, 2000:364]

Аслида бу масала билан шуғулланганлар кўп бўлиши мумкин. Бироқ бу борада, айниқса, Ҳиеронимус таржима ҳақида билдирган мулоҳазаларнинг асл моҳиятини очиб бериш, айни пайтгача ҳеч кимга насиб этмаган.

Ушбу иш таржима илмида шу пайтгача мавзуга оид ҳал этилмай қолган масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан **долзарб** аҳамиятга эга.

Табиийки, бу иш антик тафаккурнинг кейинги даврлардаги тадрижини тўғри тушуниш ҳамда таржима илмида йиғилиб қолган кўплаб муҳим зиддиятларни илмий асосда ҳал этиш имконини бериши мумкин. Бу каби ҳоллар танланган ва ўрганилган мавзу жаҳон таржимашунослиги тараққиёти учун ҳақиқатан ҳам **долзарб** аҳамият касб этишидан далолат беради.

Энди **антик давр** инсоният тарихининг қайси босқичини ўз ичига олишини аниқлаб оладиган бўлсак, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да у ҳақида шундай маълумот берилган:

“(лот. antiquus – қадимги) – кенг маънода қад. даврни англатувчи термин, истеъмолда бўлган маънода эса Юнонистон ва Қадимги Рим тарихи ва маданиятининг эллинизм даврини англатади” [Аминов, 2000:364].

Антик адабиёт эса шу луғатда қуйидагича тавсифланган:

“Юнонистонда юзага келган ёзма адабиёт (мил. ав. 9-8 а.лар). Бу адабиётнинг илк намунаси “Илиада” ва “Одиссея” дostonлари бўлиб, булар “Гомер дostonлари” деб ҳам

аталади. <...> Юнонистон ва қад. Рим адабиётларини А. а. деб қабул қилиш бир ёқлама фикр. Чунки ёзма адабиётнинг энг қадимги намуналари Шарқда, Шумер ва Аккадда, Ҳиндистон, Миср, Бобилда яратилган. Шумерликларнинг Гилгамеш ҳақидаги достони юнон адабиётидан 2000 йиллар илгари сополга ёзиб қолдирилган” [Аминов, 2000:364].

Аслида антик давр **тор** ва **кенг** маънода тушунилиши мумкин. **Тор** маънода у тахм. Ҳомердан бошланса, **кенг** маънода **ундан анча узоқроқ** ўтмишни ўз ичига олади. Унинг охири эса, айрим манбаларга кўра, **Ғарбий** Рим империясининг емирилишигача (467) бўлган даврни, бошқа манбаларга кўра, Ғарб фалсафаси ва адабиётлари Шарққа тарқалиши жадаллашган VI аср воқеаларгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Тарихчилар **тор** маънодаги **антик даврни** уч босқичга бўладилар:

Илк антик давр (мил. ав. VIII – мил. ав. II асрлар).

Классик антик давр (мил. ав. I – мил. II асрлар).

Кеч антик давр (мил. III – мил. VI асрлар).

Монография мавзуйига оид ишлар **ёзма** таржималар ва **ёзма** манбаларда

бизгача етиб келган **антик таржимавий тафаккур** маҳсуллари ҳамда уларнинг **тажрижий таракқиёти** билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Монографияга киритилган мавзулар билан танишиб чиқиш орқали **биринчидан**, антик таржимавий тафаккур масалаларини ўрганиш қандай сабабларга кўра қийин ва сезиларли натижаларсиз кечганини, **иккинчидан**, ўша давр таржимавий тафаккурига тегишли талқинларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, антик давр мутафаккирлар таржима ҳақида билдирган мулоҳазалар, антик таржимавий тафаккурга таъсир қилган асосий омиллар, ўша даврдаги энг муҳим таржима ишлари, антик таржимавий тафаккурни ўрганишга тўсқинлик қилиб келган муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Адабиётлар

1. Mounin, G. Die alten Sprachen // Die Übersetzung: Geschichte, Theorie Anwendung. – München. Nymphenburger Verlagshandlung, 1967.
2. Левый, И. Способы перевода // Искусство перевода. – М.: Прогресс, 1974. (перевод с чешского В. Россельса)
3. Vermeer, H. J. Anfänge: von Mesopotamien nach Griechenland. Rom und das frühe Christentum bis Hieronymus // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. – Fr. / М.: Verlag für interkult. Kommunikation, 1992.
4. Ас – Салом Ғ. Эзгулик йўқки, атрофида фалокат ўралашиб юрмаган бўлса // Эзгуликка чоғлан одамзод. – Т. Шарқ, 1997.
5. Холбеков М. Биринчи ёки қадимий давр таржимачилиги анъаналари // Жаҳон таржимачилиги анъаналари. – Т.: Наврўз нашриёти, 2016.
6. Аминов М. ва б. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашр., 2000.

ВЗГЛЯДЫ Г.Т. САЛОМОВА НА ТИПОЛОГИЧЕСКУЮ ИНТЕРПРЕТАЦИЮ СТИЛЯ В ПЕРЕВОДЕ

Хидирова Гулнора Нарзиевна

к.ф.н., старший преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Эл.почта: konfruslit@mail.ru

Аннотация: В статье анализируются взгляды Г.Т. Саломова на стилистический фактор в переводе, суждения ученого о решающей роли стиля в художественном переводе. «Важно придерживаться принципа передачи не слова-словом, а смысла-смыслом, тона-тоном, образа-образом, юмора-юмором». Главной целью переводчика художественного

текста является создание текста, обладающего аналогичным эмоциональным художественным эффектом оригинала.

Ключевые слова: Гайбулла Саломов, стиль, язык, своеобразие, автор, идея, эмоционально-художественный эффект, художественный перевод.

Annotasiya: Maqolada G.T. Salomovning tarjima-dagi stilistik omil fikrlari tahlil qilingan., badiiy tarjimada uslubning hal qiluvchi o'rni haqidagi olimning hukmlari. "Badiiy tarjimaning ilmiy tavsiflash eng qiyin bo'lgan xossasi shundaki, bunda so'zni-so'z bilan emas, balki ma'noni-ma'no, ohangni-ohang, obrazni-obraz, yumorni-yumor bilan berish muhim ahamiyatga egadir". Adabiy tarjimonning asosiy maqsadi - asl nusxada-gi hissiy badiiy ta'sirga ega bo'lgan matn yaratish.

Kalit so'zlar: G'aybull-a Salomov, uslub, til, o'ziga xoslik, muallif, fikr, hissiy va badiiy effekt, badiiy tarjima.

Abstract: The article analyzes the views of G.T. Salomov on the stylistic factor in translation, the scientist's judgments about the decisive role of style in literary translation. "It is important to adhere to the principle of transferring not a word-by-word, but meaning-sense, tone-tone, image-image, humor-humor." The main goal of a literary translator is to create a text that has the same emotional artistic effect of the original.

Key words: Gaybull-a Salomov, style, language, originality, author, idea, emotional and artistic effect, literary translation.

Выдающийся ученый, внесший большой вклад в становление и развитие художественного перевода в Узбекистане, Гайбулла Тожиддинович Саломов / Гайбуллох ас-Салом – по праву является основоположником узбекской школы перевода. Вся его научная деятельность была посвящена изучению искусства перевода, его истории и теории. Им были разработаны многие значительные аспекты перевода, такие как: билингвизм и многоязычие, вопросы подстрочника и перевода художественных произведений с языка оригинала, редактирование, статус перевода и переводчиков, методика обучения переводу и др. Ученый также детально исследовал аспекты национального языка и мышления в художественном переводе. В настоящей статье представлены взгляды Г.Т. Саломова на стилистический фактор в переводе, суждения ученого о решающей роли стиля в художественном переводе.

Художественный стиль - самый подвижный, творчески развиваемый из стилей. Новизна и необычность выражения становится условием успешной коммуникации в рамках этого функционального стиля. Передача стилистических единиц – одна из важнейших задач художественного перевода. Основатель переводоведения в Узбекистане Гайбулла Саломов определял художественный перевод (по содержанию) одним из самых сложных видов перевода. Литературный перевод - мощная сила, которая обуславливает философию мирового литературного процесса. Он соприкасается на разных континентах с разными культурами, нациями, языками и эпохами [Саломов, 1983: 20].

По определению Г.Т. Саломова в теории перевода стиль является принципом, обуславливающим общее звучание и колорит художественного произведения. Стиль, выражающий отношение художника к действительности, также относят к тому методу, посредством которого анализируется художественный образ. По окончании творческого процесса все это будет составлять особенность произведения, целостно отражающая основные аспекты формы. Как справедливо утверждает Г.Саломов: «Нельзя считать стиль языковой особенностью произведения, совершенно отделяя его от общего творческого стиля автора. Стиль и образ тесно переплетены, в основе их взаимозависимости лежит писательское художественное отражение действительности» [Саломов, 1983: 64].

Стиль представляет собой совокупность повторяющихся в произведениях писателя типичных идейно-художественных черт его творчества. Мировоззрение писателя и основные идеи, повлиявшие на содержание произведений, наиболее часто описываемая автором канва сюжетов и персонажей, часто используемые в творчестве писателя средства

художественного выражения, неповторимый язык - все это формирует его индивидуальный стиль. Например, в рубайях Умара Хайяма вечность бытия, бренность человеческой жизни, призыв к наслаждениям реальной жизни воспеты в своеобразной классической поэтической форме посредством таких слов, как *кувшин, виночерпий, вино, земля* и небесных тел: *солнце, луна, звезды*.

Стилем иногда называют повторяющиеся идейно-художественные черты, присущие творчеству не одного, а определенного количества писателей, у которых наблюдается одинаковое понимание целей и задач жизни и литературы. Такая стилистическая общность, единство, объединяющее людей творчества, в действительности будет называться литературным течением. [Саломов, 1983: 65]

Таким образом, ... стиль это «своеобразие», это означает, что стиль каждого настоящего художника характеризуется – определенной идейной направленностью творчества, наличием оригинальных художественно-выразительных средства, лексико-фразеологических элементов и других составляющих, связанных с художественной формой. *Сравнение* является одним из важнейших инструментов в определении стиля любого писателя, поэта или драматурга, его уникальной творческой биографии. Поскольку стиль тесно связан с литературно-историческими традициями, мировоззрением, вкусом, эстетическими убеждениями художника, выдвинутыми в конкретном созданном им произведении идеями, целями и др., при *сравнении* все это можно взять за основу. Лутфи и Навои жили в одно историческое время, и никак невозможно соотнести уникальный стиль этих двух писателей с уровнем развития узбекского литературного языка XV века. Поэтому уместно определять стиль через непосредственное сравнение их оригинальных изобразительных средств, посредством сравнения образов, идеи и формы газелей [Саломов, 1983: 70].

Полагая, что своеобразие стиля каждого художника обусловлено языковыми ресурсами, мы не должны отождествлять (хотя во многом близкие друг другу) понятия: язык и стиль. Будь они тождественны, в произведениях при переводе на другой язык передавались бы лишь его словарные эквиваленты и была бы невозможной передача его стиля. Однако воссоздание «языка» автора, то есть его стиля, является одним из важных условий художественного перевода [Саломов, 1983: 71]. ...Основным фактором при переводе произведения искусства является не замена исходного словаря альтернативным (эквивалентным) словарем языка переводчика, а ретрансляция в другом языке личности автора, концепции произведения, повторного искусного представления слова [Саломов, 1983: 71].

В переводе вопрос контекстного соответствия (допустимо в каждом случае) решается не «лексической эквивалентностью», а посредством естественного соответствия смысла, стиля, тона «обладателя» описываемого характера. Переводчика, привыкшего переводить слово - словом, неминуемо ждет неудача. Г.Т.Саломов подчёркивает, что самой сложной особенностью в научном описании художественного перевода является то, что важно придерживаться принципа передачи не слова-словом, а смысла-смыслом, тона-тоном, образа-образом, юмора-юмором [Саломов, 1983: 73].

В своей работе «Основы теории перевода» ученый наряду с вопросами теории, рассмотрел широкий круг вопросов прикладного, практического характера. В частности, он указывал о влиянии на качество переводов, выполненных опосредованно. «Работа, проделанная в узко-лингвистическом аспекте, представляет собой скорее сравнение грамматических категорий и понятий, и результаты проведенного таким образом исследования несущественны... Изучение вопросов художественного перевода, в том числе переводов, выполненных с помощью опосредованного языка, в силу односторонности «чистой» литературы или «чистой» лингвистики, не дают ожидаемого результата. В большинстве случаев работа в лингвистическом аспекте теории художественного перевода невозможна без учета особенностей художественного творчества, специфики и закономерностей художественного текста... работа неизбежно

должна учитывать, как минимум, два языка и две языковые традиции. В основе переводческого термина лежат понятия «два языка» и «перевод с языка на язык».

Наиболее точной, удобной и эффективной теоретической базой для изучения любого перевода, особенно художественного перевода, является изучение стилистики, двуязычия и двух литературно-исторических опытов на основе сравнительной методологии и типологии. Рассматривая художественный перевод как связующее звено между литературными отношениями между народами, можно, избежав необходимости изучать его в сравнительно-типологическом плане, объединить вопросы литературной эстетики и языка художественного перевода, составить целостный, систематический анализ.

В своих исследованиях Г.Саломов выделяет две особенности художественного перевода:

1. Быстрое устаревание перевода по отношению к оригиналу.
2. При переводе произведений писателей одной школы и стиля возможно создание перевода близкого к оригиналу.

Исходя из этих особенностей, ученый выводит два практических вывода:

- возникает необходимость частого обновления перевода (в особенности непременно обновлять переводы в школьных учебниках и хрестоматиях);
- писатель, нашедший свой собственный стиль даже в условиях “стилевой отчужденности”, может создать совершенный перевод. ...Оригиналы не устаревают, в то время как старые переводы сменяются новыми.

Главной целью переводчика художественного текста является создание текста, обладающего аналогичным эмоциональным художественным эффектом оригинала. Для этого он может использовать/перенять прием оригинала или создать в переводе собственное стилистическое средство. Это означает определенную свободу действий: грамматические средства выразительности можно передавать лексическими и наоборот. Опустив непередаваемое на русский язык стилистическое явление, переводчик создаст в другом месте текста – там, где это наиболее удобно – другой образ, но схожей стилистической направленности. Так действует принцип стилистической компенсации.

Также художественный текст обладает особым эстетическим статусом. Как отмечалось выше, передача художественно-эстетических достоинств оригинала, создание полноценного художественного произведения на языке перевода являются основной целью переводчика в художественном переводе. Поэтому в художественном переводе не требуется максимальная точность в передаче содержания оригинала.

Вопрос стиля изучается в переводоведении как в направлении лингвистики, так и в области литературной критики. Причина этого в том, что какой бы ни была проблема художественного перевода, ее сложно изучать, минуя стиль. Поэтому, даже если проблема стиля конкретно не рассматривается, во многих научных исследованиях в области переводоведения решение изучаемой задачи либо непосредственно будет связано со стилем, либо основано на стилистическом методе. Видимо, мы можем говорить о достаточно широком освоении спорных вопросов воссоздания индивидуального стиля автора.

Литература

1. Саломов Г.Т. Таржима назарияси асослари. - Т., Ўқитувчи, 1983. - 232 с.

ДИНИЙ МАТНЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШДАГИ ҒАРБОНА ЁНДАШУВ УСЛУБЛАРИ

Шамсиддин Ёдгоров
Термиз давлат университети
(Ўзбекистон, Термиз)
YodgorovShA@mail.ru

Аннотация. Мақолада диний матнларни таржима қилиш билан боғлиқ ғарбий ёндашув услубларининг таржима назарияси ва когнитив тилишунослик фанлари ўзаро интеграллашгани Қуръони Карим ояти ва Ислом тарихига оид бўлган бадиий асарлар ёрдамида бажарилган илмий асосдаги таҳлили берилган.

Калим сўзлар. Диний матн, Аллоҳ, таржима, теолингвистика, маъданият, семантик таҳлил, концептуал моҳият, лингвистик когнитивизм, диний концептология.

Annotation. The article presents a scientifically based analysis of the interplay between the translation theory and the cognitive linguistics of Western approaches to the translation of religious texts, using verses from the Qur'an and literary sources on the history of Islam.

Keywords. Religious text, Allah, translation, theolinguistics, culture, semantic analysis, conceptual essence, linguistic cognitivism, religious conceptology.

Аннотация. В статье представлен научно обоснованный анализ взаимодействия теории перевода и когнитивной лингвистики западных подходов к переводу религиозных текстов с использованием стихов из Корана и произведений искусства по истории ислама.

Ключевые слова. Религиозный текст, Аллах, перевод, теолингвистика, культура, семантический анализ, концептуальная сущность, лингвистический когнитивизм, религиозная концептология.

Диний матнларни таржима қилишда ғарбий ёндашув услублари тадқиқи соҳасида, соҳа мутахассислари томонидан илгари сурилган турли хилдаги таснифларни учратиш мумкин бўлсада, улар орасида “метафраза” услубини диний матнларни таржима қилишда энг кўп мурожаат қилинувчи услуб эканлигига ҳамфикр бўлган тилшунос ва таржимонлар талайгина. Биламизки, метараза услуби таржимашунослик соҳасининг турли хилдаги йўналишларида фойдаланилганида бир биридан фарқ қилувчи турли хилдаги вазифаларни бажаради. Жумладан машхур совет тилшунос олими Ефремова Т.Ф.¹ метафраза услубидан ғарб таржимонлари бадиий услубдаги адабиётларни таржима қилиш учун ҳам анчайин фойдаланиб келганликларини таъкидлайди.

Жумладан, бу усул бадиий асарлар таржимасида ишлатилинар экан, унда асарнинг моҳияти бирмунча бадиийлаштириш элементлари билан биргаликда муқобил эквивалентликка риоя қилинган ҳолатда ўгирилади. Бунда, мазкур эквивалентлик матннинг асл грамматик трансформациясига умуман тескари структурада бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, метафразадан диний адабиётлар ёхуд диний ҳисобланган матнларни таржима қилишда ҳам фойдаланишади. Аммо бу гал, яъни диний матнларни таржима қилишда ишлатилинадиган “метафраза” бадиий адабиёт намуналарини таржима қиладиган “метафраза”дан бирмунча фарқ қилади. Диний адабиётларни таржима қилишда фойдаланиладиган “метафраза” кўпинча диний матндаги луғавий маъно ва грамматик корреспондликни ўз ҳолатида сўзма – сўз, жумлавийлик асосида ўгиришни мақсад қилади. Аммо Ислом дунёсида Қуръони Каримни араб тилидан инглиз тилига таржима қилмоқчи бўлган ҳар қандай маҳоратли таржимон ёки мутахассис борки, таржимани “метафраза” услубидан фойдаланган ҳолда бажаришни тавсия қилмайди. Сабаби, бу Қуръон устида қилинаётган минглаб таржима ишлари борки, уларнинг деярли кўпчилиги метафраза услубидан фойдаланиб амалга оширилган яъни таржимада луғавий маъно асосидаги сўзма

¹ https://ru.wikipedia.org/wiki/Ефремова,_Татьяна_Фёдоровна

сўзлилиқ уфуриб турибди. Бунинг натижасида эса бу каби сўзма – сўзлилиқ асосида пайдо бўлаётган таржима нусхаларининг кўпчилиги Қуръоннинг аслий концептуал мазмунига етарлича муқобиллик ҳосил қила олмапти.

ТАҲЛИЛ №3

أَرَأَيْتَ الَّذِي يَنْهَى عَبْدًا إِذَا صَلَّى

9. Қайтарганни кўрдингми. 10. Бандани (Муҳаммадни) намоз ўқиётганида?!²

1. Asad Quran Translation

Hast thou ever considered him who tries to prevent a servant (of God) from praying

2. Malik Quran Translation

Have you seen the one (Abu Jahl) who forbids Our servant from offering Salah (prayer)

3. Yusuf Ali Quran Translation

See thou one who forbids a votary when he (turns) to pray

4. Mustafa Khattab Quran Translation

Have you seen the man who prevents a servant (of Ours) from praying?

5. Pickthall Quran Translation

Have you seen him who dissuaded a slave when he prays

Қуръон сўзлари таржималарининг шариатда далил бўлмаслигига доир юқоридаги мулоҳазани илмий таҳлил қилишда тадқиқотчи Қуръони Каримнинг 96 – сурасининг 9 – 10 оятлари танлаб олди. Унга кўра оятдаги عَبْدٌ (ʿabdun) сўзи турли хилдаги ҳолатга кўра турлича концептуал моҳиятга кўра мазмун ифодалайди. Грамматик нуқтаи назардан бу сўз сулосий мужаррад асосли феъл عَبْدٌ (ʿabada)нинг отлашган шаклидан ясалган бўлиб, унинг луғавий ва истилоҳий мазмунлари бир биридан анчайин фарқланувчи прагматик ва стилистик хусусиятларга эга бўлганлиги учун ҳам Қуръон илмлари олимлари бу сўзни таржима қилаётганда сўзнинг матн таркибига кўра қандай концептуал маъно ифодаляётганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар. Жумладан, Ибн Жарийр Таъбарийнинг³ “Тарихур Русул вал мулук” (Пайғамбарлар ва подишоҳлар тарихи) номли шоҳ асарини араб тилидан инглиз тилига таржима қилган британиялик машхур арабшунос олим ва таржимон Ватт Монтгомери⁴ бу сўзни икки хилдаги мазмун англатади деб ҳисоблайди ва қуйидаги таснифга ажратади:

1. Ижтимоий алоқа – муносабат ўрнатишдаги прономинал термин

2. Қуръон истилоҳида диний – прагматик тушунча изоҳловчи диний теоним

Монтгомерига кўра عَبْدٌ сўзнинг ижтимоий алоқада прономинал термин сифатидаги маъноси “хизматкор”, “қул”, яъни “кимнингдир уйида кийим, овқат, бошпана ёки бошқа турдаги моддий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат ҳақи эвазига ишлайдиган оқсоч, ишчи, қул ёки кимгадир моддий қарам бўлган инсон” тушунилади. Бунга мисол қилиб у Таъбарийда Расулulloҳнинг боболари Абдулмутталибнинг исмида Абд сўзининг ишлатилиниши ҳақидаги қуйидаги ривоятни таржимасини ҳавола қилади:

وقدِمَ به المطلب ضحوة، والناس في مجالسهم، فجعلوا يقولون: من هذا وراءك؟
فيقول: عبد لي، حتى أدخله منزله على امرأته خديجة بنت سعيّد بن سهم،
فقلت: من هذا؟ قال: عبد لي، ثم خرج المطلب حتى أتى الخزوة،
فاشترى حلة فألبسها شيبه، ثم خرج به حين كان العشيّ إلى مجلس بني
عبد مناف، فجعل بعد ذلك يطوف في سكك مكة في تلك الحلة، فيقال:
هذا عبد المطلب، لقوله: «هذا عبدى» حين سأله قومه، فقال المطلب:

² Қаранг: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1 – жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр – Тошкент.: “Ҳилол Нашр”, 2016. – 321 б

³ Қаранг: https://ar.wikipedia.org/wiki/محمد_بن_جرير_الطبري

⁴ Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/W._Montgomery_Watt

Al-Muttalib brought him into Mecca during the morning while the men were sitting in their assemblies. They began to say, "Who is that sitting behind you?" and he replied, "My slave." Finally he brought him home and took him to his wife Khadijah bint Said bin Salim, who said, "Who is this?" "My slave," he replied. People said, "This is al-Muttalib's slave (عبد المطلب).

“Мутталиб болани туясининг орқасига миндириб, Маккага олиб келди. Бу пайтда Макка улуғлари йиғилиш ўтказётган эди. Улар Абдулмутталибнинг орқасидаги бошага кўзлари тушди ва: *Орқангдаги бу бола ким эй Мутталиб*” – дейишди. У: *“Бу бола менинг қулим (хизматкорим)”* – деди. Шундан сўнг Мутталиб болани уйига олиб бориб аёли Хадича бинт Саид бин Салим билан таништирди. Хотинининг: *“Бу бола ким, дадаси?”* – деган саволига унга ҳам: *“Бу бола бизнинг янги хизматкоримиз, қулимиз”* дея жавоб берди. Шундан сўнг Шайбани Абдулмутталиб (Мутталибнинг хизматкори) дея атай бошлашди. Монтгомери асарда ишлитилинган **عبد** сўзи матнда *“кимнингдир уйда маош олиб ёки хизмат ҳақи эвазига ишлайдиган оқсоч, ишчи ёки қул”* ёхуд *кимгадир жисмоний ва моддий қарам бўлган инсон* маъносида келганлигини ва бу терминнинг ривоятда номлари келтирилган икки инсон Мутталиб ва Шайба орасидаги ижтимоий алоқа – муносабат ўрнатишдаги прономинал тушунча эканлигини таъкидлайди. Юқоридаги Алақ сураси 10 – оятининг Муҳаммад Фаруқ Азам Малик⁵, Мустафо Хаттоб⁶, Муҳаммад Мармадук Пиктхалл⁷, Юсуф Али⁸ ва Асад⁹лар томонидан берилган бир қатор инглиз тилидаги таржималарида ҳам юқоридаги каби ижтимоий алоқа – муносабат ўрнатишдаги прономинал тушунча “қул” сўзининг инглиз тилидаги муқобил вариантлари “servant”, “votary” ва “slave” сўзлари билан маъновий изоҳланганлигини кўриш мумкин. Агар турли хилдаги изоҳли луғатларда **عبد** сўзига эквивалент сифатида ҳавола қилинган “қул” изоҳига диний теологик жиҳатдан мос келмайди, сабаби **عبد** сўзининг Қуръоний истилоҳдаги маъноси, умумий ҳолатда тушуниладиган луғавий маъно эмас, балки *“ўз Яратувчиси Аллоҳга бутун руҳини ва қалбини таслим қилиб бутун ҳаётини Унинг амру – ҳукмлари, огоҳлантирилишлари – ю, қайтариқлари асосида барпо қилган Аллоҳга руҳан ва маънан мухтож инсон вакили”* тушунилади [2]. Алақ сурасида келган бу сўзнинг хос маъносини инглиз тилида тўғри ифодалашимиз учун Қуръон илмларига хусусан Тафсир илмига мурожаат қилишимиз лозим бўлади, сабаби мазкур оят матни таркибида келган **عبد** сўзини ўзбек тилидаги Аллоҳнинг бандаси, Яратганга тобе бўлган инсон тушунчаларидан фарқли равишда инглиз тилида “Slave of God”, (Яратганнинг қули) “Servant of God” (Худо хизматкори) сўзлари билан изоҳланиши турли динлар ва диний конфессиялар миқёсида концептуал нуқтаи назардан турлича англанишилинади. Жумладан, христиан оламида ишлатилинадиган “Servant of God” атамаси Яҳудий – Христиан диний жамоатларида, хусусан, Христиан динининг Католик йўналиши вакиллари орасидаги роҳиб ва роҳибалар учун бериладиган диний унвон ҳисобланса, Православ йўналиши вакиллари бу атамани ҳар қандай Православ вакилига нисбатан қўлласа бўладиган сўз сифатида биладилар. Инжил матнларида эса бу сўзни кўпроқ пайғамбарларга нисбатан қўлланилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Инжил матнларининг қуйидаги оятларида **Servant of God** (Худо хизматкори) атамаси кўпроқ Мусо алайҳиссаломга нисбат берилганлигини кўришимиз мумкин:

■ Chronicles 6:49

But Aaron and his sons offered upon the altar of the burnt offering, and on the altar of incense, and were appointed for all the work of the place most holy, and to make an atonement for Israel, according to all that Moses, the servant of God had commanded.

Умуман олганда Қуръон илмлари уламолари ҳам юқорида келтирилган мулоҳазани яъни **Servant of God** сўзини пайғамбарларга нисбатан қўлланилашини қўллаб

⁵ Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/Muhammad_Farooq_Azam_Malik

⁶ Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/Mustafa_Khattab

⁷ Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/Marmaduke_Pickthall

⁸ Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/Abdullah_Yusuf_Ali

⁹ Қаранг: https://en.wikipedia.org/wiki/Muhammad_Asad

қувватлайдилар, чунки Қуръон тафсирларига кўра “Алак” сурасининг 10 оятида келган *عَبْدًا إِذَا صَلَّى* жумласи пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳга ишора қилаётганлигини кўплаб тафсир уламолари таъкидлайдилар. Юқорида берилган амалий таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир динда алоҳида олинган ва ўзига хос муқаддасот ва илоҳиёт сифатида эътироф этиладиган концептуал моҳиятлар мавжуд бўлиб, уларни таржима қилиш вақтида диний тушунчаларнинг ҳар бир дин учун алоҳида концептуал маъно ифодалашини ҳисобга олиш зарур экан.

Адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 1 – жуз. Тузатилган ва тўлдирилган қайта нашр – Тошкент.: “Ҳилол Нашр”, 2016.
2. Большая советская энциклопедия : в 66 т. (65 т. и 1 доп.) / гл. ред. О. Ю. Шмидт. — М. : Советская энциклопедия, 1926—1947. Ҳабд (Рабство к Богу – духовная и моральная потребность человека в его Создателя)
3. Basil Hatim, Professor, Arabic & Translation Studies, CAS, American University of Sharjah, UAE
4. Кулиев Э. Р., Муртазин М. Ф. Корановедение. — Баку: Изд-во «Шерг-Герб», 2011. — С. 7-8. Архивная копия от 3 февраля 2013
5. Eugene Nida (1994). "The Sociolinguistics of Translating Canonical Religious Texts".

КОНВЕРСИВ ТАРЖИМА ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Хидирова Дилдора Шералиевна

(СамДЧТИ магистранти)

Илмий раҳбар: Қўлдошов Ўктам

(Ўзбекистон, Самарқанд)

Аннотация. Мақолада конверсивлик ҳодисаси ҳақида умумий маълумот берилди ва конверсив таржиманинг матн мазмунини сақлашдаги ўзига хос хусусиятлари ёритилди.

Калит сўзлар: конверсивлар, конверсив таржима, антонимлик, валентлик, ўзаро алоқадор қарама-қаршилик, концептуаллаш, тескари муносабат, модуляция, конверсив алмаштириш.

Annotation. The article provides an overview of the phenomenon of converseness and highlights the specific features of converse translation in the preservation of textual content.

Keywords: converses, converse translation, antonyms, valency, relational opposition, conceptualization, modulation, converse substitution.

Аннотация. В статье дается обзор о конверсивности и освещаются особенности конверсивного перевода при сохранении текстового содержания.

Ключевые слова: конверсивы, конверсивный перевод, антонимы, валентности, взаимосвязанные противоречия, концептуализация, обратная связь, модуляция, конверсивная замена.

Конверсивлик ҳодисасининг мураккаб хусусиятга эга эканлиги, унинг тилда турлича усулларда ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Конверсивлик аввало антонимик хусусиятга эга лексик бирликларнинг синтактик сатҳда тескари муносабатли сўзларнинг бир хил вазиятни турли нуқтадан туриб тавсифлаши билан изоҳланади. Масалан, *Сиз бу товарларни ҳеч кимга сотолмайсиз* (*You can not sell these goods to anybody*) жумласини *Ҳеч ким сиздан бу товарларни сотиб олмайди* (*Nobody buys these goods from you*) шаклида ҳам ифодалаш мумкин.

Конверсивлик ҳодисаси ҳақида қадимги давр тилшунослари ҳам маълумот бериб ўтган бўлсада, 20-асргагина келиб ушбу ҳодиса тафсилотли тарзда таҳлил қилина бошланди. Тилшуносликка конверсивлик тушунчасини Ж.Лайонс (1963) олиб кирган бўлса, Ф.Палмер (1976) бу ҳодисани *ўзаро алоқадор оппозиция* (relational opposition) номи

остида таҳлил қилган. Рус тилшуноси Ю.Д.Апресян (1975) ўз тадқиқотларида конверсивлик ҳодисасининг ҳам лексик ҳам грамматик жиҳатларини лингвистик нуқтаи назардан батафсил ёритиб берган. Лексик конверсивлар бир мунча антонимик хусусиятга эга бўлсада, уларнинг антонимлардан фарқи мавжуд. Антонимлар асосан бир валентли сўзлар, конверсивлар икки ёки уч валентли сўзлардан иборат бўлади. Сўзларнинг икки ёки уч иштирокчили иш-ҳаракатларни билдириши эса уларга воқеа-ҳодисаларни “ёпик характерда” бўлишига имкон беради. Масалан: *Аҳмад Раҳматга бирор нарса сотса* бу иш-ҳаракат натижасида, *Раҳмат Аҳмаддан ниманидир сотиб олган* бўлади. Бу ерда тўла цикл амалга ошади ва тўлиқ воқеа содир бўлади.

Конверсивлик феълларнинг ўтимли бўлишини талаб этиб синтактик сатҳда субъект-объект структурасининг тескари тартиби билан изоҳланади. Конверсивликда субъект-объект структурасининг тескари тартиби ягона бир вазиятни турли нуқтадан туриб тасвирлаш натижасида экстроллингвистик фактни концептлаштиради [И.Иванова 2016: 17]. Қуйидаги жумлада биринчи ҳолат Анварга нисбатан, иккинчи ҳолат Икромга нисбатан айтилмоқда. Жадвалда “гап семантик структурасининг тўғри ва тескари тартиби” тасвирланган:

1 2 3 4

Anvar	was happier	with his achievement	than Ikrom
-------	-------------	----------------------	------------

Гап семантик структурасининг тўғри тартиби

Ikrom	with his achievement	was sadder	than Anvar
-------	----------------------	------------	------------

4 3 2 1

Гап семантик структурасининг тескари тартиби

Лексик ва синтактик конверсивлар ҳақида тилшуносликда кўп ва ҳўп таҳлиллар олиб борилиб, илмий назариялар яратилган, лекин бу ҳодисанинг таржимашуносликда, айниқса ўзбек таржимашунослигида, ўрганилишини талаб даражасида деб айта олмаймиз.

Таржимашунос А.Честерман (1997) лексик конверсивларни таржиманинг семантик стратегияси доирасида ўрганади. Ж.Винай ва Ж.Дарбелнет (1958/1995) конверсив таржима ҳодисасини, таржима процедураси доирасида, модуляция усулининг бир аспекти сифатида тушунтириб ўтади. Конверсив таржима усулининг модуляция таркибида ўрганилиши Жереми Мандий (J.Munday, 2016) тадқиқотида ҳам мавжуд. Ушбу олимларнинг фикрича таржиманинг модуляция усулида аслият матнининг диққат маркази ўзгаради. Тил бирликларининг тескари муносабати (reversal of terms) ни модуляция усулининг аспектларидан бири сифатида кўрсатиб ўтади. Масалан:

You can have it > I'll give it to you [Jeremy Munday, 2016, 90-91 p.].

Модуляция деганда бир хил маънони ифодалаш учун аслият ва таржима тилларида фарқли тил бирликларидан фойдаланиш тушунилади. Масалан, “Буни сизга қолдираман” жумласининг инглиз тилидаги сўзма-сўз маъноси, аслида, “I'll leave it to you” лекин инглиз тили меъёрларига янада яхшироқ мос тушувчи “You can have it” шаклини ҳам ишлатиш мумкин. Бунда, албатта, жумла семантикаси ўзгариб, аслият тилининг диққат маркази кўчади. Конверсив модуляцион усул таржимонга хабарнинг маъносини ўзгартирмасдан ва мақсадли матнни ўқувчида ғайритабиий туйғуларни яратмасдан, бошқа бир нуқтадан туриб маънони сақлаб қолиш кўникмасини беради.

Модуляция бир тил доирасида ҳам кўп учрайди. Масалан, инглиз тилидаги “it is easy to understand” ҳамда “it is not complicated to understand” жумлалари бунинг яққол мисоли. Ушбу жумлаларнинг ҳар иккаласи ҳам бир хил маъно касб этсада “it is easy to understand” варианты тилда ишлатишга қулай, ҳолбуки “it is not complicated to understand” жумласи ҳам юқорида қайд этилган маъно, яъни назарда тутилган қийинчиликни рад этишни тушуниш қийин эмаслигидан келиб чиқиб изоҳланмоқда. Бу турдаги таржима техникаси ўқувчига бирор ҳодисани ўз тилида ҳар хил усулда ва турли нуқтадан туриб ифодалаш мумкинлигига ундаб, маънони теран тушунишга ёрдам беради. Модуляция усули Герард Хардин ва Гинтия Пикот (Gérard Hardin and Gynthia Picot, 1990)лар томонидан “нуқтаи назарни ўзгартириш орқали бир хил вазиятни ўзгача тарзда ифодалаш” усули сифатида аниқланган [K.Rahmatillah, 2017: 68].

Конверсив таржима усулини украиналик таржимашунос олимлар (Т.Кирик, О.Охуй, А.Науменко 2006) таржима трансформациялари қаторига қўшиб “конверсив алмаштириш” (*converse substitution*) атамасидан фойдаланишган [О.Вилус, 2020, 2]. Конверсив усул, модуляциянинг бир аспекти сифатида, аслият матнидаги жумланинг таржима матнига шаклан ўзгартирилиб, маъно сақланган ҳолда, ўтказилиши оқибатида содир бўлади. Конверсивлик ўз ичига бир қатор хусусиятларни камраб олишини қуйидаги жадвалда келтириб ўтамыз:

№	Конверсивликнинг хусусиятлари
1)	икки томонлама муносабат, яъни субъект ва объектнинг алмашинуви;
2)	бир иш ҳаракатнинг турлича йўналтирилганлиги;
3)	тўғридан-тўғри ва тескари муносабатли структурага эгалик;
4)	бир хил объектив мувофиқлик; (битта денотат)
5)	бир хил вазият турли хил нуқтаи назардан тасвирланади.
6)	бир бирини инкор этувчи ҳар хил сигнификативлар (фарқли семаларнинг мос келмаслиги).

Конверсивлар денотатив жиҳатдан ўхшаш гаплар яратишда қўлланилади. Бунда биринчи гапнинг предикати унинг конверсив жуфти билан алмаштирилади. Ўзаро алоқадор тескари боғланиш ҳосил қилади. Тилда конверсивлар ўзаро алоқадор оппозитивлар вазифасини бажаради. Ўзаро алоқадор қарама-қаршилиқни ташкил этувчи иккита сўз конверсив бўлиши мумкин.

Ўзбек тилида конверсивлик аксарият ҳолларда феълларнинг ўтимли ва ўтимсизлик хусусияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қуйидаги мисолларда гувоҳи бўламиз:

Бу ҳолатдан Ҳасаналининг **андишаси ортиб**, бекнинг бунчалик ангравланишига қандай маъно беришини ҳам билмас эди. [А.Қодирий, 2019: 23].

His vacant stare only **increased** Hasan Ali's **anxiety**. Hasan Ali did not understand Otabek's condition [M.Reese, 2018: 40].

Ушбу мисолда “**андишаси ортмоқ**” шаклидаги ўтимсиз феъл таржимада “**андишасини орттирмоқ**” (*increased anxiety*) шаклида ўтимли тарзда ўтирилмоқда ҳамда ўзбек тилидаги вариантда Ҳасанал нуқтаи назаридан айтилган фикр таржимада Отабекнинг ҳолатидан келиб чиқиб ифодаланмоқда. Бир хил ҳолатни ифодалашда турли нуқтадан ёндашув ҳолатини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Навбатдаги мисолда эса аслиятда Отабекнинг ухлаганидан тинчланган Ҳасаналининг ҳолати таржимада тескари нуқтадан тавсифланиб, уни *тинчлантирди* шаклида берилган. Яъни *тинчланди* феъли таржимада “*satisfied*” (*тинчлантирди*) тарзида тескари томондан ифодаланган.

Отабекнинг тишиллаб ухлаган товушини эшитиб бир даражада **тинчланди** [А.Қодирий, 2019: 25].

Otabek's steady breathing had **satisfied** his fears [M.Reese, 2018: 42].

Хулоса сифатида айтадиганларимиз шу-ки, бадий таржимада асосий мақсад структурани эмас балки, таржимага прагматик, лингвокультурологик ва когнитив ёндошиб мазмун планини сақлаш экан, таҳлил қилиб ўтганимиз, конверсив талқин каби таржима трансформацияларига тез-тез мурожаат қилишимиз табиий ҳолга айланади. Зеро, таржима жараёнида эътиборга олинган асосий жиҳат нафақат тил хусусиятлари, балки ёзувчи ва таржимоннинг онги ва олам манзарасини лисоний тасвирлашдаги қобиляти ҳамдир.

Адабиётлар

1. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. Избранные труды том I. 2-е изд., испр. и доп. - М.: Школа «Языки русской культуры», Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1995. - VIII с., 472 с.
2. Bilous O., ... Omission and addition in the translation of Deutsche Welle TV news from Germ. into Ukr-n. Journal of critical reviews Vol 7, ISS.18, 2020. pp. 2670-2679.
3. Chesterman A. Memes of translation. John Benjamins Publishing Company <https://benjamins.com>. 1997. 225 p.

4. Lyons J. *Semantics*. Cambridge. Cambridge university press. 1977. 386 p.
5. Munday Jeremy. *Introducing translation studies*. 4th ed. Routledge. London and New York. 2016, 376 p.
6. Palmer F. *Semantics. A new outline*. Semantics. M. VSh, 1976, 170 c.
7. Rahmatillah Kartini. *Modulation in Translation Process*. Ethical Lingua. Volume 4, Number 1, February 2017 pp. 68–75.
8. Vinay J.-P., Darbelnet J. *Comparative Stylistics of French and English: A Methodology for Translation*. Benjamins Trans. Library, 11, 1958/1995. - 359 p.
9. Qodiriy A. O'tgan kunlar. "Ilm-ziyo" Toshkent. 2019. -432 b.
10. Qodiriy A. *Bygone Days: O'tkan kunlar*. Nashville TN. Translator. Mark Edward Reese. 2018. 495 p.

TARJIMASHUNOSLIK FAN SIFATIDA

Xasanova K.B.

Termiz davlat universiteti

Safarova D.A.

Termiz davlat universiteti

Annotatsiya: Aloqa nazariyasi nuqtai nazaridan tarjimaning asosiy funktsiyalari va uning sifat mezonlaridan aniqlanadi. Ularning tahlillari asosida yuqori sifatli tarjimaga qo'yiladigan talablar shakllantirilgan. Mualliflar boshqa jihatlarni o'rgatish bilan solishtirganda tarjimani o'qitishning o'ziga xos xususiyatlarini ko'rib chiqilgan va amaliy maslahatlar berilgan.

Kalit so'zlar: tarjima, nazariya, o'qitish, muloqot

Аннотация: С точки зрения коммуникативной теории определяются основные функции перевода и критерии его качества. На основе их анализа формулируются требования, предъявляемые к качественному переводу. Авторы рассматривают особенности преподавания перевода в сравнении с преподаванием других аспектов иностранного языка и дают практические рекомендации.

Ключевые слова: перевод, теория, обучение, коммуникация

Annotation: The main functions of translation and criteria for its quality are determined from the point of view of communication theory. The authors form the main standards for a good-quality translation. They consider peculiarities of translation teaching as compared to the teaching of other aspects of foreign languages, and provide some practical recommendations for teaching translation.

Key words: translation, theory, teaching, communication.

Zamonaviy davrni haqli ravishda globallashtirish davri deb atash mumkin. So'nggi bir necha o'n yilliklar dunyoning manzarasini tubdan o'zgartirdi: ba'zi mamlakatlar g'oyib bo'ldi va boshqa davlatlar paydo bo'ldi.

Barcha mamlakatlardagi ko'plab ta'lim muassasalarida universal chet tilini biladigan mutaxassislar tayyorlashni boshladilar. Chet tillarini o'qitish, agar o'qitish jarayoniga yo'naltirilgan bo'lsa, kompleks yondashuvni o'z ichiga olib ma'lum bir tilning barcha nazariy jihatlariga, uning fonetikasiga, so'z boyligiga, grammatik tuzilishiga va boshqalarga e'tibor berila boshladi. talabalarga chet tili bo'yicha ko'p qirrali bilimlar berib boshlandi..

Chet tilini bilishning amaliy ko'nikmalari orasida tarjimonlik mahorati alohida o'rin tutadi. Xalqaro aloqalarning ko'p sohalarida ixtisoslashgan tarjimonlar kerak, va tarjima mahoratini yaxshi bilish davlat yoki til bo'limlari va bo'limlari bitiruvchilarining amaliy ishlarida juda foydalidir. Shuning uchun, bu ko'nikmalarni o'rgatish uchun chet tilini o'qitishning murakkab jarayoniga jiddiy e'tibor berilmoqda.

Har qanday tarjima, shubhasiz, odamlar o'rtasidagi muloqot turidir. Muloqotdan tashqarida, tarjima zarurligini tasavvur qilib bo'lmaydi. Ikkinchidan, bu muloqotning bir turi kamida ikkita

tildan foydalanish- ya'ni bu tillararo muloqotning bir turi hisoblanadi.. Albatta, til bilgan inson bir necha tillarda, diplomatik ziyofatda yoki ilmiy konferentsiyada, turli tillardagi xatlar bilan hamkasblari bilan muloqot qiladi, bir tildan ikkinchisiga o'tadi.

Tarjima bir -birining tilini bilmaydigan odamlarga muloqot qilish imkoniyatini berishga mo'ljallangan to'g'ridan -to'g'ri muloqot yoki muallif tomonidan boshqa tilda yozilgan matnni idrok etishdir.

Yuqorida tarjimaning universal ta'rifi berilgan. Lekin tarjimaning ko'p turlari mavjud, ular bir -biridan ularga qo'yiladigan talablar bo'yicha ham, jihatidan ham farq qiladi. Bu ikki omil tarjima tasnifining ikki turini oldindan belgilab beradi .

Birinchi turdagi tasnif asl matnning janr va uslubiy xususiyatlari bilan bog'liq. Bu aniq turli janrdagi matnlar umuman boshqacha aloqa effektiga ega va tarjimaga ko'ra yuqoridagi ta'rif asl bilan bir xil muloqot effektini yaratadi.

Asosan badiiy tarjima va asl tarjima turlari mavjud deb qaraladi. Birinchi turga – tarjimaning asosiy maqsadini qabul qiluvchiga estetik ta'sir ko'rsatish bo'lgan matnlar kiradi.

Tarjimaning ikkinchi turi - matnlarning tarjimasi, uning asosiy vazifasi uzatishdir har qanday ma'lumotni qabul qiluvchidir.

Badiiy tarjimani nasriy tarjima, she'riy tarjima va informatsion tarjimaga bu esa ilmiy - texnik, biznes, harbiy, jurnalistik tarjimaga bo'lish mumkin. Albatta, bu turdagi tarjima sof shaklda mavjud emas.

- badiiy asarda siz ma'lumotli matnni topishingiz mumkin, va axborotda, ayniqsa jurnalistik, - badiiy elementlar ishlatiladi. Ikkinchi turdagi tasnif matnni idrok etish bilan va matnni yaratishga qarab tarjimani ikki turga ajratadi. Bu mezon bo'yicha og'zaki tarjima va yozma tarjimaga bo'linadi.

Tarjima turlari o'rgatish uchun juda muhimdir. Ko'rinib turibdiki, yozma tarjima metodologiyasi og'zaki tarjimon mutaxassislarini tayyorlash metodikasidan farq qiladi.

Shunday qilib, asosiy tarjimaning boshqa tillararo muloqot turlaridan farqi shundaki, tarjima tillararo funksiyaga ega vositachilik, ya'ni xabar beruvchidir. Ammo bu yerda ham tarjimani tillararo vositachilikning boshqa turlaridan ajratib ko'rsatuvchi yo'l ko'rsatuvchi funksiyalarni bajaradi.

Adabiyotlar

1. Гарбовский Н.К. Теория перевода. М.: Изд-во Моск. ун-та, 2007. 543 с.
2. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода. М.: Междунар. отношения, 1980. 176 с.
3. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение. М.: ЭТС, 2001. 424 с.

STRATEGIES IN SIMULTANEOUS INTERPRETATION

Nigina Temirova,

*Translation Theory and Practice Department,
Tashkent State University of Uzbek Language and Literature*

Annotation. *The article determines the strategies of simultaneous translation, their classification and application in practice to achieve adequacy in translation when translating from the source language into the translating one, taking into account the fact that the source language is both English and Uzbek.*

Key words: *simultaneous interpretation, strategy, trial and error strategy, waiting strategy, stalling strategy, linearity strategy, probabilistic forecasting, time factor, static factor, signed translation strategy, compression strategies, decompression strategies.*

Аннотация. *В статье определяются стратегии синхронного перевода, их классификация и применение на практике для достижения адекватности в переводе при переводе с исходного языка на переводящий, при учёте того фактора, что исходным языком выступает как английский, так и узбекский язык.*

Ключевые слова: *синхронный перевод, стратегия, стратегия проб и ошибок, стратегия ожидания, стратегия столлинга, стратегия линейности, вероятностное прогнозирование, фактор времени, статический фактор, стратегия знакового перевода, стратегии компрессии, стратегии декомпрессии.*

In globalization age, the demand for simultaneous interpretation is increasing dramatically. Thus, almost every country that has international affairs is paying special attention to training simultaneous interpreters and improving the quality of translation. Simultaneous Interpretation is one of the most difficult forms of interpretation that brings with it all kinds of difficulties and drawbacks. According to the widely accepted Effort Model of Daniel Gile (2009) the process of simultaneous interpreting may be seen as an equation of four efforts: listening and analysis, short term memory, production and coordination of the other three efforts.

Conference interpreter must have following three qualities in order to achieve interpreting competence:

a) linguistic competence, including pragmatic competence, which, in turn, is subdivided into pragmalinguistic competence, which, according to R. Setton, is knowledge of “particular shades of meaning” of a particular word or expression, and sociopragmatic competence, which includes such broad concepts as knowledge of etiquette, functional style, etc.;

b) general knowledge, representing a sufficient basis on which a general and specialized vocabulary of a simultaneous interpreter is built, necessary for understanding and translation on a specific topic, provided that documents and reports are provided in advance;

c) skills, or strategies, or the ability to process and process information.

Many researchers of SI understand the strategy as the necessary skills or certain abilities of a conference interpreter to process information for translation from SL to TL.

A strategy in a SI is a method for performing a translation task, which consists in the adequate transfer of the sender's communicative intention from the SL to the TL, taking into account the culturological and personal characteristics of the speaker, the basic level, the linguistic supercategory and subcategory. From this definition it is clear that the concept of strategy includes both purely linguistic and extralinguistic factors, each of which can determine the choice of one method or another (or several at the same time) at a certain interval of translation. An experienced translator often chooses a strategy in a purely automatic mode. Moreover, since a strategy is a means of achieving adequacy and equivalence in translation from SL to TL, several strategies can be used by a simultaneous interpreter at the same time. In addition, one of the strategies can be taken as a basis, while others will be additional, for example, serve as a tool for getting out of a difficult situation when the initially chosen method did not lead to the desired results.

This work defines the strategies, their importance and usage due to the extralinguistic factors, such as, time and static factors. The strategies related to the time factor include trial and error strategy, waiting strategy, stalling strategy, linearity strategy and probabilistic forecasting, whereas the ones of the static factor are signed translation strategy, compression strategies and decompression strategies.

The trial and error strategy is one of the methods of achieving equivalence and adequacy in SI. Schweitzer defines STR as a strategy of “progressively approximating an optimal solution by rejecting options that do not meet certain selection criteria” (Schweitzer 1973: 272). This strategy is directly related to the concept of a wide and narrow context. One of the advantages of translation over oral translation is that the translator almost always has a wide context. In SI, there are incomparably fewer such cases. A simultaneous translator cannot turn the page and see what follows next, what is behind this or that concept. First of all, we are talking about those cases when there is no ready-made transcript of the speech in the translation booth. This strategy is often used when the sender of the message lists a number of concepts that are difficult to translate without a broad context. In this case, a literal (symbolic) translation can do an invaluable service. For example:

Speaker: There are several principles of investment:

1. Equity
2. General obligation bonds
3. Revenue bonds
4. Public funds

Translation: Investitsiyaning bir qancha tamoyillari mavjud.

1. Oddiy aksiyalar
2. Umumiy majburiyat obligatsiyalar
3. Daromad obligatsiyalari
4. Davlat mablagʻlari

(Conference "Public Finance and Regional Investment Initiative").

In this context, such a translation problem arises as the translation of the concept of equity. Due to the narrow context, it is not clear what is meant. A simultaneous translator has translated this concept as close to the text as possible, essentially making a literal translation. It is worth noting that the trial and error strategy is binary in nature. The principle of duality lies in the fact that, firstly, every time a simultaneous interpreter goes through trials in order to get a wide context for the most accurate translation of a specific concept, he can either make a mistake or give the correct version. It is hardly possible to experimentally reveal the percentage error / correct option. Each case is purely individual and depends on many factors: general knowledge of the translator, knowledge of the situation in which the joint venture is carried out, topics, as well as acquaintance with the speaker and his style of presenting the material. The better a simultaneous interpreter knows the topic, the situation at the time of translation, the speaker and his manner of presentation, the less likely it is to make a mistake and the more likely it is to choose the correct option.

Secondly, the trial and error strategy is how soon the translator realizes the fact of making a mistake and how quickly and painlessly for translation he can correct this mistake. In other words, what context is necessary in order for the wrong version to be transformed into the correct one in the TL with minimal loss of the meaning of the text. Thus, the trial and error strategy is characterized by two sub-strategies: the sub-strategy of the probable error and the sub-strategy of choosing the correct option.

One of the problems that the simultaneous translator had to solve there was the transfer of the concept of *equity* in Uzbek. The original version of *oddiy aksiyalar* was proposed by the translator due to the insufficiently broad context. Indeed, equity means: 4. eq. ordinary share, share without fixed dividend (BARS, I volume). Upon receiving the broad context, the translator realized that he had made a mistake. He probably found in dictionaries just such meanings of the word. The narrow context did not give him the opportunity to assume that English equity in this situation means fairness. After repeating the concept of equity, the speaker begins to reveal the meaning of the term. The simultaneous translator had to wait for a broader context or any other formal indications confirming or refuting the chosen translation option. And such a moment has come. After several semantic groups, the speaker pronounced the phrase that was expected by the translator for so long (by the standards of the time in the simultaneous interpretation booth):

Equity means distribution of investments on a just basis ...

It is quite obvious - and this is confirmed by the following context - that in this case we are not talking about the issue of ordinary shares, but about such an investment principle as a fair distribution of funds invested in the region's economy. The best translation option in this case would be *halollik tamoyili*, but due to the too narrow context, the simultaneous interpreter could not give the correct version at the very beginning. It is possible that the simultaneous interpreter had a similar translation option as one of the possible versions, but the translator decided to give the most common version, since in such a case the probability of a possible error is less.

By the way, if the audience did not notice such a smooth transition from one term to another during the translation, then in this case the use of the trial and error strategy can be considered successful. The wrong option in this case exists as if only for a synchronous cab. At such moments, the work of a simultaneous interpreter is in many ways similar to that of a written translator, with the only difference that the former is limited by a very strict time limit and cannot use dictionaries

and other reference literature. Often, when it is impossible to familiarize yourself with the report in advance, the broad context of the report becomes a reference source for the simultaneous interpreter, which allows the translator to use the trial and error method. Of course, it is advisable to use this method as rarely as possible, but, without a doubt, such a strategy has a right to exist.

Let's go back to recording the original and translation:

Equity means distribution of investments on a just basis. This is the key thing for attracting investors.

Translation: Shunday qilib, birinchi tamoyil aksiyalar va halollik tamoyili bo'lib, investorlarni jalb etishning asosiy vositasi hisoblanadi.

The process of getting out of a difficult situation is interesting after the translator realized the fallacy of the first option. This happened with the repetition of an erroneously translated term at the beginning of the phrase in order to make the transition to the correct concept as smooth as possible. In this case, the simultaneous interpreter has chosen exactly the same way of getting out of this situation: repeating an incorrectly translated concept or part of an incorrectly translated phrase and smoothly joining the exact version of the translation to it. Subsequently, the incorrect translation is not used in the TL.

The relation of the trial and error strategy and time factor is seen here. Speaker: There are several principles of investment:

1. Equity
2. General obligation bonds
3. Revenue bonds
4. Public funds

Equity means distribution of investments on a just basis ...

This piece of text is spoken by the speaker in an average of 14.5 seconds. This is exactly how much time it takes for a simultaneous translator to give the correct translation based on a wide context. Of course, the time to obtain a broad context when listing concepts can vary depending on various factors, such as the speed of presentation of the material by the speaker, the amount of information transmitted in the original, and many others. But in general, the time period is usually very short.

Summing up, the trial and error strategy consists of two sub-strategies: the probable error sub-strategy and the correct option sub-strategy. It is used in cases where the simultaneous interpreter does not have a ready-made translation option. If the simultaneous interpreter guesses the correct variant, the sub-strategy of probable error is not used, and the translation continues further with the use of the found concept. In addition, the trial and error strategy is also used in situations where the narrow context in the SL does not allow the simultaneous interpreter to make sure that the chosen translation option is correct and there is a need to obtain a broader context for adequate transmission of a specific segment to the SL. In the following works we will discuss other strategies of simultaneous interpretation.

References:

1. Gile D. Scientific Research vs. Personal Theories in the investigation of interpretation. Paper given at Scuola Superiore di Lingue Moderne per Interpreti e Traduttori, Universita degli Studi di Trieste, 1990.
2. Setton, R. A Pragmatic Theory of Simultaneous Interpretation / doctoral dissertation, Ann Arbor, Michigan, 1997.
3. БАРС/Большой англо-русский словарь / Под редакцией И.Я. Гальперина. - М.: Русский язык, 1987.
4. Виссон. Л. Практикум по синхронному переводу с русского на английский. - М.: Р. Валент, 2000.

II. O‘ZBEK TARJIMACHILIGI JAHON TARJIMASHUNOSLIGI KONTEKSTIDA

“РАВШАН” ДОСТОНИНИНГ КАРЛ РАЙХЛ ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Ровияжон АБДУЛЛАЕВА

Турон фанлар академияси фахрий
академиги, филол.ф. доктори
ЎзДЖТУ
rovijajon47@mail.ru

Аннотация. Бадиий таржима – қадимий санъатдир. Таржима бадиий ижоднинг бир тури бўлиб, унинг тарихи узоқ, илдизи қадимги Антик даврлар билан туташади. Бадиий таржима - халқлар адабиёти орасига қурилган кўприқдир.

70-йилларни ўзбек таржимачилиги ва таржимашунослигининг гуллаган даври дейиш мумкин. Бу даврларда Ғарбий Европа адабиёти намуналаридан воситали ва бевосита равишда бир қанча бадиий асарлар ўзбек тилига ўгирилиб, адабиётимиз фондини бойитди. Бунинг таъсирида илмда таржимашунослик йўналиши шаклланиб, диссертация, монография, илмий тадқиқотлар юзага келди. Таржима оламида қайноқ ҳаёт бошланди. Шу соҳанинг етук олимлари, маҳоратли профессионал таржимонлар плеядаси пайдо бўлди. Аммо илмий кузатувлар Мустақиллик йилларида бу саъй - ҳаракатларнинг биров сусайганидан далолат бермоқда.

Адабий жараёнда, илмий жамоатчилик орасида адабий алоқанинг асосий омили бўлган бадиий таржимачилик ва таржимашунослик йўналиши оқсаётгани, асл таржималар кузатилмаётгани, компетенцияси шаклланган маҳоратли таржимонлар етишмаётгани, пайдо бўлган янги таржима асарлар вақтида лингвопоэтик таҳлил қилиниб ўз баҳосини олмаётгани ҳақида турли мазмунда илмий-оммавий ахборотлар берилмоқда, танқидий фикрлар билдирилмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мазкур мақолада Германия Бонн университети профессори, таниқли фольклоршунос олим Карл Райхлнинг “Равшан” достонининг немис тилига бевосита бадиий таржимаси ва шу таржима ҳақида ўзбек адабиётишунослигида яратилган диссертация хусусида мухтасаргина фикр юритилди. Таржимадаги баъзи ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилди.

Калит сўзлар. Миллий колорит, транскрипция, қарғиш, эпик манзара, урф-одат, синекдоха, ўхшатиш, метонимия.

Ғарбий европаликларни қадим - қадимдан бутун дунёдаги Шарқий халқлар, айниқса турк ва туркий қавмлар маданияти, тарихи, адабиёти, тили, урф-одатлари, миллий колорити доим қизиқтириб келгани тарихий манбалардан маълум. Жаҳон олимлари XX асрнинг иккинчи ярмигача илмнинг бу қисмини ориенталистика йўналишида кузатиб келганлар. Бугун Германиянинг энг йирик шаҳарларининг университет ва институтлари қошида туркийшунослик мактаблари шаклланган. У ерда таниқли қадимшунос, исломшунос, фольклоршунос, туркийшунос олимлар фаолият кўрсатган ва кўрсатмоқда [А.Габайн, А.Шиммель, П. Циме, Б.К. Ҳайнкеле, К.Райхл, З.Клайнмихель, И.Балдауф, Т.Мўккель, Я.Таубе ва ҳ.о. лар]. Шулардан бири Бонн университети профессори, фольклоршунос олим Карл Райхлдир. Карл Райхл Ўзбекистон ФАнинг Алишер Навоий номидаги Тил, адабиёт ва фольклор илмий тадқиқот институтида бир неча бор илмий таътилда бўлиб, институтнинг Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонкул сингари етакчи фольклоршунос ходимлари, академик, доктор, профессорлари билан илмий мулоқотда бўлган, ўзбек фольклористикасини чуқур ўрганган ва “Равшан” достонини немис тилига бевосита таржима қилишга жазм қилган. Бу унинг биринчи таржимаси эмас. Бунгача у “Алпомиш” достонини немис тилига ўгириб, таржима бобида анча тажриба орттирган эди.

“Равшан” достонининг таржимаси чоп қилинган, вақтли матбуот ва илмий тўпламларда таржиманинг бадий хусусиятлари, ўзига хослиги ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинди. Таржимашунослик йўналишида диссертация ёзилди [Жуманиёзов З., НДА. 2008. 25 б.]. Диссертацияга мавзу қилиб “Равшан” достонининг немис тилига таржимасида миллий колорит масаласи объект қилиб олинган.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, миллий колорит масаласи кузатилганда кўп ҳолларда халқнинг кийим-кечаги, идиш-товоғи, юриш-туриши, тилда учрайдиган хос фразалар билан чекланиб қолинапти, ваҳоланки, ўзига хослик масаласи кенг тушунчага эга бўлиб, бу масалани ёритаётганда юқоридагилардан ташқари халқнинг тарихи, дунёқараши, урф-одати, характери, онги, психологияси билан боғлиқ томонларни ҳам назарда тутиш даркор. Жумладан, тадқиқотда эпик манзаралар, портретлар тасвири, ўхшатишлар, инициал формулалар, сажъ, реалия, антропоним, топоним, лақаблар, мақоллар, фразеологик иборалар, жуфт ва такрор сўзлар, олқиш ва қарғишлар, паранда ва ҳайвон номларининг таржимада берилиши каби масалаларни ёритишга ҳаракат қилинган. Бу масалаларни ўрганиш жараёнида тадқиқотчи мутаржимнинг дoston руҳини қанчалик ҳис қилгани, қаерларда муваффақиятларга эришгани-ю, қайси ўринларда немисча таржима оқсаганини, қаерларда таржимон эркин ҳаракат қилганини қизиқарли

мисоллар ва қиёсий таҳлиллар билан кўрсатиб берган.

“Эпик манзаралар ва портретлар тасвири таржимаси” фаслида асосий эътибор таржиманинг аслиятга яқинлиги, таржима имкониятлари, ички ва ташқи факторларга қаратилган, қиёсий таҳлиллар ишнинг илмий қувватини оширган. Чунончи, муаллиф “*schön-чиройли*” сўзи ўрнига “*echt-соф, асл*” ва “*rein-моза*” сўзларини қўллашни ўринли деб, баҳс мунозараларга йўл очиб беради. Оригиналдаги “*Амрофдаги эккан моза шамшод гул*”нинг “*Rundherum sind schöne Buchsbäume und Rosen gepflanzt*” таржимасида “*моза*” эпитети “*schön*” деб ўгирилган. Изланувчи буни “*rein-моза*” ёки “*echt - соф, асл*” деб берилишини маъқуллайди. Назаримизда, Карл Райхл бу ерда сўзма-сўзликдан қочиб, мантиқ илмини ишга солиб, шамшод дарахтини гўзаллик рамзчилигини англаб, “*rein*” ёки “*echt*” ўрнига “*чиройли - schön*” эпитетини қўллаган бўлиши ҳам мумкин.

Тадқиқотда *ўхшатишларнинг* ўзига хослиги, мазмун ва шакл мутаносиблиги масалалари мутаржим маҳорати билан бирга кузатилган. Жумладан, “*гулдай юз - das Rosengesicht*”, “*кўзлари юлдуздай - ihre Augen wie Sterne*”, “*қонадиган умдай - wie ein bissiger Hund*”. Немис тилида муқобил вариантлари бўлган бу ўхшатишлар мутаржимга таржима жараёнида қийинчилик туғдирмаган. Бироқ “*моза гулдай сўлар бўлдим мен энди - wie eine reine rose verwelke ich jetzt*” ва шунга ўхшаш яна бир қанча муқобил таржималар борки, улар бир қарашда нотўғридай туюлади, дейди изланувчи. Тўғри, тадқиқотчи таржимани ўринсиз эканлигини ички бир интуиция билан ҳис қилган, бироқ “*номўғридай туюлади*” деб, “*тўғри*” демоқчи бўлади. Мабода К. Райхл “*моза гул*”ни “*reine Rose*” демасдан, “*янги*” ёки “*эндигина узулган гул*” (“*тар гул*” шевада - А.Р.) маъносида “*frische Rose*” деб берганида эди, назаримизда таржима бадий жиҳатдан муваффақиятли чиққан бўларди.

Метонимиянинг бир тури - синекдохалар таржимасида дostonдаги “*Менинг бу ерда бир танишим бўлмаса, ё бир томирим бўлмаса*”, жумласи “*Da ich hier keinen Bekannten habe, keinen Freund*” деб берилган. “*Томирим*” немис тилида “*der Freund - дўст*” деб тикланган. Тадқиқотда “*дўст - томир*” сўзининг мазмунини беролмаслиги, у қариндошлик муносабатларини англатиши эслатиб ўтилган. Бизнингча, К.Райхл ўша жумлани “*Da ich hier keinen Bekannten und Verwandten habe*” тарзида ўгирганда эди, биринчидан, таржима “*Bekannte und Verwandte*” шаклида бўлиб, жумлада фонетик жиҳатдан ички бир ассоциация ва поэтик оҳангдорлик вужудга келган бўларди, иккинчидан, таржима мазмун жиҳатдан тўғри тикланарди.

Дostonдаги жийронқуш портрети тасвиридаги “*ўмилдириқ сўм олтин*” нинг немис тилига “*das Bruststück des Pferdes ist aus goldenen Rubeln*” деб берилиши ҳам эътиборимизни тортади. “*Ўмилдириқ*” - бу от ўмровида турадиган чарм тасма, “*сўм*

олтин” - бу тасманинг **“соф олтин”**дан эканини англатапти. Назаримизда, таржима жараёнида Карл Райхлини **“сўм”** сўзи чалғитган. Мутаржим **“сўм”** ни пул бирлиги деб тушуниб, от ўмровидаги **“чарм тасма”**ни **“aus goldenen Rubeln - тилла рубелдан”** деб ўгирган ва хатога йўл қўйган. Аслида, **“сўм олтин”** сўзи **“бошиқа ҳеч қандай металл аралашмаган, соф, тоза олтин”** маъносида келмоқда. Сўзнинг бу маъноси шевада, кўп ҳолларда Хоразм ва Туркменистон томонларда ишлатилади.

Шунингдек, **“кўзининг оқу - қароси”** бирикмаси **“weisse und schwarze ihres Augens”** қабилида сўзма-сўз ўгирилган. Бу бирикма замирида асар қаҳрамони Даллининг фарзанди назарда тутилмоқда. Бироқ **“weisse und schwarze ihres Augens”** деганда немислар кўз ичидаги оқ ва қора рангларни тушуниши табиий. Бу ўринда **“фарзанд”** сўзи **“ота - онанинг жону - жаҳони, ҳаётининг маъноси”** мазмунидадир. Яна матнда **“шоҳнинг чироғи - das Licht eines welchen Schachs”** бирикмаси учрайди. Бу ерда ҳам **“чироқ”** деганда **“фарзанд”** назарда тутилмоқда. Демак, **“кўзининг оқу - қароси”**, **“шоҳнинг чироғи”** бирикмаларини таржима қилишда **“фарзанд”** маъноларини англатадиган немис тилидаги муқобил вариантлар изланиши керак эди.

Реалия, антропоним, топоним ва лақаблар таржимаси - бу жуда мураккаб жараён. Агар таржимада эквивалент топилмаса ўзига хосликни, миллийликни беришнинг яхши усули транслитерация ёки транскрипциядир. К. Райхл транслитерация усулидан фойдаланиб тўғри қилган. Аммо таржима асар ҳақидаги тадқиқотда диссертант **“эквивалент”** ни **“анолог”** деб берган. Натижада, бу сўзлар **“синоним”** ёки **“тенг қийматли”**дай бўлиб қолган. Аслида, **“эквивалент - аналог”**, **“анолог”** эса **“эквивалент”** бўла олмайди. Чунки, **“анолог - ўхшаш”** дегани, **“айнан ўзи”** ёки **“тенг қийматли”** дегани эмас. **“Эквивалент”** эса **“айнан ўзи”** ёки **“тенг қийматли”** тушунчасини англатади.

Мақол ва фразеологик иборалар таржимасига келганда мутаржим **“зар қадрини заргар билар”** мақолини **“Den Wert des Goldes kennt der Goldschmied”** деб берган. **“Der Wert”** нинг немис тилида **“қиймат, нарх”** каби маънолари ҳам бор. Аммо таржимон **“Der Wert”** деб бериб адашмаган. Профессор Х.Хофманн Й.В. Гёте таваллудининг 250 йиллиги муносабати билан ёзган мақоласини **“Wert der deutschen Sprache”** деб номлаган эди. Энди бу ерда **“der Wert”** сўзини **“немис тилининг қиймати ёки нархи”** деб эмас, балки **“немис тилининг қадр-қиммати”** ёки контекстдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, **“немис тилининг аҳамияти”** деб ўгириш мумкин.

Олқишлар ва қарғишлар таржимасида ҳам фикр туғдирадиган ўринлар учрайди. “Равшан” дostonи таржимаси бўйича ёзилган тақиқотда изланувчи томонидан **“... немис адабиётида қарғиш жанри йўқ, немислар бир - бирларини ҳеч вақт қарғамайдилар, улар ўта маданиятли халқ”**, деб конкрет хулоса фикр айтилган. Таниқли фольклоршунос олим, профессор Асқар Мусоқулов ҳам бунга мойиллик билдирган. Аммо мен бу фикрга қўшила олмайман. Нима учун? Авваломбор бу туйғу баъни инсониятга хосдир. Туйғу ижобий бўладими ёки салбий, унинг миллати йўқ, бу туйғу миллат, ватан танламайди. Уларнинг ватани инсонларнинг юрагидир. Модомики, ҳаётда қарама - қаршиликлар, зиддиятлар, ёмонлик ва яхшилик ўртасида кураш бўлар экан, қарама - қарши кучлар тўқнашганда, айниқса, зиддиятлар кучайганда, ҳар қандай инсон қалбида, албатта бу туйғу уйғонади. Тўғри, балки немис фольклоршунослигида қарғишлар жанр сифатида ўрганилмаган бўлса, ўрганилмагандир. Бунинг ҳеч муаммолик жойи йўқ. Бироқ, бу немисларда қарғиш йўқ дегани эмас-ку! Қатъий ва ишончли бир фикрга келмоқ учун бу борада илмий изланишлар қилиш жоиз кўринади.

Немис халқининг қисмати оғир кечган. Улар 7 йиллик, 30 йиллик урушларни ва яқин ўтмишдаги даҳшатли Гитлер фашизмини бошидан кечирган халқ. Немислар фашизм қолдирган асоратлар натижасида узоқ йиллар ҳудуди, миллати, қалби иккига бўлиниб яшаган халқ. Мантиқан уйлаб кўрайлик, қалбида фашизмнинг битмас-туганмас жароҳати бўлган немис халқида қарғиш бўлмаслиги мумкинми? Бунга ақл бовар қилмайди. Криста Вольфнинг **“Der geteilte Himmel - Бўлинган осмон”** (ёки **“Бўлинган қалб”** деб ҳам таржима қилиш мумкин - А.Р.) романида айнан шу ғоя илгари сурилган. Немис лексиконидаги **“der**

Fluch, verfluchen, verdammen, verdammt”лар “*лаънат, лаънатламоқ, лаънатланган*” деб таржима қилинади. Аммо шу сўзларни контекстдан келиб чиқиб, “*қарғиш*” ёки “*қарғамоқ*” деб ўғирса ҳам бўлади. Мисол, Й.В.Гётенинг “*Фауст*” трагедиясини Эркин Воҳидов маромига етказиб таржима қилганини адабиёт ихлосмандлари яхши билишади. Асарнинг биринчи қисмини аслиятдан германист Пошали Усмон ҳам таржима қилган. “*Фауст*” трагедиясидан мисол. Фауст:

Фикримиз банд этган ўша гумроҳ
Рух васвасасига ўқийман *лаънат*!
Риёкорлик ила дилни банд этган
Шухрат жилвасига ўқийман *лаънат*!
Молу дунёсига ўқийман лаънат!
Лаънат ўша узум ширасига ҳам!
Лаънат ишқ-муҳаббат жилвасига ҳам!

Бу ердаги “*лаънат*” (оригиналда “*der Fluch*” деб берилган) зинҳор “*қарғиш*” эмас, “*лаънат*” деб тўғри таржима қилинган. Аммо немис романтик шоири Хайнрих Хайненинг “*Силезия тўқувчилари*” сиёсий шеърида шундай мисралар учрайди. Ўқиймиз:

Im düstern Auge keine Träne
Sie sitzen am Webstuhl und fletschen die Zähne:
Deutschland, wir weben dein Leichentuch,
Wir weben hinein den dreifachen *Fluch*.
Wir weben, wir weben.

Мазмуни: Ғамли кўзларда қатра ёш йўқ
Дастгоҳларда ўтириб, тишларин қайрарлар:
Германия, биз сенинг кафанингни тўқиямиз.
Унга қўшиб, уч қарра *қарғиш* ҳам тўқиямиз
Тўқиямиз, тўқиямиз (таржима бизники - А.Р.)

“*Силезия тўқувчилари*” шеъридаги “*Der Fluch*”, Й.В.Гётенинг “*Фауст*” трагедиясида Фауст нутқидаги “*Der Fluch*” дан фарқ қилади. Ҳ. Хайнеда бу сўзнинг поэтик кўтаринкилик даражаси анча баланд ва ҳеч иккиланмай уни “*қарғиш*” деб бериш мумкин. Бунга тўла асос бор. Нима учун? Чунки, шеърнинг кульминацион нуқтаси бўлган “*Deutschland, wir weben dein Leichentuch*” - “*Германия, биз сенинг кафанингни тўқиямиз*” мисраси бизни шундай фикрга олиб келади. Германияга кафан тўқилаётган экан, силезиялик тўқувчилар Германиянинг ўлимини хоҳлаётган экан, демак, бу албатта қарғиш бўлади-да! Бундан-да ортиқ қарғиш бўлмаса керак.

Хуллас, Ҳ.Хайне “*Силезия тўқувчилари*” шеърида “*қарғиш*”нинг энг олий намунасини яратган. Бу шеър дарёдан томчи. Немис адабиёти эса чексиз уммон. Ўйлаймизки, қисмати оғир кечган немис халқи бадий адабиётида салбий туйғуни ифодалайдиган “*қарғиш*” лексикаси албатта топилади. Фақат излаш ва изланиш керак!

“БОБУРНОМА”НИНГ АРАБ ТИЛИГА ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

Муртазо Сайдумаров

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети доценти
msaydumarov@gmail.com

Аннотация. Мақолада ўзбек адабиётининг буюк қомусий асари бўлмиш “Бобурнома”нинг арабча таржимаси ҳақида фикр юритилади, араб тилига биринчи марта қилинган ушбу таржиманинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилади экан, келажакда асарнинг мазкур таржимаси мисолида қиёсий-тарихий ва чоғиштира таҳлил

асносида тадқиқот олиб боришининг муҳимлиги асосланади. Айни пайтда мазкур ишнинг айрим хато ва камчиликлари ҳам ойдинлаштирилади.

Калим сўзлар: Бобурнома, таржима, таржимашунослик, таржима назарияси ва амалиёти, араб тили, илмий, қиёсий таҳлил, Магида Махлуф

Аннотация: В настоящей статье рассматриваются особенности перевода энциклопедического произведения узбекской литературы «Бабурнаме» на арабский язык, отмечается важность проведения исследования на основе сравнительно-исторического и сопоставительного анализа перевода и оригинала, указаны некоторые ошибки и недостатки данной работы.

Ключевые слова: Бабурнаме, перевод, переводоведение, теория и практика перевода, арабский язык, сравнительный анализ, Магида Махлуф

Abstract: This article examines the features of the translation of “Babur-name” - an encyclopedic work of Uzbek literature into Arabic, notes the importance of conducting research on the basis of comparative-historical and comparative analysis, and indicates some shortcomings of this work.

Keywords: Baburname, translation, translation studies, theory and practice of translation, Arabic language, comparative analysis, Magida Makhloof

Ўзбек адабиётининг буюк қомусий асари бўлмиш “Бобурнома” 2014 йили мисрлик олима, туркшунос, таржимон Магида Махлуф томонидан биринчи бор араб тилига тўлиқ таржима қилинди ва Қоҳирада “Дар ал-Афақ ал-арабийя” нашриёти томонидан катта ҳажмдаги 711 саҳифада нашр этилди [Махлуф, 2014].

Ўзбек адабиёти ва маданияти ҳамда ўзбек халқи тарихида жаҳонга энг машҳур бўлган «Бобурнома» асари бутун дунё олимлари томонидан ҳам тадқиқот, ҳам таржима нуқтаи назаридан энг кўп мурожаат қилинган асардир. Ушбу асар Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқларининг тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, географияси, ўсимликлар ва ҳайвонот олами дунёсига оид маълумотларга бой бўлгани сабабли ҳам доимо тадқиқотчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган.

Мисрлик туркшунос олима ушбу асарнинг бир қисмини, «Вақоъи Фарғона» қисмини аввалроқ араб тилига таржима қилган эди [Махлуф, 2002]. 2014 йили нашр этилган таржима нафақат ўзининг тўлиқлиги, балки унга батафсил шарҳлар ҳамда мазкур асарга ва ушбу даврга оид бой материалларни ўз ичига қамраб олгани билан ҳам қимматлидир. Магида Махлуф таржимага ёзган муқаддима ва миннатдорчилик сўзида «Бобурнома»ни оламшумул аҳамияти ҳақида фикр билдириш билан бир қаторда ушбу таржима устида олиб борган иши йигирма йилдан ортиқроқ давом этганини таъкидлайди. У ёшлик чоғларининг якунида бошлаган ишини олтмиш ёшга кирганида якунлаганини айтиб ўтади. Ана шу давр ичида асарнинг турк, инглиз, француз, урду, форс ва ўзбек тилларидаги таржималарини ва япон шарқшуноси Эжи Манонинг тадқиқотини жамлаганини ва улардан «Аллоҳ Таолонинг осон қилгани даражасида» [Махлуф, 2014:33] фойдаланганини айтади.

Магида Махлуф «Бобурнома» асари матнининг таржимасидан аввал «Ўн бешинчи асар охиригача темурийлар давлати» ҳақида тадқиқоти, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида маълумотлар, Султон Бобурнинг XIV аср бошларида ислом (турк) олами билан алоқаси ҳамда «Бобурнома» ва унинг тарихий қиймати ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиради. «Бобурнома» нинг ёзилишини таҳлил этади. Сўнг мазкур асарнинг шарқ ва ғарб тилларига қилинган таржималари ҳақида тўхталиб, улар ҳақида маълумот беради. «Бобурнома» инглиз, немис, француз, испан, рус, форс, урду тилларига, ҳамда қадимий чигатой турчасида ҳозирги замон турк тилига таржима қилинганини ва уларнинг энг қадимийси форсча таржима эканлигини айтади.

Форс тилига қилинган таржималар. Асарнинг форс тилига қилинган биринчи таржимаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур даврида амалга оширилган ва у кейинчалик европа тилларига қилинган таржималарнинг асоси бўлиб қолган. Биринчи форсча таржима муаллифи Шайх Зайниддиндир [3], бу таржима 1525-1526 йиллар орасидаги ўн бир ойлик

воқеаларни қамраб олган холос. Иккинчи форсий таржима Пояндах Ҳасан ал-Ғазнавий бошлаб, 1586 йилда уни Муҳаммадқули Ҳисорий охирига етказган [4]. Магида Махлуф Акбаршоҳ даврида Абдурахимхон ибн Байрамхон [5] томонидан амалга оширилган асарнинг форс тилидаги тўлиқ таржимаси баъзи жойларда аслиятга мос келмаслигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, 118/Б дан 120/А гача бўлган қисмлар таржима қилинмаганлигини, бунда Бобурнинг намоз ўқиганлиги, тунида Шайх Зайнуддини кўрганини ва у ғалабани башорат қилганини, Бобурнинг Хуросонга юриш бошлашга қарор қилганини ўз ичига олди, дейди таржимон.

“Бобурнома” урду тилига уч марта таржима қилинган. Мирзо Носируддин таржимаси Деҳлида 1924 йили нашр этилган, Рашид Ахтар ан-Надвий таржимаси Лаҳурда 1969 йили чоп этилган [Махлуф, 2014:68], учинчи таржима эса бобурийлар сулоласи (набираларидан) бўлмиш Ҳасанбек Мирза Маҳмудбек томонидан амалга оширилган ва 2000 йили нафис ва гўзал иллюстрациялар билан чоп этилди.

Инглизча таржималар. Таржимон иккита инглизча таржима ҳақида тўхталади. Биринчиси - Ж.Лейден ва У.Эрскин таржимаси 1828 йили Лондонда нашр қилинган [6], бунга 1590 йилдаги форсча таржима асос қилиб олинган ва 1921 йили Дублин университети профессори Уайт Кинг қайта ишлаган ва уни Оксфорд қайта нашр қилган. 1844 йилда Лондонда “Бобурнинг ҳаёти” номли Р.М.Калдекот қаламига мансуб янги инглизча таржима нашр этилади [8].

Иккинчиси - “Бобурнома”нинг А.Бевеиж [9] қаламига мансуб таржимаси, у асарнинг форсча таржимасидан эмас, балки чиғатой нусхасидан таржима қилинган.

Французча таржималар ҳам иккита, бири - 1871 йилда француз шарқшуноси Паве де Куртейл [Махлуф, 2014:70] томонидан Парижда нашр этилди.

Магида Махлуф “Бобурнома”нинг бошқа европа тилларига қилинган таржималари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтиради. 1828 йилги немис тилига қилинган таржиманинг Лейпцигда нашр қилинганини ва 1958 йили Тошкентда рус тилига қилинган таржимаси нашр этилгани ҳақида маълумотлар беради.

“Бобурнома” 1944-1946 йилларда Анкарада икки жилда турк тилида нашр этилди.

Магида Махлуф асарнинг турли тилларга қилинган таржималари баёнидан сўнг уни арабчага таржима қилишда қўллаган тамойилларини тушунтириб ўтади.

Шубҳасизки, Магида Махлуфнинг бу бебаҳо асар “Бобурнома”ни араб тилига қилган таржимаси жуда катта аҳамиятга эгадир. Биз бу таржиманинг қийматини ва унинг аҳамиятини асло инкор этмаган ҳолда, таржима ва аслиятнинг уйғунлигини ўрганиб чиқдик. Асар араб адабий тилига юксак маҳорат билан таржима қилинган, равон ўқилади.

Айни пайтда таржима юзасидан пайдо бўлган айрим мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

1. Аслиятда 7-саҳифада келган мана бу жумла:

“Тангри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан сешанба куни рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим” [Бобур, 2020:7], араб тилига қуйидагича таржима қилинган:

في يوم الثلاثاء الخامس من رمضان عام ثمانمائة وتسع وتسعين، أصبحت سلطان فرغانه، وكنت في الثانية عشر من عمري. [Махлуф, 2014:92].

Кўрганимиздек, ушбу аслиятдаги жумланинг “Тангри таолонинг инояти билан ва ҳазрати Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри босафоларнинг ҳиммати билан” қисми таржима қилинмаган.

Мазкур жумла инглизча таржимада ҳам келтирилмаган.

2. Аслиятнинг 8-бетидаги мана бу жумла:

«Элининг лафзи қалам била росттур. Ани учунким, Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким Хирийда нашъу намо топибдур, бу тил биладур» [Бобур, 2020:8], арабчага қуйидагича таржима қилинган:

كما أن لغة الحديث عند الناس تناسب لغة الكتابة عندهم. خاصة وأن أعمال شر نواني كتبت بنفس هذه اللغة التي وجدت تطورها وارتقاها في هراة. [Махлуф, 2014:94-95].

Араб тилидаги ушбу жумла инглизча таржимага ҳам мос келмайди. (The people's pronunciation like literary language since the works of Mir Ali Sher Nawa'i, although he was raised in Herat, are in this language.) Араб тилидаги жумладан “тил Ҳиротда ривожланди” деган маъно келиб чиқади ва Алишер Навоий “Ҳиротда нашъу намо топди”, яъни “Ҳиротда ўсиб улғайди”, деган маънони англатмайди.

3. “Андижоннинг ношпотисидин яхшироқ ношпоти бўлмас” [Бобур, 2020:8], жумласи (ولا يوجد شمام أفضل من شمام أنديجان) – «Андижоннинг қовунидан яхши қовун йўқдир» деб таржима қилинган [Махлуф, 2014:94].

4. «Элининг орасида ҳусн хейли бордур» [Бобур, 2020:8] жумласи эса (وتكثر فيها الجميلات) [Махлуф, 2014:95], яъни “Ун(элниг ораси)да “чиройли хотин-қизлар кўпдир” деб таржима қилинган.

5. “Ҳавосининг уфунати бордир. Кузлар эл безгак кўп бўлур” [Бобур, 2020:8], жумласи, (وهواء أنديجان مضر بالصحة) [Махлуф, 2014:95] яъни, “Андижонинг ҳавоси соғлиқ учун зарарлидир” деб таржима қилинган.

6. Аслиятда 9-бет: “ўрик” [Бобур, 2020:9] сўзи (يرقوق), яъни “олхўри” деб таржима қилинган [Махлуф, 2014:96].

7. Шунингдек, “Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур”, жумласи “الفاكهة في خند فائقة الجمال” [Махлуф, 2014:99] деб, яъни “Мева Хўжандда жуда (ўта) чиройлидир” деб таржима қилинган. Бу арабча ибора аслиятдаги “бисёр яхши” дан кўра кўпроқ туркчадаги “жуда яхши”, “жуда чиройли”, “жуда гўзал” маъноларини англатувчи “чўх гўзал” иборасининг “жуда чиройли” маъносига яқиндир.

8. 11-саҳифадаги “Дерларким, ҳавосининг тааффуни шимолдаги тоғ жихатидандур” [Бобур, 2020:11], жумласи араб тилига “يقولون إن الحقائق التي في شمالها هي السبب في فساد هوائها” деб [Махлуф, 2002], яъни бу ердаги “тоғ” сўзи араб тилига “боғ” деб таржима қилинган. Инглизча таржимага ҳам қиёсланг: “Apparently the bad air is caused by the mountain to the north”.

9. 14-саҳифадаги “Дасторни дасторпеч чирмар эди” [Бобур, 2020:14] жумласи “يضع” [Махлуф, 2014:105] жумласи ҳам аслиятга мос келмайди. Шу саҳифадаги “лаъби дағи бисёр эди” ибораси “كان متواضعا رغم ثرائه” [Махлуф, 2014:106] (“бойлигига қарамай камтар эди”) деб таржима қилинган.

10. 18-бетдаги “Юнусхоннинг ўғлонлари Оппокхон ва Жонбобохон эди” жумласи таржима қилинмаган [Бобур, 2020:18]. 20-саҳифадаги “арзадошти” сўзи араб тилига “بعضا” [Махлуф, 2014:113-114], яъни “баъзи шеърлари” деб таржима қилинган, айнан шу сўз русчага “прошение”, инглиз тилига “petition” деб ўгирилган.

11. 23-саҳифадаги “Ўратепанинг Оққачғай деган яйлоғидаким, Самарқанддан ўн саккиз йиғоч шарқдадир” араб тилига [Бобур, 2020:23] “هضبة تسمى اق قاجغاي في اوراتييه على” [Махлуф, 2014:116] деб, яъни “ўн саккиз” сўзи “ўн” деб таржима қилинган.

12. 25-саҳифадаги “Бовужудиким уммий эди. Хуштаъбона зарофатлар килур эди” [Бобур, 2020:25] жумласи араб тилига таржима қилинмаган.

13. 29-бетдаги “Ўратепа навоҳиси Оқсувга етганда шаввол ойининг авоситида тарих саккиз юз тўксон тўккизда қирқ тўрт ёшида олами фонийдан видо қилди” [Бобур, 2020:29] жумласи араб тилига “وقد ودّع هذه الدنيا الفانية، وهو في الرابعة والأربعين من عمره” [Махлуф, 2014:126] деб ўгирилган ва таржимада сана (шаввол ойининг авоситида тарих саккиз юз тўксон тўккизда) тушиб қолган.

14. 31-саҳифадаги “Валоёти: Самарқанд ва Бухоро эрдиким, отаси бериб эди” [Бобур, 2020:31] жумласининг арабча “وكانت ولايته في سمرقند التي أعطاه له والده (أثناء حياته)” [Махлуф, 2002] таржимасида “Бухоро” сўзи таржима қилинмаган ва “хаётида, хаётлигида” (“أثناء حياته”) сўзи қўшилган.

15. Яна шу саҳифада “Сўнгра Тошканд ва Сайрамни иниси Умаршайх мирзога бериб эди. Хўжанд ва Ўратепа ҳам неча маҳал Султон Аҳмад мирзода эди” [Бобур, 2020:31] жумласи арабчага “ثم أعطى "تاشكند" و "سيرام" إلى أخيه عمر شيخ ميرزا. كما ظلت "خجند" و "أورا تيبه" تحت "حكمه لفترة” деб таржима қилинган [Махлуф, 2014:128], яъни аслиятдаги “Султон Аҳмад мирзода” ибораси таржимада “унинг ҳукмида” деб берилган. Лекин араб тили нуктаи назаридан бу ердаги “y” олмоши таржимон томонидан тушириб қолдирилган “Султон Аҳмад мирзо”ни эмас, балки “Умаршайх мирзо”ни ифодалайди.

16. 33-саҳифада “Мир Алишер Навоий Ҳирийдан Самарқандга келган фурсатлар Аҳмад Ҳожибек билан бирга бўлур эди. Султон Ҳусайн Мирзо подшоҳ бўлгандан сўнгра Ҳирийга келдию Аср улуг риоят топди” [Бобур, 2020:33-34] жумласи араб тилига қуйидагича таржима қилинган:

"عندما جاء "أحمد حاجي بك" من هراة إلى سمرقند، كان برفقة "مير علي شر نواني". كما جاء إلى هراة عقب سلطنة أحمد ميرزا ونال منه رعاية كبيرة" [Махлуф, 2014:128]

“Аҳмад Ҳожибек Ҳиротдан Самарқандга келганида Алишер Навоий билан бирга бўлур эди” деб таржима қилинган. Шунингдек. “Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлганидан сўнг” ибораси “Султон Аҳмад мирзо подшоҳ бўлганидан сўнг” деб таржима қилинган.

17. 35-бетдаги “Отасидан сўнгра Бухорони мунга бериб эдилар” [Бобир, 2020:35] жумласи “أسندوا إليه (إدارة) "خراسان" خلفا لوالده.” [Махлуф, 2014:133] таржимасида “Бухоро” сўзи “Хуросон” деб таржима қилинган.

18. 38-саҳифадаги “Сочикни келтирди: олтиндин ва кумушдин бодомлар ва писталар қилиб эрдилар” [Бобур, 2020:38] араб тилига “وهذه الهدايا عبارة عن ذهب وفضة ولوز وفسق” [Махлуф, 2014:137] яъни “Бу совғалар олтин, кумуш, бодом ва пистадан иборат эди” деб ўғирилган. Аслида “бодом ва писта шаклидаги олтин ва кумушдан иборат эди” маъноси йўқотилган. Қиёслаш учун инглизча таржимани кўринг: “He brought the gift ...: gold and silver ornaments in the shapes of almonds and pistachios.”

19. Яна шу саҳифада “Тутулғонлар орасида Султон Маҳмуд дўлдой Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси эди” [Бобир, 2020:38] жумласининг арабчадаги таржимаси 2002 йил нашрида “والسلطان محمود دلداي، والد السلطان محمود دلداي وآخرين” да “Муҳаммад” сўзи “والسلطان محمود دلداي، والده” 2014 йилги нашрда эса эса “والسلطان محمود دلداي، والده” [Махлуф, 2014:138] “Султон Маҳмуд дўлдой ва унинг отаси” деб таржима қилинган.

20. 41-саҳифадаги “Кундуз; Мир Бузург Термизий,” [Бобур, 2020:41] сўзлари таржима қилинмаган.

21. 45-саҳифадаги “Шоҳ Султон Муҳаммаднинг бир қизи мунда эдиким, Абобакр мирзо бирла Султон Маҳмудхоннинг ҳоласи бўлғай” [Бобур, 2020:45] жумласининг таржимаси: “كان متزوجا من بنت شاه سلطان محمد، التي هي عمّة أبو بكر ميرزا والسلطان محمود خان” [Махлуф, 2014:146] да “хола” сўзи “амма” деб таржима қилинган.

“Бобурнома” асарининг арабча таржимасини аслиятнинг дастлабки 30 саҳифасини арабча таржима билан қиёслаб ўрганганимиздаги учраган ноаниқликлар ёки хатолар ҳақида тўхталиб ўтдик ва бунда

- баъзи жумлалар тушириб қолдирилганининг,
- баъзи исмлар тушириб қолдирилганинг ёки нотўғри таржима қилинганинг,
- баъзи географик номлар, шаҳарлар номлари бошқа номлар билан алмаштирилганининг ҳамда
- баъзи сўзлар таржимасида хатоликларга қўл қўйилганининг гувоҳи бўлдик.

Эҳтимол, таржиманинг қолган қисмлари хатолардан холи бўлиши ва, аксинча, яна бошқа хатолар ҳам бўлиши мумкин. Таржимоннинг узоқ йиллар давом этган машаққатли меҳнاتини асло инкор қилмаган ҳолда, бу каби ўта муҳим ва бебаҳо асарлар таржимаси нашр этилишидан олдин мутахассислар томонидан холислик ва диққат билан кўриб чиқиши зарур эди деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. “Тарих Бобер. Бобурнома. Вақоий Фарғона – Кобул -Ҳинд. Тасниф: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Таржама, тақдим ва таълиқ: Магида Махлуф. 2014. “Дар ал-афак ал-арабийя”, 2014. 711 с.
2. “Тарих Бобур. Бобурнома. Вақоий Фарғона. Тасниф: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Таржама, тақдим ва таълиқ: Магида Махлуф. “Дар ал-афак ал-арабийя”, 2002. 339 с.
3. ShaikhZainu’d-din of Khawai. “Tabanqat-i-Baburi”. – London, 1872.
4. Payanda-Hasan of Ghazni and Muhammad-Quli of Hisar. “Waqeat-i-Baburi”, 994 (1586).
5. Abdur-rahim mirza, Waqi-at-I Baburi. 998 (1590).
6. History of India under the first two soverrings of the House of Taimur-Babur and Humayun. By W.Erskine. in two vols, London, 1854; Life of Babar. By W.Erskine, in two vols, London, 1854.
7. Memories of Zahir-ed Din Muhammad Babur, Emperor of Hindustan written by himself in the Jagatai Turki and translated partly by the late Leyden Dohn, Esq., M.D., partly by William Erskine. Esq, London, 1826.
8. The Life of Babur. Caldecott R.M. London, 1844.
9. Beveridge A.S. The Memories of Babur, a new translation incorporating Layden and Erskin’s of A.D., 1826, London., 1912, idem. The Babar-name in English, London, 1922.
10. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. Тошкент, IJOD-PRESS. 2020. 576 с.

Э.АЪЗАМНИНГ “ШОВҚИН” РОМАНИ ФРАНЦУЗЧА ТАРЖИМАСИДА МЕТАФОРАЛАР БЕРИЛИШИ

Ширинова Раима Ҳакимовна
ф.ф.д., профессор, ЎзМУ

Рофиева Гуласал Юсубжоновна
ЎзМУ катта ўқитувчиси, PhD

Янгибоев Одилжон Алланазар ўғли,
ЎзМУ 2-курс талабаси

Аннотация. Мазкур мақола ўзбек тилидаги концептуал метафораларнинг французча таржимасининг ўзига хос хусусиятларини Э.Аъзам асарларининг французча таржималари асосида ўрганишига бағишланади. Ўзбек тилидаги концептуал метафораларнинг французча таржимасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда Э.Аъзамнинг урта асар намуналари ва уларнинг Ш.Миноваров томонидан қилинган таржималари ўрганиб чиқилди.

Таҳлилга тортилган метафоралар оригиналиги, таржимада берилиши ва матн мазмунидagi таъсир даражасига биноан саралаб олинди. Ориентацион, структуравий ва онтологик метафоралар таркибига кирувчи таснифларни метафораларнинг семантик турларига оид манбалар асосида кенгайтирилди.

Калит сўзлар: концептуал метафора, ориентацион, структуравий ва онтологик метафоралар, ёзувчи ва таржимон услуби, муқобил таржима.

Аннотация. Статья посвящена исследованию особенностей французского перевода концептуальных метафор на узбекский язык на основе французских переводов произведений Э. Азама. Для выявления особенностей французского перевода концептуальных метафор на узбекский язык были изучены три образца произведений Э.Азама и их переводы Ш.Миноварова.

Анализируемые метафоры были отобраны по их оригинальности, переводу и степени влияния на содержание текста. Классификации ориентировочных, структурных и онтологических метафор расширены на основе источников по семантическим типам метафор.

Ключевые слова: концептуальная метафора, ориентация, структурные и онтологические метафоры, стиль писателя и переводчика, адекватный перевод.

Annotation. This article is devoted to the study of the specific peculiarities of the French translation of conceptual metaphors in the Uzbek language on the basis of French translations of the works of E. A'zam. In order to reveal the peculiarities of the French translation of conceptual metaphors in the Uzbek language, three samples of E.A'zam's works and their translations by Sh.Minovarov were investigated.

The analyzed metaphors were selected according to their originality, expression in translation, and level of influence on the content of the text. The classifications included to the content of orientational, structural, and ontological metaphors were expanded based on sources related to the semantic types of metaphors.

Key words: conceptual metaphor, orientation, structural and ontological metaphors, style of the writer and translator, adequate translation.

Ўзбекона миллий рухият, қадрият ва маданият тасвирларига бой Эркин Аъзам асарларидан яна бири “Шовкин” романидир. Асардаги метафора унинг номидан бошланади. Инсон ҳаётидаги турли воқеа-ҳодисалар, ички кечинмалар, туйғулар тўзони ва муаммолар қаҳрамоннинг қулоғидаги шовкин тимсолида гавдалантирилган. Асардаги бош образ Фарҳод Рамзон узоқ йиллар қулоғидаги номаълум товушлардан безовталаниб юради. Ана шу дарднинг давосини излаб турли саргузаштларни бошдан кечиради. “Шовкин” романини ўқиган китобхон чин маънодаги ҳаёт шовкин-суронларига тушиб қолгандек бўлади. Бунга ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати асосий сабаблардан биридир. Романда 400 га яқин метафоралар қўлланилганлиги аниқланди, хусусан, метафорик иборалар аксарият қисмини ташкил этади. Шу билин бирга мантиқан метафора хусусиятларига яқин турувчи 100 га яқин аналогиялар ҳам мавжуд. Метафоралар таржимасини таҳлил этиш жараёнида уларнинг контекстуал ва концептуал хусусиятлари инобатга олинди. Ўзида метафорик маъно ҳамда миллий-маданий хусусиятларни акс эттирувчи мисоллар таҳлилга тортилди.

Асардаги ҳар бир сўз луғавий маъносидан ташқари ўзининг контекстуал моҳиятига эга. Сўзларни тўлиқ матн таркибида таҳлил қилиш муаллиф мақсадини тўғри тушунишга кўмаклашади. Жумладан, метафоралар, хусусан, уларнинг таржимаси бутун матн таҳлилини талаб этади. Мазкур таҳлил бадиий асар таржимасининг адекватлик даражасини аниқлашда ёрдам беради. Жумладан, ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Шовкин” асари французча таржимасини ўқир экансиз, метафораларнинг таржимада ўз хусусиятларини йўқотмасдан берилиши қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўриш мумкин. Масалан, қуйида берилган гапларда метафоралар ўз аҳамиятини йўқотмаган:

1-мисол, аслиятда:

“Шошириб эмиш, кўп йиллар бурун бошидан кечган эски савдоларни **қайта тиглаб**, нари-берисини айтмаганда, бир маромда бораётган бугунги турмушини **алғов-далғов қилиб юборди** деса бўлади” [1:285].

Шоазим Миноваров таржимаси:

“Elles le **perturbèrent profondément**, le forçant à revivre un événement vieux de plusieurs années, si bien que sa vie au quotidien s'en trouva **réduite à un immense désordre**” [2:3].

Ушбу парчада “тигламоқ” сўзи метафорани ҳосил қилиб, унинг айнан қайси маънода ифодаланиб келишини унинг семалари таҳлили орқали билишимиз мумкин:

ТИГЛАМОҚ *кт.* Тиг урмоқ, кесмоқ.

Бағрини (*ёки кўксини, юрагини*) **тигламоқ** Рухий ёки маънавий азоб бериб, эзиб, юрагини доғламоқ, яраламоқ. *Бу ўйлар кичик Умидни азоблар, бағрини тигларди. Мирмуҳсин, Умид. Ғам ханжари билан кўксин тиглади. Ғайратий. Сени дея кўп йигладим, Юракларимни тигладим. «Нигор ва Замон».* [3:312]

Демак мазкур ўринда “тигламоқ” сўзи “руҳий азоб бермоқ” маъносини ифодалаб, француз тилида “*perturbèrent profondément*” жумласи билан берилган ва ушбу сўзлар луғатда қуйидаги ифодаланган:

perturber vt. бузмоқ, халақит бермоқ; *la grève va perturber les transports иш ташиш транспорт ҳаракатига халақит беради*; *fam. il avait l'air perturbé унинг кўриниши ҳаяжонли эди* [4:407].

profondément adv. чуқур; *creuser profondément la terre ерни чуқур ковламоқ*; *dormir profondément чуқур уйқуга кетмоқ*; *respirer profondément чуқур нафас олмоқ*; *je l'aime profondément мен уни юрагимнинг тўридан севаман*; *c'est profondément différent бу тубдан бошқача* [4:450].

Юқоридаги парчада берилган “эски савдоларни тигламоқ” жумласи француз тилига ўгириш жараёнида маъно жиҳатдан фарқ қилувчи сўз билан берилган бўлсада, ўз моҳиятини ва метафорик хусусиятини йўқотмаган. Бу эса бадиий асар қийматини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, гапдаги турмушини “**алғов-далғов қилиб юборди**” жумласи ҳам метофора бўлиб, француз тилида “*réduite à un immense désordre*” тарзида ўгирилган ва бунда ҳам метофора хусусияти сақланган.

Навбатдаги мисолларни таҳлил қиламиз:

2-мисол, аслиятда:

“Лекин ногаҳон **чақмоқ чақнаган мисол бари остин-устин бўлиб кетди**” [1:5].

Шоазим Миноваров таржимаси:

“Il est vrai que ces événements étaient tous derrière lui maintenant, pour le meilleur ou pour le pire et que la vie aurait pu se dérouler normalement, mais comme **le tonnerre que l'on n'attend pas**, tout se trouva soudain **bouleversé**” [2:3].

“Чақмоқ чақнаган мисол” жумласида “мисол” сўзи мавжудлиги сабаб ушбу жумла ўхшатишга мансубдек туюлиши мумкин, лекин гапда жумланинг моҳияти ва англатиб келаётган маъно вазиятга нисбатан кескинликни билдиради. Шунинг учун ҳам ушбу жумла метофора сифатида тушунилади. Шунингдек, “**бари остин-устин бўлиб кетди**” жумласи ҳам метофора бўлиб, бунда ходиса – нарса сифатида ҳаракатланмоқда ва бу француз тилида “*tout se trouva soudain bouleversé*” деб таржима қилинган. Ушбу сўзнинг қай даражада метафоралашганлигини билиш учун луғатга мурожаат қиламиз:

bouleverser vt 1. Ағдармоқ, йиқитмоқ; 2. Ҳаяжонга солмоқ; 3. тўнтармоқ; *il a tout bouleversé dans la maison у бутун уйни ағдар-тўнтар қилди. (71-бет).*

Метафора асосида ўхшашлик туриши масаласида шу соҳа билан шуғулланаётганларнинг ҳаммаси, деярли, ҳамфикр. Аммо ана шу ўхшатишнинг метафорадаги ўрни ва мустақил кўриниши борасида фикрлар ажралиб кетади.

– “Метафора қисқарган ўхшатишдир” (А. А. Потебня). Яъни ўхшатишга хос бўлган “каби”, “худди”, “айнан”, “ўхшамок” ва ҳоказо сўзлар туширилса, метафора юзага келади:

– У гул каби - гўзал ва нафис эди // У гўзал ва нафис гул эди.

– Поляк олими Й. Касян ҳам юқоридаги фикрни ривожлантиришга ҳаракат қилади: «Агар келиб чиқишини текширадиган бўлсак, шаксиз, аниқлаш мумкин бўладики, у ёки бу метафора у ёки бу ўхшатишдан ривожланган бўлади. Мазкур назария асосида юқорида берилган “**чақмоқ чақнаган мисол бари остин-устин бўлиб кетди**” жумласини метафора сифатида беришимиз мумкин.

Бирок шундай асосда худди қарама-қарши хулоса ҳам чиқариш мумкин кўплаб ўхшатишлар метафорадан келиб чиққан. Шунинг учун айрим олимлар метафора ва ўхшатиш орасидаги фарққа алоҳида эътибор берганлар. Масалан, И.Кукин, М.Штейнлар фикрича, ўхшатишда ўхшатилаётган нарсалар ажралиб тасаввур қилинса, метафорада улар бир бутундек тушунилади [5:109].

Ўхшатиш ва метафоранинг бундай тигиз олиб ўрганилиши А. Вежбитскаяда эътироз туғдиради [6:109].

А.Вежбитская фикрича, метафора моҳиятан инкорни назарда тутаяди: кўзлар - олов, инсонлар - ваҳший шерлар дейилганда, ҳеч ким ҳақиқатан ҳам кўзни олов, одамни шер деб

ўйламайди, бундай фикрни рад этади, инкор қилади. Ўхшатишда эса ўхшашлик ўз мавқеини сақлаб қолади. Қадимий метафоралар мазмуний қурилишини текширар экан, Ортега-и Гассет ҳам шунга ўхшаш фикрни олға сурганди: “Онг ривожланишининг жуда ибтидоий босқичларида метафоранинг луғавий ифодасида, иккиланган жараён аввало тасдиқ, сўнг инкор акс этиб туради [6:74]”.

Инкорнинг метафорик мазмун таркибида тутган ўрнини янада кенг тушуниш натижасида Монро Бирдели метафора таркибида ўхшашлик борлигини рад этади. Унингча, метафорик боғланиш асосида ўхшашлик эмас, мантикий қарама-қаршилик ётади. Масалан, “кулаётган қуёш” метафорасининг юзага келишида қуёшга қулишнинг умуман хос эмаслиги, унингча, зиддиятни келтириб чиқаради ва метафора асосида айнан шу зиддият туради. Аммо бу ўринда М. Бирдели ҳам ҳар қандай оппозиция, ҳар қандай зиддият асосида ўхшашлик туришини назардан четда қолдиради. Агар муайян ўхшашлик бўлмаса, зиддият юзага келмайди. Бирдели ҳам, демак, ўхшатиш ва метафорани турлича ички қурилишга эга ҳодисалар сифатида баҳоловчилардан-да фарқ қилиб, улар орасида мутлақо боғлиқлик кўрмайди.

Демак, метафора ва ўхшатиш орасидаги муносабатга қараш икки хил экан:

1. Метафора қисқарган ўхшатиш, яъни улар орасида фарқ ташқи шаклланишидир.
2. Метафора ва ўхшатиш ўзаро мазмуний (ички) шаклланив жихатидан фарқ қилади.

Умуман, метафорага берилган таърифларда уни ёндош ҳодисалар билан қўшиб юборилган ҳолатлар кўп учрайди. Жумладан, қуйидаги мисолда берилган метафоралар вазифодошлик тасвирий ифодасига ўхшаб кетсада, ундаги мантикий асос метафорага ишора қилади:

3-мисол, аслиятда:

“Сценарий муаллифи бўлмиш Фарҳод Рамазон “Шу **“хонтахтачи”** ялтироқ болани қўйинглар”, деб бошида оёқ тираган эди, дастлабки видеосиновларни назардан ўтказгач, қўнмай иложи қолмади: бутунлай бошқа киёфага кириб, қўнгилдаги қаҳрамоннинг ўзгинаси бўлиб кетибди **касифат!**” [1:9].

Француз тилида: - Au départ, le scénariste Farkhad Ramazan n'avait pas voulu de **ce jeune homme trop bien élevé** pour son film, mais après avoir regardé les essais, il admit que cet **enquiquineur** pouvait tenir le rôle principal. (7-р)

Enquiquineur, euse n жонга тегадиган, зериктирадиган, безор қиладиган киши ёки аёл, хира, шилқим, ёпишқоқ [4:198].

Ш.Рахматуллаев метафора кўчимининг бошқа турлари билан синкретик ишлатила олиш имкониятига эътибор қаратади: метафорик-функционаллик, метафорик-метонимия, метафорик-синекдоха ва ҳоказо. Самолётнинг қаноти метафорик бирикмасида қуш қанотига нафақат вазифа, балки шаклан ҳам ўхшайди.

Қуйидаги мисолларда метафоралашган сўзлар гапда такрорга йўл қўймаслик мақсадида берилган.

4-мисол, аслиятда:

“Шунинг учун ҳозирга қадар унинг бирорта мустақил асари йўқ, ҳаммаси икки киши-уч кишилаб ёзилган **ҳашар нимарсалар** эди” [1:10].

Шоазим Миноваров таржимаси:

“C'est pour cela qu'il était souvent sans travail, n'ayant en tête que quelques **projets en collaboration avec des auteurs**” [2:9].

ҲАШАР [а. j.ii-. — йиғин, тўда; йиғи-лиш, анжуман, *маж.* қиёмат] Бирор ишни бажаришда кўпчилиكنинг ихтиёрий, беғараз иштироки, ихтиёрий кўмаги. *Халқ таомилига кўра, чойхоналар ҳашар йўли билан қурилади. Ў. Ҳошимов, Қалбингга кулоқсол. Бизнинг қишлоқда бувамнинг уйлари ҳашар билан қуригани эсимда. И.Раҳим, Қадриабод одамлар. Шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктлардаги ариқларни ҳашар йўли билан тозалашни уюштириш даркор.* Газетадан. Ҳашар қилмоқ, Ҳашар ташкил қилмоқ, ҳашарда қатнашмоқ. *От чоптириб, элдан уста йиғинлар, Элдан ҳашар қилиб, гишт-лар қўйинглар. «Юсуф ва Аҳмад». Қиш бўлсаям ҳашар қилиб, ҳовлини созлади. Т. Мурод, От кишнаган оқшом* [3:551].

Маълумки, юқорида таъкидланганидек “ҳашар” ўзбек миллий маданиятига хос сўз бўлиб, бунда халқ билан биргаликда бажарилувчи ободонлаштириш ва қурилиш ишлари тушунилади. Бироқ бу парчада ёзувчининг бошқа кишилар меҳнатидан ҳамда ёрдамидан фойдаланиб ёзганлари назарда тутилмоқда. Мазкур сўз бажарилган ишларнинг сифати ва натижа кўпчиликка тегишли эканлиги каби ахборотларни ўзида ифодалаб келиб, бунда маъно кенгайиши кузатилади. Маънонинг торайиши ва кенгайиши каби лингвистик ҳодисалар тилшуносликда ўзига хос тарзда тадқиқ этилган. Бу ҳодиса, айниқса, лексикологик сатҳда атрофлича ўрганилган бўлиб, кўпчилик ишларда лексик маъно доирасида таҳлил этилган. Аслида маъно умумлашма тарзида ҳар қандай бутунлик учун ўзига хос бўлган хусусият бўлиб, тилнинг барча сатҳ элементларига дахлдор ҳодиса ҳисобланди. Чунки диалектик қонуниятда шакл мавжуд экан, унинг маъноси-мазмунни ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳар қандай шакл остида муайян маъно ётиши узоқ даврлардан буён ҳаммани қизиқтириб келган. Маънонинг торайиши ва кенгайишига дастлаб, лингвистик асослар, иккиламчи тарзда экстралингвистик асослар таъсир этади. Лингвистик асосларни бутун лексик система ҳодисалари ташкил этади. Айниқса, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, троплар, симфора, гипербола, литота, эпитет, ирония, перифраз, ўхшатиш, полисемия, моносемия, оккозионализм, конверсиялар, энантиосемия каби ҳодисаларнинг таъсири орқали маънонинг ўзгариши ўзига хос тарзда кечади. Шунинг унутмаслик керакки, маънонинг ўзгаришига бир вақтнинг ўзида ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик асослар таъсир этади. Юқорида келтирилган парчанинг французча таржимаси маданий маълумотлар асосида юзага келган. Яъни “ҳашар” сўзининг умумий маъноси **“projets en collaboration avec des auteurs”** тарзида берилган.

Яна бир мисол ўзида миллий колоритни акс эттириб келган:

5-мисол, аслиятда:

“Негаки ишни ўзингиз бажаргандан кўра, унга ҳайбаракаллачилик қилмоқ, бошчилик қилмоқ осон ҳам мароқли. Бу эса **шундай ширин, шундай мазали бир нишолдаки, ялай туриб** ҳар қандай қаламни синдириб отгингиз келади” [1:1].

“C’est toujours **plus confortable de diriger une entreprise** plutôt que de faire le travail soi-même” [2:9].

Парчанинг француз тилидаги таржимасида миллий маданиятга оид сўз “нишолда” тушиб қолдирилган, натижада асардаги ўзига хос миллий хусусият хиралашган. Таржимада миллийликни ифодалаш таржимонда чуқур билим ва тажрибани талаб этади. Тушиб қолдирилган миллий маданиятга хос сўзлар матн моҳияти ва унинг қийматига жиддий таъсир кўрсатади. Шунингдек, сўзнинг таржима жараёнида метафорик хусусиятини йўқотишига сабаб бўлади. Натижада метадоралашган сўз ҳатто контекстда ҳам ўз моҳиятини тўлиқ намоён эта олмайди. Демак, метафора хусусияти ва моҳиятининг адекват таржимасини очиб беришда матн билан биргаликда ушбу кўчим ўзида мужассам этган маданий ахборотларни ҳам англаб етиш лозим бўлади. Асарнинг такроран яратилиши давомида таржимон ўз мулоҳазаларини муаллиф қайд этган фикрлар билан уйғунлашган тарзда акс эттира олсагина, бу ижодининг меваси йиллар давомида ўз ўқувчисини йўқотмайди ва китобхонларни доимо ўзига жалб эта олади. Акс ҳолда, аслиятдан бевосита хабари бўлмаган таржимон бавосита таржима жараёнида асар муаллифи услуби ва тилини ҳисобга олмаслиги оқибатида баъзи хатоликларга йўл қўйиши мумкин.

Адабиётлар

1. Аъзам Э. Шовқин. Роман, қисса, ҳикоялар. “Ўзбекистон” Тошкент:2011. – Б. 285.
2. A’zam E. Adieux aux contes de fées. Publishing House of the Alisher Navoi National Library of Uzbekistan. Tachkent: 2015. – P.3.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Б.132.
4. Ибрагимов Х., Мансуров У. Французча-ўзбекча луғат. – Т.: “Нихол”, 2008. – Б. 407.
5. Гюлумянс К.М. Образное употребление названий животных в сравнениях и метафорах. –Москва, 1989. – С. 109.
6. Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол.фан.ном. дисс. –Тошкент, 2000. – Б. 102.

ФРАНЦУЗЧА-ЎЗБЕКЧА МАТН ТАРЖИМАСИДА ШАРҚ МЕНТАЛИТЕТИНИНГ БАДИЙ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

Курбонова Гулсара Содиқовна
Ўзбекистон Миллий университети
Француз филологияси кафедраси доценти (PhD),
gulsars.qurbonovna@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола француз ёзувчиси Амин Маалуфнинг “Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб...” асарининг ўзбек тилига таржимаси асосида шарқ менталитетига хос миллий-маданий қараишлари ўрганилади. Унда французча-ўзбекча матн таржимаси герменевтик модел принципи асосида таҳлил этилади. Ушбу таҳлилда ёзувчи ва таржимон услуби таржима қилинаётган матннинг муқобиллик даражаларига кўра қийёсланади.

Калит сўзлар: бадиий таржима, герменевтик модел, миллий-маданий қараиш, шарқ менталитети, таржима матни.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы национально-культурных взглядов восточного менталитета на материалах переведенных с французского на узбекский язык произведений французского писателя Амина Маалуфа «В поисках затерянного в Самарканде или в темноте ...». Французско-узбекские тексты анализируются по принципу герменевтической модели. В этом анализе стиль писателя и стиль переводчика сравниваются по степени эквивалентности переводимого текста.

Ключевые слова: художественный перевод, герменевтическая модель, национально-культурная точка зрения, восточный менталитет, переводимый текст.

Abstract. The article examines the issues of national-cultural perspectives of the oriental mentality on the materials of translated from French into Uzbek works of the French writer Amin Maalouf "In Search of Lost in Samarkand or in Darkness ...". The French-Uzbek texts are analysed according to the principle of the hermeneutic model. In this analysis, the writer's style and the translator's style are compared in terms of the degree of equivalence of the translated text.

Key words: fiction translation, hermeneutic model, national-cultural point of view, oriental mentality, translated text.

Ғарб адабиётида Шарқ образи яхши ўрганилган бўлса-да, европаликлар нуктаи назаридан Шарқ образини талқин қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Инглиз шарқшуноси Э. Саиднинг сўзларига кўра, “Шарқни шарқликлар нуктаи назардан тадқиқ этишга эҳтиёж туғилади” [Said, 1978: 15].

Бу борада ҳам лингвوماданий тадқиқотлар учун ливанлик франкофон ёзувчиси Амин Маалуфнинг иши алоҳида аҳамиятга эга. Бир-бирига қарама-қарши кутубда, Ғарб ва Шарқ икки дунё чегаралари кесишган жойда яшайдиган инсон сифатида Маалуф ўз асарларида ҳозирги замоннинг асосий долзарб муаммоларини тушунишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у тарихий-фалсафий романлар жанрини танлайди. Тарихий романларда кўтарилган мавзу жамиятнинг инсонга муносабати, инсоннинг интилувчанлиги, курашувчанлиги, эркинликка интилиши умум манфаатини шахс манфатидан устун қўйиши, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги ғоявий курашлар каби муаммолар макон ва замонда ўз долзарблигини йўқотмайди, ҳар доим янги кўринишда замонавийлик касб этади. Бунинг сингари асарлар замонавий ҳодисаларнинг фалсафий-тарихий манбаларини кидиришга ёрдам беради. Адибнинг “Самарқанд” асари айни шундай тарихий романлар сирасига киради.

Шу сабабли, тарихий-фалсафий роман жанри ўша маданий ва тарихий маконни ўрганиш манбаи сифатида эмас, балки асар муаллифининг дунёқараши акс эттириши билан ҳам қизиқиш уйғотади. М.М.Морозов айтганидек, "...асл нусханинг миллий ўзига хослиги жамият тарихи, халқ тарихи билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ҳам асл

нусахнинг маълум бир миллат тарихи билан боғлиқ элементлари алоҳида эътибор талаб қилади" [Морозов, 1956:28].

Бадиий воқелик асар тилининг асосий эстетик ҳодисасидир. Бадиий таржимада бошқа тил унсурлари билан образни образ билан қайта ифодалаш жараёни юз беради. А.Д.Швейцернинг герменевтик моделида таржима тушуниш қонунига бўйсунди [Швейцер, 1994: 35]. Унинг фикрича, таржима тушунишдан бошланади ва у билан тугайди. Таржимон чет тилида таржима матнини қабул қилувчиларни ҳисобга олган ҳолда, у аллақачон тушунган нарсасини қайта тушунтиришни амалга оширади. Иккиламчи тушуниш жараёни-бу мақсаднинг лингвистик амалга ошишини бошқарадиган янги роль ва ижтимоий психологик муносабатни ҳисобга олган ҳолда, мақсаддан объектив лингвистик маънога йўналтирилган ҳолда маъно мазмуннинг олдиндан амалга ошириладиган синтезидир. Бизнингча, бадиий асар таржимасининг адекватлигига эришишда таржиманинг герменевтик модели таржима жараёнининг моҳиятини талқин қилиш билан боғлиқ матнни иккинчи даражали яратиш жараёни сифатида тушунилади.

Таржимашунос олим Ғ.Саломнинг таъкидлашича, “Бадиий таржиманинг илмий тавсифлашнинг мураккаблиги сўзни-сўз билан эмас, балки маъно, оҳанг, образ, ҳазил-мутайиба кабилар айнан ўзидек қилиб тавсифлашдадир” [Саломов 1983: 74].

Дарҳақиқат, шу боис таржимон матндаги воқеаларни бадиий-эстетик қийматини қайта кашф этади. Бугунги кун назарий таржима талабларига кўра муттаржим асл матннинг адабий асар сифатида ҳам тил воситаларини ҳам маъновий бирликларини миллий-маданий хусусиятларини миллийлигини сақлаган ҳолда қайта яратиши лозим.

Албатта, ҳар қандай бадиий асар таржимасининг қай даражада мукаммал бўла олиши ёзувчи ва таржимон дунёқарашининг ўзаро мувофиқ келиши билан боғлиқ. Умар Ҳайёмнинг эндигона Самарқандга келиб, жоҳил инсонларга чидай олмай ноҳуш воқеага аралшиб қолиши ва шаҳар қозикалони билан танишиши асар қаҳрамони образини характерли тавсифини очишга ёрдам беради. Масалан,

Аслиятда:

- Ecoute, mon jeune ami, le Très-Haute t'a donné ce qu'un fils d'Adam peut obtenir de plus précieux, l'intelligence, l'art de la parole, la santé, la beauté, le désir de savoir, de jouir de l'existence, l'admiration des hommes et, je le soupçonne, les soupirs des femmes. J'espère qu'il ne t'a pas privé de la sagesse, la sagesse du silence, sans laquelle rien de tout cela ne peut être apprécié ni conservé [Maalouf, 1988: 22].

Таржимада:

- Тингла, ёш дўстим, сенга Яратган эгам инсонларга бермаган энг аъло фазилатларни раво кўрган. Сен зиёлисан, сенинг каломинг ўткир, у сенга мустаҳкам соғлиқ, гўзаллик, билишга интилиш, яшашдан, одамлардан ва ниҳоят адашмасам, аёллар гўзаллигидан завқланиш ҳислатларини ҳам ато қилган. Умид қиламанки, Аллоҳ таоло ақлдан ҳам сени қисиб қўймаган. Мен сенинг мулоҳазали, тилингга эҳтиёт бўлишингни назарда тутяпман. Агар бундай сифатларга эга бўлмасанг, умрингга завол келтиришинг мумкин [Маалуф, 2018: 47].

Келтирилган мисолдан кўриниб турибди-ки, ёзувчининг қозикалон Абу Тоҳирнинг нутқи орқали Умар Ҳайём қанчалик мукаммал инсон бўлмасин унда исёнкор руҳ яшашини идрок этиш қийин эмас. Таржимон мазкур образ тавсифини шарқликларга хос бўлган сўз ифодаси орқали ўринли қўллаган. Аслиятдаги ёзувчи қаламига мансуб образли **“un fils d'Adam”** фразеологик ибораси ўзбек тилида **“инсон”** маъносида берилган. Чунки, таржимон француз тилида берилган фразеологик бирликни ўзбек тилида худди *шундай “Одам ато фарзанди”* каби тил бирлиги билан берганда матннинг эстетик қиймати пасайиган ва жимжимадор сўздан иборат бўлиб қоларди. Демак, бизнингча матн мазмуни таржимон томонидан тўғри шарҳланган.

Таржимон аслиятдан таржима қилиш жараёнида икки тилни мукаммал билиши ва ўз она тилида аъло даражада фикрлаши таржимани ижодий иш даражасига кўтаришга ёрдам беради. У асл нусаханинг нафақат ғоявий мазмунини, балки ёзувчининг ўзига хос ифода

тили ва услубини, ёзувчининг ички кечинмалари асосида яратилган образларнинг бадий хусусиятларини тўлиқ акс эттиради.

Биз Умар Хайёмга истеъдодли шоир, маҳоратли табиб, астроном олим сифатларини беришимиздан олдин уни чин инсоний фазилатларга эга мукаммал инсон эканлигини айтиб ўтишимиз лозим. Мисол учун унинг ижодини баҳолаш учун подшо *"Оғзингга сиқунича олтин ол!"* деганда Хайём ҳаётини хавф остига қўйиб бўлсада мукофотни рад этади. Қозикалон хон илтифотини рад қилиниши – унинг ғзабини келтириш эканини билдириб, Умарга ташвишли назар ташлайди. Кейин унинг елкаларидан секингина олдинга итаради. Аммо Умар аллақачон бир қарорга келиб бўлганди, у маънавий бойликни ҳар доим моддий бойликдан устун қўяди ва қўйидаги тўртликни ўқийди:

Аслиятда:

Est-ce la pauvreté qui m'a conduit vers toi?

Nul n'est pauvre s'il sait garder ses désirs simples.

Je n'attends rien de toi, sinon d'être honoré,

Si tu sais honorer un homme droit et libre [Maalouf, 1988: 37].

Таржимада:

Наҳот мен олдинга эҳсон сўраб келсам?

Ночор, юпунман деб, дону нон сўраб келсам?

Бор бўлса, ўтинчим, сахий бўл, бергил,

Инсондек яшашга имкон сўраб келсам [Маалуф, 2018: 65].

Умар Хайём фақат яхши тўкин-сочинликда яшаш ғамида эмаслигини, бу дунё ўткинчилигини, истеъдодининг қадрига ета оладиган макон излаётганини ифода этади. Таржимон ушбу рубойни ўзбек тилига ўгиришда услубий тасвир воситаларидан ўринли фойдаланган. Албатта, таржимон аслиятдаги шеърий мисраларни таржима қилишда Умар Хайём рубойларига хос материя абадий, инсон умрининг фойишлиги ва ҳаёт лаззатларидан баҳраманд бўлишга ундовчи индивидул услубдан фойдаланган. Унинг бу тўртлиги салмоқли, фалсафий мазмунга эга. Аслиятда ҳам таржимада ҳам на фақат бутун тўртлик эмас, балки ҳар бир мисра чуқур маъно касб этади. Таржимоннинг бадий талқини аслиятга нисбатан батафсилроқ берилган, унга баъзи бир **“Ночор, юпунман деб, дону нон сўраб келсам”** каби янги деталлар қўшилган.

Юқоридаги ушбу пур маъно тўртликда инсонийлик, матонат ва шоирона сўзга чечанликни англашимиз мумкин. Подшонинг мукофот бериши, унинг нафсониятига тегди. Бу унинг жисмоний ҳолатида ҳам яққол акс этади: **аслиятда: il réprime un haut-le-coeur** [Maalouf, 1988: 36]; **таржимада: аламдан томоғи қуруқшаб кетгандек бўлди** [Маалуф, 2018: 64].

Асар қаҳрамони ҳар қандай вазиятда инсонийлик ва маънавий бойликни моддий бойликлардан устун қўйишини, бу дунёнинг ўткинчи бойликлари деб ўзлигини, инсоний қадр–қимматини юқотиб қўймаганлигини асарнинг дебочасидан то хотимасигача кўришимиз мумкин:

Аслиятда: Crois-moi, si sa forteress était la porte du paradis, je renoncerais au paradis! Jamais je ne mettrai les pieds dans cette caverne de faux dévots! [Maalouf, 1988: 148]

Таржимада:

Менга ишон агар унинг қалъаси жаннат дарвозаси бўлса, мен бундай жаннатдан врз кечаман ва ҳеч қачон бу икки юзламачи “художўй” олдига қадам ранжида қилмайман! [Маалуф, 2018: 221]

Умар Хайём гарчи олим сифатида кадрланмаётган ва чой-чақа учун ишлашга мажбур бўлаётган бўлсада, Аламут тоғида ўзига қароргоҳ қуриб олган, мамлакатга ва бутун мусулмон оламига вайронгарчиликлар олиб келаётган ассасинлар жамияти бошлиғи Хасан Саббоҳнинг маккорона режасини рад этиши ифода этилади. Юқоридаги мисолда аслият ва таржимада луғавий эквивалентлик эмас, балки тасвирланаётган қаҳрамоннинг характериға мос маъно, услуб, оҳанг уйғунлиги ва синтактик жиҳатдан мослик кўзга ташланади.

Демак, таржимоннинг автор услубини китобхонга тўғри етказиб бера олиши, азалдан бор асарни қайта яратиши қуйидаги уч мезон асосида аниқланади: 1. Асл нусхани аниқ қандай тушуниши. 2. Муаллиф услубини қандай талқин қилиши. 3. Асл нусхани она тилида қайта тиклашда муқобил лексик воситаларни тўғри топиб қўллаши.

Шу боис бадиий асарни таржима қилишда аслият тил воситаларини таржима тили воситалари муқобилига алмаштириш эмас, балки асар муаллифининг ғоясини, мақсадини интерпретация қилиши, герменевтик ёндашув жиҳатидан талқин этиши лозим. Албатта, бунда ёзувчи услубини ўрганиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Асар қаҳрамони Умар Ҳайём фалсафанинг азалий қондаси қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураш қонуни асосида яшаётган бутун инсоният ҳаёти, кечаси ва бугунги куни рамзи сифатида француз ва ўзбек китобхонларида адиб ва таржимон услубининг уйғунлиги туфайли катта таасурот қолдиради.

Адабиётлар:

1. Маалуф Амин. Самарқанд ёхуд Зулматда йўқолган зиёни излаб....[Матн]: роман/Таржимон А.Кўчибоев. Тошкент: "O'zbekiston" НМИУ, 2018. – 360.
2. Морозов М.М. Пособие по переводу русской художественной прозы на английский язык. М.: «Валент», 1956.
3. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1983. Б.74
4. Швейцер А.Д. Перевод и культурные традиции // Перевод и лингвистика текста. – М.: Всероссийский центр переводов, 1994. – 217 с.
5. Amin Maalouf. Samarcande. Editions Jean-Claude Lattès, 1988. – 235 p.
6. Said E.W. Orientalism. N. Y., 1978.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИНИ ТАРЖИМА ҚИЛГАН ЎЗБЕК МУТАРЖИМЛАРИ

(Нобел мукофотини олган адибларнинг асарлари мисолида)

Нодира Иброҳимова,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Олий адабиёт 2-курс магистранти

yopo.89@mail.ru

Аннотация. Мақоланинг кириш қисмида таржимонлик машаққати ва масъулияти ҳақда сўз боради. Жаҳон адабиётининг кўплаб асарларини ўзбек тилига таржима қилган таржимонлар билан таништирилади. Асосий қисмда Нобел мукофоти олган ёзувчиларнинг ўзбек тилига ўгирилган китоблари ва таржимонлари ҳақда сўз боради. Мақола якунида ёш ва умидли таржимонлар ҳақда сўзлаб ўтилади.

Калит сўзлар: таржима, мутаржим, Нобел, наср, нашриёт, китоб.

Аннотация. Во вводной части статьи рассматриваются трудности и обязанности перевода. Познакомят с переводчиками, которые перевели на узбекский язык многие произведения мировой литературы. Основная часть посвящена книгам и переводчикам, переведенным на узбекский язык писателями-лауреатами Нобелевской премии. В конце статьи упоминаются молодые и перспективные переводчики.

Ключевые слова: перевод, переводчик, Нобель, проза, издательство, книга.

Annotation. The introductory part of the article discusses the difficulties and responsibilities of translation. Introduced to translators who have translated many works of world literature into Uzbek. The main part is devoted to books and translators translated into Uzbek by Nobel Prize laureate writers. At the end of the article, young and promising translators are mentioned.

Key words: translation, translator, Nobel, prose, publishing house, book.

Мутаржим – таржимоннинг дўсти дейишади. Шу ўринда таржимон – хоин деган гап ҳам йўқ эмас. Маълум бир асарни таржима қилишга киришаётган таржимоннинг зиммасида жуда катта масъулият ётади. У муаллифга дўстми, душманми, жараён якунига етганидан сўнг аён бўлади. Муаллиф руҳига киролган, уни тўла тўқис, маҳорат билан ўгирган, ҳеч бир жумлага хиёнат қилмай, ўзидан қўшмай таржима қилган мутаржим шубҳасиз, дўстдир. Аксинча, пала партиш, муаллиф услубини ўзгартирган ҳолда, мазмунга ўзгартиришлар киритган таржимон эса хоин. Бундай китобни ўқиган китобхонда муаллифга нисбатан салбий фикр уйғониши табиий. Барча ўқирманлар ҳам китобни аслиятга мутолаа қилишга қодир эмас. Улар сеvimли ёзувчи, шоирларини ўзбек тилидаги китобларини излашади. Мукамал таржима китобхон ва муаллиф ўртасидаги кўприқдир. Агар у нобоп қурилган бўлса бузилиши тайин.

Аристотель, Цицерон ва Гораций таржима жараёнида сўз кетидан қувиш ярамайди, уларнинг маъно ифодаларини аввал тарозида ўлчаб, кейин таржима қилиш маъқул, деган фикрни билдирганлар. Рус адабий танқидчиси Н. Чуковский таржима санъатини сеҳргарлик деб атаган. Лекин агар таржима сўзларнинг маъносинигина эмас, улар ифодалаган энг нозик туйғулар ва кечинмаларни ҳам етказиб беролсагина, чинакам сеҳргарлик бўлиб ҳисобланади, дейди у. Шунингдек, у «Мопассанни рус тилидан таржима қилиш Лев Толстойни озарбайжон тилидан таржима қилишдек ақлга сиғмаган ҳодисадир» деб ўринли фикр билдиради [3].

Ўзбек таржимашунослиги дарғалари деганда аввало, кўз олдимизга Қодир Мирмуҳаммедов, Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ғафуров, Низом Комилов, Асил Рашидов, Жамол Камол, Олим Отахон, Аҳмад Аъзам, Амир Файзулло ва бошқалар келади. Улар аксарият асарларни аслиятдан эмас, рус тилидан ўгиришган. Жамол Камол Шекспирни инглиз тилидан, Абдулла Шер Ҳайнрих Ҳейнени немис тилидан, Байронни эса инглиз тилидан, Садриддин Салимов Гётени немис тилидан таржима қилгани бундан мустасно.

Нобел мукофотида сазовор бўлган адибларнинг ҳам ўзбек тилига таржима қилинган асарлари талайгина. Бу классик асарларни таржима қилиш албатта, таржимондан катта тажриба ва маҳорат талаб қилади. Қуйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамыз.

Норвег ёзувчиси, модернизм вакили Кнут Ҳамсун гарчи ижодга шеърят йўлидан кириб келган бўлсада, кейинчалик насрда, хусусан Очлик романини ёзгандан сўнг доврўғ қозонди. Бир қанча асарлари омадсизликка учраган ёзувчи ночор аҳволда қолади ва камбағаллик азобида “Очлик” асарини ёзади. Уни автобиографик роман дейиш мумкин: қишлоқи йигит ўзининг катта ёзувчи бўлиш қобилиятини сезиб, енгил ҳаётдан воз кечади, муҳтожликда қолса ҳам ижод қилишдан қайтмайди. “Очлик” ва “Виктория” романларини ўзбек тилига Қодир Мирмуҳамедов маҳорат билан ўгирган. Китоб “Ғафур Ғулом” нашриётида чиқарилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 2-жаҳон уруши қатнашчиси Қ.Мирмуҳамедов жаҳоннинг кўплаб сара романлари – “Мартин Иден”, “Декамерон”, “Уста ва Маргарита”, “Илиада”ни таржима қилган.

Гумсуннинг “Эдварда” (аслиятда Пан) романини ўзбек тилига Муҳиддин Омон таржима қилган. Таржимон ҳам Кнут каби шоир. М.Омон бу асардан ташқари португал шоири Луис де Камонс сонетларини, инглиз ёзувчиси С.Моэмнинг “Театр” романини, америкалик адиб Р.Блох асарларини, Мирзо Ҳасан Қорабоғий ғазалларини ҳам ўзбек тилига ўгирган. “Эдварда” асарига тўхталадиган бўлсак, у ўзбек тилида “Янги аср авлоди” нашриётида 2015 йилда нашрдан чиққан. А.П.Чехов таъбири билан айтганда, у «ғаройиб ва ҳайратомуз асар», кўнгил билан сирлашишга имкон берадиган китоблар сирасига киради. Асарнинг номи нима учун ўзгартирилди? Таржимон буни шундай изоҳлайди: ушбу романни биз айрим мулоҳазалардан келиб чиқиб, хусусан ўзбек китобхонлари норвегия халқ оғзаки ижодига хос бўлган ривоятларда борлиқ табиатнинг, жумладан, ўрмонларнинг валинеъмати бўлмиш Пан тимсоли борлигидан беҳабарлиги ва ушбу атама бизларда асосан феодал даврда Польша, Чехия, Белоруссия ҳамда Украинада феодал, бой ҳамда бояр маъноларида қўлланилиб, сўзма-сўз таржимаси «жаноб» ёки «хўжайин» деган маъноларда

тушурилишини инобатга олиб, асар етакчи образларидан бирининг исми – «Эдварда» номи билан тақдим этмоқдамиз [6:269].

Кнутнинг юқоридаги асарлари гарчи яхши таржима қилинган бўлсада, афсуски ўзбек китобхонлари орасида кенг оммалашмаган, қайта нашр қилинмаган.

Америка адабиётининг вакили, 1-жаҳон уруши қатнашчиси Эрнест Хемингуей йўқотилган авлод ёзувчиларига мансуб бўлиб, уруш мавзусидаги романлари билан машҳур. Инсон иродаси ҳақдаги «Чол ва денгиз» қиссаси Хемингуейга катта шуҳрат келтирган. Муҳаббат ва уруш мавзусидаги «Алвидо, курол» романи эса адиб шуҳратини мустаҳкамлади. Бу икки асарни ўзбек тилига моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров ўгирган. Айрим ўринларда мутаржим муаллифдан ҳам ўтказиб таржима қилганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, “Алвидо, курол!” асарининг русча вариантыдаги “девушки здесь увидели, что такое фронт” жумласини Иброҳим Ғафуров “бу онаси ўпмаган ойимтиллалар уруш нималигини шу ерга келиб билишди” шаклида ўгирган. Икки асар ҳам 1986 йил “Ёш гвардия” нашриётида чоп қилинган ва шу даврга қадар бир қанча нашриётларда қайта чиқарилган. И.Ғафуров таржимонликдан ташқари, мансуралар, яъни шеърӣ насрлар билан ҳам шуғулланган. Шунингдек, дурдона асарлардан “Жиноят ва Жазо”, “Телба”, “Қиморбоз” (Достоевский), “Азизим” (Мопассан), “Қиёмат” (Ч.Айтматов) сингари асарларни ўзбек тилига таржима қилган. Меҳнатлари самараси ўлароқ, 2021 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. У таржимачилик ҳақда “Ҳозирги замонда таржима амалиёти (таржима туридан қатъи назар) илмга асосланади. Албатта, ижод жараёнида интуициянинг ўз ўрни ҳамда салмоғи йўқ эмас. Илм таржиманинг тўлақонли ва ишончли чиқишига йўл очади” деб фикр билдиради [4]. Хемингуей публицистика яқин услубда ёзади, таржимон ҳам бу услубни таржима жараёнида сақлаб қолган. Бу икки асарни ҳозирда деярли ҳамма китоб дўконларидан топиш мумкин, китобхонлар томонидан ҳозир ҳам тақризлар ёзиб келинмоқда.

Адиб ва файласуф Албер Камюнинг нафақат катта асарлари, балки кундаликлари, фикрлари ҳам ҳозиргача нозик дидли китобхонларни қизиқтириб келади. Ғарб виждони номини олган бу француз ёзувчиси ўз асарларида асосан жаҳон урушидан сўнг инсонларда пайдо бўлган абсурд ҳиссиётларини очиб беришга ҳаракат қилган. Энг машҳур асарлари – “Вабо” романи ва “Бегона” қиссасини ўзбек тилига Аҳмад Аъзам таржима қилган. “Бегона” қиссасида суддан кейин жазосини кутаётган қотилнинг хотиралари баён қилинади. Орадан 4 йил ўтиб ёзилган “Вабо” романида эса йўқолаётган дунёда инсон эркинлиги масаласи кўндаланг қўйилади. Муаллиф асар ҳақда кундалигида шундай деб ёзган эди: “Вабо ёрдамида у тарқалган пайтда биз заҳарланган муҳит ва айрилиқдан қаттиқ азоб чекканлигимизни айтмоқчиман...” Аҳмад Аъзам ҳар икки асарни ҳам муаллиф руҳиятини ҳис қилган ҳолда ўгирган. Китоблар 1995 йил “Ёзувчи” нашриётида чоп қилинган. А.Аъзамнинг ўзи ҳам серқирра ижодкор эди. Насрий асарлари, адабий-танқидий мақолалар тўпламлари чоп этилган, сценарийлари асосида фильмлар суратга олинган. Айтиш лозимки, таржима қилиш жараёнидаги тажрибалардан сўнг А.Аъзам ўз насрий асарларини яратган. Лекин унинг асарларида Камю ёки у таржима қилган бошқа муаллифлар - Акутагава Рюноске, Фред Макморроуга нисбатан тақлид йўқ эди. У соф ўзбекона ёзарди.

Рус ёзувчиси Михаил Шолохов ҳам уруш кўрган, қора меҳнат орқасидан кун кечирган ёзувчилардан. Асарларининг бош мавзуси Дон дарёси бўйларида шафқатсиз тўқнашув ва курашлар билан кечган фуқаролар уруши эди. Унинг «Тинч Дон» (1-4 китоблар) романида айрим кишилар ёки гуруҳларнинг манфаатлари тақозоси билан бошланган уруш ва инқилоблар халқ ҳаётини издан чиқаради, унга фақат жабр-ситам келтиради, деган ғоя илгари сурилган. Асардаги персонажлар сони ҳатто “Уруш ва тинчлик” романини ҳам ортда қолдиради: Шолохов 4 томли китобига 700 га яқин персонажни киритган. Унинг ижоди қардош халқлар, шу жумладан, ўзбек адабиётида реалистик тасвир методининг қарор топишига сезиларли таъсир кўрсатган. Шолоховнинг қарийб барча асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. “Тинч Дон” асарини Миркарим Осим ва Одил Шаропов таржима қилган. У “Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти”да 1960 йилда нашрдан чиққан.

Афсуски, ҳозирда бу китоб дўконларда йўқ. “Тинч Дон” афсоналар асосида ҳикоялар ёзган Миркарим Осимнинг йирик таржима иши саналади.

Нобел олган адиблар ичида ўзбек китобхонларига энг яқин бўлган ёзувчилардан бири шубҳасиз Габриэл Гарсиа Маркес ҳисобланади. Фусункор реализмда ижод қилган Маркес кўп ҳолларда ўз ижодидан кўнгли тўлмаган: “Ёзганларимнинг ичидан “Ёлғизликнинг юз йили” романини чиқариб, ёқиб ташлаган бўлардим. Мен бу китобни ёзганимдан уяламан, менга маълум сабабларга кўра, уни яхшилаб ёзишга вақт етмади”. Шундай бўлсада, дунё китобхонлари ҳалигача бу китобни севиб мутолаа қилишади. У испан тилидан бошқа тилларга таржима қилиниш бўйича “Дон Кихот”дан сўнг иккинчи ўринда туради. Жанубий америкалик адибнинг деярли барча ҳикоя, қисса ва романлари ўзбек тилига таржима қилинган ва кўплаб нашриётларда чоп этилган. 2018 йилда Маркеснинг ўзбек тилидаги барча асарлари сайланма ҳолида “Шарқ” нашриётида нашрдан чиққан. “Ёлғизликнинг юз йили”ни Нурали Қобул ва Анвар Жўрабоев, “Ошқора қотиллик қиссаси”ни Тоҳир Қаҳҳор, “Бузрукнинг кузи”ни Иброҳим Ғофуров, “Полковникка ҳеч ким хат ёзмайди”ни Вафо Файзуллоҳ, “Тўкилаётган япроқлар”ни Шаҳноза Раҳмонова таржима қилган. Маркеснинг доимий битта ўзбек таржимони бўлмасада, юқоридаги мутаржимлар унинг услубини сақлаган ҳолда моҳирлик билан ўгиришган. Китоб дўконларида Маркес асарлари ҳаридоргир.

Сўнгги йилларда Нобел мукофотини олган замонавий адибларнинг катта асарлари ўзбек тилига ўгирилганича йўқ. Эҳтимол, улар ўз таржимонларини кутаётгандир. Ҳозирги ёшлар орасида бадиий асарларни аслиятдан ўгирадиган таржимонлар кўпайиб бормоқда. Масалан, Мирзоҳид Музаффар (инглиз ва турк тилидан), Раҳмат Бобожон (озар ва рус тилидан), Алишер Сабрий (форс тилидан), Шоҳрух Усмонов (инглиз тилидан) каби талабалар таржимачилик билан самарали шуғулланмоқдалар. Улар таржима қилган ҳикоя ва шеърлар матбуот ва адабий сайтларда чоп этиб келиняпти. Келгусида устоз мутаржимлар каби улар ҳам жаҳоннинг сара асарларини ўзбек китобхонларига моҳирлик билан етказадилар, деган умиддамиз.

Адабиётлар

1. Муҳаммаджон Холбеков. “Таржима назарияси фан сифатида”. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2013 йил, 4-сон.
2. Ғайбуллоҳ ас-Салом, Зухриддин Исомиддинов. “Қайта яратиш ва аксилтаржимачилик”. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1989 йил, 21 апрель.
3. Абдулла Қаҳҳор. “Таржимачилик ташвишлари”. «Литературная газета», 1962 йил, 17 март.
4. “Таржима назарияси ва танқиди муаммолари” (давра суҳбати). «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2014 йил, 10-сон.
5. Абдишукур Омонов, “Ҳар бир авлод ўзини дунёни қайта қуришга масъул деб ҳисоблайди”. www.qashqadaryogz.uz
6. “Эдварда” романи, “Янги аср авлоди” нашриёти, 269 бет.

TARJIMASHUNOSLIKDA MUMTOZ ADABIYOTIMIZ NAMUNALARINING AHAMIYATI

Rafiqjonova Munisa Axadxon qizi
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO‘TAU
O‘zbek filologiyasi fakulteti 1-kurs talabasi
e-mail: munisarafikjanova@gmail.com
Ilmiy rahbar: f.f.n, professor, Qosimboy Ma‘murov.

Annotatsiya. Maqolada o‘zbek tilidan chet tiliga tarjima qilingan mumtoz adabiyot namunalarining dolzarbligi, g‘azal tarjimasining o‘ziga xosliklari maqola muallifi tomonidan ingliz tiliga o‘girilgan Navoiy g‘azalidan parcha timsolida tahlil qilinadi.

Kalit soʻzlar: gʻazal, bayt, aruz, radif, muqobillik, asliyat

Annotation. The article analyzes the relevance of examples of classical literature translated from Uzbek into foreign languages, the features of the translation of ghazals in the form of excerpts from Navoi's ghazals, translated by the author of the article into English.

Key words: ghazal, bayt, aruz, radif, equivalent, origin

Аннотация. В статье анализируется актуальность примеров классической литературы, переведенных с узбекского на иностранные языки, особенности перевода газелей в виде отрывков из Навоийских газелей, переведенных автором статьи на английский язык.

Ключевое слово: газель, бэйт, аруз, радиф, эквивалент, происхождение.

Bugungi kunda turli xil chet tillaridan jahonning durdona asarlarini oʻzbek tiliga tarjima qilish, malakali tarjimonlarni tayyorlash jarayonlari yaxshigina yoʻlga qoʻyilib, soha taraqqiy etib bormoqda. Bu, albatta, juda ham quvonarli holat, lekin bizning oldimizda turgan muhim masala — oʻzbek adabiyotining nodir namunalari, ayniqsa mumtoz adabiyotimizning oltin xazinalari bilan butun dunyoni bahramand eta olish. Bu esa bevosita tarjimashunoslik orqali amalga oshadi. Tarjima oʻzi bir mehnat boʻlsa, sheʼriy tarjima ijodkorga ikki karra masʼuliyat yuklaydi, mumtoz gʻazallar tarjimasi bundan-da koʻproq sinchkovlik, topqirlik, mahorat talab qiladi. Shunga qaramasdan, sheʼriyat tarjimonga oʻzgacha zavq bagʻishlaydi, shunchaki, tilni biluvchi tarjimon emas, tom maʼnodagi ijodkor sifatida asarga qayta jon baxsh etadi. Shu nuqtai nazardan, nasrda tarjimon — qul, nazmda tarjimon – raqibdir[V.Jukovskiy].

Oʻzbek tarjimashunosligi tarixiga nazar tashlaydigan boʻlsak, oʻtgan asrda gʻazallar tarjimasiga katta eʼtibor qaratilmaganiga guvoh boʻlamiz. Aruz arabiy, forsiy, turkiy sheʼriyatga xos va mazkur tizim ingliz, nemis, fransuz kabi tillarning mezoniga toʻgʻri kelmaydi. Shu sababli, bu xalqlarga aruz vazni mutlaqo begona, ular aruzda yozilgan sheʼrlarni qabul qilmaydi, degan qarash mavjud edi. Keyingi davrlarda ham ayrim gʻazallar nasriy bayonga asoslanib erkin vaznda, qofiyasiz tarjima qilindi. Bu sohadagi ilk tajriba sifatida 1958-yili Moskvada “Uzbek poetry” nomli kitob nashr etildi. Bu toʻplamga hazrat Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonidan Farhod va Xusrav dialogi, ayrim hikmatli soʻzlar va uchta gʻazal tarjimasi kiritildi. 2000-yilga kelib ayni paytda ToshDOʻTAU da faoliyat yuritayotgan zabardast tarjimonlarimizdan professor Qosimboy Maʼmurov, qolaversa, L.Kmetyuk, N.Pfeffer, Y.Parda tarjimalari ostida “Ummondan durlar” nomli gʻazal, hikmat, ruboiylar tarjimalari “Sharq” nashriyotida chop etildi. Bu – tarixiy voqea edi. Hozirgi kunda tarjimashunoslik yangi bosqichga koʻtarildi, desak hech mubolagʻa boʻlmaydi. Gʻazal tarjimasiga yondashuv oʻzgardi. Endi tarjimonlar tomonidan gʻazalning soʻzma-soʻz tarjimasi emas, ohangi asliyatga toʻgʻri kelishi, jarangdorligiga muhim ahamiyat berilmoqda. Soʻnggi yillarda Alisher Navoiy ijodiga, gʻazallarga boʻlgan qiziqish chet ellarda kuchayib bormoqda. Jumladan, 2018-yilda “Farhod va Shirin” dostonining ingliz tilidagi toʻliq tarjimasi Amerikada nashr etilib butun dunyo yuzini koʻrdi. 2021-yil 8-fevralda Navoiy tavalludi munosabati bilan Oʻzbekistonning Londondagi elchixonasi tomonidan oʻtkazilgan onlayn forumda shoir va tarjimon Aʼzam Obidov muallifligida Amerikada nashr etilgan “Without you” (“Sensiz”) nomli Navoiy gʻazallari tarjimasidan iborat toʻplam taqdimoti boʻlib oʻtdi. Mazkur kitoblarga chet ellik adabiyotshunoslar shaxsan muharrirlik qilishmoqda. Shunga qaramay, sohada qilinishi kerak boʻlgan ishlar talaygina. Zero, bizning naqadar goʻzal, ummon qadar cheksiz, teran turkona gʻazaliyotimiz bor. Buni jahon eʼtiboriga mahorat bilan, bor boʻy-basti bilan namoyish qila olish bizning muqaddas burchimizdir.

Gʻazal tarjimasidagi ayrim ahamiyatli, oʻziga xos jihatlarni qoʻldan kelgancha Alisher Navoiyning “Xazoyin ul-maoniy” kulliyotidagi “Badoyeʼ ul-vasat” devoniga kiritilgan 390- sonli goʻzal bir gʻazalidan tarjima qilingan ayrim baytlar misolida koʻrib chiqsak:

Orazingni bogʻ aro chun koʻrdi, hayron boʻldi gul,

Bargsiz qoldi, nedinkim, bas parishon boʻldi gul.

(In the garden saw your face and there is surprised the flower,

Then lost its leaves for some reason there is perplexed the flower)

Bodadin gul-gul ko'rub ul yuzni, oning hajridin
Chok-chok o'lg'on ko'nguldek tah-batah qon bo'ldi gul .
(Having preferred that face to the wine, because of her
Similar with the broken heart tons of blood filled the flower.)

Guluzorim kishvari husn ichra bo'ldi podshoh,
Rost andoqkim, chaman mulkida sulton bo'ldi gul
(My flower-face's homeland through the beauty turned to sovereign,
Needless to say, in the garden to the Queen turned the flower.)

Avvalo, g'azalning asliyatiga e'tibor qaratamiz. G'azal aruzning turkiy she'riyatda eng ko'p qo'llanuvchi ramali musammani mahzuf vaznida yozilgan. "Gul" so'zi radifga olingan. Yana ham to'g'rirog'i, "bo'ldi gul" birikmasi radif hisoblanadi. Tarjima qilingan baytlarda hayron, parishon, qon, sulton so'zlari o'zaro qofiyalangan. Endi diqqatimizni tarjimaga qaratamiz. Garchi, ingliz tilida she'rni aruzga tushirish – hijolarning cho'ziq-qisqaligini moslash imkonsiz bo'lsa-da, bo'g'inlar sonini tenglashtirib, ohang jihatdan g'azalning asliyatdagi jarangiga tushirishga harakat qilingan. Bu yaqqol ko'rinishi uchun bir bayt misolida inglizcha so'zlarning transkripsiyasini keltiramiz, chunki mazkur tilda o'zbek tilidan farqli o'laroq bir unli bir alohida bo'g'inni tashkil qilmaydi:

Orazingni bog' aro chun ko'rdi, hayron bo'ldi gul,
Bargsiz qoldi, nedinkim, bas parishon bo'ldi gul.
(In ðe 'ga:d(ə)n 'sɔ: jɔ:r feɪs ænd ðer ɪz sə 'praɪzd ðe 'flavə,
ðen lɒst ɪts li:vz fɔ: sɒm 'ri:z(ə)n ðer ɪz pə 'plekst ðe 'flavə.)

Barmoq tizimi hisobida oladigan bo'lsak, bir misrada o'n besh bo'g'in bor. Tarjimada ham shu hajm saqlangan. *Flower* so'zi radif vazifasini bajarmoqda. Radifdan tashqari qofiyadosh so'zlar tanlashga ham alohida e'tibor qaratilganki, bu asarning musiqiylikni ta'minlaydi. Bu yerda *surprised, perplexed, filled, turned* so'zlari o'zaro qofiyalangan. Radifni ifodalash uchun gap egasini jumla oxiriga olish uchun *there* elementidan foydalanildi.

Endi g'azaldagi ekvivalent, ya'ni aynan muqobilini topib yozish qiyinroq bo'lgan ayrim o'rinlarga to'xtalib o'tamiz. Masalan, ikkinchi baytda bunday holatga ko'proq duch kelamiz. Bu yerdagi "gul-gul ko'rmoq" so'zi tarjimada "prefer to"(afzal ko'rmoq) iborasi bilan ifodalangan. Ikkinchi misradagi "chok-chok o'lg'on ko'ngul" ni "broken heart"(ya'ni yaralangan/ singan/ parchalangan qalb) deb, "tah-batah qon bo'ldi" birikmasini esa "tons of blood filled"(ingliz tilidagi *tons of* so'zi *haddan tashqari ko'p* ma'nosini beradi. So'zma-so'z tarjimasi esa *tonna-tonna qonga to'ldi* demakdir) deya o'girildi. Uchinchi baytdagi "Rost andoqkim" birligi ingliz tilida ta'sir kuchi yuqoriroq bo'lgan "Needless to say"(aniqki, ravshanki. So'zma-so'z tarjimasi *aytish shart emas, shundoq ham ayon*) iborasi orqali ifodalandi. Mazkur tarjimani tajriba o'tkazish maqsadida asliyatni tushuna olmaydigan, o'zbek tilini bilmaydigan boshqa millat vakili, kuchli ingliz tili o'qituvchisiga baholash, fikrini, asarning tushunarliklik darajasini aniqlash uchun taqdim etildi va, quvonarlisi, iliq fikrlar olindi. Tadqiqot natijasidan anglashildiki, inversiya hodisasi asarning aniq tushunilishiga biroz to'sqinlik qilishi mumkin, lekin ingliz she'riyatida ham mazkur hodisa bor, ingliz shoirlari keng qo'llashadi. Chunki busiz lirikada ekspressivlik, ohangdorlikni rivojlantirish qiyin. Ingliz tili grammatikasida gapda so'z tartibi qat'iy belgilangani uchun hamma uchun ham inversiyani tushunish qiyinchilik tug'dirishi mumkin.

Yana bir e'tibordan chetda qoldirmaslik kerak bo'lgan jihat – asliyatdagi ma'no-mazmunni saqlash masalasidir. She'r zo'r bo'lsa ham ma'no boshqa bo'lsa, bu tarjima asar emas, yangi boshqa asar bo'lib qolishi mumkin. To'g'ri, bu badiiy tarjimaning xususiyatlaridan biri, ammo me'yorni bilish muhim. Aks holda, tarjimon asar muallifini qaysidir ma'noda behurmat qilgan bo'ladi. Hazrat Alisher Navoiyning ijodlarini tahlil qilib, o'zga tillarga tarjima qilar ekan har qanday tarjimonning yelkasida tog'dek mas'uliyat turadi. Zero, Navoiyga bo'lgan hurmat, g'azalga bo'lgan munosabat aynan shu tarjimalar orqali o'zga til, o'zga millat vakillari ongida shakllanadi.

Adabiyotlar

1. Alisher Navoiy. Ummondan durlar. -Toshkent: Sharq, 2000.
2. Alisher Navoiy. Xazoyin ul-maoniy. -Toshkent : G'afur G'ulom, 2013.
3. D.Yusupova. Aruz va mumtoz poetikaga kirish. -Toshkent: Akademnashr, 2020.
4. Laurence Delacroix. Longman dictionary (mobile application). -England, UK: Pearson English, 2014.
5. A'zam Obidovning "Mitti ko'prik" telegram kanali. <https://t.me/adabiykoprik>

ARAB TILIDAGI SIYOSIY ATAMALARNING KALKA VA KLISHE KABI LEKSIK VOSITALARNI O'GIRISHDAGI MUAMMOLAR

Abdunabiev Sunnat Botirovich

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti,
O'zbekiston, Toshkent
abdunabiev@yahoo.com

Annotatsiya. Mazkur maqolada arab tilidagi siyosiy atamalar, ularning o'zbek tilidagi tarjimalari haqida batafsil ma'lumot berilgan. Shu asnda tarjimashunoslikda kalka va klishe tushunchalari, arab tilidagi leksik vositalar, xususan, kalka va klishe larni o'zbek tiliga o'girishdagi muammolar tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: kalka, klishe, so'z yasovchi kalka, frazeologik kalka, leksik-semantik kalkalar

Аннотация. В этой статье представлена подробная информация о политических терминах на арабском языке и их перевод на узбекский язык. В этом контексте анализируются понятия калка и клише в переводоведении, лексические приемы в арабском языке, в частности, проблемы перевода калки и клише на узбекский язык.

Ключевые слова: калка, клише, словообразовательная калка, фразеологическая калка, лексико-семантическая калка.

Annotation. This article provides detailed information on political terms in Arabic and their translation into Uzbek. In this context, the author analyzes the concepts of kalka and clichés in translation studies, lexical techniques in the Arabic language, in particular, the problems of translating kalki and clichés into Uzbek.

Key words: calcification, cliché, word-formation calcification, phraseological calcification, lexical-semantic calcification.

Siyosiy atamalarni shakllantirishda kalkani keng qo'llanilishi "uni alohida atama yasovchi uslub sifatida o'rganish uchun asos beradi" [Суперанская, 1989:213]. Sh.Balli ta'riflashicha, **kalkalar** (fr. *calque* – so'z) [Балли, 1961:69] – "bu chet tilidan olingan ifodalarga ko'ra, so'zma-so'z tarjima yo'li bilan mexanik tarzda yasalgan so'z va iboralar", – deb tan olamiz. Kalkalarni paydo bo'lish borasida N.Shanskiy shunday ta'rif beradi: "odatda kalkalar kitobiy ijodning mahsuli: ular tarjima jarayonida tarjimonlarning kiritgan yangiligi sifatida paydo bo'ladi" [Шанский, 1964:106]. Kalkalarning bir nechta turi farqlanadi:

1. Leksik yoki so'z yasovchi kalka – bu arab tiliga ma'noga ega bo'lgan unsurlar (prefiks (old qo'shimcha), o'zak, suffiks, yakuniy qo'shimcha)ni "so'zma-so'z tarjima qilish yo'li yasalgan so'z", ya'ni bunda o'zga til birliklarini yasallish uslubini aniq nusxa ko'chirish yo'li bilan yasalgan so'z;

2. Semantik yoki leksik-semantik kalka – bu so'zda "ma'noning o'zi o'zlashtirilgan hisoblanadi", bunda "so'zning o'zi talaffuz qilinishi, moddiy tarkib va so'z yasovchi tuzilmasida asl o'zlashtirilmagan so'zdir, biroq unga xos ma'nolardan biri o'zga tildan kelib chiqqan, ya'ni boshqa tilning qandaydir so'zining ma'nosiga tengdir" [Фомина, 1990:179];

3. Frazeologik kalka – "o'zlashtirilayotgan iboraning so'zma-so'z tarjimasi orqali" [Синькова, 1985:108] yasaladi.

Bundan tashqari, arab adabiy tilning tadqiq etilayotgan sohasida yarimkalka deb nomlanuvchilar ham keng qo'llaniladi: "o'zga til qismlarini aniq nusxasini olish bilan bir qatorda asl" unsurlari ham mavjud. "Yarim kalkalar o'zlashtirilayotgan so'zga chet tili so'zlarini yarmini saqlab qolib, yarmi tarjima qilingan iboradir" [Булаховский, 1953:127].

Atamashunoslikda leksik yoki so'z yasovchi kalkalar asosan, 2 unsurli konstruksiyalarda namoyon etilgan, ularning tarjimasi va tuzilmasi o'zga til variantlarini aniq takrorlaydi. Odatda bunday atamalar 2 komponentlik izofa zanjirini yasab beradi. Masalan, "إعادة التنظيم" – qayta tashkillashtirish so'zi inglizcha morfema "re" (asosiy ma'nosi "takror") va inglizcha ot "organization" – "tashkilotni" muvofiq arabcha "إعادة" va "تنظيم"ga tarjima qilish yo'li bilan yasalgan. Xuddi shu tarzda "إعادة التقييم" – "qayta baholash", "إعادة الطبع" – "qayta nashr etish", "إعادة النظر" – "qayta ko'rib chiqish" atamalari kalka qilingan.

Ma'no o'zlashtirilgan leksik-semantik kalkalar arab tilining o'rganilayotgan atama tizimida kamroq uchraydi. Masalan, arab izohli lug'atlarida محاصرة (boshqacha varianti حصار) "muvohira" kabi izohlanadi. Masalan, inglizcha blockade so'zining ta'siri ostida "محاصرة" leksemasi iqtisodda "محاصرة" – "siyosiy qamal" (ya'ni, mamlakatni boshqa mamlakat tomonidan mazkur mamlakat bilan savdo-sotiqni, tashqi siyosiy aloqalarni, xalqaro munosabatlarni cheklash yoki ta'qiq qo'yish yo'li bilan ajratish) yangi ma'noda qo'llanila boshlandi. Mazkur mavzu borasida A.V.Superanskaya semantik kalka qilish natijasida "o'zga til ta'siri ostida ona tili so'zidan yangi so'z paydo bo'ladi" [Суперанская, 1989:215], deb ta'kidlaydi.

Hozirgi davrda siyosiy atamalarning aksariyat qismini butun o'zlashtirilayotgan iboraning so'zma-so'z tarjimasi tufayli yasalgan frazeologik kalkalar tashkil qiladi. Masalan, "سياسة الباب" – "open door policy" – "ochiq eshiklar siyosati" ma'nosini anglatadi, bu yerda "policy" = "سياسة" = "siyosat", "door" = "الباب" – "eshik" va "open" = "المفتوحة" – "ochiq". Masalan, so'zma-so'z tarjima yo'li bilan quyidagi iqtisodiy atamalar ham yasalgan: "جاري حساب" – "joriy hisob", "بورصة سوداء" – "qora (nolegal) birja", "تكاليف الإنتاج" – "ishlab chiqarish sarf-xarajatlari", "الربيع" – "qora bozor", "عرض طلب" – "mutloq renta", "سعر السوق" – "bozor narxi", "سوق سوداء" – "talab va taklif", "نماذج اقتصادية" – "iqtisodiy modellar".

Arab adabiy tilining tadqiq etilayotgan atama tizimida yarim kalkalar o'zga til atamasini to'liqligicha adekvat tarjima qilish imkoniyati yo'qligi hamda o'zga leksemani qo'llagan holda murakkab nominativ konstruksiyani yasashda qo'llaniladi. L.P.Efremov "leksik yarimkalkalar uchun dastlabki material sifatida "qo'shma, murakkab, murakkab qisqartirilgan so'zlar hamda so'z birikmalari xizmat qiladi. Leksik yarim kalka hech bo'lmaganda 2 o'zakdan tashkil topadi, ulardan biri to'liq so'z yasash kalkasida tarjimani amalga oshirish uchun xizmat qilsa, ikkinchisi, muvofiq xorijiy so'zdan olinadi" [Ефремов, 1974:121], deb ta'kidlaydi. Masalan, "بنك الحكومة" – "davlat banki", "البنك الدولي" – "xalqaro bank", "بنك التسليف" – "ssuda banki", "البنك العقاري" – "er ssudasi banki", "شيك لحامله" – "chek kitobchasi", "دفتر شيكات" – "non birjasi", "بورصة الغلات" – "taqdim etuvchiga chek", "شيك مصرفي" – "bank cheki".

Siyosat sohasidagi o'zlashmalarni tahlil qilishda, o'zlashtirilgan so'zlarning assimilyatsiya muammosi e'tiborimizni o'ziga qaratadi. Kalka qilingan o'zlashtirma so'z arab tiliga o'girilib, uning morfologik tuzilmasi va semantik xususiyatlari ham o'zlashtiriladi. Natijada so'z o'zining shakli, rasmiy qiyofasi bo'yicha arabcha so'zdir. So'z birikmalari so'z birikmasi bilan tarjima qilinishi mumkin, masalan, "urush holati" – "حالة حرب", "ishlar boshqaruvchisi" – "قائم بالأعمال". Xalqaro munosabatlar, tashqi siyosat, xususan, diplomatiyaga oid atamalar *persona non grata* – "الملوك الدبلوماسية", bundan tashqari, ملحق ثقافي, madaniyat ishlari bo'yicha attashe, شخص غير مرغوب فيه (diplomatik korpus), (birinchi kotib) السكرتير الأول kabi so'z birikmalari ham kalka qilinishi mumkin.

Tashqi siyosat va xalqaro munosabatlarning ajralmas qismi bo'lmish diplomatiya atamalari o'zlashtirma va kalka kabi usullar orqali hosil bo'ladi. Masalan, ko'pgina tillarda mavjud "veto, diplomatiya, diplomat, konsul, etiket" kabi atamalar bevosita o'zlashtiriladi. Ushbu atamalarning ayrim tillardagi variantlari quyidagi jadvalda berilgan:

Tillar	So‘zlar					
Arab tili	فيتو	دبلوماسية	دبلوماسية	قنصل	* بروتوكول	إتيكيت
Ingliz tili	Veto	Diplomacy	Diplomat	Consul	Protocol	Etiquette
Fransuz tili	Veto	Diplomatie	Diplomate	Consul	Protocole	Etiquette
Italyan tili	Veto	Diplomazia	Diplomate	Console	Protocollo	Etichette
Rus tili	Veto	Diplomatiya	Diplomat	Konsul	Protokol	Etiket
Shved tili	Veto	Diplomati	Diplomat	Konsul	Protocol	Etikett
Fin tili	Veto	Diplomatia	Diplomatti	Konsuli	Protokolla	Etiketti
Nemis tili	Veto	Diplomatie	Diplomat	Konsul	Protokoll	Etikette

* بروتوكول (bayonnoma) so‘zi: diplomatik hujjatlardan biri hisoblanadi.

Asl til va tarjima qilinayotgan til (bizning tadqiqotimizda – bu arab va o‘zbek tili)da bir hil vaziyat (yoki holat) ifodalanayotganda klishe’lar ishlatiladi. Tilshunoslikda **klishe’** (fr. *clique* – andoza, shtamp) bir xil, aniq vaziyatlarda so‘z qo‘llanilishining standart namunalari, so‘z birikmalar va sintaktik tarkibotlarning tipik andozalari hamda nutqning umumiy modellari ma’nosini bildiradi.

Siyosiy klishe deganimizda, siyosiy sub’ektlar yoki siyosiy hodisa (vaziyat)larni qisqa va deklarativ shaklda tasniflash va ularga baho berish uchun qo‘llaniladigan andoza (shablon) iborasini nazarda tutamiz. Demak, klishe’lar – bir xil (tipik) kontekst va vaziyatlarda oson, mexanik ravishda qo‘llaniladigan tayyor nutq andoza (qolip)laridir. Odatda klishe’larni morfologik yoki semantik usullar orqali yasalgan yoki kalka qilingan so‘z va iboralar hosil qiladi. Siyosiy-ijtimoiy mavzularga oid matnlarda quyidagi klishe’lar qo‘llanilishi mumkin [Майбуров, 2003:24]:

“... tarkibidagi delegatsiya”	يَضُمُّ الْوَفْدُ.....
“... kunlik tashrif bilan kelmoq”	وَصَلَ بَزِيَارَةٍ تَسْتَعْرِقُ..... أَيَّامَ
“ikki tomonni qiziqtiradigan muammolar”	الْقَضَايَا الَّتِي تَهْمُ الطَّرَفَيْنِ
“o‘zaro manfaatga ega muammolar”	الْقَضَايَا ذَاتُ الْإِهْتِمَامِ الْمُسْتَرَكِ
“aeroportda uni kutib olishdi...”	كَانَ فِي اسْتِقْبَالِهِ فِي الْمَطَارِ....
“vakil”	الْمُحَدِّثُ بِاسْمِ
“axborot agentliklari”	وَكَالَاتُ الْأَنْبَاءِ
“hamkasaba, kollega”	نَظِيرٌ
“....taklifga binoan”	بِنَاءٍ عَلَى دَعْوَةٍ مِنْ...
“unga hamrohlik qiluvchi delegatsiya”	الْوَفْدُ الْمُرَافِقُ لَهُ
“ikki tomonlama aloqalar”	الْعِلَاقَاتُ الثَّنَائِيَّةُ
“rasmiy muzokaralarni o‘tkazmoq”	أَجْرَى الْمُبَاحَثَاتِ الرَّسْمِيَّةَ

Klishe so‘z va iboralardan tashqari, butun bir gap yoki uning qismi shaklida ham qo‘llanilishi mumkin. Masalan, o‘zbek tilidagi siyosiy mavzudagi matnlarda doimiy ravishda uchraydigan (andoza shaklidagi) gap:

“ikki tomonlama aloqalarning istiqboldagi rivojlantirish va mustahkamlash yo‘llarini muhokama qilmoq”

arab tiliga odatda quyidagi klishe orqali beriladi:

“بَحَثٌ سَبُلُ تَطْوِيرٍ وَتَعْزِيزِ الْعِلَاقَاتِ الثَّنَائِيَّةِ فِي الْمَقْبَلِ”

Aytib o‘tish joizki, garchi klishe’lar tayyor, vaziyatdan vaziyatga, matndan matnga o‘tib boruvchi so‘z va iboralar bo‘lsa ham, ularni boshqa tilga o‘girayotganda kontekstni ham, tarjima qilinayotgan tilning stilistik xususiyatlariga e’tibor berish lozim.

Xulosa qilib aytish mumkinki, kalka atamalar hosil bo‘lishida faol usullardan biri hisoblanadi. Kalkalar siyosiy atamalarni hosil qilishda leksik, semantik va frazeologik turlariga ajratiladi. Aynan frazeologik kalka atamalarning eng ko‘p miqdorini hosil qilishda ishtirok etadi.

Adabiyotlar

1. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989.
2. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Иностр. литература, 1961.

3. Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение, 1964.
4. Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. 3-е изд. – М.: Высшая школа, 1990.
5. Синькова О.М. Способы образования компьютерной терминологии в арабском литературном языке. Дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1985
6. Булаховский Л. А. Введение в языкознание. – М.:1953.
7. Ефремов Л.П. Основы теории лексического калькирования. – Алма-Ата: КазГУ, 1974.
8. Майбуrows Н.А. Читаем и переводим арабскую газету. – М.: Муравей, 2003.

“ГЕНДЕР” ФЕНОМЕНИ ВА ФЕМИНИСТИК ҚАРАШЛАР ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Зоирова Азиза Ибрагимовна

Қариши давлат университети, мустақил тадқиқотчи;

Ширинова Раима Хакимовна

ф.ф.д., профессор,

Ўзбекистон Миллий университети

shirinova.raima@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада гендер, гендер лингвистикаси, гендеролог олимларнинг мазкур тушунча атрофидаги илмий мулоҳазалари таҳлил қилинди. Хусусан, турли даврлар ва турли халқларда аёл ва эркакка шахсига бўлган муносабатлар юзасидан фактлар келтириб ўтилди. Гендер лингвистикаси ва феминистик лингвистика борасида олимлар қарашлари таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Гендер, гендер лингвистикаси, гендер тенглик, гендер тадқиқотлар кесишуви, аёллар наصري, адиба аёллар, аёл образи.

Annotation. This article analyzes the scientific views of gender, gender linguistics, genealogists around this concept. In particular, facts have been cited on the subject of the relationship between women and men in different periods and in different peoples. The views of scholars on gender linguistics and feminist linguistics are analyzed.

Keywords: Gender, gender linguistics, gender equality, gender research intersection, women's prose, women writers, female image.

Бугунги кунда гендер йўналишидаги тадқиқотлар кўлами кўпайиб ва йўналишлари кенгайиб бориши билан бир қаторда унинг “**забт**” этилмаган қирралари мавжуд. Маълумки, 1970 йилларда тил ва гендер масалаларига бағишланган илмий тадқиқотларда “гендер”, “гендер тенглик”, “гендер муносабатлар”, “гендер маданияти”, “гендер психология”, “гендер социология” каби бир қатор тушунчалар пайдо бўлди. Кейинчалик “Гендер лингвистикаси”, “Гендершунослик” каби фанлар алоҳида-алоҳида бўлиб шакллана бошлади.

Гендерология фани энг ёш фанлардан бўлиб илк бор у биологик жинсларни социал муҳитда ўрганган. Мазкур терминни илк бора муомалага 1955 йилда буюк сексолог олим Джон Мани олиб кирган бўлиб, кейинчалик мазкур термин барча соҳаларда фаол қўлланила бошланди. Социолог олим Е.Здравомыслова “гендер” атамасини социология фанига 1968 йилда америкалик психолог ва психоаналитик олим Столлер “Gender and sex” китобида илк марта қўллаган деган фикрни билдиради.

Гендер термини рус тилига инглиз тилидан кириб келган бўлсада, аммо бу сўз инглиз тилига француз тилидан ўзлашган ҳисобланади. Гендер ва жанр бир ўзакли сўз ҳисобланиб, французларга ўз навбатида грек тилидан кириб келган экан. Илгари бу феномен род категориясини англатган бўлса, фақатгина XX асрнинг иккинчи ярмида ўзининг ўз

маъносида қўлланила бошлаган. 1611 йилда нашр этилган қирол Яковнинг Библиясида “gendrer” феъли “кўпаймоқ” маъносини билдирган.

Гендер бу ижтимоий жинс, инсоннинг жамиятдаги хулқ атвори. Бу аёл ва эркак жиҳатларини ўрганадиган ижтимоий нормативдир. Баъзида гендер эркак ва аёл тушунчалари синоним сифатида ҳам қўлланилган. Демак, бу икки жинс вакиллари хулқ атворининг аниқ стандарти бўлиб гендер системаси жинслар ўртасидаги тенгсизликдир.

Аксарият ҳолларда “жинс” ва “гендер” феноменларини чалкаштириб ишлатилганлиги кузатилади, энг аввало мазкур феноменларни бир-биридан ажратадиган чегарани аниқ белгилаб, ажратиб олиш лозим. “Жинс” инглиз тилида “sex” француз тилида эса “sexe” бўлса, “гендер” инглиз тилида “gender” француз тилида “genre”. Ушбу ўринда Америкалик социолог Э.Гидденснинг мазкур тушанчаларга берган шарҳини келтириб ўтишни жоиз деб ҳисоблайман, чунки унинг таърифида аниқ ва лўнда қилиб бу икки феноменнинг мазмун моҳияти очиб берилган.

“Если пол имеет отношение к физическим, телесным различиям между женщиной и мужчиной, то понятие «гендер» затрагивает их психологические, социальные и культурные особенности» [1:153].

Олимнинг таърифи мазкур борадаги ҳар хил таърифларга аниқлик киритганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Демак, агар индивиднинг жинси биологик жиҳатдан белгиланган бўлса, унда гендер маданий ва ижтимоий жиҳатдан белгиланган бўлади. Айрим антропологлар, психологлар ва социологлар гендернинг биологик эмас, балки ижтимоий ва маданий жиҳатдан белгиланишини, маданий ва тарихий жиҳатдан эса нисбий эканлигини таъкидлайдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, гендер тушунчаси феминизмнинг назарий ривожланиши жараёнида, кейинчалик эса бевосита гендер тадқиқотлари доирасида шаклланди. Замонавий гендерологияда мазкур феномени ҳам лисоний ҳам ижтимоий жиҳатдан тўлиқ таҳлил қилиш борасида имий мунозаралар давом этмоқда. Гендеролог олимлар фикрига кўра, гендер инсон жинсининг ижтимоий-маданий жиҳатини ифода этувчи тушунча бўлиб, у инсон хулқ-атворининг социал ўзига хослигини ифода этиб, амалиёт ёрдамида ижтимоий жинс сифатида шаклланади. Жамиятда муайян жинс ролларининг бажарилишини тақозо этадиган ҳатти-ҳаракатларнинг меъёрий тизими вужудга келади. Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, гендер – табиатан белгиланмаган, ижтимоий ҳодисалар таъсири туфайли шаклланган хусусиятлар йиғиндисидир. Гендер ижтимоий-маданий тасаввурларимиз доирасидаги жинс ҳақидаги қарашлардир.

Гендер муаммолари аёллар ва эркакларнинг тенглиги борасида илк мулоҳазалар (матриархат) даврига бориб тақалади. Ижтимоий ҳуқуқий нуқтаи назардан бу даврни илмий адабиётларда “аёл ҳуқуқи” ҳукмрон бўлган давр деб аташган [2:49]. Л.Морган, Г.Плосс, Э.Тейлор асарларида она уруғи даврида ижтимоий ҳуқуқий ва сиёсий масалалар аёллар қўлида бўлган деган асосли фикрлар келтириб ўтилган. Тарихий асарларга муржаат қиладиган бўлсак милoddан 400 йиллар аввал яшаган софист Антифон ўз асарларида барчанинг тенг яралганлиг тўғрисидаги илк ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, табиат барчани: аёлни ҳам, эркакни ҳам тенг қилиб яратади, лекин инсонлар ўзларини тенгсиз ҳолатга солувчи қонунлар одамларнинг ўзаро келишуви натижасидир [3:6-7]. Шунини айтиш жоизки, аслида аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқли эканлиги тўғрисида илк фикрни юнон файласуфи Пифагор ўзининг фалсафий қарашларида таъкидлаб, инсон ҳаёти адолат ва маълум чегара, яъни ўз ўрнини билиш ва ҳис қилиш асосида қурилиши лозимлигини таъкидлайди [4:423-424].

Ушбу мазмундаги ғояни юнон мутафаккири Сукрот қонунларнинг объектив ахлоқий табиати тўғрисидаги фалсафий таълимотини ривожлантириб, инсонларнинг ҳуқуқлари тенг эканлигини эътироф этади. Сукрот издошларидан бири бўлган Платон унинг рационалистик (ақлга асосланганлиги) ғояларини ривожлантиради. У ўзининг “Иеал давлат” тўғрисидаги асарида аёлнинг репродуктив ҳолати, уларни фақат уй-рўзғор ишлари билан чегараланиб, ижтимоий вазифаларидан четлаштиришга мутлоқ асос бўла олмайди деган фикрни илгари суради.

Йиллар давомида тури минтакаларда аёллар турлича камситилиб келинган. Бу борада бир қанча фактлар мавжуд. Қадимги Ҳиндистонда аёл турмуш қуриш, мерос ва шунга ўхшаш жуда кўп нарсаларда ҳуқуқи бўлмаган. Масалан Ману III қонунига асосан у болалигилан отасига, ёшлигига эрига, эрининг вафотидан кейин ўғлига ёки эрининг қариндошларидан бирига қарам бўлган. Ҳатто эри вафотида уни ҳам эри билан бирга тириклайин ёқиб юбориш анъанаси ҳам пайдо бўлган [5:31].

Қадимги Римда жамиятда қандай кўнгилсизликлар бўлса унга аёл сабабчи эканлиги кўрсатиб ўтилган. Англияда эса аёл ҳатто инжилни ўқиш у ёқда турсин, ҳато унга қўл текиза ҳам олмаган. Қирол Генри VII (1509 1547) замонига келиб аёллар Инжил ўқиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Францияда милодий 586 йилда “Аёл инсонми ё инсон эмасми” мавзуида анжуман бўлиб ўтади унда “Аёл инсон, лекин у фақат эркакка хизмат этмоқ учун яратилган”.

Жаҳолият даврида, яъни Исломгача Арабистон ярим ороли аҳолиси ўртасида аёлнинг ҳеч қандай ўрни, қадр қиммати бўлмаган. Аёл ўғил фарзанд кўрса хурсандчилик, қиз фарзанд кўрса мотам тутилган. Шунингдек, араблар уч нарсадан: отда, аёлда ва уйда ҳосият ўқ деб ишонишган [6:13]. Қадимда аёлларга бўлган паст қарашлар тўғрисида жудда кўп мисоллар келтириш мумкин. Эронда, сосонийлар даврида қиз бола фақат қариндошга узатилса, Хитойда аёл инсон саналмаган ва ҳатто унга исм қўйилмас экан.

XVII асрга келиб Ғарб мамлакатларида саноатнинг ривожланиши аёллар масаласига янгича қарашлар шаклланишига сабаб бўлган. Инсониятнинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларига ҳақидаги ғоялар Ж.Ж.Руссо, Ж.Лок, Ш.Л.Монтескье илмий назарияларида ўз аксини топган ва 1789 йил қабул қилинган инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясида эътироф этилган. Бу феминизм ғояси бўлган.

Лотт таъкидлаганидек, ижтимоий психология ҳар қандай вазиятда ҳам гендер тадқиқотлар билан кесишади. Зеро, ижтимоий ҳуққ атвори сакловчи ва шакллантирувчи шароитларни ўрганиш гендерни маданий жихатдан ўрганишни билдиради [7].

Бугунги кундаги гендер муаммосига оид тадқиқотларнинг кўлами ошиб бориши уларнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан В.А.Кирилина гендер муаммоларини икки йўналишга ажратади:

1. Гуманитар фанлар доирасида гендер муаммоси.
2. Лингвистик гендерология муаммоси.

Гуманитар фанлар доирасидаги гендер муаммосини ечишга социология, психологияда ўрганилган тадқиқотлар тилшунослик учун асос бўлади. Гендернинг категория сифатидаги мақоми ўрганилади. “Гендер” тушунчаси замонавий лингвистикада бошқа ижтимоий фанларга нисбатан кейинроқ, айнан бу юз йилликнинг иккинчи ярмида кириб келган [9:245].

Гендер лингвистикаси гендер тадқиқотларини ўрганувчи илмий йўналиш бўлиб унда асосан гендер масаласига аёл ва эркак дискурсини ўрганиш ҳамда уни турли тилларда акс этишнинг лисоний хусусиятларини ўрганади. Ижтимоий соҳада гендер аёллар тенглиги, ижтимоий мавқеи масалаларини ўрганиши билан ажралиб туради.

О.Ю.Анфицера таъкидлаганидек, *“Сейчас уже невозможно представить полную картину современной научной мысли без учета феминизма. Его изучение необходимо еще и потому, что феминистская парадигма неизбежно приводит нас к осмыслению ключевых для современного научного знания проблем (изгнанничество, молчание, статус тела, природа желания и т. д.). Современному литературоведу невозможно рассматривать творчество женщин-писательниц без знания того, что и как написано о них в феминистской литературной критике”* [10].

Ҳақиқатдан ҳам, феминистик адабиётшуносликда адиба аёлларнинг нима ҳақида ёзганликларини билмай туриб замонавий адабиётшуносликда аёл ёзувчиларнинг ижодини ўрганишга киришиб бўлмайди.

Бугунги кунда лингвистикасининг янги парадигмаси бўлган гендер лингвистикаси ўз олдида жуда катта ва муҳим вазифаларни ўрганишни вазифа қилиб қўйган. Маълумки,

сўзловчи қайси жинс, қайси тоифа вакили бўлишидан қатъий назар, ҳамма учун ягона бўлган лисоний тизимда энг аввало ўз аксини топади [11:107]. Тилшуносликда аёллар ва эркеклар нутқи, ички кечинмалари қандай лисоний воситалар орқали ифодаланиши, лексик, синтактик, род категорияларини чуқур ўрганиш масаласи гендер тадқиқотларнинг лингвистик йўналишига киради.

Адабиётшуносликда хусусан, бадиий асарларда аёллар руҳияти, ички кечинмаси, жамиятдаги мавқеи, эркек ва аёлнинг коммуникатив нутқи, ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари каби ситуацияларни образлар мисолида очиб берилиши ҳам лисоний воситалар орқали очиб берилади. Ўрганилган материаллар асосида шуни айтиш жоизки, XX аср ўрталарида Россия ижтимоий фанларида гендер лингвистикаси жадал суратларда ривожланган. Дастлаб олимлар, бу масаланинг умумметодологик жиҳатларига эътибор қаратганлар. Алла Кириллина ва Мария Томская гендер атамасига илмий тус бериб, гендернинг тил ва коммуникациядаги лингвистик механизмларини ўрганишга эътибор қаратишга сабаб бўлди. А.Кирилина бу борада қуйидаги фикрни келтириб ўтади:

“Гендер тилшуносликнинг олдида турган асосий мақсад тилда қайси жинс эгаси ҳокимлик қилиши эмас, балки уни тасвирловчи воситаларнинг тилда мавжудлиги, гендернинг қандай прагматик ва коммуникатив контекстда ҳосил бўлиши ва ушбу жараёнга экстралингвистик ва интралингвистик омилларнинг таъсирини ўрганишдир” [12:245].

Феминистик лингвистикада кўпроқ тилни инсонга эмас балки фақат эркекка йўналитирилганлиги учун танқид қилинади. Шу сабабали феминистик лингвистика тилни реформация қилиш масалаласини кўп мартаба ёқлаб чиққан.

Ш.Гулямова *“Гендер – ижтимоий жинс, инсоннинг жамиятдаги ҳуқ-атвори. Бу – аёл ва эркек жиҳатини ўрганадиган ижтимоий меъёр. Баъзида гендер “эркек” ва “аёл” тушунчалари синоними сифатида ҳам қўлланади. Гендер – икки жинс вакиллари ҳуқ-атворининг аниқ стандарти. Ўзбек тилида эвфемизмлар гендер ҳосланганлиги билан характерланади”* дея ҳисоблайди [13].

Юқорида гендер ва жинс, гендеролог олимлар фикри, гендер тадқиқотларнинг фанлараро уйғунлиги, кесишуви, шунингдек, мазкур тушунчалар атрофида фикр юритдик. Демак, хусусан гендер масалаларига адабиётшунослик ва таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашиш, феминист адбилар ижодини ўрганиш ва улар асарлари таржимасини қиёсий таҳлил қилиш масаласи ҳам адабиётшунослик ҳам таржимашунослик соҳасида ўта долзар ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Гидденс Э. Социология. – Москва, 1999. – С. 153.
2. Бобель А. Социализм и жеўина. Москва, 1959. Б.49.
3. Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. Тошкент, 1994. Б.6-7
4. Николаев Н. Кто такой Пифагор. Универсальная энциклопедия. Д.Д.Т2. С.422 423.
5. An Haim. Women and Islam. Oxford. 1997. L;7. P. 31.
6. Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. Очерк истории. (660 1258) Москва, 1986. С.13.
7. Lott, B. (1991). Social psychology: Humanist roots and feminist future. Psychology of Women Quarterly, 15,505-519.
8. Lott, B., & Maluso, D. (1993). The social learning of gender. In A. E. Beall & R. J. Sternberg (Eds.), The psychology of gender (pp. 99-126). New York: Guilford Press.
9. Kirilina A.V. Gendernie issledovaniya v otechestvennoy lingvistike: problemi, svyazannie s burnim razvitiem //Gender: yazik, kultura, kommunikatsiya. - M., 2002. - S.245.
10. Анфицерова О.Ю. Извивы феминистского литературоведения. Москва, 2012.
11. Гулямова Ш.Қ. Гендер тушунчаси ва унинг лингвистикада тутган ўрни. Бухоро давлат университети илмий аҳбороти. 2019/2 (74)/ –Б 107.
12. Кирилина А.В. Гендерные исследования в отечественной лингвистике: проблемы, связанные с бурным развитием// гендер:язык, культура, коммуникация. –Москва, 2002. –С.245.

13. Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари. Фал.фан.док. (PhD)дисс.автореф. –Тошкент, 2020. Гулямова Ш. Ўзбек тили эвфемизмларининг гендер хусусиятлари. Фал.фан.док. (PhD)дисс.автореф. –Тошкент, 2020.

ФАНТАСТИК АСАРЛАР КОМПАРАТИВИСТИК ТАҲЛИЛИДА ТАРЖИМАНИНГ АҲАМИЯТИ

Обиджонова Маъсума Қосимжон қизи

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

таянч докторанти

e-mail: obidjonovamasuma001@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф компаративистика учун аҳамиятли бўлган масала, жаҳон адабиётишунослиги ва ўзбек адабиётишунослигида дуч келинадиган таржима муаммоларни ўрганиб чиққан. Тизимли таҳлил методларидан фойдаланган ҳолда муаллиф муаммонинг туб сабаблари, шунингдек масалага ечим бўлиши мумкин бўлган назарий асосларни кўриб чиқади. Мақолада келтирилган фикрларнинг аҳамияти шундан иборатки, унда таклиф этилаётган хулосалар жаҳон ва ўзбек фантастикашунослигида ягона андозалар қўллаш ва шу орқали компаративистик тадқиқотларни осонлаштириши имконини беради.

Калит сўзлар: адабиётишунослик, фантастика, фэнтези, илмий-фантастика, тўқима, хаёлот, таржима, қиёсий тадқиқотлар

Аннотация. В этой статье автор исследует важный вопрос для сравнительных исследований, в том числе проблемы перевода в мировом и узбекском сравнительном литературоведении. Используя методы системного анализа, автор рассматривает первопричины проблемы, а также теоретические основы, на которых проблема может быть решена. Значимость изложенных в статье взглядов заключается в том, что предлагаемые в ней выводы позволяют применять единые стандарты в мировом и узбекском фантастиковедении, тем самым облегчая проведение сравнительных исследований.

Ключевые слова: литературоведение, фантастика, научная фантастика, фэнтези, перевод, вымысел, воображение, сравнительные исследования

Annotation. In this article, the author explores an important issue for comparative research, including the problems translation in the world and Uzbek comparative literary studies. Using the methods of system analysis, the author considers the root causes of the problem, as well as the theoretical foundations on which the problem can be solved. The significance of the views set forth in the article lies in the fact that the conclusions proposed in it make it possible to apply uniform standards in the world and Uzbek speculative fiction studies, thereby facilitating the conduct of comparative studies.

Key words: literary studies, speculative fiction, science fiction, fantasy, fiction, imagination, translation, comparative studies

Фантастиканинг бадий адабиётдаги ўрнини тадқиқ қилишда фикрлар хилма-хиллигига сабаб бўлувчи асосий омил фантастиканинг ўз номи билан хаёлот устига қурилишидан келиб чиқиши ва ўз навбатида ҳар қандай бадий асар ўз моҳиятига кўра муаллиф тасаввури, хаёлотидан келиб чиқувчи бадий тўқимадан иборат эканлиги дея ҳисоблашимиз мумкин. Айнан мана шу омил фантастика жанридаги асарларнинг бошқа турдаги бадий адабиёт намуналаридан фарқлаб олишни қийинлаштиради. Масалан, инглиз тилида бадий адабиёт тушунчасини англатиш учун “fiction” сўзи қўлланади, унинг луғавий маъноси эса “ўйлаб топилган”, “тўқима” маъноларини бериши ҳам тасодиф эмас. Унга қарама-қарши маънода эса “non-fiction” тушунчаси (документал, фактологик адабиёт) қўлланади.

Изланишлар шуни кўрсатадики, компаративист адабиётшунос учун фантастикага доир илмий тадқиқот олиб боришда, айниқса, гап ўзбек ва америка фантастлари ижодини қийёслаш ҳақида кетганида, асосий назарий муаммолар энг аввало, фантастика атамасининг қўлланишида бир хил андоза (стандарт)нинг йўқлигидан бошланади.

Бунинг сабабларидан бири эса таржимага бориб тақалишини таъкидлаш лозим. Фантастика тушунчасини назарий асослаб беришда бекиёс хисса қўшган Ц.Тодоровнинг 1970 йилда француз тилида ёзилган “Introduction à la littérature fantastique” [Tzvetan Todorov, 1970:4] (ўзб. “Фантастик адабиётга кириш”) асари сарлавҳасининг Ричард Говард томонидан 1973 йилда “The Fantastic: A Structural Approach to a Literary Genre” [Reeder, Roberta; Todorov, Tzvetan; Howard, Richard, 1976:4] (ўзб. “Фантастик: Адабий жанрга структурал ёндашув”) сифатида таржима қилиниши оқибатида инглиз тилидаги адабиётшуносликка “the fantastic” атамаси кириб келади. Ц.Тодоров қўллаган француз тилидаги “fantastique” [Карпова, Анна Вадимовна, 2020:34] атамаси эса рус тилидаги “фантастика” сўзига мос келади ва адабий феноменни ифодалаш учун ишлатиб келинган. Ўзбек адабиётшунослига ҳам ушбу атама рус тилидан кириб келган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, инглиз тилидаги “fantastic” сўзи семантик жиҳатдан рус ва ўзбек тилларидаги “фантастика” атамасидан анча узоқ туради.

Инглиз тилининг изоҳли луғатлари Macmillan [M. Rundell, 2006:203] ва Longman [Adam Gadsby, 2000: 236] «fantastic» сўзини “жуда яхши/ёқимли”, “ғалати”, “ғайритабиий”, “хаёлий” каби маънолар берган ҳолда изоҳлайди, бироқ, бу сўзнинг адабиётга боғлиқлигига келганда фақат (тегишли равишда учинчи ва бешинчи маънолар сифатида ҳамда фақатгина от сўз туркуми олдидан келиши мумкин бўлган тўлдирувчи ўрнида) “fantasy” (“фэнтези”)ни кўрсатиб ўтади.

Бундан фарқли равишда ўзбек тилида “фантастика” энг биринчи навбатда ижодий хаёлот, бадий тўқима ёки ғайритабиий ҳодиса тасвирига асосланган адабий асарлар билан боғлиқ ҳолда ишлатилади. Хусусан, Ўзбек тилининг изоҳли луғати “фантастик” сўзига изоҳ берар экан, “фантастикага оид, борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар нотабиий равишда, муболаға билан тасвирланадиган” деб кўрсатиб ўтади ва “фантастик роман”, “фантастик ҳикоя” каби бирикмаларни мисол қилиб келтиради. “Фантастика” сўзига эса изоҳли луғатда 1) хаёлда, тасаввурда туғилган, ғаройиб, ғайритабиий ҳодиса, образ ва шу кабилар ҳамда уларнинг хаёлий тасвири (халқ эртаклари фантастикаси); 2) шундай образлар тасвирланган бадий ижод тури, жанр (адабиёт, кино, тасвирий санъат) дея таъриф берилган [А.Мадвалиев, 2006-2008: 325].

Ўзбек адабиётшунослигида муқим ўрин эгаллаб бўлган фантастика тушунчасининг инглиз тилидаги эквивалентини топишда 1947 йилда машҳур америкалик фантаст Роберт Ханлайн томонидан биринчи марта қўлланган “speculative fiction” [Robert A. Heinlein, 1947:9-17] атамасини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Роберт Ханлайн бу бирикмани ўзининг ва бошқа баъзи ёзувчилар асарларини “science fiction” (бу атама ўзбек адабиётшунослигида рус тилидаги “научная фантастика” сўз бирикмасининг таржимаси ўлароқ “илмий фантастика” тарзида қабул қилинган) атамасидан фарқлаш учун ишлатган. “Speculative fiction” атамасини ўзбек тилига шартли равишда сўзма-сўз “тафаккур адабиёти” деб таржима қилиш мумкин. Рус тилидаги манбаларда унинг “литературная фантастика”, “умозрительная фантастика” [Левин А. Е., 1976:154], “спекулятивная литература”, “спекулятивная фантастика” [Биро, Ф., 1998:269], тарзида қилинган таржималарини кузатиш мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, кейинги даврда ғарб адабиётшунослари “speculative fiction” атамасини science fiction (илмий фантастика), fantasy (фэнтези), utopia (утопия), dystopia (анти-утопия), horror (хоррор) [Attebry B., 2002:210], supernatural fiction (ғайритабиий адабиёт), apocalyptic fiction (апокалиптик адабиёт), post-apocalyptic fiction (пост-апокалиптик адабиёт), alternate history fiction (муқобил тарих адабиёти), superhero fiction (суперқаҳрамонлар адабиёти) каби жанрлар устида турувчи “соёбон” атама ёки “супержанр” сифатида ишлатмоқдалар.

Атамалардаги муаммоларга бошқача бир ёндашув таклиф қилган америкалик фантаст, “Илмий фантастика энциклопедияси” ҳаммуаллифи Жон Клют ўзининг 2011 йилда нашр этилган “Босқин учун кечиринг: Фантастика дунё бўронида” (“Pardon This Intrusion: Fantastika in the World Storm”) асарида илмий фантастика, фэнтези ва уларга тегишли тагжанрларни ўз ичига оладиган кенг бадиий адабиётни таърифлаш учун бир неча славян (поляк, болгар, чех, рус) тилларида ишлатиладиган “fantastika” атамасини қўллашни таклиф қилади [John Clute, 2011:21]. Бироқ, Клютнинг асари нисбатан яқин вақт ичида чоп этилгани туфайли ҳали бу таклиф ғарб адабиётшунослигидан “speculative fiction” атамасини сиқиб чиқара олганича йўқ.

Шундай қилиб, бугунги кунда инглиз тилидаги адабиётшуносликда биз фантастика деб атайдиган адабиёт жанрларини ифодалаш учун олимлар томонидан бир неча атамалар ишлатиб келинади. Бироқ, айнан мана шу атамаларнинг кўплиги ва турфа хиллиги инглиз тилида бизнинг тушунчамиздаги фантастик адабиётни англатадиган умумий, универсал атама йўқ эканлиги ҳақида хулоса қилишимизга имкон беради. Бироқ, ушбу тадқиқот ишимиз давомида биз тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, инглиз тилида қўлланиладиган “speculative fiction” атамаси бизнинг адабиётшуносликдаги фантастика тушунчасига эквивалент келади деб ҳисоблаймиз. Ўз ўрнида Жон Клютнинг юқорида келтирилган таклифига қўшилган ҳолда ғарб адабиётшунослигида кейинчалик “fantastika” атамасининг “speculative fiction” атамасининг ўрнини эгаллаши кўплаб чалкашликларни бартараф қилишга ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Адабиётлар

1. Tzvetan Todorov, Introduction à la littérature fantastique, Paris, Le Seuil, 1970. 194 p.
2. Reeder, Roberta; Todorov, Tzvetan; Howard, Richard (1976). "The Fantastic: A Structural Approach to a Literary Genre". The Slavic and East European Journal. 20 (2): 186. doi:10.2307/305826. ISSN 0037-6752. JSTOR 305826.
3. Карпова, Анна Вадимовна, Формы презентации фантастического во французском романе XX века (на примере романов Ж.Грака и Р.Баржавеля), автореф. дисс.канд.фил.наук, Москва, 2020 г.
4. Macmillan English Dictionary for Advanced Learners / edited by M. Rundell. – London, UK: Macmillan Education, 2006. – p. 503
5. Longman Active Study Dictionary / edited by Adam Gadsby. – Essex: Pearson Education Limited, 2000. – New Edition. – p.236
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2006-2008 йй., 325-б.
7. Robert A. Heinlein, On the Writing of Speculative Fiction in Of Worlds Beyond: The Science of Science-Fiction Writing ed. by L. A. Eshbach, Fantasy Press, 1947, pp. 9-17.
8. Левин А. Е. Англо-американская фантастика как социокультурный феномен/ А. Е. Левин // Вопросы философии. – 1976. – № 3. – С.154.
9. Биро, Ф. Что такое научная фантастика? / Ф. Биро, Ж.-К. Риб // Досье внеземных цивилизаций. — М. : Крон-Пресс, 1998. — 269 с. — (Таинственный мир). — ISBN 5-232-00740-8.
10. Attebery B. Decoding Gender in Science Fiction / B. Attebery. – New York: Routledge. – 2002. – 210 p.
11. John Clute, “Pardon This Intrusion: Fantastika in the World Storm”, Harold Wood: Becon Publications, 2011, ISBN: 978-1-870824-60-6, Pp. 19-31

THE TRANSLATION FORM OF CONFECTIONARY TERMINOLOGY BY TRANSCRIPTION WAY, BY TRANSLITERATION AND BY GIVING DEFINITION

Safarova Farida Normurotovna
Termiz State University

Abstract. *The given article deals to study the translation form of confectionary terminology by transcription way, by transliteration and by giving definition.*

Key words: *terms, words, transcription, transliteration, translational transformations.*

Аннотация. *Данная статья посвящена изучению формы перевода кондитерской терминологии путем транскрипции, транслитерации и определения.*

Ключевые слова: *термины, слова, транскрипция, транслитерация, переводческие преобразования.*

Annotatsiya. *Ushbu maqola qandolat terminologiyasining tarjima shaklini transkripsiya, transliteratsiya va ta'rif berish orqali o'rganishga bag'ishlangan.*

Kalit so'zlar: *atamalar, so'zlar, transkripsiya, transliteratsiya, tarjimali transformatsiyalar.*

The important merit is attempt to systematize various ways of transfer, that later has been used at the description of translational transformations with which help translation process is carried out. As practice shows, reception of a transcription (transliteration) is while translating used at some cases: on the one hand, he demands presence from the term of a certain sound system and the termination promoting the subsequent formation of case forms of a noun; with another, the limited inclusion of loan in system of concepts of corresponding area is necessary. One of the basic advantages of a transcription as reception is the maximum brevity, that in some cases is a transcription principal cause.

Main principles of translational strategy are based on a number of the techniques breaking formal similarity of transfer to the original, but providing achievement of higher level of equivalence. Thus, besides the specified receptions of transfer (the tracing-paper, descriptive transfer), also can be used lexical transformations. Most widespread the following: addition reception, omission reception, replacement reception.

L.S.Barkhudarov has reduced all kinds of transformations or the transformations, carried out in translation process, to four elementary types, namely:

➤ Shifts which, in its opinion, included such problems as change of a word order and word-combinations in a sentence structure, change of a sequence of parts of a compound sentence.

➤ Replacements, L.S.Barkhudarov carried replacement of forms of a word, replacement of parts of speech, replacement of sentence parts, syntactic replacements to this type in a compound sentence, association of offers, offer partitioning, a concrete definition, generalization, replacement of a consequence with the reason and on the contrary, anthromorphic transfer, indemnification.

For many years of the existence translational practice has shown, that the most widespread receptions of transfer are:

1. A transcription, a transliteration
2. A tracing-paper
3. Descriptive (explanatory) transfer.

These ways can be applied and separately, and combined. Let's note, first of all, that in general it is possible to plan two ways of transfer on which the translator follows: transfer direct or literal and transfer indirect (indirect). Really, the case when the message on the source language is perfectly translated in the message on a target language for it is based on parallel categories (structural parallelism), or on parallel concepts (metalinguistic parallelism) can take place.

Translation of confectionary terms by transcription: Biscuit [biskwit]- Biskvit: cho'zma biskvit, shakarli biskvit, ko'pchitilgan biskvit, Mousse [mu:s]- Muss.

Translation of confectionary terms by transliteration: Biscuit- Biskvit, Éclair-(pirog turi) ekler.

Translation of confectionary terms by definition: Popcorn [‘p p,k :n] a food made from dried grains of maize that swell when they are heated. [Macmillan English Dictionary for advanced learner,1094p,2002]

Bodroqqand – sirti shakar bilan undan bodroqqa o’xshatib yasalgan ichiga mag’iz yoki no’xat solingan shirinlik. [O’zbek tilining izohli lug’ati 1-jild,296b]

Zephyr – confectionary sweet, the type of marmalade. This term must be given by definition in contexts.

Zefir – 1) o’ziga xos ensiz bo’ylama yo’llari bo’lgan ip-gazlama. Bo’ylama yo’llarni yo’g’on tanda iplari yoki rangli iplar hosil qiladi. Zefirdan asosan, erkaklar ko’ylaklari tikiladi; 2) qandolatchilik mahsuloti, shirinlik. Marmeladning bir turi. Turli ho’l mevalarga qiyom pectin moddalar ovqatga ishlatiladigan kislotalar, xushbo’y va rang beruvchi moddalar qo’shib tayyorlanadi. [O’zbekiston milliy ensiklopediyasi 4-jild 8b,2002]

Some kinds of translation are found because of the differences and similarities of the source structures, different kinds of text that are going to be translated and different purpose of translation. In this article we write about translation of confectionary terms by transcription, by transliteration, and translation of confectionary terms by definition from English into Uzbek.

Literature

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод.— М., 1975г.
2. Macmillan English Dictionary for advanced learners,-2002
3. O’zbekiston milliy ensiklopediyasi 4-jild 8b,2002
4. O’zbek tilining izohli lug’ati. 80000 dan ortiq so’z va so’z birikmasi. 5 jidli, Toshkent “O’zbekiston Milliy ensiklopediyasi” davlat ilmiy [O’zbek tilining izohli lug’ati 1-jild,296b]

III. BADIY MATNNI TALQIN VA TARJIMA QILISH MUAMMOLARI

ERLKÖNIG – ЎРМОН ШОҲИ ЭМАС

Хуррам Рахимов, ЎзДЖТУ профессори,
Гулрух Рахимова ЎзДЖТУ,
Ўзбекистон, Тошкент
e-mail: gulya81@mail.ru

Аннотация: Мақолада таржимачиликда учрайдиган долзарб муаммолардан бири сарлавҳа таржимаси, адабий алоқалар ва реалияларни ва шу билан бирга реалияларда акс этган бадий образларнинг қайта гавдалантириши масаласига бағишланган

Калит сўзлар: адабий алоқалар, олмон адабиётидан таржималар тарихи, сарлавҳа таржимаси, таржима муаммолари, реалиялар, образли ибораларни қайта гавдалантириши.

Таржимачилик амалиётида ўз таҳлили ва таржимасида собит қоладиган жуда кўп принципаал таржимонларимиз бор. Масалан, олмон шеърятининг гул образига бағишланган *Blumen auf den Weg gestreut* шеърый антологиясини шоира Шарифа Салимова “Ўўларингга гуллар сочилсин” деб ўта муқобил ўзбекчалаштирган. Бироқ бу каби муқобил ўгирувлар билан бир қаторда аслият номини ўзгартирувчи таржимонлар ва ноширлар ҳам кўпайиб бормоқда.... Асар сарлаасининг тўғри ва эгри таржималари ҳақида биз аввалги мақолаларимизда муҳокама қилганмиз. Ҳозир эса яна бир қизиқ мисолга мурожаат қилмоқчимиз. Гап ушбу мақола сарлавҳасида қайд қилинган олмон шеърятти қироли Й. В. Гётенинг 1782 йилда ёзган **Erlkönig** балладаси таржимаси ҳақида. Бу баллада кўпчилик олмон тили ўқитувчиларига таниш асар.

Erlkönig мавзусини олмон адабиётига Гётедан аввал дастлаб Йоханн Готфрийд Хердер даниялик *Ellerkonge* балладасини олмончага таржима қилган ҳолда олиб кирган. Балладада ёвуз руҳ образи “*Эрле қироли*” сиймосида гавдалантирилган. Шундан сўнг бу шеър дунёнинг кўпчилик тилларига 41 марта таржима қилиниб машҳур бўлиб кетган. Жумладан, рус шоирлари В. Жуковский, А.Фет уни русчага ағдарган, русча таржима орқали ўзбек тилига ҳам кўпчилик ўзбек шоиру таржимонлар, жумладан, Миртемир, А.Суюн, Ш.Салимова, Ш.Имяминова ва бошқалар томонидан таржима бўлган.

Камина бирор таржимага мурожаат қилсак, даставвал унинг сарлавҳасига қизиқамиз ва уни дарҳол тескари таржима қилиб аслиятини топишга ҳаракат қиламиз. Шу балладанинг Erlkönig сарлавҳасини русча *Лесной царь* ва ўзбекча *Ўрмон шоҳи* бирикмаси тарзидаги русча ва ўзбекча таржималарда учратиб, уни тескари(яъни таржима тилидан аслият тилига) таржима қилсак, сарлавҳа *Waldkönig* га айланиб қолди. Аслиятда эса бундай сўз йўқ. Шу номни Гётенинг ўзи ҳам қўйиши мумкин эдику?! Бироқ ўрмонда *Эрле* дан кўра баландроқ ва баҳайбатроқ дарахтлар сон-саноксиз! Бу ўгирмада ўрмон ботқоқликларда ўсувчи Оврупода машҳур *Erle* деган дарахт турининг номи йўқолиб қолмоқда. *Эрле* дарахти олмон ўрмонларининг ботқоқлик ҳудудларида ўсувчи 300 дан зиёд дарахт турларидан бири бўлиб, бошқа дарахтларга нисбатан анча тўқ яшил ва ҳатто қорамтир тусдаги, кеч кириши билан ва тун давомида қоп-қора рангга кирувчи ваҳимали кўринишдаги бир дарахт нави бўлиб, олмонларда бу дарахт ваҳималилик, сеҳрлилик ва ҳатто ёвузлик рамзи ҳисобланади, чунки ботқоққа тушиб қолган одам ва ҳайвоннинг ташқи ёрдамсиз ундан чиқиб кетиши амри маҳол-да. Русларда бу дарахтнинг номи *Ольха* бўлиб, айрим русча таржималарда балладанинг номи таржимаси *Ольховый король*, ёки *Король Ольх*, *Король Ольхи* ёки ҳатто *Корол Эльфов* деб ҳам юритилади. Тожик тилига эса *Эрле роздор* шаклида, *Эрлкёниг* сўзи эса *шоҳи чангалҳо* деб ўгирилган...У қирқилса, танаси қонаган жонивор танаси сингари қизариб, ундан қип-қизил қон рангли суюқлик оқади ва шу сабабдан ҳам у ваҳимали туюлади. Дания ва олмон фолклорида бу дарахт *ўлим рамзи* сифатида тушунилади. У

ўлаётган инсон кккўз олдига ўлим хабарини келтирувчи махлуқ сифатида пайдо бўлади. Бу баллада Оврупо ва олмон маданияти тарихида мустаҳкам ўрин олган ва унинг таъсирида ғарб адабиёти ва санъатида шу номли кўплаб лирик, дарматик ва прозаик асарлар яратилганлиги бежиз эмас.

Бу баллада кўплаб ўзбекча таржималарда *Ўрмон шоҳи* шаклида ўгирилган, аниқки русча таржималари *Лесной царь* таъсирида. Бироқ русча-ўзбекча луғатга мурожаат қилсак, унда *Ольха* сўзи **ольха**, **зирк** каби ўзбекчалоштирилган. Бу чалкашликми ёки луғатшуносларнинг топилмасими? Ахир зиркни тескари таржима қилсак, у барбарис бўлиб қолмайдими? Демак балладанинг сарлавҳаси ҳам *Ўрмон шоҳи* деб эмас, **Зирк шоҳи** деб номланиши керак эканми? Ғалатироқ, а ? Қулоққа ёқмаяпти...Қолаверса, *зирк* ва *роздор* нималигини ботқоқли ўрмонларга бормаган ўзбек ва тожик қандай тасаввур қилсин!? Демак олмонча аслиятдаги бу *Erle* сўзи реалия, яъни бошқа миллат ва элатга мансуб *хос сўзлардан* бири экан ва уни биз таржимада транслитерация усули билан ўгириб, сарлавҳани **Эрле шоҳи** каби ўзбекчалоштириб, саҳифа тагида изоҳини беришимиз афзалроқ эмасми? Бироқ **биринчидан** *Ўрмон шоҳига* ўрганиб қолган кўзу-қулоқларимиз янгича таржимага дафатан кўникиши қийинроқ кечади. **Иккинчидан**, ўша **Эрле** дарахти ўрмондаги ўз мавқеи ва вожаҳати билан балки ҳақиқатан ҳам ўрмоннинг шоҳидир, яъни ҳукмдоридир? Шу сеҳр-синоати билан у ўрмондан ўтаётган бегуноҳ гўдакнинг ўлимига сабаб бўлганлигидан шоир уни шу мақомда номлагандир?! Агар таржиманинг талаби унинг тушунарлилиги ва образларнинг муқобил қайта яратилиши бўлса, балладанинг сарлавҳаси таржимаси дастлабки *Ўрмон шоҳи* шаклида қолгани маъқулроқдир? Бироқ битта реалия, яъни оврупо дарахтининг номи таржимада йўқолиб қолаяптику? Нотўғри таржима ва сиёсий саводсизлик туфайли **дойч** деган бутун бир миллий тил ва халқнинг номи бошқа мамлакатларда йўқолиб ва чалкаш айтилиб келмоқдаку! Ҳар битта таржимада биттадан хос сўзлар йўқолаверса, барча таржималар натижасида бошқа миллатга етиб бормаган миллий сўзлар сонининг ҳисобига ким етади? Сиз нима дейсиз, зукко қаламкаш ҳамкасблар?

Таржима тарихида бу каби муаммоли ва янглиш таржималар кўп эканки, Й. В. Гётенинг шоҳ асари бўлмиш ФАУСТ фожияномаси рус тилига 17 марта таржима қилинган бўлса, олмонларга кўшни мамлакат фарангларда 27 марта, жами бошқа 51та ривожланган тилларга қайта-қайта ўгирилгани бирор-бир таржима нуқсонсиз бўлмаслигидан далолат беради. Ўз асари “*Die Leiden des jungen Werther*“ ни фаранг тилида ўқиган Гёте роман таржимаси олмончадан кўпроқ ўқимишли бўлганини, у ҳатто император Наполеонни йиғлатганидан мамнун бўлган экан. “*Ёш Вертернинг изтироблари*”ни ўзбекча ўқиганда у қай аҳволга тушишини тасаввур қилаверинг...**Erlkönig**ни энди ким ва қандай қайта таржима қилар экан? Русча таржимасидан ўгирган Муҳаммад Али бу баллада номини *Алвасти* деб ўзгартириб, бунга қуйидагича изоҳ берганлар: * Шеърнинг асл номи “Ольха қироли”. Рус таржимони “Лесной царь” дея таржима қилади. Мазмунидан келиб чиқиб “Алвасти” деб ўгирдик (изоҳлар таржимонники)”. Шеърнинг асл номи Олха қироли эмас, албатта. Балладаси номини Гёте олмон тилида *Erlkönig* деб атаган. Буни рус таржимони шундай деб талқин қилган. Изоҳ ва шарҳ бизники Х.Р.)

Ҳар бир янги (қайта, такрорий) таржима аслиятга яқинлашишга ва уни тушуниш сари қўйилган навбатдаги дадил қадам деб қаралмоғи лозим! Бу ҳоят мушкул ва айни бир пайтда савоб иш-ки, таржимачиликда бундан муҳимроқ юмуш йўқ. Таржимонлар ўз таржималарини узил-кесил бенуқсон деб ўйламай, ўз таржималарига билдирилган танкидий муносабат учун мунаққиддан хафа бўлмай, унга миннатдор бўлишни ҳам қарз, ҳам фарз деб билсалар, улардан Тангри ҳам, аслият муаллифи ҳам, таржиманинг китобхони ва танқидчиси ҳам сидқидилдан рози бўлгусидир.

ҲАЁТ ЙЎЛИ ТАНЛОВИ МУАММОЛАРИ

Баҳодир Холиқов,
PhD, доцент (ТошДЎТАУ)
(Ўзбекистон, Тошкент)

Аннотация. Ушбу мақолада детектив адабиётида ҳаёт йўли танлови муаммолари ҳақида илмий хулосаларга таянган ҳолда Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” (Godfather) ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида сўз юритилади.

Калим сўзлар: мафия, Сицилия, omerta, Нью-Йорк, оилавий синдикат, Вито Корлеоне, Асадбек, коммунизм, Марио Пьюзо, “Чўқинтирган ота”, Тоҳир Малик, “Шайтанат”

Аннотация. В статье анализируется проблема выбора жизненного пути в детективной литературы с помощью научных выводов. К примеру обращается произведение Марио Пьюзо “Крестный отец” и Тахира Малика “Шайтанат” в детективного жанра.

Ключевые слова: мафия, Сицилия, omerta, Нью-Йорк, мафиозный клан, Вито Корлеоне, Асадбек, коммунизм, Марио Пьюзо, “Крестный отец”, Тахир Малик, “Шайтанат”.

Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” романи бош қаҳрамони Вито Корлеоне ва Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари бош қаҳрамони Асадбек ҳаёт йўлини қандай танлаган? Ўзи уларда танлаш имкони бўлганми?

1949 йилнинг 31 декабри куни тунда НКВД ходимлари Асадбекнинг Иккинчи жаҳон урушида Югословия партизанлари сафида жанг қилиб келган отасини олиб чиқиб кетаркан отасини “халқ душмани”, боланинг ўзини “илонвачча” деб ҳақорат қилади. Ўша мудҳиш кун Асадбекка “ҳаёт бешафқат, ҳаёт нақ урушнинг ўзи, оғзингни очиб лалайганинг – ўлганинг”, деган ҳақиқатни ойдин қилиб берган эди. Ўша куни у урушга кирган эди” (1-жилд, 10-бет).

Вито Корлеоненинг жиноят оламига кириб келиши эса ганстер – Фануччининг унга нисбатан қилган адолатсизлиги оқибатида оиласи таъминоти тўхтаб қолганидан сўнг бошланади. Бироқ, ҳар иккала қаҳрамон каби жамиятда минглаб, миллионлаб адолатсизликка учраганлар бор бўла туриб, нега айнан улар шу йўлга кирганлари ҳақида ўйлар эканмиз, жиноятчининг шаклланишидаги энг катта шароит бу ён-атрофдагиларнинг бефарқлигига боғлиқлигини англаб етиш мумкин.

Агар одамнинг тийнатида поклик бўлса, у ҳар қандай оғир вазиятда ҳам нопок йўлни танламайди.

– Ундай деманг, иним, ўша замон нима учун сиз билан мени йўлдан чиқармади? Куш қаерга ин қуришни билади, а? Демак, яшашдан мақсадини ҳам билади. Наҳотки, жонзотлар орасидаги энг олийи ҳисобланмиш инсоннинг куш билган нарсасига фаҳми етмайди? (3-жилд, 283-бет).

Бу гаплар Абдурахмон табибнинг Муҳиддин отага айтганлари. Ана шу инсонлар шўродан энг кўп жабр кўрган жабрдийдалар эди. Шўро ҳукуматини сира ҳам тан олмаган, лекин жиноятга асло яқинлашмаган. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор: бошига шўришлар тушган чоқда улар ҳарна эсини танишга улгуриб, оқ-қорани ажратадиган бўлиб қолган эди. Вито билан Асадбек эса ҳеч қандай тарбия кўрмаган, улар болалигиданоқ фақат қандай қилиб бўлмасин жон сақлаш ҳаракатида яшаган.

Ҳар иккала асар қаҳрамонларининг ахлоқий-психологик принциплари ҳақида фикр юритар эканмиз, Асадбек ва Корлеоненинг ҳаёт тарзи, дунёқараши, эътиқоди ва энг муҳими, шахсий хусусиятлари кўп жиҳатдан айрича эканини кузатишимиз мумкин. Лекин шунга қарамай, улар ўртасида ўхшашликлар ҳам мавжуд.

Вито ҳам, Асадбек ҳам отасиз улғайди. Қайси миллатда бўлишидан қатъи назар отасиз ўсиш бола тарбиясига салбий таъсир этмай қолмайди.

Асадбек кўзи олдида НКВД ходимлари отасини олиб кетади. Шу бўйи у қатағонга учраган отасини бошқа кўрмайди. Витонинг отасини эса кўз ўнгида мафиячилар отиб кетади. Отадан айрилиш Асадбек қалбида бутун умрлик қасос алангасини ёқади ва қасос олиш унинг ҳаётий аъмолига айланади.

Витонинг ҳам қалбида қасос ўти бор эди. Асадбек ҳам Вито ҳам қасос олиш учун одам кучли бўлиши керак деб ҳисоблайди ва ўз навбатида бу кучнинг энг асосий омили моддий бойликда деб билади.

Дон Корлеоненинг ҳам Асадбекнинг ҳам асл мақсадини бирданига илғаб олиш мушкул. Ҳатто унинг энг яқин, фаросатли, садоқатли маслаҳатчилари ҳам баъзан буни англай олмай қолади, натижага эришилгач эса ўз хожаларининг нақадар узоқни кўзлаб ҳаракат қилишига лол қолади. Дон Корлеоне ўғли Сантинонинг қотилларидан қасос олмасликка сўз берди, бундан ташқари уни отиб кетишларига сабаб бўлган шартга – қора дори билан қўлга тушганларга судьялар камроқ муддат беришларини сўрашга ҳам рози бўлди. Бу гўё мағлубиятни тан олиш эди. Вокеликда ана шундай ҳам бўлди. Бу орада у ўз ишларини ўғли Майклга топшириб, ўзи боғдорчилик билан шуғулланди. Корлеонелар ўз оилавий синдикатларини ғарбий соҳилга кўчириш учун астойдил ҳаракат бошладилар. Нью-Йоркдаги мулкларига путур ета бошлади. Ҳатто асосий даромад манбаи бўлган “Женко пура” савдо компаниясини ҳам сотиш пайига тушади. Бу ҳолат Таттальялар оиласи ва уларнинг маслакдоши Эмилио Барзини таъсир доирасининг кучайишига олиб келади. Айни дамда улар Корлеонелар ўнганмас даражада инқирозга юз тутди, деган хулосага келиб, анча хотиржам тортиб қолади.

Қасос они етиб, у ижро этилганда эса, Майкл ҳам Том Хейген ҳам дон Вито Корлеоненинг заковатига лол қолади. Том доннинг бу тахлит йўл тутиши замирида пинҳоний режа борлигини пайқаган бўлса-да, лекин бунчалик пухта режа ўйланганини тасаввур қила олмаган эди. Бу қадар аниқлик уни ҳам ҳайратда қолдирди.

Асадбек дастлаб отасини олиб кетганларни ўлдириб қалбида узоқ ёнган қасос ўтини ўчирмоқчи бўлди. Лекин унинг қалби бу билан таскин топа билмади. Қасос деган тушунча уни ҳар қадамда таъқиб қилар эди. У энди Ҳосилбойвачча, Кесакполвон, Хонгирей ва Моргаш каби қасос олиши лозим бўлган душманларга кетма-кет йўлика бошлади. Унинг ҳам ҳар бир қасоси худди дон Корлеоненики каби пухта ўйланган бўлар эди. Айниқса, хиёнат йўлини тутиб, ўз елкадоши Махмуд – Чувриндига суиқасд қилган Ҳайдардан олинадиган ўч учун Асадбек худди Корлеоне каби ўзини четга тортди, болохонасидаги кўриқчиларга ҳам рухсат бериб юборди. Ҳатто бир гал таксига ўтириб, хотини Манзура билан кўриқчиларсиз ресторанга кириб тамадди қилди. Бу ҳаммаси шернинг ҳамладан олдин бир-икки қадам ортга тисарилиши каби эди. Бу ҳолат Асадбек учун болалигидан маълум услуб, у муштлашган кезлари рақибини бир карра “уйғурча тепиш” билан хушидан кетказарди. Бундай тепиш учун эса, бир икки қадам ортга тисариларди.

Ниҳоят қасос они етганда эса, ҳар қандай ёвуз ва эҳтиёткор одам ҳам Асадбекнинг ҳамласидан омон қолмасди. Ахир унга жиноят олами “Ўқ илон” деб бекор лақаб қўймаганди.

Асадбек ҳам, Вито ҳам табиатан оғир босиқ, ўйлаб иш кўрадиган, қонли можародан кўра, дипломатик йўл тутишни афзал кўрувчи мафия оталаридир. Айни дамда улар ўзидан кимнидир ўзларига душман деб билмайди. Улар ўзларига тиг ўқталганларни душман ҳисоблайди. Бинобарин, ҳар иккала мафия отаси ҳам одамларга ортиқча дўқ-пўписа қилмай ўз талабларини шундай қўядики, бунда бошқаларнинг манфаати ҳам кўзда тутилган бўлади. Масалан, Асадбек Ҳосилбойваччанинг хоинона ҳаракатларини сезса-да, у билан тинч музокара олиб боришни, ҳатто Фарғона ҳудудидаги ишларни унга топширишни ўйлайди. Лекин нафси ҳакалак отган Ҳосилбойвачча Асадбекдан миннатдор бўлиш ўрнига унга чоҳ қазишда давом этади.

Вито Корлеоне ҳам куёви Карло Риццининг ўғли Сантино ўлимида иштироки борлигини билса-да, уни оиласи бағрига олиб, жиддий иш топширади ва қасридан унинг учун алоҳида уй ажратади.

Яна бир нуқтага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, ҳар икки қаҳрамон ҳам ўрмон қонунига асосланиб ҳаёт кечирса-да, гиёҳвандлик савдоси билан шуғулланишни ундан-да тубан иш деб билади. Айни шу ишга аралашмагани сабабли кучли зарбага учрайди. Дон Корлеоне ҳам, Асадбек ҳам ўғлидан ажралади, ўзларининг ҳаёти хавф остида қолади.

Корлеоненинг “оила ичидаги қарама-қаршиликларни дунёда ҳеч ким билмаслиги керак”(105-бет), деган ақидаси италиян миллатининг азалий қадрияти, *omerta* – “сир сақлаш” қонунига бориб тақалади. Бизнинг халқимизда “Уйдаги гапни кўчага олиб чиқма” деган нақл бор ва бунга ҳар бир оила амал қилади. Асадбек оиласида ҳам шунга амал қилинади.

Вито Корлеоне ва Асадбек образлари бир-бирига қанчалик ўхшамасин, уларнинг характери ва дунёқарашида, хатти-ҳаракатларида, албатта, ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Вито Корлеоне ҳаётга анчайин фалсафий боқувчи шахс. У айтган фикрлар ҳар қандай кишини ўзига жалб қилади.

Улар ҳатто “қанотли иборалар” номи билан “Википедия” энциклопедик луғатига ҳам кирган:

- Мен шундай бир нарсани таклиф қиламанки, у қандай қилиб кўниб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади
- Қасос – шундай таомки, совигани сайин ширин бўлади.
- Ҳеч ажабланарли жойи йўқ, бу шунчаки бизнес.
- Дўк уриш, дағдаға қилиш ўз сирини фош қилиб қўйишнинг энг аҳмоқона қўпол усули, тийиб бўлмайдиган кўр-кўрона баджаҳллик эса, энг хавfli тентакликдир.
- Дўстлик оиладан сал пастроқ туради, холос.
- Қўлида портфели бор бир қонуншунос, қўлида автомати бор юз нодонга нисбатан кўпроқ нарсани ўмариб кетади.
- Душманинг камчилигининг ошириб кўрсатгани, дўстинг фазилатларингга етарли баҳо бера олмаганлиги сен учун вазиятларнинг энг қулайидир.
- Ўзинг ҳурмат қиладиган одамларга “йўқ” деб бўлмайди. Жавобинг худди “Ҳа” дегандек эшитилсин ёки шундай йўл тутгинки, унинг ўзи “Йўқ” десин.
- Дўстларни яқин тутиш керак, душманни янада яқинроқ.

Бу каби фалсафий сўзларни Асадбек ишлатмайди. Бунга унинг тоби-тоқати ҳам йўқ.

Умуман олганда, детектив асар қаҳрамонлари, айниқса, салбий образлар борасида фикр юритилганда масаланинг маънавий-ахлоқий жиҳатларига эътиборни қаратиш лозим. Таъкидлаш жоизки, бу икки образ китобдаги воқеликда қандай мавқеъ ва нуфузга эга бўлмасин, улар барибир “шайтанат” оламига мансуб шахслардир. Улар ҳаётида қанчалик ижобий жиҳатлар, ўрнатилган қўрсатқучдек фазилатлар бўлишига қарамай, улар ўзлари ошно бўлган оламдан ўз ихтиёрлари билан воз кечувчи кишилар эмас. Айни шу нуқтаи назардан, ҳар иккала образ борасидаги фикрлар ҳулосасида битта яхлит тушунча устувор бўлиши керак. У ҳам бўлса, барча жамиятлардаги қора кучларга нисбатан ҳақли равишда танқидий назар бирламчи бўлмоғи лозим. Зеро, улар мансуб олам жамият қонунларга зид ҳаракатланади ва фақат ўзларига хос бўлган “адолат”ни тан оладилар.

Бу икки образ орқали асардаги воқеликларда ижобий хусусиятлар балқиб кўриниб қолади. Ана шу ижобийлик киши онгига шу қадар кучли таъсир эта бошлайдики, беихтиёр ўқувчи уларга яхшилик тилай бошлайди. Аммо бир нуқтани эсдан чиқармаслик лозим.

Икки қаҳрамон ҳам ўзлари мансуб “шайтанат” оламидан воз кечган тақдирда узоқ яшай олмаслигини билади. Шунинг учун, улар фарзандларининг бу оламга киришини сира истамайди, уларнинг янги замон кишиси бўлиб етишиб, эмин-эркин яшашини орзу қилади.

“Болаларимиз бизнинг изимиздан боришини ҳеч биримиз хоҳламас эдик. Чунки бизникига ўхшаган ҳаёт бениҳоя оғир. Мана масалан, менинг ҳам невараларим бор. Невараларимни болаларидан биронта губернатор ёки ҳатто президент бўлмайди деб ким айта олади. Бу ерда, Америкада имконияти йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Фақат замонга ҳамоҳанг қадам ташлаш керак. Отишмалар, пичоқбозликлар даври ўтди. Корчалон одамлар эканмиз,

акл-заковат билан, зийраклик билан иш тутадиган пайтимиз келди. Бунинг ўзимизга ҳам, болаларимизга ҳам, невараларимизга ҳам кўпроқ фойдаси тегади”(297-298-бетлар).

“Асадбек ўзини бир дон чўқиб, бир атрофга хавотир билан аланглаб қўядиган мусичага қиёс қиларди. Ўғилларим ўзимга ўхшаб умр бўйи қил кўприк устида яшашмасин, деб болаликларидан ўқишларига жиддий эътибор берди. Юқори синфга чиқишгач, қўшимча муаллимлар ёллади. Ўғилларини сира ҳам ўзининг ишлари, ташвишларига яқинлаштирмади. Олдинма-кейин мактабни битирган ўғилларининг Москвада ўқишларини истади. Сўнг, Германияга бориб ўқиш имкони туғилгач, ҳеч иккиланмай жўнатди. Манзуранинг хавотирларига ҳам, инжиқликларига ҳам парво қилмади” (325-бет).

Қаҳрамонларнинг руҳий кечинмаларини уларнинг бевосита оиласи билан боғлиқ муносабатларсиз тасвирлаб, таҳлил этиш мушкул. Ҳар икки асар воқеаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, икки давр ва икки миллат вакили бўлган мафия сардорлари оилавий масалалардаги қарашларида уйғунлик сезилади.

Асадбек ҳам Вито ҳам болаларига меҳрибон эди.

– Ишонасанми, у бирон марта марта менга, ё Соннига ёки Фреддига қўл теккизганини эслай олмайман. Конни ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Унга ҳатто бирон марта пўписа ҳам қилмаган. Энди Том, менга тўғриси айт, сенингча дон ўз қўли билан ёки бошқалар қўли билан нечта одам ўлдирган? (155-бет)

Асадбек ғанимлари учун тошбағир, фарзандлари учун ғоят меҳрибон эди (12-бет).

Қаҳрамонлар бу борада деярли бир хил йўл тутади. Аёлларга бўлган муносабат масаласида ҳар икки мафия сардори аёлларни ўз ишларига аралаштирмайди. Аёллар ҳам ўз навбатида бу ишлар ўзларининг ҳадди эмаслигини англаб етган.

Аёлларга ишқибозлик масаласида эса Витонинг Асадбекдан устунлиги бор. Асарнинг бирор бобида унинг бирорта аёлга ўралашгани айтилмайди. Уни биладиганлар юксак ахлоқли инсон сифатида ҳурмат қиладилар. “Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслиги билан одамлар орасида мақолга айланиб кетган дон Корлеоне (унинг семиз бақалоқ хотини бунга парво ҳам қилмасдан бошқалар билан теппа-тенг қичқирарди) аста уйга кириб кетди” (16-бет).

Оила масаласида икки асар қаҳрамонларининг руҳан бир-бирига яқинлиги одамзодга хос умумбашарий қадрият асосида юзага келган, дейиш мумкин.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш мумкинки, Асадбек ва Корлеоненинг миллати ва макони бошқа бўлса-да, иккиси ҳам бир оламнинг – шайтанат оламининг ҳукмдорларидир. Айни шу жиҳат улар руҳиятини бирлаштириб турувчи омил ҳисобланади. Миллий қадриятлар ҳамда муҳит ва давр турфалиги улар орасидаги тафовутнинг асоси ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Марио Пьюзо. Чўқинтирган ота ёки мафия сардори, рус тилидан Т.Адашбоев, М.Ўринбоев таржимаси. Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2010 йил, 105, 297-298, 155, 16-бетлар.
2. Тоҳир Малик. Шайтанат. Беш жилдлик. Т., “Шарқ” нашриёт -матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 1992, 1-жилд, 10, 12-бет; 2006, 3-жилд, 283-бет; 2006, 2-жилд, 325-бет.

БАДИЙ ЛИРИК МАТН ТАРЖИМАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Буматова Аидахон Мергановна,
ТошДЎТАУ камта ўқитувчиси, PhD
aidabumatova@gmail.com*

Аннотация: умумий олинган шеърий матнларининг бир-тилдан бошқа тилга таржима қилиш жараёнида пайдо бўладиган масалалар муҳокама этилган. Шеърий таржимага оид назариялар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: шеърий таржима, поэтика, ритм, шакл, мазмун, вазн, поэтик бўёқдорлик, тағмаёно.

Abstract: the article discusses some of the problems that occur during the translation of poetic genres in general. It provides with general insides of the theory of the poetical translation.

Key words: poetic translation, poetics, rhythm, form, meaning, foot, poetic embroidery, pragmatic meaning.

Аннотация: в статье рассматриваются основные проблемы возникающие при переводе поэтических жанров в целом. Данная статья собрала основны теории перевода поэтического текста в целом.

Ключевые слова: поэтический перевод, поэтика, ритм, форма, смысл, стопа, поэтическое оформление, прагматическое значение.

Таржима назариётчилари томонидан шеърий таржимани амалга оширишда амал қилиш керак бўлган бир қанча қоидалар ишлаб чиқилган. Бундай қоидалар, назариётчи олимларнинг фикрича, биринчи навбатда, шеърий матн тузилиши хусусиятлари билан боғлиқдир. С.Ф. Гончаренконинг фикрича, “шеърий матнни таржима қилишда, авваламбор, таржимоннинг мақсади, яъни матннинг айнан қайси компонентини таржимада тиклашга ҳаракат қилаётганидан келиб чиқиши лозим. Таржимон ҳар қандай поэтик матнни стилистик, семантик ва прагматик аспектларда тенг қайта яратиши лозим. Агар бу аспектлардан бирортаси таржимада устунлик қила бошласа, поэтик таржимани ҳосил қилишнинг иложи қолмайди.

Шеърий таржима мураккаб жараёндир. Ҳар қандай таржимон ҳам лирик парчани таржима қила олмайди. Таржимон тегишли филологик билимларга ва бадиий иқтидорга эга бўлиши, шеърият қонуниятларини яхши билиши, энг муҳими, мусикий оҳанг ва ритмни ҳис қила билиши талаб қилинади. Шеърни жозибадор қилиб қайта яратиш таржимон маҳоратига боғлиқ. Таржимон борки, ҳамиша муаллиф бадиий маҳорати қирраларини таржимада тўлиқ сақлаш имкониятини излайди. Таржимашунослик тарихига назар ташланадиган бўлса, шу пайтгача таржима сифатини таъминлаб берувчи омиллар ҳақида бир тўхтамга келинмаганини кўриш мумкин. Олимлар бу масалада икки тоифага бўлинадилар:

– “Адекватлик сифатли таржимани таъминлашнинг гарови” деб қаровчилар (А. Нойберт, К. Райс и Х. Фермеер, А.Д. Швейцер, Я.И.Рецкер, Ю.В. Ванников);

– “Эквивалентлик сифатли таржимага эришишнинг ягона йўли” тезисининг тарафдорлари (Ю. Найда, Дж. Кэтфорд, Г. Егер, А.Д. Швейцер, В.Г. Гак, В.Н. Комиссаров, Л.С. Бархударов, Л.К. Латышев, Н.К. Гарбовский, И.С. Алексеева, Н.М. Нестерова).

Юқоридаги икки мактаб вакиллари қарашларидан маълум бўладиги, шу вақтга қадар шеърий таржима соҳасида эквивалент ва адекват таржима тадқиқотларнинг предмети бўлиб келмоқда. Ҳар икки гуруҳнинг қарашида жон бор. Аммо камчиликлари ҳам мавжуд. Лирик матнлар таржимаси сифатини аниқлашнинг аниқ мезонларини белгилашда яқдилликнинг йўқлиги, бунда фақат лингвистик омилларга эътибор қаратиб, шеърий тизимлар ва жанрлар орасидаги фарқларни ҳисобга олмаслик ҳануз таржимачиликнинг ягона тамойиллар асосида ривожланишига ҳалақит бериб келмоқда.

Таржимон томонидан аслият матнининг стилистикасига урғу бериш, таржима формализмига, маъносини сўзма-сўз ўгириш тағламага, прагматик сатҳнинг ошиб кетиши эса, миллийлаштиришга олиб келиши мумкин”. Олим поэтик таржима, шеърий таржима ва шеърий матн лафзларини фарқлаб кўрсатади. Шундан келиб чиққан ҳолда, шеърий матн таржимасини қуйидагича таърифлайди:

1. Поэтик таржима – муаллиф ва рецептор орасидаги шеърий матн воситасида амалга ошадиган поэтик мулоқот воситаси бўлмиш лирик парча таржимасидир.

2. Шеърий таржима – лексик ва стилистик нуқтаи назардан аслият матнига эквивалент сўз ва иборалар қўлланилган, аммо аслият матнининг асосини ташкил этувчи эстетик таркибни ўзида акс этмаган таржима туридир.

3. Филологик таржима – аслият матнининг маъносини тўлиғича рецепторга етказишни мақсад қилиб қўйган, шеърий асарнинг насрий таржимасидир.

Олимнинг таъкидлашича, ҳар қандай поэтик таржима – бир вақтнинг ўзида шеърий матндир. Шеърий матн – мисраларга ажратилган бўлади, аммо поэтик матн бунга қўшимча равишда ритм, қофия, вазн ва фонетик қурилиш каби унсурлардан ташкил топади. Шундай қилиб, бу турдаги таржима бир тилда яратилган поэтик матннинг ўзга тилда поэтик матн кўринишида яратилган шаклидир. С.Ф.Гончаренко бу жараёнда таржимон аслият матнига эквивалент бўлган маъно ва эстетик таржима матни яратиш тарафдори бўлса-да, баъзан, шеърнинг маъносини тўғри қайта яратиш учун аслиятда бўлмаган шакл ва тил услубини қўллаши мумкинлигини айтиб ўтади. Демак, поэтик таржима – шеърнинг кенг омма учун қилинган таржимаси бўлиб, у бир вақтнинг ўзида таржима тили адабиётига таъсир ўтказиш ва тил ҳамда миллатларни ўзаро яқинлаштириш воситаси сифатида хизмат қилади.

Шеър таржимасида шаклнинг сақланишига қатъий риоя қилишнинг тарафдори бўлмиш рус адабиётшуноси ва танқидчиси Н.С.Гумилев шеър таржимасида уч ёндашувни қайд этади:

1. Ҳаваскорона эркин таржима. Мутаржим аслият матнини мутлақо ўзи билганича талқин қилади, аслият тилидан анча йироқ бўлган, ўзи хоҳлаган сўз ва ибораларни қўллайди, аслиятнинг қофияланишини ўз таъбига кўра ўзгартиради, мисралар сонини хоҳласа кўпайтиради, хоҳласа камайтиради.

2. Ҳаваскорона бўлса-да, илмий асосга эга таржима. Бу турдаги таржимада ҳам юқорида келтирилган ҳолатлар қайтарилади, аммо шеър бегона тилда ҳам ўқимишли ва тушунарли чиқади. Буни рус тилига қилинган таржима мисолида шундай ифодалаш мумкин: “агар шоир рус тилида ёзганда, айнан шундай ёзган бўларди”.

3. Вазни ўзгартирувчи таржима – баъзи одамлар битта вазн ва туюқни бошқаси билан алмаштириш мумкин деб ўйлашади, масалан, олти туюқлини беш туюқли билан; қофиялардан воз кечиш, янги образлар киритиш ва ҳоказо. Аммо яхши шоир руҳиятни ифода этишнинг ягона усули сифатида айни шаклдан фойдаланади [3].

Олим шеърий таржимон амал қилиши лозим бўлган тўққиз тамойилни кўрсатиб беради. Унга кўра, поэтик таржима жараёнида қуйидагиларнинг сақланиши муҳимдир:

1) сатрлар сони; 2) вазни; 3) қофиялар кетма-кетлиги; 4) тугалланмаган фикрнинг бошқа мисрага ўтказилиш хусусияти; 5) қофиялар табиати; 6) сўз бойлиги; 7) таққослаш тури; 8) махсус техникалар; 9) тонларнинг кўчирилиши [3].

Адабиётлар:

1. Newmark, P.: “A textbook of translation”. Printed and bound in Great Britain by A. Wheaton & Co. Ltd, Kxeter. 310 P.
2. Бақоева, М.: “Инглиз ва Америка адабиётидан ўзбек тилига шеърий таржима ва қиёсий шеършунослик масалалари”. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2015. – 288 Б.
3. Гумилев Н.С. Собрание сочинений в четырех томах. Т. 4. – М.: Художественная литература, 1991. – С. 194-196.
4. Исҳоқов, Ё.: “Сўз санъати сўзлилиги”. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2014. 320 Б.

THE VALUE OF TRANSLATION OF CHILDREN'S LITERATURE

Aliboyeva Nigina Alisherovna

Termiz davlat universiteti o'qituvchisi
ratina8895@mail.ru

Annotatsiya: Ushbu maqola bolalar adabiyotida ham, umuman tarjimaning ahamiyati va zarurligini ko'rib chiqishga bag'ishlangan. Unda tarjimaning muhim xususiyatlari va uning kitobxon bolaga ta'siri tasvirlangan. Ushbu mavzu bo'yicha tegishli natijalar umumlashtirilgan.

Kalit so'zlar: tarjima, adabiyot, ekvivalentlik, fiziologik xususiyatlarning moslashishi, stilistik xususiyatlari, usullari.

Аннотация: Данная статья посвящена рассмотрению важности и необходимости перевода как в детской литературе так и в общей. В ней приводятся значимые особенности перевода и его влияние на ребёнка-читателя. Подводятся соответствующие итоги по данной теме.

Ключевые слова: перевод, литература, эквивалентность, адаптация физиологических характеристик, стилистические особенности, методы.

Annotation: This article is devoted to the consideration of the importance and need to translate both in children's literature and in general. It provides significant features of translation and its influence on the child reader. The appropriate results are summed up on this topic.

Key words: translation, literature, equivalence, physiological characteristics adaptation, stylistic features, methods.

Translation as an integral part of the linguist and translator's daily life, which plays an important role in both private and world literature. Since the work of national poets and writers may be insufficient for childcare readers. Moreover, the knowledge of the works of foreign authors will allow the reader to embellish an ordinary position, the style and method of thinking to which he is used. Thus, it will serve him awareness of the traditions, culture, knowledge and lifestyle of the people, far different from his own.

As the significance of the literature is enormous in the life of every person, regardless of its nation, employment, profession, the spheres of activity and the image of thinking and the translation is one of the important components of world literature. Is it possible to submit literature without works of Shakespeare, Dickens, Twain and other writers? Of course not, as our young generation can enjoy reading artistic works, if not everyone has abilities to languages or they simply do not know that language. In this situation, only the translation saves us from the deprivation of the right to read any work in a foreign language.

Children's literature is a complex of works, which was created by the authors, taking into account the physiological characteristics of children. The works for children should take into account their interests and hobbies. Often children's literature becomes works, written initially for adults. For example, Robinson Crusoe Daniel Defo, Don Quixote M. Servantes, "Journey Gulliver" Jonathan Swift and many others [Brockhauses and Efron, 1907].

In the process of bilingual communication, when it is necessary to transform the text of the original into the equivalent text of the translation, the translator is responsible for the right choice and assessment of the statements in the language of translation, which have full or partial maintenance (meaningful proximity) with the original language. Such a community content, or semantic intimacy, V.N. Kommissarov calls "Equivalence of Translation". He claims: "Depending on how much of the content of the original is preserved when transferring, determines the level of translation equivalence." To achieve the maximum level of equivalence of the original and translation, the translator is trying to bring the original and the translation in meaning and in structure, which means to choose the most accurate conformity not only at the level of the whole text and correlated statements, but at the level of the components of their units of the original and translation, The level of "Translations" [Kommissarov V.N., 1990].

The author will try to apply theoretical knowledge when considering problems in the practical part of the work. For this we denote these problems.

Artwork works, including children, in any language they have been created, transfer the author's feelings, which are then perceived by the reader. The transmission of feelings is possible by creating an image. The effectiveness of the image is based on the fact that it reproduces the reader's sensation in the consciousness, with the help of visual, auditory and other sensory experiences. The image of a specific situation, a particular character develops into the image of a whole work. The author mentioned above that the child is very important to attribute to literary characters, their feelings, actions. Attitude towards the heroes of works is born by the young reader from the image that the author creates. It is very important to pass the image correctly.

The person who desires to turn a literary masterpiece into another language has only one duty to perform, and this is to reproduce with absolute exactitude the whole text, and nothing but the text. The term 'literal translation' is tautological since anything but that is not truly a translation but an imitation, an adaptation, or a parody [Nabokov in Schulte & Biguenet, 1992, p. 31]

Another important feature of the translation for children is that, it is especially necessary to take into account the stage of development - "translators should know the stylistic features and methods of circulation suitable for different age groups." And as follows, Lathey says: "Fortunately, special requirements for translation for children are now the subject of discussion and disputes both in professional and academic circles"[Lathey, G., 2011: 198-214].

The study conducted by the author allows us to draw the following general conclusions:

- 1) Artistic literature is the main means of moral and aesthetic education of children.
- 2) Children's transfer literature considered by the author in the aspect of fiction, is also a means of raising children.
- 3) The features of the translation of children's literature are closely related to the peculiarities of the translation of fiction.
- 4) The problems of translation of children's literature are associated not only with the science of translation, but also with pedagogy and psychology.
- 5) The method of comparative analysis is the most effective method in the study.

Thus, we can state the unity of views of all researchers that the translation of works is very important, since every child, be it Russian, Uzbek or of another nationality, has the right to be aware of the works of other cultures. This will help him enrich his inner world, thereby developing and succeeding in all his endeavors.

References:

- 1) Детское чтение и детская литература // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона: В 86 томах (82 т. и 4 доп.). —СПб., 1890 —1907.
- 2) Комиссаров В.Н. Теория перевода. - М., 1990.
- 3) Schulte, R., & Biguenet, J. (Ed.). (1992). *Theories of Translation: An Anthology of Essays from Dryden to Derrida*. Chicago: the University of Chicago Press.
- 4) Lathey, G. (2011) *The Translation of Literature for Children*. In: Malmkjaer, K. and Windle, K., Eds., *The Oxford Handbook of Translation Studies*, Oxford University Press, Oxford, 198-214.

NEMISCHA MAQOLLARNING O'ZBEKCHA TARJIMASI

(daslabki mulohazalar)

Eshonqulova Mo'tabarhon Tajiboevna

Qo'qon davlat pedagogika o'qituvchisi

e-mail: eshonqulovamotabar86@kbgmail.com

Anatatsiya. *Ushbu maqolada xalq o'zaki ijodining bir qismi bolgan, maqol va matallarning o'zbek tiliga tarjima qilish hususiyatlari to'g'risida mushohada yuritilgan.*

Kalit so'zlar: *Maqol, frazeologiya, idioma, urf-odat, xalq og'yaki ijodi, tarjima, tarjima variantlari, muqobillik, qayta yaratish.*

Har bir millatning necha yillardan beri og'izdan – og'izga o'tib kelayotgan turg'un iboralari, jumladan maqol va matallari bor. Shu jumladan nemis tili ham maqol va matallarga boy. Germanistika tarixida nemis frazeologizmlari, idiomalari va maqollari leksikografik jihatdan atroflicha o'rganilgan va maxsus izohli lug'atlarda jamlangan.

Har bir millatning halq og'zaki ijodi mahsuli bo'lgan maqollar uzoq tarixga ega bo'lib, davrlar o'tishi bilan sayqallashib, rivojlanib boradi. Ular har bir millatning o'ziga xos hayot tarzini, urf-odatlarini, orzu-umidlarini, turmush muammolarini o'zida aks ettiradi. Har bir tilda mavjud bo'lgan maqollar, shu tilda so'zlashuvchi millatning qadimiyligidan, donishmandligidan, ulkan hayotiy tajribaga ega ekanligidan dalolat beradi.

Maqol kundalik hayotda, kishilarning muomala jarayonida paydo bo'ladi. G. Salomov aytganidek, maqol ishlatmagan birorta xalq bo'lmagani kabi, maqol ijod qilmagan birorta til yo'qdir. "Dunyoda tilsiz xalq bo'lmagani kabi, maqolsiz til yoqdir" deb yozadi tatar adibi Noqay Esonbat. (1)Maqollarning paydo bo'lishi nafaqat oddiy xalq, balki shu xalq ichida yetishib chiqqan faylasuflar, olimlar, yozuvchi va shoirlar ham muhim ro'l o'ynaydi.

Shuni ham alohida ta'kidlash joyizki, turli xil tillarda so'zlashuvchi xalqlarning ma'no jihatidan bir-biriga mos keluvchi maqollari ham mavjud. Ularning mazmunida asosan yaxshilik va yomonlik, rahmdilik va johillik, haqiqat va yolg'on kabi hayotiy voqeliklar ifodalanadi. Shuning uchun ham maqollarni insonlar turmush tarzining haqiqati va ko'zgusi desak, mubolag'a qilmagan bo'lamiz.

Izlanishlar jarayoni shuni ko'rsatadiki, nemis tili maqollarga boy bo'lib, ular turli katta kichik maqollar lug'atida (Sprichwörterlexikon) da jamlangan. Eng katta bir tilli lug'atlar L. Ryorix va T. Tomasek lar qalamiga mansub bo'lib, u o'z ichiga 60000 nemis tilidagi maqol va matallarni oladi. Bizga ma'lumki, frazeologizimlarning alohida turi bo'lgan maqol va matallar tarjima jarayonida o'ziga xos qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Odatda ular gap strukturasi kabi shakllanadi hamda hikmatomuz fikrni ifodalaydi. Bu o'z navbatida tarjimondan yuksak mahorat talab qiladi. Badiy adabiyotni, xalq og'zaki ijodini maqollarsiz tasavur qilish qiyin. Nemis tilidagi ko'p maqollar o'zbek tiliga tarjima qilinganda ular so'zma-so'z va ma'nosiga qarab tarjima qilinadi, lekin ularning muqobilini topish oson emas. Nemis tilidagi juda ko'p maqollarni o'zbek tilida bir yoki bir nechta muqobilini topish mumkin. Bunu quydagi misollar yordamida ko'rib chiqamiz:

1. Man muss das Eisen schmieden, solange es heiß ist!

Temirni qizig'da bos.

2. Was du heute kannst besorgen, das verschiebe nicht auf morgen

Bugungi ishni ertaga qo'yma.

Qolgan ishga qor yog'ar.

3. Wer einem anderen eine Grube gräbt, fällt selbst hinein!

Kim birovga choh qazisa, o'zi tushadi.

Bunday misollarni ko'plab keltirish mumkin. Yuqorida aytilganidek, nemis tilidagi ko'pchilik maqollarni o'zbek tiliga so'zma-so'z tarjima qilish mumkin, biroq o'zbek tilidagi ularning muqobillari topiladi.

Masalan:

4. Es ist nicht alle Tage Sonntag!

Hamma kunlar ham yakshanba emas.

Ammo tilimizda bu maqolning muqobili bor:

Oyning o'n beshi qorong'u, o'n beshi yorug'.

5. Wer viel redet, erfährt wenig!

Kim ko'p gapirsa ozi biladi.

6. Freunde sind über Silber und Gold!

Do'stlar oltin va kumushdan qimmat.

7. Aller Anfang ist schwer!

Hamma ishning boshlanishi qiyin.

Yuqorida aytilgan fikrlardan shunday xulosa qilish mumkinki, maqollarni o'rganish orqali o'sha xalqning urf-odati, madaniyati, an'analari bilan tanishish imkonini bo'ladi. Tadqiq etilayotgan mavzuni yoritish xalqlar o'rtasidagi do'stlik va o'zaro hamkorlikni mustahkamlanishiga turtki bo'ladi.

Adabiyotlar

1. Th. Thomasek. Sprichwörterlexikon. Münster, 2000 yil
2. L. Rörich. Das Sprichwörterlexikon. Freiburg 2001. 2 Band.
3. Salomov. G'. "Til va tarjima". O'zbekiston Fanlar Akademiyasi Fan nashriyoti. Toshkent. 1966 yil.
4. "Tarjima muammolari". O'zbekiston FA Adabiyot instituti.
5. "Til, tarjima va adabiyot kengliklari". O'zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi "Fan" nashriyoti. Toshkent 2007 yil.

BOLALAR BADIY ADABIYOTIDA TAQLID SO'ZLAR TARJIMASIDAGI MUAMMOLAR: OLIVER TVIST

Qurbonova Rayhona Shahobiddin qizi

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy universiteti magistri
rayhona.kurbonova.97@gmail.com

Annotatsiya. Tarjimashunoslik sohasining bugungi holatiga e'tibor beradigan bo'lsak, ushbu soha kundan kunga rivoj topib borayotgan tilshunoslikning yo'nalishlaridan biri hisoblanadi. Shunday bo'lsada, tarjimashunoslikda hali yechilmagan masalalar ham juda katta hajmni tashkil etadi. Xususan taqlid so'zlarning tarjimadagi holatiga e'tibor beradigan bo'lsak, inglizcha taqlid so'zlarning shakllari o'zbekcha yoki ruscha taqlid so'zlarning shakllariga o'xshasa-da, bu so'zlarning tushunilishi yoki o'zbek va rus tilida saqlanishi uchun ham birgina tarjimaning o'zi asosiy vosita bo'la olmaydi. Ba'zida ularning tarjimasi to'g'ridan to'g'ri tarjimaga asoslanmaydi. Taqlid so'zlar tarjimasining murakkabligi ushbu tadqiqot sohasida qiyosiy materiallarning yetarlicha emasligi, bu turdagi tadqiqotlarga katta ahamiyat qaratilishi kerakligini ko'rsatadi.

Ushbu maqolada bolalar badiiy adabiyotining yorqin vakili Charlz Dikkensning Oliver Tvist asari o'zbek va rus tillariga tarjimasi misolida, taqlid so'zlarning tarjimadagi holati tahlil qilindi va taqlid so'zlarni guruhlash asosida tarjimini shakllantirish masalalari ko'rib chiqilib, muammolarga yechimlar taklif etildi.

Kalit so'zlar: taqlid so'zlar, ekvivalent, onomatopiya, tarjima, lug'at, konteks.

Abstract. Given the current state of the field of translation, this field is one of the developing areas of linguistics. However, there are still many unresolved issues in translation. In particular, if we pay attention to the position of the onomatopieas in the translation, although the forms of some English onomatopieas are similar to the forms of Uzbek and Russian onomatopieas, only the translation itself can not be the main means for the onomatopieas to be understood or preserved

in Uzbek or Russian. Sometimes their translation is not based on a direct translation. The complexity of the translation of onomatopoeias suggests that there is a lack of comparative material in this field of research, and that much attention should be paid to this type of research. This article analyzes the Uzbek and Russian translation of *Oliver Twist* by Charlie Dickens, a brilliant representative of children's literature, analyzes the status of onomatopoeias in translation, discusses the formation of translation based on the grouping of onomatopoeias, and offers solutions to problems.

Keywords: imitation words, equivalent, onomatopoeia, translation, dictionary, context

Аннотация. Учитывая текущее состояние области перевода, эта область является одной из развивающихся областей лингвистики. Однако в переводе остается много нерешенных вопросов. В частности, если мы обратим внимание на положение ономастических слов в переводе, хотя формы некоторых английских ономастических слов схожи с формами узбекских и русских ономастических слов, только сам перевод не может быть основным средством выражения ономастических слов. Понимается или сохраняется на узбекском или русском языке. Иногда их перевод не основан на прямом переводе. Сложность перевода ономастических слов предполагает недостаток сравнительного материала в этой области исследований и что этому типу исследований следует уделять большое внимание. В статье анализируются переводы Оливера Твиста на узбекский и русский языки известного представителя детской литературы Чарльз Диккенс, анализируется статус ономастических слов в переводе, обсуждается формирование перевода на основе группировки ономастических слов и предлагаются решения проблем.

Ключевые слова: имитация слов, эквивалент, звукоподражание, перевод, словарь, контекст.

Hozirgi kunda tarjimashunoslik sohasi bir qancha yutuqlarga erishdi. Shu bilan bir qatorda ushbu sohaning hali o'rganilmagan jihatlari juda ham katta hajmni tashkil etadi. Fransus olimi Ferdinand de Sossyurning 1916-yilda yozilgan "Umumiy tilshunoslik kursi" ("Cours de linguistique generale") asarida tilning ma'lum bir qonun qoidaga asoslanmaganligi, so'zlarning voqelik bilan belgilanmagan holati borasida bahs yuritgan [F.de.Sossyur. 1916:34]; ya'ni so'zlarning na fonetik ketma-ketligi (teibl), na grafik tasviri (table) tilda ifodalashda hech qanday muhim bog'liqlikka ega emasligini ta'kidlagan. Bu shuni anglatadiki, bir narsani ifoda etuvchi so'zlarning tillardagi bayoni, har xir usullar bilan, turli shakllarda yoritiladi. Masalan, mebel turi hisoblangan, ishlash uchun mo'ljallangan gorizontal taxtali baland kursi [Hojiboyev. 2001:233] o'zbek tilida "stol" deb aytiladi va bu so'z etimologik jihatdan rus tilidan kirib kelgan, ingliz tilida esa "table" deb ataladi, bu so'zning ushbu ko'rinishi fransuz tilidan kirib kelgan. Biroq, taqlid so'zlar voqelikni aynan takrorlashga harakat qiladi, shuning uchun til chegaralarini osonlikcha kesib o'tadi. Taqlidiy shakllar - bu bizning tilimizdagi so'zlardir, ular insonlarning, hayvonlarning, tabiat hodisalarining va atrof muhitdagi turli holat tovushlarining harflar bilan ifodalanish shaklidir. Bunday holat butun dunyo bo'yicha bir xil bo'lganligi uchun ham ko'pchilik taqlid so'zlar bir xil so'z bilan ifodalanadi deb o'ylashi mumkin, biroq har bir tilning o'zining xususiyati, tarixi va shu tildan foydalanuvchi xalqlarning madaniyatidan kelib chiqqan holda taqlid so'zlar turli xil tovush ketma-ketligiga, o'ziga xos fonetik xususiyatga egaligi bilan bir tildan boshqasiga farq qiladi. Misol uchun, itlarning akillashi o'zbek tilida "vov-vov", ingliz tilida "woof-woof" bilan ifodalanadi.

Ushbu maqolada shakli va kontekstda ifodalanishiga qarab taqlid so'zlarni tarjima qilish usullari tahlil qilinib, ahamiyatga molik qismlari va kamchiliklari ko'rib chiqildi, shu bilan birga ushbu kamchiliklarni bartaraf etish yo'llari taklif etildi.

Ushbu maqolada bolalar badiiy adabiyotidagi taqlid so'zlar tarjimasining tahlili quyidagi metodlar orqali amalga oshirilgan:

1. Ba'zi olimlarning fikrlariga, analizlariga va lug'atlardagi (ingliz-ozbek-rus) tarjimalarga asoslangan qiyosiy-lingvistik tahlili;

2. Oliver Twist asarining parallel tarjimalaridagi (ingliz -ozbek-rus) taqlid soʻzlarning kontekstual maʼno tahlilida taqqoslash metodi

3.1 Taqlid soʻzlarning klassifikatsiyasi .

Valero Garses “Taqlid soʻzlar va artikulyatsiyasiz til” (“Onomatopoeia and unarticulated language”) nomli maqolasida taqlid soʻzlarni 4 guruhga ajratgan:

1. Hayvonlar chiqaradigan tovushlar (vov-vov, miyov-miyov va h/k);
2. Odamlar chiqaradigan tovushlar (nyam-nyam, ha-ha-ha va h/k);
3. His-tuygʻu va munosabatlarni ifodalovchi tovushlar (uf, oh va h/k);
4. sunʼiy tovushlar (taq-taq, chiq-chiq va h/k) [R.Nuria. 2015:3].

Mutallibov taqlid soʻzlarni ikki xil turga ajratgan:

1. Tovushga taqlid (onomotopia)
2. Obraz (tasvir)ga taqlidni bildiruvchi soʻzlar.

Tovushga taqlid soʻzlar eshitish bilan, obrazga taqlid soʻzlar koʻrish bilan aloqadordir, yaʼni tovushga taqlid soʻzlar ifodalangan tovushni faqat eshitish mumkin (qars-qurs, taq, duk-duk, gʻiyq, miyov va hokazo), obrazga taqlid soʻzlar ifodalangan holat, harakatni faqat koʻrish mumkin (lip-lip, yalt-yult, hang-mang, jivir-jivir va boshqalar). [Mutallibov. 2020:2]

Taqlid soʻzlarni umumiy uch guruhga ajratamiz:

1. Insonga tegishli taqlid soʻzlar
2. Hayvonlarga tegishli taqlid soʻzlar
3. Atrof-muhitga tegishli taqlid soʻzlar

Taqlid guruhlariga tegishli boʻlgan taqlid soʻzlarni asarlardan ayniqsa, bolalar uchun moʻljallangan asardan topish mumkin.

Insonlarga tegishli taqlid soʻzlar:

- All his relations let him have his own way pretty well! Eh, Charlotte? He! He! he! [29 page, 5 chapter]

- Hamma urugʻ-aymoqlari, bilganingni qil, deb oʻz holiga tashlab qoʻyishgan. Toʻgʻrimasmi, Sharlott? Hi-hi-hi! [29-bet, 5-bob]

- Все родственники позволяют ему идти своей дорогой. Правда, Шарлотт? Хи-хи-хи! [21ст, 5]

Hayvonlarga tegishli taqlid soʻzlar:

- He wouldn't so much as bark in a witness box, for fear of comimttng himself...[118 page, 18 chapter]

- U sudda gullab qoʻymay deb choʻchiganidan aqalli “vov” ham demasdi...[97-bet 18-bob]

- Она бы и не тявкнула на суде из боязни проболтаться... [81 ст, 18]

Tabiatga tegishli taqlid soʻzlar:

- Oliver was awakened in the morning, by a loud kicking at the outside of the shop-door... [27 page, 5 chapter]

- Ertalab Oliver doʻkon eshigi gurs-gurs tepilgan ovozdan uygʻonib ketdi... [29-bet, 5 bob]

- Утром Оливера разбудили громкие удары ногами в дверь лавки...[21 ст,5]

Yuqoridagi jummalarga nazar tashlaydigan boʻlsak, ingliz tilidagi taqlid soʻzlar asosan ism yoki feʼl koʻrinishida kelgan. Valero Garse ham ingliz tilida taqlid soʻzlardan otlar va feʼllar yaratish osonroq, chunki ingliz tili dinamik tildir degan gʻoyani ilgari surgan [R.Nuria. 2015:5]. Shuning uchun ham ingliz tilidagi asarlarda keladigan taqlid soʻzlar ohangni ifodalamaydi. Birinchi misoldagi “bark” (vovvullamoq) rus tilida “тявкнула” (qichqirdi), oʻzbekcha “vov” soʻzlari bilan berilgan. Yoki uchinchi misoldagi “a loud kicking” (baland tepish) rus tilida ayni ekvivalenti “громкие удары” (kuchli zarba) jumlasini bilan, oʻzbek tilida esa “gurs-gurs” taqlid soʻzi bilan berilgan. Ikkinchi misolda boʻlsa, inson kulgusini ifodalash uchun ingliz tilidagi “he, he, he”, ayni ekvivalenti boʻlgan oʻzbek tilidagi “hi,hi,hi”, rus tilidagi “хи,хи,хи” taqlid soʻzlaridan foydalanilgan, uchinchi misolda, tillardagi taqlid soʻzlar faqatgina fonetik oʻzgarish orqali farqlanadi.

3.2 Aniq ekvivalentiga ega bo'lmagan taqlid so'zlar tarjimasi

Demak, fonetik farqlar tufayli taqlid so'zlar turli tillarda o'zgaradi. Ya'ni turli tillar tabiiy tovushlarni turlicha va o'ziga xos tovush tizimiga ko'ra ifodalagan. Ammo bu tillardagi farqlarning yagona sababi emas. Riera-Eures va Sanjaumelarning ta'kidlashicha, tabiiy tovushlarning murakkabligi va insonlarning individual eshitish qobiliyati tovushlarni qanday og'zaki so'zlashishiga ta'sir ko'rsatadi. [R-E.Sanjaumel. 2011:14] Insonlar yagona bir jarayonda turli xildagi tovushlarning ayni bir guruhini tasvirlash uchun bitta so'zni ishlatishga moyil bo'ladi. Shuning uchun bir tilda bir xil yoki shunga o'xshash ishlatilgan har xil taqlidiy so'zlar topiladi. Har bir tilda ma'lum tovush uchun taqlid so'zlar mavjud, ba'zi tillarda esa hatto boshqa tillarda qo'shilmagan tovushlarni talaffuz qilish orqali ham taqlid so'zlar hosil qilinadi. Bunday holat tarjimada yuzaga kelganda o'sha taqlid so'zning ma'nosini ifodalovchi so'z qo'llaniladi.

Masalan,

1.-By Jove! Exclaimed the gentleman in the white waitcoat, stopping short. [42 page, 7 chapter]

- Jin ursin! – xitob qildi nimchali jentelmen taqqa to'xtab... [39-bet, 7-bob]

- Черт возьми! — воскликнул джентльмен в белом жилете, остановившись как вкопанный. [30 ст, 7]

2. – He closed the lid of the box with a loud crash...[43 page. Chapter 9]

- U quticha qopqog'ini taraqlatib yopdi-yu... [46 bet, 9-bob]

- Он с треском захлопнул шкатулку...[39 ст.9]

3. – Perfect stillness ensued – not a rustle – not a breath...[364 page, 52 chapter]

- Qabriston skunati cho'kdi, ...na tiq etgan tovush ...na nafas olganlari eshitiladi...[279-bet, 52-bob]

- Спустилась глубокая тишина... ни шороха... ни вдоха...[328 ст.52]

Bunda tarjimon o'quvchiga holatni tushunarli bo'lishligi uchun "stopping short" (keskin to'xtadi, birdan to'xtadi) o'rniga "taqqa" ruscha "остановившись как вкопанный" (ildiz otgandek to'xtadi); "a loud crash" (kuchli qulash) o'rniga o'zbekcha "taraqlatib" ruscha "с треском" (zarb bilan); "rustle" (shivirlash) o'rniga o'zbekcha "tiq etgan tovush", ruscha "шороха" (shitirlash) so'zlari bilan holatni aniq ifodalab bergan.

Albatta tarjimon asarni o'quvchining ko'z oldida namoyon bo'lishligi uchun harakat qilgan. Biroq Oliver Twist asarini o'quvchi o'zbek yoshlari, bunday holatda, o'zbek asarini yoki rus kitobxoni rus madaniyatiga xos asarni o'qigandek bo'ladi.

Asarning tarjima jarayonida uning aniqligiga, o'qishli bo'lishiga harakat qilingan, lekin asarning asl madaniy xususiyatlari tarjima jarayonida yo'qolib qolgan. Bunday kamchiliklarni bartaraf etish uchun tarjimondan tarjima qilinayotgan asar xalqining faqatgina tilini emas balki, uning madaniyatini, asar qahramonlari hayot kechirayotgan joyning kelib chiqish tarixini ham o'rganish talab qilinadi.

Tarjimashunoslik rivojlanish ko'rsatgichi bo'yicha eng ilg'or sohalardan hisoblansada, hali yechilishi murakkab bo'lgan masalalar juda ham ko'p. Shunday holatlardan biri, badiiy asarlarni tarjima qilish jarayonida taqlid so'zlarning tarjimasi hisoblanadi. Ularning turli tillar bo'yicha shakli va sonidagi farqlari, taqlid so'zlarning tarjimasini munozara mavzusiga aylantiradi. Shuningdek, taqlid so'zlarning tarjimasi umuman til tarjimasi bilan bir xil muammolarni o'z ichiga oladi. Ko'rinib turibdiki, tadliq so'zlar turli tillarda turlicha shakl, turlicha mazmun-mohiyatga ega. Ba'zi tillarda, xususan o'zbek tilida, boshqa tillarda, aynan ingliz va rus tillarida bo'lmagan tovushlarni talaffuzda ask ettiradi, yoki ma'lum bir tovushga murojaat qilish uchun taqlidiy shakllarning kengroq turiga ega bo'ladi. Mana shunday holatda to'g'ridan to'g'ri ekvivalentning mavjud bo'lmaganligi tarjimonni muqobil tanlovni izlashga majbur qiladi. Bunday tanlovni to'g'ri tanlash uchun esa tarjimondan nafaqat tilni, balki madaniyatga oid bilimlarni egallash, taqlid so'zni rivojlanish bosqichlarini bilish talab qilinadi.

Demak, tarjimon ma'lum bir taqlid so'zni tarjima qilish uchun, yuqorida keltirilgan taqlid so'zlar guruhlarining qaysi biriga mansubligini, shu so'zning rivojlanish bosqichlarini e'tiborga olgan holda tarjima qilsa qilsa maqsadga muvofiq bo'ladi va shu bilan birga shuni ta'kidlash

kerakki, bu holat taqlid soʻzlar uchun ham lugʻat tashkil etish, qiyosiy tadqiqotlar olib borish muhim ekanligini tugʻdiradi.

Adabiyotlar

1. Ferdinand de Sossyur. (1916). “Cours de linguistique generale”. 34b
2. De la Rosa Regot, Nuria. (2015). “Translating sounds: the translation of onomatopoeia between English and Spanish. 3b.
3. <http://hozir.org/reja-taqlid-sozlar-tarixi.html>
4. <http://www.web-books.com> Oliver Twist by Chaliz Dikkenc (27, 29, 42, 43, 97, 118, 364)
5. Charliz Dikkens “Oliver Tvistning boshidan kechirganlari”. Toshkent Gʻafur Gʻulom nomidagi Adabiyot va sanʼat nashriyoti. 1984 (28, 29, 39, 46, 97, 279 b)
6. <http://www.livelib.ru> Оливера Твиста (21,30, 39, 81, 328 стр)
7. Riera-Eures va Sanjaumelarning “Onomatopiya” lugʻati (2011, 14)
8. A.Hojiyev va boshqalar, “Hozirgi oʻzbek tili faol soʻzlarining izohli lugʻati”, Toshkent 2001 (233-bet)

KORPUS TILSHUNOSLIGINING BADIY TARJIMA FAOLIYATIDAGI OʻRNI VA AHAMIYATI

Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich

Termiz State University,

Uzbekistan, Termiz

E mail: ruzievx@tersu.uz

Annotatsiya: Ushbu maqolada korpus tilshunosligi va korpus bazalarning badiiy tarjima faoliyatidagi ahamiyati tadqiq qilingan. Badiiy tarjimadagi leksik muammolarni hal etishda korpus tahlil metodidan foydalanish koʻrsatib berilgan.

Kalit soʻzlar: Badiiy tarjima, badiiy matn, grammatik, sintaktik, leksik transformatsiya, korpus tilshunosligi, korpus baza.

Аннотация: В данной статье рассматривается корпусная лингвистика и важность корпусных баз в деятельности по художественному переводу. Показано использование корпусного анализа при решении лексических задач художественного перевода.

Ключевые слова: художественный перевод, художественный текст, грамматический, синтаксическая, лексическая трансформация, корпусная лингвистика, корпусная база.

Annotation: This article deals with corpus linguistics and the importance of corpus bases in literary translation activities. The use of corpus analysis in solving lexical problems in literary translation is shown.

Keywords: Literary translation, literary text, grammatical, syntactic, lexical transformation, corpus linguistics, corpus base.

Bugungi kunda amaliy tilshunoslikning alohida sohasi Korpus tilshunosligini tilning elektron shaklini yaratishda, til oʻqitish metodikasida, turli til tadqiqotlarini olib borishda va avtomatik tarjima jarayonida oʻrni va ahamiyati oshib bormoqda.

Tarjima-bir tildagi matnni boshqa tilda qayta yaratishdan iborat adabiy ijod turi. Badiiy tarjima -adabiy ijod turi uning jarayonida bir tilda yozilgan asar boshqa tilda iloji boʻlsa, muallif matniga yaqin, uning barcha jihatlarini uzatgan holda qayta yaratish faoliyati. “Badiiy tarjima original ijoddan tayyor ob’ektning mavjudligi bilan farq qiladi. Tarjimon mavjud asarga yangi ijtimoiy, adabiy va milliy muhit sharoitida yangi hayot bagʻishlovchidir” [Salomov Gʻ.1978:97-98]

Badiiy matnni tarjimasini jarayonida tarjimon badiiy uslubga, asl nusxa yaratilgan davrga, asl matn muallifini individual uslubiga eʼtibor berish kerak. Nasr yoki sheʼrning badiiy tarjimasini haqiqiy sanʼatdir.

Tarjima jarayonida tarjimon grammatik transformatsiya (bu jarayonda soʻzma-soʻz tarjima xavfli hisoblanadi), sintaktik transformatsiya (asl matnni maʼno va leksik jihatdan maʼnosi oʻzgarmagan holda ekvivalent matnga oʻgirish) va leksik transformatsiyadan keng foydalanadi [Abdullaeva R.M.2021:175-181]. Badiiy tarjimada tarjimon sintaktik va leksik transformatsiyadan unumli foydalanadi, shuningdek, badiiy tarjimada asarning asl nusxasidagi iboralar, frazeologik birliklar, maqollar va turgʻun birikmalar soʻzma-soʻz tarjimasini asl nusxaning semantik yukini toʻliq yoki qisman aks ettirmaydi. Bunday holatda tarjimon tarjima qilinyotgan til lisoniy bazasiga ehtiyoj sezadi. Til lisoniy bazasidan foydalanishga maʼlum bir til yoki uning bir qismini oʻz ichiga olgan korpus baza muhim ahamiyat kasb etadi. Korpus-maʼlum bir tildan olingan shakldagi lingvistik maʼlumotlar toʻplami tahlil uchun mavjud boʻlgan yozma soʻzlar yoki matnlardir [Plungyan V.2005:20]. Badiiy tarjima jarayonida lingvokulturologik jihatlarga ham alohida eʼtibor berish zarur. Bu oʻrinda ham korpus bazalar asosiy manbalar boʻlib xizmat qiladi.

Badiiy tarjima jarayonida yuzaga keladigan muammoni korpus baza tahlili orqali koʻrib chiqaylik. Xudoyberdi Toʻxtaboyevni “Sariq devni minib” asaridagi quyidagi parchani tarjima qilaylik: “*Chuchvarani xom sanabsizlar! Uyimga bostirib kirib, meni oʻldirmoqchi boʻlganlarning uchun oʻzlaringni sudga beraman, — deb shovqin solib qoldilar qori pochcha, — hali sizlar meni bilmas ekansizlar...*” [Toʻxtaboyev X.2013:240].

Tarjima variant: “*Don't count your chickens before they are hatched! I will sue you for broke into my house and tried to kill me, you don't know me yet. - my kari brother-in-law said noisily*”.

Ushbu badiiy matni tarjima qilish jarayonida bir nechta tarjima muammolariga duch keldik. Xususan, *Chuchvarani xom sanabsizlar, sudga bermoq, qori pochcha* kabi maqol, soʻz birikmalarini tarjima jarayonida asl variantini berishni yoʻllarini koʻrib chiqamiz. Maʼlumki, korpus bazalarda bir butunlikni tashkil etadigan maqollardan koʻra soʻz va soʻz birikmasini izlash osonroq. *Chuchvarani xom sanama* maqolini ingliz tilida *Don't count your chickens before they are hatched* va *Reckon your chickens after they are hatched* kabi variantlari bor. Ikkala variant ham asl nusxaga mos tushadi, biroq ularni tarjima tilidagi asl nusxasini topish uchun bosh soʻzlari *count* va *reckon* soʻzlarini korpus bazadan izlaymiz. Izlash natijasida *reckon-hisoblamoq* soʻzi 507 oʻrinda ishlatilgan (1-rasm). *Count-sanamoq* soʻzi esa 629 oʻrinda ishlatilgan (2-rasm).



The screenshot shows the BNC search interface with the 'FREQUENCY' tab selected. The search term 'RECKON' is entered, and the results show a frequency of 507. The interface includes a top navigation bar with 'SEARCH', 'FREQUENCY', 'CONTEXT', and 'ACCOUNT' tabs. Below the search bar, there are links for 'ON CLICK: CONTEXT', 'TRANSLATE (??)', 'GOOGLE', 'IMAGE', 'PRON/VIDEO', 'BOOK', and 'HELP'. The search results table has columns for 'HELP', '?', 'ALL', 'SPOKEN', 'FICTION', 'MAGAZINE', 'NEWSPAPER', 'NON-ACAD', 'ACADEMIC', and 'MISC'. The 'FICTION' column shows a frequency of 507. The bottom right corner indicates a search time of 0.313 seconds.

HELP	?	ALL	SPOKEN	FICTION	MAGAZINE	NEWSPAPER	NON-ACAD	ACADEMIC	MISC
1	☐	RECKON	507	507					

1-rasm



The screenshot shows the BNC search interface with the 'FREQUENCY' tab selected. The search term 'COUNT' is entered, and the results show a frequency of 629. The interface is identical to the previous screenshot, with the same top navigation bar and search results table. The 'FICTION' column shows a frequency of 629. The bottom right corner indicates a search time of 0.219 seconds.

HELP	?	ALL	SPOKEN	FICTION	MAGAZINE	NEWSPAPER	NON-ACAD	ACADEMIC	MISC
1	☐	COUNT	629	629					

2-rasm

Bu oʻrinda biz asl tarjima variantini yaratishda ikkala maqoldan *Don't count your chickens before they are hatched* maqolini berish maqsadga muvofiqligini anglaymiz. Badiiy matndagi Qori pochcha iborasini Kari brother-in-law bilan berdik. “Qori” yaʼni quron oʻquvchi kishini “Kari” deb tarjimasini berish va ingliz tilidagi izohini berish oʻquvchini aynan kimni nazarda tutilayotganini anglashda yordam beradi. Ushbu badiiy matndagi sudga bermoq soʻz birikmasini *take legal action, appeal to the court, to apply to the court, to sue* kabi variantlari bor. Bu variantlarni BNC(British National Corpora) dan qidirish natijasida *take legal action-54, appeal*

to the court-42, to apply to the court-32 va, to sue-454 marta ishlatilganini topish mumkin. Bu o'rinda ushbu so'z birikmasini to sue degan variantini berish muhim hisoblanadi.

Xulosa o'rinda shuni aytish mumkinki, badiiy tarjima asl matni tarjima tilida qayta yaratishdek murakkab adabiy jarayon. Bu jarayonda korpus bazalar tarjimonga zarur bo'lgan lisoniy baza bo'lib xizmat qiladi va asl tarjima matnlarini yaratishda yordam beradi.

Adabiyotlar

1. Plungyan V. Zachem mi delaem Natsionalniy korpus russkogo yazika? "Otechestvennie zapiski" 2005, №2. http://magazines.russ.ru/oz/2005/2/2005_2_20-pr.html
2. Abdullaeva R.M. Badiiy tarjimaning lingvomadaniy aspektlari va tarjima mahorati. Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences. 2021, Vol 1. <https://cyberleninka.ru/article/n/badiiy-tarjimaning-lingvomadaniy-aspektlari-va-tarjima-mahorati>.
3. Salomov G'. Tarjima nazariyasiga kirish .-T.: "O'qituvchi", 1978. 149-bet.
4. To'xtaboyev X. Sariq devni minib.-T.: "Yangi avlod", 2013. 240-bet.
5. <https://www.english-corpora.org/bnc/>

DETEKTIV ASARLAR QIROLICHASI HAQIDA

Xolmaxmedova Nodira,

Alisher Navoiy nomidagi ToshDO'TAU o'qituvchisi

Annotatsiya. Ushbu maqolada detektiv janr taraqqiyotiga beqiyos hissa qo'shgan yozuvchi Agata Kristi ijodi, asarlaridagi qiziqarli syujet va qahramonlar tahlil etilgan.

Аннотация. В статье анализируется творчество писательницы Агаты Кристи, внесшей неоценимый вклад в развитие детективного жанра, интересных сюжетов и героев в ее произведениях.

Annotation. The article analyzes the work of the writer Agatha Christie, who made an invaluable contribution to the development of the detective genre, interesting stories and characters in her works.

Dunyo xalqlari adabiyotida jinoyat jazosiz qolmasligini takror-takror isbotlashga harakat qiladigan, o'z turmush tarzini jinoiy faoliyat asosiga qurgan shaxslarning ayanchli taqdirini aks ettirish jihatidan ulkan axloqiy ahamiyatga ega bo'lgan, nozik fahm, yuksak tafakkur namoyishi hisoblangan asarlar majmui mavjudki, bular detektiv adabiyot atamasi bilan yuritiladi. O'zining yarim asrlik shiddatli taraqqiyoti mobaynida jahon detektiv adabiyoti boy tajriba va an'analarga ega bo'ldi. Ko'plab iste'dodli va novator yozuvchilarning betakror asarlari tufayli bu janr misli ko'rilmagan sur'at bilan o'sdi. Shu tariqa har bir milliy madaniyatda detektiv adabiyot o'z shakllanish tarixiga ega bo'ldi.

Detektiv janrda samarali ijod qilgan mashhur yozuvchilardan biri Agata Kristining asarlari adabiyot va ayniqsa, detektiv janr shaydolari uchun bitmas-tuganmas xazinaning o'zginasi. Buyuk yozuvchi «detektiv asarlar qirolichasi» nomi bilan tanilgan. Uning detektiv romanlari hozirgacha qadar («Bibliya» va Shekspirdan so'ng) eng ko'p nusxada nashr qilinadi. Kristi sahna asarlari ham yozgan. Uning 16 ta pyesasi London teatrida qo'yilgan. «Qopqon» nomli pyesasi ilk bor 1952-yili sahnalashtirilgan bo'lib, hozirgacha to'xtovsiz namoyish etib kelinadi va tomoshabinlar tomonidan teatlarda qiziqish bilan kutib olinadi. Pyesa endigina sahnada qo'yila boshlagan vaqtlarda shunday odat bo'lgan: Spektakl tugagach, bir inson sahnaga chiqib, tomoshabinlarga kelganligi uchun minnatdorchilik bildirgan. So'ngra qotil aslida kim ekanligi haqida hali asarni tomosha qilmaganlarga gapirmasliklarini qattiq iltimos qilishgan.

Agata Kristidan so'rashibdi: "Nega hajm jihatidan teng bo'lgan, voqealari ham o'xshash bo'lgan ikki romaningiz turli xil miqdorda sotilmoqda?". Aqli Kristi: "Chunki ulardan biridagi qotilliklar soni ikkinchi kitobdagi qotilliklar sonidan ikkitaga ko'proq!" - deb javob bergan ekan.

Agata Kristi ba'zi asarlardagi detallarni o'z hayotidan olgan. Masalan, 1930-yilda erining yoniga, Misrga yo'l oladi. U yo'lining asosiy qismini "Sharqiy ekspress"da bosib o'tadi. Keyinchalik u mashhur "Sharqiy ekspress"dagi qotillik" asarini yozadi. Fikrimizga yana bir misol keltiramiz. Agata bir qancha muddat London chetidagi Sanningdeylida istiqomat qilgan. Bu joy o'zining golf maydonlari bilan mashhur edi. "Golf maydonidagi qotillik" asari shuning natijasi bo'lsa ajab emas. Yana bir misol. Birinchi jahon urushi vaqtida Agata Torki shahri aptekasida ishlagan. Ish jarayonida esa zaharlarni sinchiklab o'rgangan. Bu ishi keyinchalik unga juda ko'plab asarlarida qo'l kelgan.

Agata Kristi bir narsadan afsuslangan. "Men ilk kitobimda Erkyul Puaroni iste'fodagi yosh ofitser sifatida tasvirlashim kerak ekan. Agar shunday qilganimda umrimning oxirigacha u haqidagi asarlarni yozishim mumkin edi" deya afsus bilan yozadi Agata. Chunki yozuvchining ilk kitobdayoq Puaro katta yoshli inson sifatida ko'rsatilgan. Bundan ko'rinib turibdiki, Erkyul Puaro Agata Kristining sevimli obrazi bo'lgan.

Agata Kristi "O'nta negr bolasi"ni eng yaxshi roman sifatida hisoblardi. O'quvchilar ham kitobga yaxshi baho berishdi do'konlarda eng ko'p sotilgan. Roman voqealari kechadigan serviqor qoyalardan iborat orolcha haqiqatda mavjud, u Burg va Janubiy Britaniya orollari edi.

Xuddi Artur Konan Doyl Sherlok Xolmsdan toliqqanidek, Agata Kristi ham o'zining qahramoni Erkyul Puarodan charchadi. Biroq Konan Doyldan farqli o'laroq, u o'z izquvarini mashhurlik cho'qqisida bo'lganida o'ldirishga qaror qilmadi. Adibaning nevarasi Metyu Prichard so'zlariga ko'ra, Kristi o'ylab topgan qahramonlaridan eng yoqadigani — «keksa, oqila, an'anaviy ingliz xonimi bo'lgan. Yana bir qahramon — polkovnik Reys Agata Kristining to'rtta romanida gavdalanadi. U — Britaniya razvedkasi agenti bo'lib, xalqaro miqyosdagi jinoyatchilarni tutish uchun dunyo bo'ylab kezadi. Reys — MI5 josuslik bo'limi xodimi. U — baland bo'yli, alp qomatli, toblangan qahramon. Reys ilk bor "Malla kostyumli odam" josuslik detektivida paydo bo'lgan. Voqealar Janubiy Afrikada yuz beradi. Polkovnik Reys, shuningdek, Erkyul Puaro haqidagi "Stol ustidagi qartalar" va "Nildagi o'lim" nomli ikki romanda paydo bo'ladi. Puaro Reysning ikkita tekshiruviga yordam beradi. Reys so'nggi marta 1944-yili yozilgan "Yarqiragan sianid» romanida eski do'stining o'limi yuzasidan tekshiruv olib boradi. Bu asarda u yetuklik yoshida bo'ladi.

Parker Payn esa "Parker Payn tergov olib boradi" to'plamidagi 12 hikoya, shuningdek, "Regat siri va boshqa hikoyalar» hamda "Polsens tashvishlari va boshqa qissalar» asarlarining qahramoni. Payn turkumi omma uchun rasm bo'lgan detektiv nasri emas. Uning syujeti asosida jinoyat emas, balki Paynning o'z hayotidan norozi mijozlari tarixi yotadi. Aynan shu norozilik ularni Payn agentligiga olib keladi. Mazkur asarda Erkyul Puaroning kotibi sifatida ishlash uchun Payndagi xizmatini tashlab ketgan Lemon xonim birinchi marta namoyon bo'ladi.

Kristi o'zi yozgan asarlarini yaxshi deb hisoblamasa-da, yomon deb baholamasdi. «Hind jurnalistlaridan biri mendan «o'zingiz yomon deb hisoblagan asarni nashr qildirganmisiz?» deb so'radi. Men jahl bilan «yo'q» deb javob berdim. Mening barcha kitoblarim o'zim o'ylab topganlarim asosida chop etilgan, hammasidan ko'nglim to'lgan, agar rostdan ham birorta kitobim yomon bo'lganida men uni hech qachon nashr qildirmasdim», deb yozgan edi Agata Kristi o'zining tarjimai holida.

XX asr ingliz adabiyoti rivojiga katta hissa qo'shgan yozuvchilardan biri Agata Kristidir. Uning asarlari o'zining qiziqarli syujeti, kutilmagan yechimi, murakkab qahramonlari va voqea-hodisalari bilan barchani o'ziga jalb etadi. Shu bilan bir qatorda, uning asarlari detektiv adabiyot shakllanishiga ham salmoqli hissa qo'shdi. Agata Kristi o'zining asarlarida bugungi ayrim qo'shtirnoq ichidagi detektiv asarlardan farqli o'laroq, zo'ravonlik, qon halqobi va qo'pollik kabi holatlarni tasvirlamaydi. U o'z romanlarida biror marta ham insonlar orasidagi shaxsiy masalalarni mavzu qilib olmagan. Detektiv axloq-odob chegarasidan chetga chiqmagan hikoya va romanlar yozgan. Shuning uchun ham yozuvchi asarlari ko'plab muxlislarga ega va bir necha tillarga tarjima qilib kelinmoqda. "Detektiv janr qirolichasi" ijodi yosh yozuvchilar va adabiyot ixlosmandlari uchun namunali maktab vazifasini bajaradi.

Adabiyotlar:

1. Кристи А. Ўнта негр боласи. – Тошкент, 2016.
2. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Академнашр.– Т., 2010. – Б. 90.
3. Худойберганов Н. Жинойт фош этилди//Ўзбекистон маданияти. – 1973. 12 июль.
4. Тўхтабоев Х. Истеъдод кирраси. – Тошкент, 1990. – Б. 3-4.

FOLKLOR ASARLARDA REALIYALAR TARJIMASI

Xolmo‘minov Ilhom Abdixalilovich

ToshDO‘TAU doktranti

ixa.kholmuminov1986@mail.ru

Annotatsiya: Maqolada folklor matnlarida uchraydigan realiyalar, muqobilsiz leksikalar, xos so‘zlarning tarjima qilishdagi qiyinchiliklar to‘g‘risida gap boradi. Shuningdek, realiyalar, xos so‘zlar, muqobilsiz so‘zlarga tilshunoslik va tarjimashunoslik sohasidagi yetuk olimlarning fikrlariga tayanib, ta’rif va tavsiflar keltiriladi.

Abstract: The article deals with the realities encountered in folklore texts, lexicons without alternatives, and difficulties in translating specific words. It also provides descriptions and descriptions based on the opinions of leading scholars in the field of linguistics and translation studies on realities, idioms, and non-alternative words.

Аннотация: В статье рассматриваются реалии, встречающиеся в фольклорных текстах, безальтернативной лексике, а также трудности перевода конкретных слов. Он также предоставляет описания и описания, основанные на мнениях ведущих ученых в области лингвистики и переводоведения о реалиях, идиомах и безальтернативных словах.

Xalq og‘zaki ijodi namunalari tarjimasida milliy koloritning eng muhim jihatlaridan birini ifodalaydigan realiyalarni tarjima qilish muammolari alohida ahamiyatga ega. Xususan folklor asarlardagi realiyalarni xorijiy tillarga, jumladan o‘zbek tilidan ingliz tiliga o‘girish, mazkur muammoni “Alpomish” dostonining inglizcha tarjimasida misolida qiyosiy tahlil etishning dolzarbligini anglatadi.

Realialarning muayyan koloritni aks ettirish xususiyatlari to‘g‘risida XX asrning 50-yillarida tilshunoslar baxs yurita boshladilar. Rus olimasi L.N. Sobolevning fikriga ko‘ra, “realiyalar – maxsus xususiyatga ega bo‘lgan, bir tilda va boshqa mamlakatlardagi tillar muhitida boshqa ekvivalentlari bo‘lmagan milliy so‘z va so‘z birikmalaridir” [1.281]. Realialar to‘g‘risida haqiqatga yaqin ta’rifni S. Vlasova va S. Florinlar berganlar. Unga ko‘ra: “Realialar – muayyan bir xalqning hayoti, turmushi, urfodatlari, madaniyati, ijtimoiy taraqqiyotiga oid narsa, predmet, voqea hodisalarni ifodalovsi so‘z va so‘z birikmalari bo‘lib, ular milliy va davriy xususiyatga egadirlar”[1.48]. Realialarning muhim xususiyati ular ifodalaydigan predmetning mohiyatidan kelib chiqadi. Muayyan xalqning turli tarixiy davrlardagi hayot tarzi, ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyoti realialarning mohiyatiga albatta o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Ana shuning uchun ham realialar to‘g‘risida gapirganda, albatta, milliy o‘ziga xoslik va tarixiy kolorit masalasini chetlab o‘tib bo‘lmaydi. Chunki realialar har qanday holatlarda ham bir vaqtning o‘ziga milliy va tarixiy bo‘yoqqa ega bo‘ladilar. Bu esa ularga alohida munosabatda bo‘lishlikni talab qiladi.

Folklor asarlarning tarjimasida ko‘p duch keladigan muammolardan biri bu-lokalizm. “Lokalizm” terminiga kelsak, unga yaqin bo‘lgan “maishiy so‘z”, “etnografizmlardir”. Chunki bu terminlarning bir-biriga juda yaqinligi bor. Ayni paytda lokalizmlar stilistik jihatdan realialarga juda yaqin keladilar. Lokalizmlar shunday so‘z va so‘z birikmalariki, ular adbiyotlarda aniq ko‘rsatib bo‘lmaydigan muayyan hudud bilan chegaralanadilar[2.44]. Chunki, ana shu —mahalliylik tushunchasi va ularni angalatadigan predmetlar aynan realialarga ham taalluqlidir. Ammo biz realialarni yanada kengroq tushuncha sifatida qo‘llaymiz. S.Vlasovning fikriga ko‘ra

muqobilsiz leksika o'zining mazmun mohiyatiga ko'ra anchagina keng qamrovli hisoblanadi. Muqobilsiz leksika shunday tushunchaki, uning muqobillari tarjima tillarida bo'lmaydi[2.44]. Muqobilsiz leksika realiya tushunchasidan kengroq ma'noda qo'llaniladi. Yanada konkretroq gapirganda, realiya - muqobilsiz leksika tarkibiga kiradi. Muqobilsiz leksikani rus tilida bezekvivalentnaya leksika deb yuritiladi. Realialar, aslida lingvistik hodisa bo'lmashligi mumkin. Ammo muqobilsiz leksika o'z nomi bilan – leksika, ya'ni tilga albatta aloqador hisoblanadi. Muqobilsiz leksika masalasi ham hech bo'lmagan ikki til aro qiyosda ko'zga tashlanadi. Ayni paytda shuni ham bilish lozimki, bir juft tilda muqobilsiz bo'lgan leksika boshqa tillar juftligida qiyoslaganda muqobilsiz bo'lmashligi ham mumkin. Demak, har bir tilni boshqa til bilan qiyoslaganda uning aynan qaysi til bilan qiyoslanishi muhim ahamiyatga ega bo'ladi. Muqobilsizlik ham aynan ana shu o'rinda ko'zga tashlanadi. Bu jihat o'z navbatida ana shu tillararo lug'atlarda ham turlicha aks ettiriladi. Tarjimashunoslikda realialarni bir tildan ikkinchisiga o'girish muammolari anchagina faol o'rganilgan. Chunki ushbu masalaga harqanday tarjima tahliliga bag'ishlangan ishlarda u yoki bu darajada munosabat bildirib o'tiladi. Mazkur muammo Evropa tarjimashunosligida anchagina chuqur tadqiqotlar amalga oshirilganligi bilan ajralib turadi. Bu borada G'. Salomov, R.Fayzullayeva, O.Kade, J.Munen, I. Leviy, L.Barxudarov, A. Fedorov, L. Sobolyev va ayniqsa, yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, S.Vlaxov va S.Florinlarning "Tarjimada tarjima bo'lmashlik" deb nomlanuvchi kitoblari muhim ahamiyat kasb etadi. Umuman olganda realiyalar tarjimasida ikki jihat eng muhim hisoblanadi: Asliyatdagi realiyaga tarjima tilida muqobilini topib bo'lmashligi. Realialar tarkibida ob'yekt sifatida kelgan milliy va tarixiy koloritni aynan tarjima qilib bo'lmashligi. Shuning uchun ham realiyalar tarjimasida duch kelingan har qanday holatni bir urinish bilan hal qilsa bo'ladigan, avvaldan yozib qo'yilgan tayyor qolip, qoida mavjud emas. Tarjimon har bir holat kontekstidan kelib chiqib realialarni tarjima qilishga bel bog'lashi kerak bo'ladi. Zero har bir realiya tarjima va tarjimon uchun alohida bir muammodir. Realialar tarjimasini muammolarini nazariy jihatdan oydinlashtirish uchun mahoratli tarjimonlar tajribalariga tayanish eng to'g'ri yo'ldir.

Tarjimon avvalo muayyan realianing asliyat matnlarida qanday o'rin tutganligini anglamog'i lozim bo'ladi. Bu o'rinda mutarjim asliyat muallifi o'z asaridagi realiyani nima maqsadda, qanday uslubiy-ma'niviy vosita sifatida qo'llaganligini bilishi kerak. Ayniqsa muallif o'z asarida nafaqat tarjima o'quvchisiga, balki o'z kitobxonlarigas ham notanish bo'lgan realialarni qo'llagan bo'lsa, anchagina qiyinchiliklarga duch kelinadi. Chunki bunday xos so'zlarning milliy va tarixiy bo'yoqlari ham shunchalik murakkab bo'lishi tabiiy. Ozgina beparvolikka yo'l qo'yiladigan bo'lsa, tarjima o'quvchisi bunday so'zlarni keraksiz, hech kimni qiziqitirmaydigan qandaydir tushunarsuz ekzotizmlar qatoriga qo'shin qo'yadi. Realialar tarjimasida ularning tarjima o'quvchisiga avval tanish yoki notanishligi muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki kitobxon asliyatdagi xos so'zlarni mumkin qadar osonroq tushunishi lozim. Shu sababdan ularning quyidagi xususiyatlariga e'tibor berish kerak: Avvalo tanish, o'zimizga yaqin bo'lib qolgan realiyalar. Jumladan, ruslar uchun *pirojki*, bolgarlarga *banitsa*, chexlar uchun *knedli*, o'zbeklarga *somsa* tanish taom hisoblanadi. Bunday xosso'zlarni har qanday lug'atlardan topish mushkul. Tarjimada unchalik murakkablik keltirib chiqaravermaydigan international realiyalar. Bularga: *sombrero*, *gondola*, *preriya*, *djinsi*, *safari* va boshqalarkiradi. Mazkur tipdagi realiyalar tarjimasiga xos bo'lgan quyidagi jihatlarga e'tibor berish lozim.

Mahalliy realiyalar xos so'zlar sirasida alohida rol o'ynaydi. O'rta osiyo mamlakatlari, xususan, o'zbeklarga xos bo'lgan: *ariq*, *so'ri*, *xon atlas*, *palov*, *somsa*, *manti* va boshqa xos so'zlarni keltirish mumkin.

Adabiyotlar

1. Комиссаров В.Н. Слово о переводе. – Моква, 1973.
2. Саломов Ғ. Мақол ва идиомалар таржимаси. – Тошкент, 1964.
3. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
4. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – Москва: Валент. 2006.
5. The advanced learner's dictionary of current English – Oxford, 2002

БАДИЙ МАТНЛАРДАГИ АГИОТЕРМИНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Тухтасинова Нигина Башировна

Ўзбекистон Миллий университети докторанти

nigina.tuxtasinova@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақола француз адиблари асарларининг таржималарини таҳлил қилиш жараёнида француз тилидаги агиографик терминларнинг ўзбек тилида берилишининг қиёсий таҳлиliga бағишланган.

Калим сўзлар: адекват таржима, эркин таржима, агиографик матн, аксиологик олам манзараси.

Аннотация: Данная статья посвящена сравнительному анализу узбекского перевода агиографических терминов на французский язык при анализе переводов произведений французских писателей.

Ключевые слова: адекватный перевод, вольный перевод, агиографический текст, аксиологическая картина мира.

Abstract: This article is devoted to a comparative analysis of the presentation of French agiographic terms in the Uzbek language in the analysis of translations of works by French writers.

Key words: adequate translation, free translation, agiographic text, axiological worldview.

Француз адиблари асарларининг бевосита ва билвосита таржималарини таҳлил қилиш жараёнида француз тилидаги агиографик терминларнинг ўзбек тилида берилишида турли хил хатоликларни кузатдик. Ўз хулосаларимизни айтишдан олдин улардан баъзиларини таҳлилга тортдик. Масалан Проспер Мерименинг бир қанча асарлари яъни “Карл IX салтанатининг йилномаси”, “Таманго”, “Кармен” каби асарлари ўзбек тилига восита тили орқали таржима қилинган. Моҳир таржимон Озож Шарафиддинов Проспер Мерименинг “Арсена Гийо” новелласи таржимасида аслиятда берилган “*abbé*” ни гоҳ “*кашиш*”, гоҳ, “*аббат*”, “*руҳоний*”, “*кюре*” каби бир қанча лексемалар орқали ифодалаган. Масалан:

“Où, un reproche. J’avais remarqué sa position : j’aurais dû lui envoyer des secours ; mais le pauvre *abbé* Dubignon était au lit, et...” [Merime, 1984:36]

Восита тилидаги таржима:

– Да, виновата, я видела ее тяжелое положение и должна было помочь ей, но, к сожалению, *аббат* Дюбиньон заболел, и...”. [Мериме, 1983:12.]

Озож Шарафиддинов таржимаси:

“ – Ҳа айбдорман! Унинг аҳволи ночорлигини кўрган эдим. Унга нафақат жўнатишим керак эди. Аммо *бузрук* Дюбиньоннинг хасталиги туфайли...”. [Мериме Проспер.1978.; 396.]

Мазкур бевосита ва билвосита таржимада агиотерминлар таркибига кирадиган дин пешволарнинг мансаблари ва даражалари чалкаштириб юборилган. Тўғри рус таржимони айнан аслиятдагидек яъни француз тилида берилган “*abbé*” рус тилида “аббат” деб тўғри ўйрилган. Чунки француз тилида “аббат” лексемасига қуйидагича изоҳ берилган:

“*Abbé. Dans l’Église catholique et orthodoxe, supérieur d’un monastère d’hommes érigé en abbaye. Titre donné à un prêtre séculier*”. [4]

Яъни Аббат католик ва православ черковида аббатлик сифатида ташкил этилган эркаклар монастирининг бошлиғи. Дунёвий руҳонийга берилган унвон ҳисобланади (Таржима бизники Н.Т.).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “аббат” лексикасига қисқагина изоҳ келтирилган:

“Аббат католик эркаклар монастирининг бошлиғи. Францияда католиклар руҳонийси”[5].

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида эса мазкур атама ўзбек тилининг изоҳли луғатига қараганда кенгрок очиб берилган:

“Аббат (лот. *abbas*, оромий тилида або — ота) 1) католик монастири - аббатлик бошлиғи. 2) Француз католик руҳонийси унвони”.[6]

Асар рус тили орқали ўзбек тилига таржима қилинганлигини инобатга олиб мазкур атаманинг рус тилидаги луғатларда берилишига эътибор қаратдик. В.И.Далнинг луғатида қуйидаги тарзда шарҳланган:

“**Аббат** м. абат (стар. опат. Со двумя опаты, сиречь игумены, або архимандриты) настоятель римско-католического монастыря; почетное звание католического церковника. | Некогда одно звание, для почета и дохода. Аббатиса, настоятельница. Аббатов, ему принадлежащий; аббатский, к ним относящийся. Аббатство ср. звание аббата; | подчиненный аббату монастырь или | само здание монастыря”. [7]

Юқорида таҳлил қилинган контекстимизда “руҳоний” лексема борлиги учун мазкур атаманинг луғатдаги изоҳларига мурожаат қилишни маъқул топдик.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида қуйидагича шарҳланган :

“**Руҳоний** — диний лавозимда хизмат қилувчи, динни тарғиб этувчи киши, дин пешвоси. Руҳоний буддизм, иудаизм, христианлик, ҳиндуийлик, ислом ва б. динларда мавжуд. Руҳоний монотеистик динлар келиб чиқиши билан пайдо бўлган. Коҳинлар Руҳонийларнинг ўтмишдоши ҳисобланади. Руҳоний ларнинг олий табақасига худонинг ердаги ноиби (католицизмда — Рим папаси) ёки худонинг унда мужассам бўлиши (ламаизмда—далайлама, исмоилийларда фирқа бошлиғи) деб эътиқод қилинади” [8] тарзида изоҳланган.

Француз тилида “*un prêtre*” қуйидагича изоҳланган:

“*Chrétien qui, par l'imposition des mains au moment de l'ordination par l'évêque, reçoit la mission de rendre présent le Christ parmi les hommes, en célébrant l'eucharistie, en pardonnant les péchés, en instruisant et guidant le peuple qui lui est confié*” [9].

Таржимаси:

Руҳоний, епископ томонидан тайинланиш пайтида қўлларини крест қилиб гуноҳларни кечириш, ўзига ишониб келган одамларга йўл йўриқ кўрсатиш орқали масиҳни одамлар орасида иштирок этиш вазифасини олади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати, рус тилининг изоҳли луғати ва француз тилидаги луғатларда аббат, руҳоний лексемаларини таърифини кўриб чиқдик.

Навбатдаги мисол “Аббат Обен” новелласидан, аслиятда:

“*Pendant que je me promenais, lisant, regardant at admiran, l'abbé Aubain je ne sais si je t'ai parlé de mon abbé, c'est le curé de mon village est venu me rejoindre . C'est un jeune prêtre qui me revient assez*” .[Merime.1985. :182]

Билвосита таржимада:

“*В о время как я гуляла, читала, смотрела, любовалась, ко мне подошёл аббат Обен; но не помню, говорила я ли тебя о моем духовнике и здешнем приходском священнике. Этот молодой аббат мне по душе*” [Мериме.1983. —:108.]

Ўзбекчада:

“*Мен китоб ўқиб, томоша қилиб, завқланиб сайр қилибюрган эдим, нимга аббат Обен келди. Эсимда йўқ мен аббатим ҳақида сенга айтганмидим, йўқми, у бизнинг қишлоқда кюре. Бу ёш каишии менга жуда маъқул.* [Мериме Проспер, 1978.-:441.]

Бир қарашда бу сўзлар синонимдек туюлсада, аммо француз тилида “аббат”, “каишии”, “кюре” сўзлари ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Чунки булар унвонлар ҳисобланади, аббат католик черкови томонидан бериладиган унвон бўлиб, ҳар қандай руҳоний бу унвонга сазавор бўлавермайди. Фақат баъзи ҳолларда аббатлар ибодатхоналарга “кюре” этиб тайинланиши мумкин. Бу борада Проспер Мерименинг “Аббат Обен” новелласидан олинган мазкур мисол фикримиз далили бўлиши мумкин:

“–Нега энди жаноб, –**аббат** дедим мен унга бир кун, –шунча ақлингиз билан, шунча илмингиз билан кичкина қишлоққа **кюре** бўлишга кўниб ўтирибсизми?” [Мериме Проспер, 1978.:441.]

Демак, кюре Франция ва Белгияда католик черков руҳонийси ҳисобланиб маълум бир ибодатхонани бошқаради. Рус тилидаги “кашиш” термини эса христиан динининг проваслав мазҳабига нисбатан мансуб руҳонийга нисбатан ишлатилади. Шундай экан мазкур атамаларни бир бирига нисбатан синоним сифатида қўллаш аслиятдаги мазмунни ўқувчига нотўғри етказиб беришдан далолат беради. Таржимашунос Раима Ширинова таъкилаганидек,

“Таржимада учраб турадиган камчиликлардан бир бўлган дин пешволарининг касби, мансабини билдирган терминлар қавм, маскан кабиларни нотўғри ифодаланиши таржиманинг сифатига таъсир қилибгина қолмай, ўқувчида у ёки бу халқнинг эътиқодий одат ва маросимларини хусусида нотўғри тасаввур уйғотади, чалғитади” [Ширинова Р.Х 2002.:63.].

Таҳлиллар шу нарсани кўрсатдики, таржимонлар аслият тилида сўзлашувчи халқнинг диний таълимотларини, тарихини, эътиқодини билмасликлари натижасида католик черков тузилиши ҳамда христиан диний маросимлари ва кундалик амалиётдан етарли даражада хабардор эмасликлари сабабли бўлса керак улар таржима жараёнида аслият ва таржима тилидаги агиографик терминларни қориштириб юборганликлари кузатилди. Бу эса нафақат таржима сифатини балки рецепиентда у ёки бу халқнинг маданияти, тарихи, урф-одатлари тўғрисида нотўғри тасаввур уйғотиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу борада таржимонлар учун аниқ меъёрларни ишлаб чиқиш лозимлигини келтириб чиқаради. Албатта, бадий таржимада айрим сўзларнинг нотўғри ўтирилганлиги оригинал асарнинг руҳи ва услубини бузилишига олиб келиши муқаррар.

Ўзбек тилидан француз тилига ва аксинча француз тилидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган асарлар таржимасини таҳлил қилиш жараёнида шу нарсани кузатдикки, таржимонлар асосан агиографик терминлар таржимасида қуйидаги услублардан фойдаланганлар:

- 1) агиографик терминларни транслитерация усулида бериш;
- 2) тўлиқ таржима қилиш;
- 3) калкалаш усулидан фойдаланиш;
- 4) тушуриб қолдириш;
- 5) таржима тилида мавжуд аналоглари билан алмаштириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, агиографик терминлар таржимаси аксиологик, когнитив аҳамиятга эга бўлиб, диний аллюзиялар орқали бадий матнда ўз аксини топади;

– Агиографик терминлар антропоним, топоним, фразеологик birlik ва диний маркерланган аллюзив воеалар орқали ифодаланади;

– Агиографик терминлар бадий матнда персонажнинг характери, унинг ички туйғуларини ифодалаш учун ҳам қўлланилади;

– Агиографик терминлар таржимаси асосан имплицит характерга эга бўлиб, коцептуал характерга эга бўлшаг ахборотни ўзида мужассам этади.

Адабиётлар

1. Merime. Carmen et treize autres nouvelles. Paris, Gaullimard , 1984 . –P . 36.
2. Мериме. Собран.соч. в 4 х томах. –Москва, 1983. – С. 12.
Чет тилларни ўргатиш жараёнида машқлар бажаришга кенг ўрин берилади. Машқ тушунчаси методик адабиётларда турли таъриф ва тавсифларга эга бўлиб келган [2]. Ҳозиргача машқ системаси унинг таркибий қисмлари, машқлар системасининг таснифи борасида бир қанча лингвистик, психолингвистик ва дидактик тадқиқот ишлари олиб борилган (И.В.Рахманов, В.А.Бухбиндер, Н.И.Гез, М.С.Ильин, Ж.Ж.Жалолов, И.М.Берман ва б.).

В.А.Бухбиндер фикрича, машқ деганда, тил ҳодисаларига оид билимларни эгаллаш, лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш, мазкур бирликларни нутқ вазиятида тўғри қўллаш амали тушунилади.

Илмий манбаларда машқ таърифи қуйидагича келтирилади: бирор фаолиятни пухта ўзлаштириш ёки сифатини яхшилаш мақсадида уни кўп марта такрорлаш. Машқ таълимда кўникма ва малакалар ҳосил қилишда муҳим ўрин тутди. Машқнинг самарали бўлиши учун унга онгли равишда ёндашиш, шу жараёни бажаришда мавжуд шароитни ҳисобга олиш, йўл қўйилган хато, камчиликларни англаш ва уларни тузатиш йўллари билиш керак. ... [7].

Таниқли методистлардан профессор И.В.Рахманов барча машқларни лингвистик нуқтаи назардан тил ва нутқ машқлари номи билан юритган.

Тадқиқотчилардан профессор В.А.Бухбиндер психолингвистик нуқтаи назардан информатсион, операцион ва мотивацион машқлар ҳақида илмий изланишлар олиб борган. Информатсион машқлар билим ўргатадиган, операцион машқлар тил материални ўргатиш орқали кўникмани шакллантирадиган, мотивацион машқлар деганда эса нутқий малака ҳосил қилишда бажариладиган машқлар тушунилади.

Мамлакатимизда ҳам машқлар системасининг таснифига доир нуфузли тадқиқот ишлари олиб борилган. Шакллантирувчи машқлар тил материали (лексика, грамматика, талаффуз)ни ўзлаштиришда, ривожлантирувчи машқлар тил материални эгаллаш, тилга оид дастлабки кўникмаларни мустаҳкамлашда, такомиллаштирувчи машқлар эса чет тилда фикр баён этиш ва ўзга шахс фикрини идрок этиб тушуниш мақсадида бажарилади. Бошқача айтганда, билим олиш (шакллантирувчи машқлар), кўникмани эгаллаш (ривожлантирувчи машқлар) ва малакани ўстиришга (такомиллаштирувчи машқлар) йўналтирилган машқлар деб аталади [2].

Таржимани олимлар турлича талқин қиладилар. Тадқиқотчилардан А.В.Федоров [4] ва Л.С. Бархударовлар [1] таржимага лингвистик жиҳатдан ёндашиб, уни икки маънода

қўлланишини таъкидлайдилар: 1. Муайян бир матн (ёки матн парчасини) иккинчи бир тилга ўгириш. 2. Таржиманинг ўзи, “таржима қилмоқ” феълидан келиб чиққан ҳосила.

“Таржима” сўзининг чет тил ўқитиш методикасидаги терминологик маъноси доираси “таржима методи”, “таржима машқи”, “таржима усули” каби бирикмаларда ифодаланади. Зеро, чет тилни нутқ фаолияти сифатида ўргатиш/ўрганиш жараёнида вақти-вақти билан таржимага мурожаат қилиш зарурияти чет тил ўқитиш методикасида муфассал баён этилган.

Оддийроқ айтганда, чет тилда гапириш, тинглаб тушуниш, ўқиш ва ёзувни нутқ фаолияти турлари сифатида эгаллаш алоҳида таржима машқларини талаб этади. Чунончи, тил ва нутқ бирликлари ҳисобланмиш сўз, жумла, матн кабиларни ўрганишда қуйидаги таржима машқларининг бажарилиши методик жиҳатдан ўзини оклайди: (а) янги сўзнинг маъносини очиш (семантизация)да, таржимасиз усулдан фойдаланиш имкони бўлмаганда, сўз она тилига таржима орқали берилади; (б) чет тилдаги жумла мураккаб бўлса, у таржима қилинади, сўзма-сўз тушуниладиган жумлалар эса ўрганилган сўзлар ёрдамида таржимасиз тақдим этилади; матнни ўқишда уни бошдан-охир оғзаки таржима қилинмайди; ёзма таржима учун берилган матн эса таржимани ўргатишга мўлжалланмайди, балки унинг таркибидаги янги сўзларни луғат ёрдамида талабанинг қанчалик тўғри семантизация қилганлиги текшириб кўрилади, холос. Луғатдан фойдаланишни ўрганиш мақсадида матн ёзма таржима қилинади, бунинг учун дарсликда махсус машқлар берилади: “Матнни ўқинг ва уни луғат ёрдамида ёзма таржима қилинг”. Матндаги янги сўзлар маъносини талаба мустақил тарзда луғатдан топиши ҳисобга олинади.

“Таржима” деганда, турли соҳа вакиллари уни турлича тушунадилар ва талқин этадилар. Масалан, адабиётшунослар ёки тилшунослар биринчи навбатда, бадиий таржимани, яъни муайян бадиий асарнинг бир тилдан иккинчи тилга ўгирилиши ҳақида фикр юритадилар ёки фан-техника мутахассислари шу соҳадаги илмий ва техникавий асарларни аслиятдан бошқа бир тилга ағдаришни назарда тутадилар. Иккаласида ҳам таржима ижодий ёки илмий фаолият ҳисобланади. Учинчи бир ҳолат: сўзловчининг нутқини бошқа бир тилга оғзаки таржима қилишга дуч келамиз. Унинг турлари таржимашуносликда тадқиқ этилади.

Чет тил ўқитиш методикасида эса таржима қуйидагича тушунилиши мумкин: метод, усул, восита мақомида талқин этилади.

Маълумки, асрлар давомида чет тил машғулоти таржима методи орқали ўтказиб келинган. Унда тил ўрганувчининг тафаккурини ривожлантириш мақсад қилиб қўйилган. Кейинчалик ушбу методнинг фақат ўлик (лотин, қадимий юнон) тилларни ўргатишга мос келиши, жонли тилларни эса мазкур метод билан ўргатиш имкони йўқлиги илмий асосланди ва халқаро миқёсда кўпчилик мутахассисларга маълум бўлган тўғри метод, аудиолингвал метод, аудиовизуал метод, интенсив метод кабилар пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда дунё мамлакатларида чет тил ўргатиш коммуникатив метод орқали амалга оширилмоқда.

П.Хэбболдт [5] таржима ҳақида фикр юритиб, унча қийин бўлмаган матнларни ўқишда таржимага эҳтиёж сезмаслик, аксинча қийинчилик туғдирадиган матнларда таржимага мурожаат қилиш лозимлигини айтади.

И.В. Раҳманов таржима билан бевосита боғлиқ масалаларга тўхталиб, чет тилни ўргатишнинг икки қонуниятини кўрсатган эди: 1) чет тилни ўргатиш она тили асосида бўлиши (ушбу қонуният ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб турибди, чунки она тили орқали чет тилни ўрганиш реал воқеликни акс эттиради); 2) чет тилни ўргатиш, қандай мақсадда бўлмасин, тинглаб тушуниш ва гапириш машқларини бажариш эвазига бўлиши керак [3].

Л.В.Шчерба фикрича, “бир тилда нутқ юритувчи ўша тилдаги белгиларни топа билади, аксинча чет тил билган ушбу вазиятдан чиқиб, бошқа тилда ҳам фикрлаш имкониятига эгадир” [6].

Чет тил ўқитиш тарихида таржимани ўргатишда икки ҳолатни кузатишимиз мумкин: биринчидан, узоқ муддат чет тилни жаҳон миқёсида она тилига таржима қилиш орқали ўргатиб/ўрганиб келинган (бунда “таржима методи”ни эслатиб ўтиш кифоя), иккинчидан, бадиий ва бошқа адабиётларни таржимада ўқилиши таъсирида “чет тил – таржима” тарзидаги фикрий боғланиш (ассоциация) ҳосил бўлган.

Таржима сўзининг маъно доираси шунчалар кенгки [2], қуйидаги бирикмаларда буни осон илғаб олиш мумкин; (1) таржима методи, таржима машқи, таржима усули; (2) бадиий таржима, илмий таржима, таржима маҳорати; (3) матн/ибора/сўз таржимаси, оғзаки/ёзма таржима, синхрон таржима; (4) қўхна матнларни/манбаларни ҳозирги замон адабий тилига ағдариш/ ўгириш ва ҳ.к.з. Таржима қатор фанларда тадқиқот объекти бўла олади. Биринчиси чет тиллар ўқитиш методикаси, иккинчиси адабиётшунослик, учинчиси тилшунослик, тўртинчиси адабий алоқалар, ва, ниҳоят, бешинчиси матншунослик каби соҳаларда ўрганилади.

Таржимани ўрганиш чет тил ихтисослиги бўйича касбий малакани эгаллаш, деб қаралиши мумкин, яъни таржимонлик бўлимлари (факультетлари)да таҳсил олувчилар учун бу соҳа махсус мақсад саналади.

Адабиётлар

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. –М., 1972. – 310 с.
2. Jalolov J.J. Chet til o‘qitish metodikasi: Chet tillar oliy o‘quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. –Т.: О‘qituvchi, 2012. – 432 б.
3. Рахманов И.В. Обучение устной речи на иностранным языке. –М.: Высшая школа, 1980. –120 с.
4. Федоров А.В. Основы общей теории перевода (Лингвистические проблемы): – М.: Высшая школа, 1983. – 303 с.
5. Хэгболдт П. Изучение иностранных языков. Некоторые размышления из опыта преподавания. Сокращенный перевод а англ. Л.А.Морозовой. –М.: Гос. учебно-метод. изд. министерства просвещения РСФСР, 1963. – 160 с.
6. Щерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе. Общие вопросы методики / Под ред. И.В. Рахманова. – 2-е изд. – М.: Высшая школа, 1974.– 112 с.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5 жилд. Конимех–Мирзоқуш. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т.Долимов ва б. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси “Давлат илмий нашриёти”, 2003. – 704 б.

LINGUOCULTURAL ASPECT OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN TEACHING SPEECH ETIQUETTE

Uteshova Zerine Khurmetullaevna

Phd, Department of English and Literature

Karakalpak state university

uzerne@list.ru

Annotation. *The article deals with the importance of the linguoculturological aspect that presupposes taking into account the national-cultural specifics of the contacting linguocultures, in our case, English and Karakalpak. Also, the regional factor in teaching foreign languages should have been considered in the article. Descriptive analysis is used in the article.*

Key words: *linguoculturological approach, aspect, communicative competence, Foreign Language (FL), speech etiquette.*

The linguoculturological approach to teaching the speech etiquette of the English language in the Karakalpak audience should assume as its object a linguistic person who can implement the necessary speech etiquette formulas, corresponding to the norms of the speech activity of an

individual of a different linguistic community and a different national picture of the world. Therefore, the methodology of teaching a foreign language of speech etiquette should be presented as a process of transferring linguocultural experience in comparison with the native culture and its adequate use in accordance with communication situations. According to I.A. Orekhova: “while teaching communication in Foreign Language (FL), we set the task of bringing the linguoculturological competence of the subject of the target language to a level that allows him to adequately communicate with native speakers” [6:29], while the text as discourse acts as a teaching tool reflected in the audio, video materials and natural situations of communication. Also, V.A. Maslova also writes in relation to the cumulative function of language that language is only a mechanism that contributes to the coding and translation of culture, and “texts are the true custodian of culture - the text is directly related to culture, for it is permeated with a multitude of cultural codes” [7]. We believe that all significant components of the linguocultural reality of the etiquette form of communication of the country of the target language are vividly reflected in the texts. And the speech etiquette can act in the text as linguistic cultures / universals, including segments of language and culture (extra-linguistic cultural meaning). Now we can proceed to consider the question of what place the linguoculturological aspect occupies within the framework of communicative competence. The definition of the components of communicative competence is highlighted in the works of Russian researchers such as N.M. Shanskiy, I.L. Beam, E.I. Passov, V.V. Safonova, N.D. Galskova, G.A. Vorobyov and others [1, 2].

The communicative goal of training is to develop skills and abilities to understand the thoughts of other people while listening, reading and expressing their thoughts in oral and written forms. Therefore, N.M. Shansky identifies the following levels of mastering communicative competence: linguistic level (the presence of certain knowledge of the language and theoretical information about it); situational level (the ability to correlate linguistic means with the tasks, goals and conditions of communication, the situation); social level; the national-cultural level [1]. We believe that the listed components of communicative competence require expansion in order to enter intercultural communication. The following component composition of the communicative competence proposed by I.L. Bim: linguistic (mastering linguistic means, the processes of generating and recognizing texts); thematic; sociocultural, knowledge of the sociocultural context), compensatory (the ability to achieve mutual understanding, get out of a difficult situation), educational (the ability to learn) [2:49]. However, communicative competence correlates with communicative activity, which acts as a communicative-cognitive and communicative-evaluative activity and aimed at cognizing reality, at the formation of value orientations through communication. Based on this, the marked components do not reflect all the necessary abilities to communicate at the intercultural level. Furthermore, the methodology of teaching foreign language speech interaction proposed by N.R. Anismovich is based on speech strategies: conventional, compensatory and cooperative. According to these strategies, a system of exercises for teaching speech interaction is being developed. Thus, when teaching a foreign language speech etiquette, one should take into account the necessary speech strategies and tactics inherent in the norms of the target language. At the same time, the culture of communicative behavior depends on the development of strategic competence. Studying a foreign language culture, Karakalpak students should learn about their culture. Therefore, in the development of technology for teaching English speech etiquette, we will proceed from the linguoculturological aspect of foreign language communicative competence, which are based on the following provisions: 1. Speech etiquette has linguistic meaning and are filled with extra-linguistic cultural meaning, therefore, their presentation should be based on speech models and the presentation of an appropriate amount of background knowledge to form a microscript / microframe in the minds of students; 2. The linguoculturological specificity of the speech etiquette can be realized in a comparative linguoculturological analysis; 3. Linguistic and cultural information should also use the communicative and pragmatic norms of communication; 4. The linguoculturological features of speech etiquette, in order to recognize and apply them adequately to the speakers of the target language, must be consolidated and activated with the help of a special system of exercises. In

teaching speech etiquette as a culture of communicative behavior, we will proceed from speech patterns of behavior. Behavior models are clearly represented in various speech-behavioral situations and linguocultural strategies, the content and norms of which are specific for each individual linguoculture. This is what determines the presence of a frame (script), personal attitudes and intentions, feelings, emotions [4:134]. And mastering linguocultural strategies is necessary in order to express - politeness, to know the tactics of entering into interaction with native speakers. It is known that insufficient knowledge of a certain amount of background knowledge leads to interference in the generation of behavioral patterns in communication. In this case, a particular difficulty is the restructuring of stereotyped thinking (switching cultural codes), conditioned in the native language.

Therefore, we completely agree with V.G. Kostomarov that the interconnected study of language and culture greatly facilitates the study of any language [3:162]. Despite the fact that etiquette behavior is a closed system. In a standard and stereotypical way, breaking this behavior can lead to *culture shock*. Therefore, a certain amount of background knowledge presented by the teacher in relation to the linguocultural specifics of the use of the speech etiquette in English will allow students to adequately establish and maintain contact with native speakers. For these purposes, we turned to the linguocultural aspect of foreign language communicative competence, which will make it possible to introduce additional extralinguistic information. Thus, the above, we can argue that it is appropriate to speak of the linguistic and cultural aspect as subcomponents of linguistic, sociolinguistic, sociocultural, strategic, discursive competences. Thus, the linguoculturological aspect of the speech etiquette is understood as the subcomponents of a foreign language communicative competence associated with the culture of communicative behavior.

References

1. Shansky N.M. What does it mean to know the language and be fluent in it. Leningrad: Education, 1989. 192 p.
2. Bim I.L. Theory and practice of teaching German in secondary school. Tutorial. Moscow: Education, 1988. 256 p.
3. Kostomarov V.G. Russian among other languages of the world, Moscow: Education, 1975, 175.
4. Makhkamova G.T. Intercultural context in teaching foreign languages. Proceedings of the scientific and practical conference. Toshkent: UzSWLU, 2007. pp. 133-136.
5. Orekhova I.A. Formation of linguoculturological competence in the process of teaching foreign languages // Foreign languages at school, 2004. No. 5. pp. 28-30.
6. Maslova V.A. Linguoculturology. 3rd ed. Moscow: Academy, 2007. 208 p.

Г.Э.ЛЕССИНГ “ДОНИШМАНД НАТАН” ДРАМАСИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ ТАЛҚИНИ

Маҳмудов Алишер Йўлдошевич, PhD
Қарши давлат университети

Annotation. This Article is about ideas of tolerance in German literature by German writer and playwright G.E.Lessing. He wrote his widely ideas about interreligion tolerance and humanism problems.

Keywords. Idee, interreligiöse Toleranz, Menschlichkeit, Problem, Erzählung, Ring, Judentum, Christentum und Islam, Richter.

Аннотация. Эта статья посвящена идеям толерантности в немецкой литературе немецкого писателя и драматурга Г.Э. Лессинга. Он широко писал свои идеи о проблемах межрелигиозной толерантности и гуманизм.

Ключевая слова. Идея, межрелигиозная толерантность, человечность, проблема, повествование, кольцо, иудаизм, христианство и ислам, судья.

Аннотация. Ушбу мақола немис ёзувчиси ва драматург Г.Э.Лессингнинг немис адабиётидаги толерантлик ҳақида. У диний бағрикенглик ва инсонпарварлик муаммолари ҳақидаги фикрлар кенг ёритилган.

Калит сўзлар. Ғоя, динлараро бағрикенглик, инсонпарварлик, муаммо, ривоят, узук, яҳудий, насроний ва ислом дини, қози.

Ўрта асрлар Европа адабиётида “Узук ҳақидаги ривоят”ни кўп учратамиз мумкин. Бадиий адабиётда “Узук ҳақидаги ривоят” уч дин – насроний, яҳудий ва ислом динларининг мажози образ сифатида қўлланилади. Лессингнинг “Донишманд Натан” драмасидаги “Узук ҳақидаги ривоят” билан танишар эканмиз, драмада “Уч узук ҳақидаги ривоят”ни ёритишдан мақсад нафақат дин вакилларининг дунёқараши, уларнинг келиб чиқиши ва анъаналарини акс эттириш, балки одамларни эзгулик сари бошлаш ҳам эди. Одамларнинг дунёқараши ва диний эътиқодлари орқали кейинги авлод вакилларининг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиш драманинг асосий мазмунини ташкил этади. Лессинг драмада “Уч узук ҳақидаги ривоят”и орқали ўзининг бутун орзу-ниятларини, турли динларнинг эзгу ақидаларини, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат ва дўстлик-биродарликни тарғиб этган эди.

Лессинг Натан образи орқали турли динларнинг вакиллари ўртасидаги низоларга барҳам бериш мақсадида “Уч узук ҳақидаги ривоят”ни Натаннинг султон Салоҳиддин саволларига жавоб тарздаги ривоят сифатида сўзлар экан, султонни бу хусусида чуқур фикр юритиб, мулоҳаза қилишга чорлайди. Драмада динлар тўғрисидаги баҳс-мунозара Натаннинг донишмандлиги орқали ечимини топади. Г.Э.Лессингнинг саъй-ҳаракатлари билан кишилик жамиятида толерантлик ва инсонпарварлик ижобий баҳоланди.

Драма ҳақида Бернд Боте (Bernd Bothe) ўзининг “Лессингнинг дин фалсафасига эътиқод ва эътирофлари” номли асарида шундай деган:

“Лессингнинг “Донишманд Натан” драмаси на комедия ва на трагедия, бу асар дидактик (насихатомуз драма) асар бўлиб, олмон адабиётида жаҳон аҳамиятига эга бўлган биринчи драмдир”. [Bothe 1972:80]

“Донишманд Натан” драмасида бошидан охиригача динлараро тотувлик, толерантлик масаласи етакчи ўринда туради. Драмадаги қаҳрамонлар – яҳудий, насроний ва ислом дини вакиллари бир сахнада иштирок этишиб, драма охирида бир оила қавмлари бўлиб бирлашадилар. Драманинг биринчи пардасида Натан характери яҳудий бой, савдогар сифатида гавдаланган. Асарнинг иккинчи пардасида Натан образи ва унинг характери, Салиб юришлари жангларида насронийлар томонидан оиласидан жудо бўлишига қарамай, барча динларнинг вакиллари аввало инсоний фазилатлари билан қимматли эканлиги акс этган. Шу билан бирга Натан насроний дини вакили Реҳани ўз қизи сифатида асраб олгани ва чин инсон қилиб тарбиялагани ёритилган.

Драманинг учинчи пардасида Натан диндор, донишманд, савдогарлик фаолияти унинг асосий характерини очиб беради. “Толерантлик масаласида Лессинг ижодида яҳудийлик дини эмас, балки ислом дини биринчи ўринда туради” [Niewohner 2002] – деган эди Ниевонер.

Лессинг турли динлар моҳиятини янада ёрқинроқ ифодалаш учун Натан сиймосида бойлик ҳам инсонийликка хизмат қилиши зарурлигини кўрсатади. “Шунинг учун унинг бойлик ва диний ҳақиқатга эришиш йўлидаги интилишлари ўзаро ҳамжиҳатликда кечади” [Gobel 1971: 182] – деган эди лессингшунос Х.Гобел.

Лессинг драмада яҳудийлик дини билан бир қаторда насронийлик ва ислом динини ҳам тасвирлар экан, бевосита маърифатпарварлик ғоялари билан бойитиб беради. Насроний дини вакили тамплиер (Рицар) асли мусулмон оиладан келиб чиққан бўлиб, унинг отаси султон Салоҳиддиннинг акаси Асад эди. Лессинг Рицарнинг отаси ёш мусулмон эканлигини, Натаннинг энг яқин дўсти эканлигини драманинг 4 ва 5 қисмларида таъкидлайди. Бу билан Лессинг яҳудийлик, ислом ва насронийлик динлари ўртасидаги диний-тарихий муносабатларга асосий эътиборни қаратган. Насроний қиз Реҳа ҳам

Асаднинг фарзанди бўлиб, яхудий Натаннинг қўлида тарбия топган. Роҳиб ва Реҳа султон Салоҳиддиннинг акаси Асаднинг фарзандлари бўлган.

“Мусулмон Асаднинг ҳақиқий фарзандлари бўлган насроний ўғил ва “яхудий” қиз “Уч узук ҳақидаги ривоят”даги қозининг ҳукмига кўра ҳеч шубҳасиз драманинг хулосасидир” – деган эди Сибюлле Бауер (Sibylle Bauer) ўзининг “Готтхольд Эфраим Лессинг” номли асарида. [Sibylle 1968: 359]

Лессинг драмадаги асосий фикрлари билан маданиятлар ва динлараро низолар тўғрисида ташвиқот юргизиш ўрнига динга эътиқоди бўлган ва бўлмаган кишиларнинг биродарлигини ўзаро диалогик нутқда ифодалаб берган. Лессингнинг “Донишманд Натан” драмасида кишиларнинг эркин турмуш тарзи ғоялари ифодаланганлигини биз шак-шубҳасиз долзарб мавзу сифатида баҳолаймиз.

XVIII асрдан бошлаб сахна юзини кўрган “Донишманд Натан” драмаси то ҳозирги кунгача муваффақият қозониб келмоқда. “Шундай экан, бу ҳақда комил ишонч билан айтиш мумкинки, “Донишманд Натан” драмаси дидактик асарлар сирасига кириб, муҳим шеърӣ драмалардан биридир”, деган эди Паул Раббе. [Paul 1978: 26]

Лессинг драмада барча миллатлар келиб чиқишига кўра бир оилани ташкил этади деган гуманистик ғояни илгари сурди. Султон Салоҳиддин билан Натан ўртасидаги суҳбатда ҳам шу ғоя очилади:

Салоҳиддин:

Нечун, бу камтарлик!

Унга жой йўқ совуқ ақл ёнида.

(Ўрнидан сакраб туради.)

Бас, етар сафсата! Ўтайлик ишга.

Найранг қилма, жухуд! Бўлгин самимий.

[Г.Э.Лессинг. Донишманд Натан 2005: 29]

Диалогик нутқни ислом маданияти билан бойитиш ва унинг устунлик даражасини юқори кўтариш учун драмада кўп қаҳрамонлар исмлари ислом дини вакиллари – Салоҳиддин, Зитта, Ал-Ғофий, Асад, дарвеш, Малик, Амир Мансур ва бошқалардан фойдаланган. Драмадаги серкирра диалоглар драманинг мазмуни ва қаҳрамонлар характерини очишга хизмат қилади. Турли халқларнинг худо ва динга нисбатан ишонч-эътиқоди Лессинг томонидан ҳолисона ёндошилган. Қаҳрамонларнинг айримлари ижобий, айримлари салбий хислатлар билан тасвирланади. Мисол учун Патриарх (Бош Роҳиб) бошқа динга нисбатан ишонч-эътиқодларга қарши ўрта асрга хос насроний дин асосчиси сиймосида тасвирланган бўлса, Натан, Салоҳиддин, Ал-Ғофий, Зитта, Рицар, Реҳа, шогирд-Роҳиб, Дайя ва барча тансоқчилар Бош Роҳибга қарши қўйилган. Драмада тасвирланган воқеа-ҳодисадан олдинги даврда Лессинг хунрезлик ва Салиб юришлари давридаги қирғинликни салбий маънода ифодалаган.

Драмада халқлар ўртасидаги дўстлик-биродарлик муносабатлари маданиятлар ва динлар борасидаги диалогик нутқ орқали янги манзара кашф этади. Лессинг фикрича, диалог орқали бошқаларга умумийлик ва ўзаро фарқлик ҳақида янги ғоялар бериши ва фикр алмашуви назарда тутилган. Икки томонлама диалог бўлмас экан, ўзаро бир-бирини тушуниш ҳам бўлмайди. Ўзаро бир-бирини тушуниш бўлмас экан, ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳам бўлмайди. Ишонч бўлмаган жойда тинчлик, ҳузур-ҳаловат ҳам бўлмайди балки адоват хавф солиб туради, деган мазмун асарда ўз ифодасини топади.

Буларнинг негизида 250 йил олдин ҳам, ҳозир ҳам қийин масала бўлиб келаётган – динлар ва маданиятлар ўртасидаги келишмовчиликлар ётганини эслаш кифоя.

Олмон мутафаккири Фридрих Шлегел (1772- 1829) шундай таъриф келтиради: “Агар ким Натан образини тушуниб англаса, Лессингни ҳам яқиндан танийди”. [F.Schlegel 1797] Демак, Лессинг ҳақиқий насроний ҳам, мусулмон ҳамдир. У бағрикенглик, толерантлик ғоялари орқали диний фанатизмга курашувчи маърифатпарвар шахс эди.

Шуни ҳам эсга олиш муҳимки, маърифатпарвар сифатида Шарқ ва Ғарб воқелигининг муштараклиги мавзусига нафақат Лессинг, балки Гёте, Ҳердер, Виланд ҳам эътибор

қаратишган. Олмон классикаси бошқа маданиятлар, айниқса ислом маданияти билан шуғулланган шоир ва ёзувчиларнинг асарлари орқали кўп бадий хазиналарга эришди. Булар сирасига, Лессингнинг “Донишманд Натан” драмасидан ташқари Йоханн Вольфганг Гётеннинг “Ғарбу Шарқ девони” (1819), Шиллернинг “Турандот” номли эртаги (1802), Ҳайнрих Ҳайненинг “Ал-Мансур” (1823) каби асарлари шулар жумласидандир. Вольтернинг “Муҳаммад” драмаси эса тинч-тотувликка, толерантликка қарши асар эди.

Лессингнинг “Донишманд Натан” драмасини ўқир эканмиз, биз барчамиз инсонпарварлик ва толерантлик борасидаги барча тарихий ва бадий ворисликни ўз зиммамизга олгандек бўламиз.

Адабиётлар

1. Bothe Bernd: Glauben und Erkennen - Studie zur Religionsphilosophische Lessing. Meisenheim am Glan. 1972.
2. Göbel Helmut: Bild und Sprache bei Lessing. München 1971.
3. Niewöhner, Friedrich: Der ferne Islam und das nahe Christentum – Gedanken nach Lessings Ringparabel, 2002.
4. Paul Rabbe: Das Lessinghaus in Wölfenbüttel. Ein Literaturmuseum für einen deutschen Schriftsteller des 18. Jahrhunderts. Wölfenbüttel 1978.
5. Sibylle Bauer: Gotthold Ephraim Lessing. Darmstadt. 1968.
6. Лессинг Г.Е. Донишманд Натан. Драматик поэма. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2005.
7. Schlegel F. Lyceum der schönen Künste. Ersten Bandes Zweiter Teil. Berlin 1797“.

“YOLG‘IZLIK MOTIVI” – ALBER KAMYU IJODIDA MUHIM MAVZU SIFATIDA

Asadov Mahmadiyov Turayevich,
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat
o‘zbek tili va adabiyoti universiteti
O‘zbekiston, Toshkent
e-mail: diyorbek.asadov@gmail.com

Annotatsiya: Maqolada “yolg‘izlik motivi”ning adabiyotda aks etishi, yolg‘izlik to‘g‘risida adabiyotshunoslar va yozuvchilarning fikrlari keltirilgan. Aynan Alber Kamyu asarlarida shaxs yolg‘izligi muammosi tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: yolg‘izlik, yakkalanish, begonalashuv, qahramon ruhiy holati,

Аннотация: В статье представлен «мотив одиночества» в литературе, взгляды литературоведов и писателей на одиночество. Работа Альбера Камю была посвящена проблеме одиночества.

Ключевые слова: одиночество, изоляция, отчуждение, настроение героя.

Annotation: The article describes the "motive of loneliness" in the literature, the views of literary critics and writers on loneliness. It was Albert Camus's work that addressed the problem of loneliness.

Keywords: loneliness, isolation, alienation, hero's mood.

Inson ruhiyati bilan bog‘liq psixologik tuyg‘u bo‘lmish “yolg‘izlik” tushunchasini bugun adabiyot bilan bog‘lashga ehtiyoj sezilmoqda. XX asrdan boshlab juda keng tarqalgan bu “adabiy g‘oya”ning ortida ko‘plab yozuvchi va faylasuflar yetishtirgan adabiy tarix o‘lchovi yotadi. Ular xatolar va tajribalardan kelib chiqib, yolg‘izlikni yoki shaxsiyatni o‘zlarining o‘tkir falsafiy mushohadalari orqali o‘z asarlariga aks ettirib bordilar.

O‘zini adabiy tarixning bu “daryo”siga tashlayotganda Kamyu “yolg‘izlik” motivi adabiyot orqali yorqin ifodasini namoyon eta olishi haqida o‘ylaydi. U yolg‘izlik va adabiyot o‘rtasidagi masofani aniq ko‘radi, his etadi va ishonadi. Ayniqsa, “yolg‘izlik” mavzusi Birinchi jahon urushini

boshidan kechirgan zamondoshlari uchun avvalgidan-da, muhimroq va ko‘proq tanish bo‘lib qolgan edi. Adabiyotshunos va yozuvchi Ulug‘bek Hamdam yozadi: “XX asrga kelib insonning turmush tarzi sivilizatsiya natijasida misli ko‘rilmagan darajada o‘zgardi, murakkablashdi, odamlarning o‘zaro muloqotiga putur yetdi – kamaydi, natijada ruhiy muloqot ehtiyoji insonning ichiga hibs etildi. Tashqaridan kutilgan baxt, najot ikki jahon urushi oqibatida sarobga aylandi va inson o‘z ehtiyojlari bilan yolg‘iz qoldi. Modernizmning ruhiy-psixologik asosi shu nuqtada boshlanadi” [Hamdamov, 2020:17]. Professor Muhammadjon Xolbekov o‘zining “Modernizm” nomli maqolasida “Modernizm tarafdorlari o‘zlari yashayotgan jamiyatning ibtidoiy betartibli, bugungi kunning chalkash va mazmunsizligi, zamonaning o‘ta tartibsizligi, kishilar ongidagi alg‘ov-dalg‘ov fikr-xayollar insonning yolg‘izlik his tuyg‘usi kuchayishiga, keskinlashuviga olib keldi deb hisobladilar” [Холбеков, 2015:128] deya fikr bildiradi. Kamyu esa: “Aslida eng to‘g‘ri so‘zlarimiz va eng omadli chaqiriqlarimiz ham o‘z mohiyatidan, ma‘nosidan mosuvo emasligini bilish masalasi turibdi. Agar til so‘zlamasa, demakki, soqov dunyoda insonning “oxirgi” yolg‘izligi shu bo‘ladi” [3:902] deb yozadi. Bu kabi muammo qo‘yish yolg‘izlik bilan kurashishda yoki o‘z asarlarida yolg‘iz qahramonlarni, ularning ruhiy kechinmalarini, kayfiyatini, ongosti qatlami tasvirlashda davom etadigan Kamyu ijodida, san‘atida takrorlanib turuvchi muhim asos hisoblanadi.

Fransuz adabiyotshunosi Dominik Rabate o‘zining “Yolg‘izlikning kashf etilishi” (“L’invention du solitaire”) asari muqaddimasida “**solitaire**” (*yolg‘iz, yakka*) so‘ziga ta‘rif berarkan, quyidagini bayon etadi: “Adabiyot tarixida “**solitaire**” nima uchun va qanday qilib kashf etildi va uni kim kashf etdi? Birinchi savolga yolg‘izlik bilan yozuvchi o‘rtasidagi munosabatlarni tarixiy davrlashtirish orqali javob berish kerak bo‘lsa, ikkinchi savolga esa biroz boshqacharoq qilib, aksincha yolg‘izlik ixtiro qilgan narsa bu modern adabiyotdir” [Rabaté, 2003: 8].

Rabate fransuz adabiyoti tarixidagi shaxs masalasiga chuqur yondashib, uni uch bosqichga ajratadi: Russo tomonidan shaxsning poklanishi; Bodler yuzaga keltirgan o‘zgarishlar va hozirgi davr (XX asrdan buyon).

Russoning adabiyotga kirib kelishi yozuvchi va yolg‘izlik o‘rtasidagi munosabatlarning adabiyot tarixida burilish nuqta bo‘ldi. Ma‘rifat asrida yozuvchilar va faylasuflar “xushmuomalalik”ka katta ahamiyat qaratganlar va “yolg‘izlik” hissi ularga o‘ziga xos xaos sifatida ko‘ringan. Russo yolg‘izlikni shaxsiy tanlov yoki erkinlik deb biladi. Uning fikricha, hamma boshqalarni dahlsiz huquq sifatida va o‘zgalarning yolg‘izligini hurmat qilishi kerak, deb hisoblaydi. Shu paytga qadar, ko‘plab yozuvchi va faylasuflar yolg‘izlik haqida gapirishgan, ammo Russo g‘oyasi adabiyot tarixida shaxsni tarbiyalash uchun zarurdir. Bu g‘oya yozuvchilarga *cogito cartésien* – Dekart falsafasi (ya‘ni, *fikrlayapman, demak men yashayapman*)ga qaytishga va odamlarning radikal (keskin) yolg‘izligiga e‘tibor berishida namoyon bo‘ladi. Polyak yozuvchisi Yan Parandovskiy yolg‘izlik ijodkor uchun eng qulay fursat ekanligini ta‘kidlab, “hamma narsa jimjitlikka va diqqatni bir joyga jamlashga, rahmdil sehrar – yolg‘izlikka bog‘liq bo‘lib turgan bir paytda, boshqa bir shaxsning malol keladigan darajada paydo bo‘lishi”ni yomon holat deya hisoblaydi va “Yolg‘izlik – mukammallik doyasidir” [Парандовский, 2016:89] deb yozadi. Shuningdek, Yan Parandovskiy jahon adabiyotining eng sara namunalari, “Ilohiy komediya”ning tersinalari, Goratsiyning she‘riy misralarining ajoyib sayqal topishi, Gyote “Faust”ning ikkinchi qismidagi xayoliy sharpalarni yaratishda yolg‘izlikdan qarzdor ekanligi, yolg‘izlikning Flober, Dikkens ijodidagi o‘rni, Avgustinning “Iqrornoma”si yolg‘izlik chog‘ida yozilib, sayqallanib eng sara ko‘ngil izhorlari bo‘lganligini aytib, “tanholikda fikr qanot yozadi, unga yetuklik baxsh etadi, unda so‘z o‘zining gullagan davrini boshdan kechiradi” [Парандовский, 2016:89-90] deb yozadi. Biroq shuni ham ta‘kidlash kerakki, Russo yolg‘izligi noaniq va chigaldir, chunki uning fikriga ko‘ra, tushunmovchilik hamda boshqalarning yovuzligi sababli va ulardan farqli ravishda chetlashishi kerak. Russo o‘zini boshqalardan ajratgan, yakkaolagan vaziyat o‘rtasida turganini, bu holatni barcha odamlar foydalanadigan huquq deb bilishiga o‘zini ishonitirishi kerak. O‘zining mashhur “Yolg‘iz sayr qiluvchilarning orzulari” asarida, yolg‘izlikning g‘ayrioddiy jihatlari haqida yozadi: “Nihoyat o‘zimdanda boshqa birodari, qo‘shnisi, do‘sti, jamiyati bo‘lmagan yerda yolg‘izman” [Rousseau, 1959:995]. Bizningcha, bu

parcha ma'lum paradoksni ham keltirib chiqaradi, chunki bunday vaziyatda Russoning chaqirig'ini hech kim eshita olmasligi, qabul qila olmasligi mumkin. Ammo Russo o'zini "yolg'izlatish" istagiga moyil bo'lsa-da, u shu bilan birga boshqalarning unga bo'lgan munosabati va jamiyatga bo'lgan qiziqishida davom etmoqda. Bu beqaror muvozanat Russo "yolg'izligi"ning eng katta belgisidir. U ikki ma'noli bo'lganligi sababli, yolg'izlik va do'stona munosabat hozirda zid (qarama-qarshi) emas. Inson jamiyatning bir qismidir va bir vaqtning o'zida u yolg'iz qolish huquqiga ham ega; yolg'izlikning "bo'sh maydoni" (shaxsga nisbatan) jamiyat bilan birga bo'lishi mumkin.

XX asr va hozirgi davr adiblari qahramon ichki monologini rivojlantirdilar. Ular o'z asarlarida jamiyatdan ajralib qolgan, surib chiqarib tashlangan yolg'iz qahramonlar holatini tasvirlashni istadilar. Kamyu esa haqiqiy hayot bilan raqobatlasha oladigan dunyoni yaratishni maqsad qilgan. Ichki monolog shubhasiz boshqalar uchun mo'ljallangan, ammo undan chiqishning iloji yo'q. Natijada, so'zlar bir-biri bilan qorishib, aralashib, bir-birini takrorlaydi va solipsizm (**solipsizm** – (lot. *solus* – bir, yagona, va *ipse* – o'zim) voqelikda faqat inson va uning ongi mavjud, ob'ektiv dunyo va boshqa odamlar shu individning ongidagina mavjuddir, deb hisoblovchi falsafiy nazariya. Sub'ektiv idealistik ta'limotning hammasi solipsizmga moyil (Berkli, Fixte, Max va boshqalar). Solipsizm insonning har qanday faoliyatini, shu jumladan, fanni ham ma'nosiz qilib qo'yadi, chunki uning vakillari har qanday narsani mening ongimga shunday bo'lib tuyuladi, xolos, deb fikr yuritashadi [7])ga moyil bo'ladi.

Shu asnoda XX asr modern adabiyoti sub'ektiv monada (**Monada** – (yun. *monas* – yagona, bo'linmas) turli falsafiy ta'limotlarda borliqning tuzilish elementlarini ifodalash uchun ishlatiladigan tushuncha. Pifagor ta'limotida son, neoplatonizm da bo'lsa yagonalik degani. Monadalar haqidagi ta'limot (monadologiya)ning asoschisi G.Leybnis hisoblanadi. Uning fikricha, monada ruhiy tabiatga ega bo'lgan, butun dunyoni o'ziga qamrab, aks ettira oladigan bo'linmas va faol birlamchi substansiyadir.)dan xalos bo'lish mumkinmi; solipsizmga chek qo'yiladimi; inson yolg'izlikdan qutila oladimi va shu kabi bir qancha muammolarni ko'ndalang qo'yadi. Bu xildagi savollar yozuvchi va faylasuflarni jamiyat uchun yangi imkoniyatlarini ko'rib chiqishga undaydi. Shuningdek, bu yerda paradoksal jamiyat haqida gap boradi. Xush, bunga erishish mumkinmi? Agar mumkin bo'lsa, adabiyot va yozuvchilar bunga qanday ishtirok etadi? Bu savol, asosan, Kamyuning san'at haqidagi g'oyasiga tegishli deyishimiz mumkin.

Xo'p, Kamyu ijodida yolg'izlik muammosi qanday kechadi. Yozuvchiga o'z san'atini to'la namoyon qilish uchun yolg'iz qolish mumkin bo'lgan vaqt va lahzalar kerak. U yolg'izlik bilan bog'liq munosabatlari badiiy aks ettiradi. Hamma joyda, yon-atrofida, ish stolida, daftarlarda yolg'izlik va yakkalik hissi haqida bir nechta eslatmalar yozishi mumkin. Boshqa ijodkorlar singari, Kamyu ham o'z ijodiy faoliyati uchun boshqalardan uzoqlashishga, o'zini yakkalashga ehtiyoj sezadi. Yolg'izlik Kamyu uchun san'ati, ijodining muhim sharti bo'lib qoladi va u o'z qahramonlari xarakterida buni aks ettira oladi. Ba'zan ular qamoqxonada o'tirishadi, ba'zida yopiq shaharda qolishadi, ba'zan esa o'zlarini begona yurtdagi begonalar orasida ajratib qo'yishadi. Agar sabab yoki tafsilot har bir belgi va har bir hikoyaga ko'ra farq qilsa-da, shubhasiz ularning turli vaziyatlari o'rtasida o'xshashlik mavjud. Boshqa tomondan, diqqatga sazovor jihati shundaki, Kamyu qahramonlari garchi yolg'izlikdan qutilib ketishga umid qilmasalar-da, ular boshqalar bilan munosabatlarni o'rnatishga ko'proq umid qilishadi. Shuning uchun ham ular qarama-qarshi fikrga ega: ular yolg'izlikni ushlab qolishni xohlashadi, ammo parallel ravishda boshqalar bilan rishtalar o'rnatishga intilishadi; ular boshqalardan uzoqlashishni, balki ularga yaqinroq bo'lishni istashadi.

Keyinchalik, Kamyu o'z asarlarida har xil yo'llar bilan murojaat qiladigan o'lim motiviga yolg'izlikning bir shakli, bir sababi, ya'ni boshqacha aytganda, keraksiz narsa deb qaraydi. Absurd va isyon turli xil o'lim bilan bog'liq, ya'ni, o'z joniga qasd qilish va qotillik. Bu o'rinda, Kamyuda yolg'izlik mavzusi tobora muhim ahamiyat kasb eta boshlaydi. Eng muhimi shundaki, Kamyu ushbu mavzuda yozish kerakligini his qiladi, ongli ravishda yoxud ongsiz ravishda bo'lsin u o'z san'atida yechilmas tugunni ko'radi. Agar biz yakkalanish va birlashish g'oyalarini hisobga olsak, yozuvchi bitta mavzuni boshqasidan ajratib, uni o'ziga xos xususiyatini oshirib, uni san'at asariga

aylantiradi. Darhaqiqat, Kamyu turli asarlarda yolg'izlikni o'z san'atining muhim mavzularidan biri sifatida tanlaydi.

Adabiyot

1. Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernizm. – T.: Akademnashr, 2020. –B. 17.
2. Холбеков М. Модернизм. Jahon adabiyoti, 2015, № 5. – B. 128.
3. “Sur une philosophie de l’expérience”, I, - P. 902.
4. Dominique Rabaté. “Introduction”, in Modernités 19 : L’invention du solitaire, Presse Universitaires de Bordeaux, 2003, -p. 8.
5. Ян Парандовский. Сўз кимёси. Jahon adabiyoti, 2016, № 4. – B. 89.
6. Jean-Jacques Rousseau, Les Rêveries du promeneur solitaire, in Œuvres complètes, tome I, Gallimard, coll. “Bibliothèque de la Pléiade”, 1959, -p. 995.
7. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/s/solipsizm/>

HOZIRGI NEMIS VA O'ZBEK TILIDA O'ZLASHMA SO'ZLAR VA O'ZLASHMA NEOLOGIZMLAR

Gullola Boboqulova,

Qarshi davlat universiteti magistranti

Chet tilidagi so'zlarning tilimizga kirib kelishi va ularning ishlatilishi tilimizda ma'lum bir yangi so'zlarning paydo bo'l'ishiga sabab bo'l'adi va bu turdagi so'zlar guruhi o'zlashma so'zlar deyiladi. O'zlashma so'zlarning asosida so'zlar yotadi ya'ni o'zlashma so'zlarning shakllanishi hech qanday o'zgarishlarsiz tilimizga o'zining shakli va ma'nosi bilan kirib kelishi kuzatiladi. Masalan bar, film, lider. O'zlashma so'zlarning aksariyati bu tarjima qilingan so'zlardir. Bunday so'zlarning ikki asosiy turlari mavjud bo'l'ib, ular quyidagilardir:

Chet tilidan kirib kelgan so'zning ma'nosi va shakli jihatdan o'zbek tiliga tog'ri kelishi va qo'llanilishida ko'rishimiz mumkin. Masalan confort (uy xizmatlari) ingliz tilida comforts kabi ifodalanadi. Yoki o'zbek tilidagi autoritar so'zi bir necha yil oldin “rendere autorevole”, ya'ni ‘mustaqil ishlamoq’ ma'nosini anglatadi.

To'gridan-to'g'ri tarjima kalka usulida o'zbek tiliga chet tilidan tarjima qilingan so'zlar guruhi: ingliz tilidagi sky-scraper; nemis tilidagi klassen kampf.

O'zlashma so'zlar tillar orasidagi bog'liqlikni namoyon etuvchi muhim jarayondir. O'zlashma neologizmlarning ikki tillilik (bilinguizm) bilan munosabati, so'zlovchilar tomonidan holat va joyga qarab ikki tildan foydalanish davomida ko'rinadi. O'zlashma so'zlarning kelib chiqishi xalq tili yoki boshqa tillarning ta'sirida ham yaqqol ko'rinadi, bundan tahsqari ikki tilning bir-birini qadrlashida ham namoyon bo'l'adi. Bunday holat nemis va roman tillarida kuzatiladi. O'zlashma so'zlarni muhimlik va boylik tomonidan farqlashimiz mumkin. Birinchidan so'z qachonki referent (ya'ni obyekt va g'oya, fikr) bilan birga bo'l'sa, masalan patata gaytan so'zi bo'l'ib italyan tiliga ispan tili orqali kirib kelgan yoki caffe so'zi turk tilidan, zero arab tilidan (roman sonlarida zero ya'ni nol mavjud bo'l'magan) tram, transistor, juke-box kabi so'zlar ingliz tilidan kirib kelgan.

O'zlashma so'zlarning boylik jihatdan stilistik va ijtimoiy holati muhim o'rin tutadi. Jamiyatni, madaniyatni, yashash sharoitini eslashga xizmat qiladi: o'zlashma so'zlarning boyligi leader, flirt, baby-sitter, week-end so'zlarida ko'rinadi. Ingliz tilidagi so'zlar va birikmalar ba'zida ularning qisqaligi qulaylik tug'diradi: ya'ni jurnalistika tilida, sohasida uchrab turuvchi so'zlarni tushuntirib beradi, masalan boom, show italyan tilidagi ekvivalentlari quyidagilar show (teatrning turi, bir necha har xil bo'g'ing'lardan tashkil topgan italyan tilidagi ekvivalenti sit-in ma'lum bir joyda tomoshabinlarni yig'ish). O'zlashma so'zlar yozma va og'zaki shakllar orqali tilga kirib keladi. Tunnel so'zi yozma til orqali kirib kelgan. Agar tunnel so'zi og'zaki tildan kirib kelganda edi tanel deb talaffuz qilinar edi xuddi ingliz tilidagidek. Budget aksincha badjet deb talaffuz

etiladi, chunki ogʻzaki tildan kirib kelgan. Shunday turdagi ingliz soʻzlari borki, ular Oʻzbekistonda har xil talaffuz etiladi, masalan: inglizcha talaffuz oʻzbekcha talaffuz, flirt | flə:t | flɛrt | flɛrt | flir, ingliz talaffuziga oʻxshatish oʻzbekcha talaffuz.

Quyidagi talaffuz turlari har xil faktorlardan kelib chiqadi, shuningdek chet tilini yaxshi bilish ham muhim oʻrin tutadi. Shuni ham aytib oʻtishimiz joizki oʻzbek tiliga kirib kelgan baʼzi bir soʻzlarga hech qanday oʻzgartirishlar kiritilmagan, jumladan flirt, leader va boshqa soʻzlar. Oʻzbek soʻzlashuvchilari orasida ingliz fonetikasi va anglitsizmlarni juda yaxshi oʻrnashib olishgan, yuqorida koʻrib oʻtilgan bar, film, sport, flirt va boshqalar kabi.

Haqiqiy oʻzlashma oʻzlashma neologizm va chet tilidan kirgan soʻzning maʼnosini va koʻchma maʼnolarini toʻgʻri farqlay olishimiz zarur. Misol qilib baʼzi bir Oʻrta Sharq olimlari oʻzlashma soʻzlarni yaxshi eslay olishgan, ammo ularni talaffuz eta olishmagan shu vaziyatda ular soʻzlarning koʻchma maʼnolarini qoʻllashgan. Oʻzlashma neologizmlarga nimalar kiradi? Ot, feʼl va sifat soʻz turkumlariga oid soʻzlar kiradi. Oʻzlashma feʼllar va sifatlar ikki lingvistik tor maʼnoda uygʻunlashadi va bundan tashqari bilingvistik sharoitni yaratadi. Yana shuni ham aytib oʻtishimiz joizki oʻzlashma soʻzlar morfologiyaning elementlari ham deyiladi.

Zamonaviy lingvistika oʻzlashma neologizmlarni (yunoncha “neos” yangi va “logos” soʻz) lingvistika evolyutsiyasining asosiy personaji sifatida taʼkidlaydi. Yangi soʻz bu leksikaning boyishi demakdir. Yangi soʻzning shakllanishidagi barcha jarayonlar neologiya deb ataladi.

Oʻzlashma neologizmlar qayerda xabar va yangiliklar tezlikda tarqalsa oʻsha hududlarda tez shakllanadi va rivojlanadi. Yuqorida aytib oʻtilganidek oʻzlashma neologizmlar tilda mavjud soʻzlardan, qisqartirilgan soʻzlardan, acronimlardan va bir soʻzning tovushlarini oʻzgartirish orqali ham yasalanadi.

Oʻzlashma neologizmlarning tilda paydo boʻlishi va yoʻqolishi uning tilga qabul qilinganligida yoki lugʻatlardan joy olganligida namoyon boʻladi. Agar oʻzlashma neologizmlar jamiyat fuqarolari tomonidan qabul qilinib foydalanilayotgan boʻlsa, bu oʻzlashma neologizmlar lingvistika va lugʻatshunoslikda ham qabul qilingan hisoblanadi. Oʻzlashma neologizmlarning paydo boʻlishi tilning rivojlanishida, oʻzgarishida oʻzining muhim oʻrniga ega. Tilda oʻzlashma neologizmlarning quyidagi turlari kuzatiladi: Oʻzgaruvchan – yangi maʼnoli, birgina madaniyat vakillari tomonidan tor maʼnoda qoʻllanilgan oʻzlashma neologizmlardir. Tarqalgan – jamiyat tomonidan ishlatiladigan, ammo hali lingvistik jihatdan qabul qilinmagan oʻzlashma neologizmlar. Turgʻun, stabil – barcha taniydigan, foydalanadigan va davomiylikga ega oʻzlashma neologizmlar.

Terminalogik tizimdagi oʻzlashma neologizmlar maʼlum bir sohadagi tushunchani ifodalab, ular maʼlum predmetlar guruhiga, jarayonlariga oid tushunchalardir. Har bir terminologik guruhda umumiy bir unsur boʻladi. Masalan, til birlikaridan agro soʻzi – agronomiya, agroiqtisodiyot, agrobiznes, agrosanoat kabi oʻzlashma neologizmlar uchun asosiy unsur hisoblanadi.

Yangi soʻz yasashda asosan morfologik, morfologik-sintaktik, leksik-semantik va leksik-sintaktik usullar mavjud. Hozirgi zamon tillar leksikasini boyituvchi eng mahsuldor usullardan biri – bu soʻz yasashning morfologik usulidir. Bu usul affikslar va soʻz qoʻshish yordamida amalga oshiriladi.

Affiksasiya – bu oʻzakka u yoki bu soʻz yasovchi vositalarni qoʻshish orqali soʻz yasashdir. Affikslar yordamida soʻz yasashning uch turi mavjud: suffikslar yordamida, prefikslar yordamida va suffiks-prefikslar yordamida. Shuningdek, affikslarsiz va soʻz qoʻshish orqali ham soʻz yasash mumkin. 1. Suffikslar yordamida atama yasaliishi: Iqtisodiyot sohasida, umuman olganda kasb-hunarga oid oʻzlashma neologizmlar yasaliishida -er, -r, -ment, -ist suffikslari unumli hisoblanadi: Masalan: Import + er = Importer - Import qiluvchi, Insure + r = Insurer – Sugʻurtachi, Rent + er = Renter – Ijarachi, Pay + ment = Payment – Toʻlov, Special + ist = Specialist – Mutaxassis.

Bu usulda yasalgan ayrim kasb hunarga oid oʻzlashma neologizmlar baynalminallashib bormoqda: Masalan: Auditor – Auditor, Banker – Banker, Broker –Broker (dallol), Dealer – Diler (sotuvchi), Investor (pul bilan taʼminlovchi shaxs), Manager – Menejer

Adabiyotlar:

- 1.Duden. Deutsches Universalwoerterbuch.Zuerich,2011.S.211.
- 2.Axmedov A.B. Hozirgi nemis tili leksikasida innovatsion jarayonlar. Toshkent-2018.

CULTURAL CONFLICT IN THE CLASSROOM: MULTICULTURAL BELIEFS AND VALUES

Eshmuratov Umidjon Temurovich

Termiz State University

Termiz, Uzbekistan

e-mail: umid8419@mail.ru

Abstract. *Cultural conflict occurs when people expectations of a certain behavior coming from their cultural backgrounds are not met, as other home different cultural backgrounds and different expectations.*

